

ДОКТОР ОИЗ ҚАРНИЙ

ЎКИНМА

БИРИНЧИ КИТОБ

«Тошкент ислом университети»
нашиёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2015

28- Ислом

УЎК: 297.18

КБК: 86.38

87 K-24

Ўкинма / доктор Оиз Қарний. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015. - 288 б.

КБК 86.38

Уишу китоб сизга: "Хушчақчақ ва баҳтли бўлинг, яхшилик томонини изланг ва тинчланинг", дейди. Ҳаётга ўз ҳолича боқишини, мамнун, қувноқ ва шод яшашни ўргатади. Йўналишлар, одамлар, замон ва маконлар билан муомала қилишида фитратга зид хатоларни тузатади.

МАСЬУЛ МУҲАРРИР:

Мубашишир АХМАД

ТАРЖИМОНЛАР:

Абдулҳодий ГИЁС


Фарҳод АБДУЛҲАЛИМ ўғли

Зиёвуддин АБДУЛҚАЙЮМ ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2014 йилдаги 3768 рақамли
тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-4453-5-2

© «Тошкент ислом университети»
нашириёт-матбаа бирлашмаси, 2015



N1 32106
211g1

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

МУҚАДДИМА

Аллоҳга ҳамд бўлсин. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), оилалари ва сахобаларига дуюю саломлар бўлсин.

Ушбу “Ўқинма” китобини ўқиб, амал этишга киришишдан олдин уни соғлом мантиқ ва ақл муҳокамасига топширинг. Шунда мазмунни бехато англайсиз.

Тасаввур ва ҳис қилмасдан бурун бирор нарса ҳақида холоса чиқариш адолатсизликдир. Ўрганмасдан, фикр юритмасдан, даъвони эшитмасдан ва ҳужжатни кўрмасдан фатво чиқариш илм-маърифатга терсдир.

Ушбу китоб сиқилганлар, ғам-ташвиш чекаётганлар, мусибатзадалар, изтироб сабабли уйқусизлик азобига йўлиққанлар учун ёзилган. Аслида, бундай вазиятлар деярли ҳамманинг бошида бор.

Китобда намуналар, байтлар, қаҳрамонлар, ибратлар, фойдалар, ҳикоялар ва қиссалар келтирилган. Уларда ғамгин юраклар, чарчаган кимсалар ва ўксик нафслар даволар кўрсатилган.

Ушбу китоб сизга: “Хушчақчақ ва баҳтли бўлинг, яхшилик томонини изланг ва тинчланинг”, дейди. Ҳаётга ўз ҳолича боқишини, мамнун, қувноқ ва шод яшашни ўргатади. Йўналишлар, одамлар, замон ва маконлар билан муомала қилишда фитратга зид хотоларни тузатади.

У сизни ҳукмлардан юз ўгиришдан, одамлар билан хусуматлашишдан ва далил-исботларни қабул қилмасликдан қаттиқ қайтаради. Ҳатто ёнгинангизда туриб, руҳингиз билан бир бўлиб, келажагингиз яхши бўлиши учун хотиржамликка, билганларингизга ишонишга, иқтидорингиздан фойдаланишга,

Үкинма

ҳаётда йўқотганларингиз, умр ғам-ғуссалари ва машаққатларини унтишга чақиради.

Шеър:

*Бунда дурлар қададим, шаксиз,
Күёсисиз ҳам соча олур нур.
Икки кўзи сеҳрсиз, безаксиз,
Пешонаси қиличдан ўткир.*

*Ярқирайди ойсиз ҳам шуур
Офаринлар киприк, бўйинга,
Қора кўзга баҳтдан сўз очур
Ва тажалли этган Кўнглимга.*

“ЭЙ АЛЛОҲ!”

“Осмонлар ва Ердаги (барча) жонзот (ҳожатларини) Ундан сўрар. Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир¹”²

Агар денгиз қутурса, бўронлар авжига чиқса, кемадаги кишилар “Эй Аллоҳ!” дерлар.

Агар саҳродағи киши адашиб қолса, карвон йўлини йўқотса, тудагилар йўлда саросимага тушса, “Эй Аллоҳ!” дерлар.

Агар баҳтсизлик рўй бериб, фалокат содир бўлса, мусибатга дучор бўлган бечоралар “Эй Аллоҳ!” дерлар.

Агар талабгорлар қаршисида эшиклар ёпилса, тиланчилар юзларига парда тўсилиб, унут бўлиб кетсалар, “Эй Аллоҳ!” дерлар.

Агар хийлалар иш бермаса, йўллар торайган бўлса, орзулар тугаб қолса, арқонлар узилиб кетса, “Эй Аллоҳ!” дерлар.

Агар шу кенг ер сиз учун торайиб кетса, нафсиниз машаққатларни кўтара олмай қолса, сиз ҳам “Эй Аллоҳ!” денг.

¹ Аллоҳ таоло кеча ва қундузнинг ҳар бир дакика ва сониясида бирор ишни килиб турган бўлади. Масалан, биронни кечиради, бироннинг ҳожатини чикаради, кимнингдир даражасини кўтариади ёки пастлатади, ниманидир яратади, кимларнидир вафот эттиради ва ҳоказо.

² Ар-Рахмон сураси 29-оят

Шеър:

Замон ғажиб сўнгакларимни
Замин юзин қопласа ғубор,
Муножотим бўлдинг дилимда,
Муножотга айландим хушҳол.

Субҳидамда номингни айтиб,
Истар бўлсам Сени телбавор,
Яна тонгга келурман қайтиб,
Табассумга айланар изҳор.

Яхши сўзлар, самимий дуолар, юракдан чиқсан нидолар, айбиз кўзёшлар, ғамли зорланишлар Унга кўтарилади.

Саҳар вақти очилган кафтлар, ҳожат пайти кўтарилиган қўллар, зулм кўргач йиғлаган кўзлар, мусибат ҷоғи сўраган қалблар Унга интилур.

Тиллар Унинг номи ила куйлайди, сўзлайди, ёрдам сўрайди, нидо қиласди. Қалблар Унинг номи ила хотиржам бўлади, кўнгиллар таскин топади, ҳислар сокин бўлади, асаблар тинчланади, эс-хуш ўзига келади, ишонч қарор топади. “**Аллоҳ бандаларига меҳрибондир**”³.

“Аллоҳ” исмларнинг энг гўзали, ҳарфларнинг энг чиройлиси, сўзларнинг энг тўғриси, калималарнинг энг бебаҳосидир. “**Унга тенг бирор зотни билурмисиз?!“⁴**

“Аллоҳ” беҳожатлик, боқийлик, қувват, нусрат, азизлик, қудрат, ҳикмат демакдир. “**Бугун подшоҳлик кимникидир?**” Воҳид (ягона) ва Қаҳҳор (ғолиб) **Аллоҳникидир**”⁵.

“Аллоҳ” лутф, иноят, ёрдам, мадад, муҳаббат, эҳсон демакдир. “**Сизларда қайси бир неъмат бор бўлса, албатта, у Аллоҳдандир**”⁶.

³ Шўро сураси 19-оят

⁴ Яни, унга ўкшаш ёки тенг ёхуд отдош зот йўқдир. Ҳатто бут ва санамларга сигинувчилар ҳам уларни “Аллоҳ” деб эмас, “илоҳ” деб аташган.

⁵ Марям сураси 65-оят

⁶ Гофири сураси 16-оят

⁷ Нахъл сураси 53-оят

Аллоҳ жалолат, азамат, ҳайбат ва куч-кудрат эгасидир.

Шеър:

*Саҳар чоғи тўқиламан сажжодага
Бир пок ҳарфинг илинжида титрар қалам.
Оқиб кирап зикрларинг дил хонага
Оразингдан нур эммоққа маҳтал мен ҳам...*

*Аё Раббим!!! Кудратингга йўқдир тараф,
Йўқ тирик жон останонгга чўкмаган тиз
Бир бор раҳмат нигоҳила боқсанг қараб,
Минг ўйл қуриб ётса, тирик яна илдиз...*

Эй Аллоҳ, изтироб вақтида тасалли бер, ғамнинг мукофоти қилиб сурур юбор, хавф пайти омонлик етказ.

Эй Аллоҳ, қалб оташини ишонч музи билан совит, қўнгил чўғини имон суви билан ўчир.

Эй Раббим, бедор қўзларга уйқу, изтиробли қалбларга сукунат бер. Уларга мадад бер. Эй Раббим, саросимага тушганларни Нулинг томонга, йўлдан адашганларни Йўлинг томонга, ҳидоятдан тойганларни ҳидоятингга бошла.

Эй Аллоҳ, васавасаларни чин тонг нури билан кетказ, қалб хатоларини ҳақиқат қўшини ила мағлуб эт, шайтон хийлаларини фаришталаринг жамоаси ёрдамида қайтар.

Эй Аллоҳ, биздан ўкинч ва ташвишни, нафсларимиздан изтиробни кетказ.

Хавфдан паноҳ сўрасак, фақат Сендан сўраймиз, фақат Сенга суюнамиз. Сенгагина таваккал қилиб, ёрдамни фақат Ўзингдан тилаймиз. Сен бизнинг дўстимизсан.

БАХТЛИ БЎЛИНГ!

* Имон ва солиҳ амал пок ҳаётингиз сиридир. Бу икковини қўлга киритиш учун ҳаракат қилинг.

- * Илм ва маърифат талабида бўлиб, китоб ўқишига одатланинг. Чунки мутолаа ғамни кетказади.
- * Доимо тавбада бўлинг ва гуноҳлардан бутунлай четланинг, чунки гуноҳ ҳаётиңгизни заҳарлайди.
- * Одамларга ҳар қандай яхшиликни раво кўринг, шунда қалбингиз шод юради.
- * Шижаотли бўлинг, журъатсиз ва қўрқоқ бўлманг. Шижаот қалбга роҳат баҳш этади.
- * Қалбингизни ҳасад, гина, адабсизлик, ғирромлик ва барча хасталиклардан покланг.
- * Бошқаларга қараш, уларнинг ишларини гапириш, қулоқ солиш, одамларга аралашиш, ейиш ва ичишнинг кўпини тарк этинг.
- * Самарали ишлар билан банд бўлинг, шунда ғамхафаликни унутасиз.
- * Шу бугун билан яшанг, ўтиб кетган ёки энди келадиган дамларингизни унутинг.
- * Кўриниш, топиш, саломатлик ва шу кабиларда ўзингиздан пастларга қаранг.
- * Эҳтимолларнинг энг ёмонини чамалаб кўринг, кейин у содир бўлганида ҳам воқеликка қараб ўзингизни тутинг.
- * Зехнингиздаги кўрқинчли хаёллар ва ёмон фикрларга ён берманг.
- * Ғазабланманг, сабр этинг, ғазабингизни ичингизга юting, ҳалим ва олижаноб бўлинг, чунки умр жуда кисқадир.
- * Неъматлар кетишидан, мусибат-бало келишидан хавфсираманг, балки ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга тавакkal қилинг.
- * Муаммоларга ўз ҳолича қаранг, ҳодисаларни катталаштириб юборманг.
- * Фитна қилиш, тил бириктириш ва бирорга муаммо етишини кутиб туришдан халос бўлинг.
- * Ҳаётиңгизни соддалаштиринг, дабдабали яшашдан воз кечинг. Ортиқча нарсалар билан яшаш ортиқча ташвишларга сабаб бўлади. Жисмнинг фароғатда бўлиши руҳ учун азобдир.

Ўқинма

* Кўлингиздаги неъмат билан бошингизга тушган муаммоларни солиштириб чамалаб кўринг, шунда йўқотганингиздан кўра топганингиз кўпроқ эканини биласиз.

* Сиз ҳақингизда айтилган ёмон сўзлар ҳеч қачон сизга зарар бермайди, балки ўша сўзни айтган кишига зиён етади. Сиз уларни ўйлаб ҳам ўтирунг.

* Фикрларингизни тўғрилаб олинг, ўзингизга етган неъмат, муваффақият ва фазилат устида фикр юритинг.

* Бирор кишидан раҳмат кутиб ўтирунг, ҳеч кимнинг устида бундай ҳаққингиз йўқ. Балки яхшилини Аллоҳ розилиги учунгина қилинг.

* Фойдали режа тузинг. Ғам-ташвишингизни унтиш учун тузган режангиз билан машғул бўлиб фикр юритинг.

* Муаммоларингизни ечинг, режангиз йўлидаги тўсиқларни шу заҳоти йўқотинг, бугунги ишингизни эртага қолдирманг.

* Ўзингизни муносиб, фойдали машғулотларга бағищланг, роҳат оладиган ишларни қилинг.

* Аллоҳ сизга берган неъматлар устида фикр юритинг, улар ҳақда гапириб Ўзига шукр айтинг.

* У сизга ато қилган саломатлик, мол-дунё, оила ва ишга қаноат қилинг.

* Яқин ва узоқ кишиларингизнинг яхшиликлари ни кўринг, айбларидан кўз юминг – муомала қилинг.

* Бирорларнинг хатоси, миш-мишлар, адашишлар ва одамлар ҳақидаги хабарларга эътибор бераверманг.

* Пиёда юришга, спортга ва соғлигингизга аҳамият беринг, чунки соғ танда ақл соғлом бўлади.

* Аллоҳдан кечиришини, офият, яхши ҳолат ва тан соғлик беришини доим дуо қилиб сўранг.

ФИКР ЮРИТИНГ ВА ШУКР ҚИЛИНГ

Аллоҳ сизга берган неъматларни эсланг. Ўша неъматлар устингиздан ҳам, оёғингиз остидан ҳам сизни ўраб олгандир. Аллоҳ таоло айтади: “Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саногига ета олмайсизлар”⁸.

Тана соғлом, юрт тинч, озиқа ва кийимлар муҳайё, ҳаво ва сув... Демак, дунё сизнинг қўлингизда-ю, уни ҳис қилмаяпсиз. “(Эй инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйин сундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берганини кўрмадингизми?!”⁹; “Бас (эй инсонлар ва жинлар), Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!”¹⁰

Тилингиз, лабингиз, икки кўзингиз, қўлингиз ва оёғингиз тўқис – шундай тугал ҳаётга эгасиз-да, уни билмаяпсиз. Ўйлаб кўринг-чи: кесилган оёқ билан юриш осон ишми? Оғриқ забтига олиб турганида кўзингизни юмиб ухлай олармидингиз ёки иштаҳа тусаб турган овқатни еб ёки совуқ сувни ича олармидингиз? Шундай кишилар бор, овқат уларнинг кўнглини хира қиласди, ичган суви заҳар бўлиб, касалга мубтало этади. Кулоғингиз ҳақида фикр юритинг: сиз кар эмассиз эшитасиз. Кўзингиз ҳақида ўйланг: кўр эмассиз. Терингизга боқинг: сиз песлик ва моловликдан нажот топгансиз. Ақлингиз тўғрисида тафаккур қилинг: ақлингиз мукаммал бўлгани учун жиннилик ва довдирлика чалинмадингиз.

Битта кўзингизни тоғдек олtingга алиштирасизми? Ёки қулоғингизни бемисл кумуш эвазига сотишни эп кўрармидингиз? Тилингизнинг соқов бўлиши эвазига қимматбаҳо қасрни сотиб олишни хоҳлайсизми? Қўлингиз кесилиши эвазига гавҳар

⁸ Иброҳим сураси 34-оят.

⁹ Лукмон сураси 20-оят

¹⁰ Ар-Рахмон сураси 13-оят.

ва ёқутлар берилишини истайсизми? Сиз ўзи аслида энг афзал неъматлар ичидасиз, лекин ўзингиз билмайсиз. Ғам-ғусса, маҳзунлик ва тушкунликда яшайсиз.

Олдингизда иссиқ нонингиз, совуқ сувингиз, тинч уйқунгиз, бенихоя оғият турса-да, йўқотган арзимас нарсаларингизни ўйлайсиз, борига шукр қилмайсиз. Молиявий заардан безовта бўласиз. Аслида, ихтиёрингизда саодат калити, хисобсиз яхшилик, иқтидор, неъмат ва бошқа эзгу нарсалар бор. “Ўзларингизда ҳам. Ахир, (уларни) кўрмайсизми?”¹¹. Шулар ҳақида ва ўзингиз, аҳли аёлингиз, уйингиз, ишингиз, саломатлигингиз, дўстларингиз ва атрофингиздаги дунё ҳақида фикр юритинг. “(Улар) Аллоҳнинг неъматини биладилар, сўнгра уни инкор этадилар”¹².

ЎТГАН ИШ ЎТДИ

Ўтган ишни эслаб, унинг таъсирига тушиш, уни хотирлаш ҳамда фожиаларга хафа бўлиш аҳмоқлик ва телбалиқдир. Шунингдек, иродани синдириш ва ҳозирги ҳаётни совуриш ҳамдир. Ақлли кишилар наздида ўтган ишлар яширин тутилади, оғиздан-оғизга кўчирилмайди. У доимий унутиш зинدونига қулфланиб, бепарволик қамоқхонасига мустахкам арқон билан чандиб ташланади. У ҳеч қачон чиқариб юборилмайди. Зиндон ёруғлик кўринмайдиган даражада ёпилади.

Бу ишлар энди ўтиб кетди ва тугади. Ўкиниш уни қайтармайди, ғам ўнгламайди, қийинчилик тирилтирмайди. Чунки улар йўқ бўлиб кетди. Сиз ўтган замон босинқирашида, унинг йўқ бўлиб кетган сояси остида яшаманг. Рухиятингизни ўтмиш хаёлотидан сақланг. Нима, сизнингча, сув анҳор бошланган жойига қайтиб кетадими, куёш чиққан жойига ботадими, бола она қорнига, сут кўкракка ва кўз

¹¹ Зориёт сураси 21-оят.

¹² Нахъ сураси 83-оят.

ёши кўзга қайтадими? Қайтмайди! Демак, ўтган замонга қайғуришингиз, ундан безовта бўлиб, ёндириб кул қилувчи оловида куйишишингиз, остонасига қулашингиз қўрқинчли ва даҳшатли ишдир.

Ўтган замондафтарини ўқишишингиз бугунги кунингизнинг йўқ бўлиши, ҳатти-ҳаракатларингиз парчаланиб, ҳозирги воқелигингизни барбод қилишдир. Аллоҳ, таоло ўтган уммат ва уларнинг қилган ишларини эслатганидан кейин кетидан бундай деган: “Улар ўтиб кетган уммат(лар)дир...”¹³ Иш тугаб, ўтиб бўлган, замон жасадини ёриб кўриш ва тарих ғилдирагини орқага қайтаришдан фойда йўқ.

Ўтиб кетган ишга қайтмоқчи бўлган одам худди унни яна тегирмонда қиласман ёки арраланган ўтин қипиғини қайтадан арралайман деган одамга ўхшайди. Қадимда ўтганларга йиғловчи кишига “Йиғлаганинг билан ўликлар гўридан чиқиб келмайди”, дейишган.

Эшакка: “Нима учун сени етаклашганида тисарилмайсан?” дейишса, у: “Ёлғонни ёмон кўраман”, деган экан. Ҳа, у ҳақиқатни тан олиб, воқеликка мослашган. Бизнинг балоимиз – ҳозиримизни эплай олмай ўтмиш билан машғул бўламиз ва тузатишимиз керак бўлган камчиликларимизга парво қилмаймиз. Агар инсон ва жинлар тўпланишиб, ўтмишни қайтаришга уринсалар ҳам, асло уни қайтара олишмайди. Зоро, бу бўлиши мумкин бўлмаган ишдир.

Орқага қаралмайди. Шамол ҳам олдинга эсади, сув ҳам олдинга қараб оқади, карвон ҳам олдинга қараб юради. Сиз ҳаёт қонунига тескари иш қилманг.

ҲАҚИКИЙ КУН БУГУНИНГИЗДИР

Тонгда яшаб турибсизми, кеч бўлишини кутманг. Айни онингизни яшанг! Яхшилигу ёмонлиги кетган кеча билан ҳам, ҳали келиб улгурмаган эрта билан ҳам ишингиз бўлмасин. Қуёши чиққан, кундузи

¹³ Бакара сураси 134 -141-оятлар.

етиб келган бугунингиз сизга етади. Умрингиз бир кун ва яшаш абадий дегани шу кунингизга тегишлидир. Гёё бугун туғилгансиз-да, бугун ўласиз. Ўтган замон ташвиши, ғам-ғуссаси, келажакнинг қўрқинчли шарпаси ва даҳшатли босимидан таъсиранланманг.

Бор диққатингиз, эътиборингиз, интилишингиз ва жидду жаҳдингизни фақат бугунингизга қаратинг. Шундай экан, бугунингиз учун хушуъли намоз, тадаббури тиловат, фикр юритиб огоҳ бўлиш, чин юракдан зикр, ишларда мувозанат, хулқларда яхшилик, ризқ тақсимотида розилик, кўринишга аҳамият, жисмга ғамхўрлик ва бошқаларга манфаат етказиш каби хислатларни ўзингизда мужассам қилинг.

Сиз бугунингизни соатларга тақсимлаб олиб, дақиқаларидан йиллар, сонияларидан ойларни барпо этсангиз ва у кунда яхшиликлар қилиб, хайр-эҳсонлар улашиб, гуноҳларга тавба қилсангиз, шоду хуррамлика, омонлик ва хотиржамлика, ризқдан, аҳли аёлу, болалардан, вазифа, уй, илм ва ҳолатингиздан рози бўлиб яшайсиз. “...Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукр қилувчилардан бўлгин!” деди (Аллоҳ)¹⁴. Шунда бугунги ҳаётингизда ғамгинлик, безовталиқ, ғазаб, ўч олиш ва ҳасад бўлмайди.

Юрагингизнинг бир четига ҳамда ёзув столингиз устига лўнда қилиб “ҳақиқий кун бугунингдир” деб ёзиб қўйинг. Агар бугун иштаҳа билан иссиқ нон есангиз, кеча еган моғорлаб қотиб кетган нонингиз ёки эртага ейдиган нонингиз сизга зарар берадими?

Агар бугун тотли булоқ суви ичсангиз, нима учун кечакичган шўр, намакоб сувга хафа бўласиз ёки эртага ичишингиз мумкин бўлган, туриб қолган иссиқ сувга аҳамият берасиз? Агар ўзингиздаги кучли ҳамда метин иродангизни “Фақат бугун учун яшайман!” хикматига бўйсиндирсангиз, борлиғингиз биноси, иқтидорингиз юксалиши, амалингиз соғ

¹⁴ Аъроф сураси 144-оят

бўлиши йўлида шу бугунги ҳар бир лаҳзани қўлга киритасиз.

Фақат шу бугун сўзимни ширин қиламан, фахш, сўкиш ёки ғийбат сўзларни айтмайман, фақат шу бугун уйимни, ёзув столимни тартиблайман денг, шунда пала-партишлик, сочилиб кетиш бўлмайди.

Фақат бугуним учун яшаб, жисмимни тоза, кўринишимни ва кийим-бошимни яхши тутаман. Юришим, сўзим ва харакатларим мувозанатли бўлишига аҳамият бераман, денг.

Фақат бу куним учун яшаб, рухий юксалиш йўлида харакат қилишга, ахлоқимни камолотга етказишга, китобларга кўз ташлашга, фойдали нарсаларни ёд олишга, манфаатли китобларни ўқишга киришман, денг.

Фақат шу куним учун яшаб, қалбимга фазилат уруғини экиб, ундан тиканли шохи бўлмиш ёмонликни, яъни кибр, манмансираш, риё, ҳasad, гина, алдов ва ёмон гумон каби нарсаларни таг-томири билан йўқ қиламан, денг.

Фақат бугун учун яшаб, бошқаларга фойда келтираман, яхшиликлар қиламан: касал кўргани бораман, жанозада иштирок этаман, иккиланиб турганларни йўллаб қўяман, очларга овқат улашаман, қийналганларга таскин бераман, мазлумнинг ёнини оламан, бечораҳолларга воситачи бўламан, жабрланганларга тасалли бераман, олимларнинг хурматини жойига қўяман, катталарга хурмат ва кичикларга иззатда бўламан, денг.

Фақат бугун учун яшайман, чунки ўтган иш ўтиб кетди, худди қуёш каби ботди; кетган нарсага ҳеч йиғламайман, бирор лаҳза эслаш учун турганимни кўрмайсиз ҳам, чунки ўтмиш бизни ташлаб, узоқлашиб, абадул-абад қайтмайдиган бўлиб кетди, денг.

Эй келажак! Сен ғайб оламидасан, мен эса хаёллар олами билан муомала қилмайман, нафсимни

ваҳималарга сотмайман, йўқолувчи нарсаларга шошмайман, чунки “эрта” ҳали ҳеч нарса эмас, ҳали яратилмаган, ҳали ҳеч ким уни билмайди.

Эй инсон! Ҳаётнинг энг чиройли сурати ва кўринишини хоҳлаласанг унга эришитирадиган баҳт қомусидаги беназир сўз “Ҳақиқий кун бугунинг”дир.

ВАҚТИ КЕЛМАГАН ЭРТАНИ ҚЎЙИНГ!

“Аллоҳнинг амри келди. Бас, унинг тезроқ келишиниталаб қилмай қўя қолинг”¹⁵. Ҳодисалардан олдинлаб кетманг. Нима, ҳомиласи ҳали етилмаган болани туғдириб ёки пишмаган мевани узиб оласизми? Ахир эртага дегани йўқ нарса, унинг ҳақиқати йўқ. Борлиғи йўқ, таъми ҳам, ранги ҳам йўқ. Шундай экан, нима учун ҳали келмаган куннинг ҳали йўқ мусибатларини ўйлаб эзиламиз, хавфсираймиз ва ҳали юз бермаган ҳодисаларга аҳамият берамиз? У ҳали юз берадими, йўқми, билмаймиз-ку? Юз берса ҳам, балки хурсандчилик ва шодлик бўлар?!

Муҳими, у ҳали ғайб оламидадир. Ҳали-бери ерда содир бўлмаган. Демак, келмасидан олдин кўприк қуриб, унга ўтишнинг ҳожати йўқ. Имкони ҳам йўқ. Ким билади, балки кўприкка етиб келмай тўхтаб қолармиз. Ёки етиб бормасимиздан олдин кўприк қулаб тушар, эҳтимол кўприкка етиб ҳам борармиз, соғ-омон ўтиб ҳам олармиз.

Келажак ҳақида фикр юритиш учун зеҳнга кенг имкониятлар бериб, ғайбга тааллуқли китобларни варақлаш, кейин содир бўлиши эҳтимоли бор нарсаларга безовталаниш шаръян оқланмайди ҳам. Чунки булар оддий орзу-ҳаваслар бўлиб, ақл уни айблайди. Бу нарса соя билан олишув кабидир. Кўпинча келажакда очлик-яланғочлик, беморлик, камбағаллик ва мусибатлар содир бўлади деб қўрқитилади. Бунаقا ишлар шайтон мактабининг ўқув дастурларидир. “Шайтон сизларни (хайр-эҳсон қилишда)

¹⁵ Наҳл сураси I-оят

камбағал бўлиб қолишидан қўрқитади ва фаҳш ишларга ундейди. Аллоҳ (эса) сизларга Ўзидан мағфират ва фазл (бойлик) ваъда қиласди. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир”¹⁶.

Кўп йиғлоқилар эртага оч қолиши, бир йилдан кейин қасалга чалиниши ёки дунё юз йилдан сўнг тамом бўлиб қолиши... кабилардан қўрқади. Умри бошқанинг изнида бўлган одам йўқлиқдан гаров олиши асло мумкин эмас. Қачон ўлишини билмайдиган кимса ҳақиқати йўқ, ҳали келмаган нарса ила машғул бўлиши ҳам жоиз эмас. То етиб келгунича эртани тарк этинг. Хабарлари ҳақида сўраб ўтирунг, бостириб келувчи машаққатларини ўйламанг. Чунки сиз бугуningиз билан бандсиз.

Ажабланиш керак бўлса, ғамни қарзга олиб нақдга айлантирган, сўнг ҳали қуёши чиқмаган, нури кўринмаган кунда уни насияга тўлайдиган кишилардан ажабланинг. Беҳуда ўйланаверишдан ўзингизни тийинг.

ТАЪНА-ТАНҚИДЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚАРШИЛАЙСИЗ?

Ризқ берувчи Холик яккаю ягона Аллоҳ таолони аклсиз тентаклар сўкиб ҳақорат қилишади-ю, сиз ва биз каби осий бандаларни нечук айблашмасин?! Сиз ҳаётингиз давомида шундай аёвсиз курашларга дуч келасиз, уларни таъна-маломат қилганингиздан фойда йўқ. Сиз қанчалар мева бериб, бунёд этиб, таъсирингизни ўтказиб, гуллаб-яшнаган сарингиз, атайн сизни хўрлаб, синдиришни қасд қилувчилар чиқаверади. Сиз то чуқур қазиб ерга кирмагунингиз-ча ёки осмонга шоти қўйиб чиқиб кетмагунингиз-ча ундейлар ҳеч қачон сиз ҳақингизда жим турмайди. Доим улар орасидамисиз, демак, ҳали ёмонлик қилишларини, кўзингиздан ёшлар оқизишларини ва устингизга ахлатлар ағдаришларини кутиб яшанг.

¹⁶ Бакара сураси 268-оят.

Ерда ўтирган киши ҳеч қачон қуламайды. Одамлар ўлик итни ҳеч ҳам тепмайды. Лекин улардан салоҳият, илм, одоб ёки мол-дунё бобида устун турибсизми, сизга ғазабларини сочишади. Сиз Аллоҳ бераётган ана шундай неъматларни тарк қилиб, барча мақтовга лойик хусусиятлардан ҳалос бўлмас ёки ҳеч нарса тушунмайдиган аҳмоқ, синган, эзилган кимсага айланмас экансиз, улар наздида тавбаси йўқ гуноҳкор бўлиб қолаверасиз. Уларнинг хоҳиши бундан бошқача эмас. Демак, одамларнинг танқидига, маломатига қарши Ухуд тоғи каби мустаҳкам, ҳарсанг тош каби қаттиқ бўлинг. Тош мустаҳкам бўлгани учун ҳам устига ёққан дўллар парчаланиб кетади.

Бордию одамларнинг сўзларига қулоқ тутиб таъсирланадиган бўлсангиз, уларнинг “қимматбаҳо” орзуларини ҳаётингизни барбод этиш эвазига юзага чиқарасиз. Сиз улардан чиройли юз ўгиринг, қилаётган макрларидан ҳам сиқилманг, аҳмоқона танқидлари сиз учун яхшигина таржимаи ҳол бўлсин. Чунки ҳаётдаги вазнингиз, ўрнингиз дарајасида таъна-дашномларга қоласиз.

Албатта, сиз ўша маломатчиларнинг оғзини ёпиб тилини боғлаб қўя олмайсиз. Лекин уларнинг танқидларини жим туриш, эътиборсизлик ва совуқонлик билан кўмиб ташлинг, гап-сўзларини “...Шу аччиқларингиз билан ўлиб кетинг!..”¹⁷ деб тарк қилинг.

Демак, фазилатларингизни кўпайтиришингиз, яхши тарбиянгиз, хатоларни тўғрилашингиз билан уларнинг тилини кеса оласиз. Агар сиз ўзингизни барча бирдай қабул этишини, ҳамма суюишини, айбисиз бўлишни хоҳласангиз, эҳтимолдан йироқ нарсани талаб қилиб ушалмас орзуларга берилибсиз.

ҲЕЧ КИМДАН РАҲМАТ КУТМАНГ

Аллоҳ таоло бандаларни Уни эслашлари учун яратган. У маҳлукотга Ўзига шукр қилишлари учун ризқ берган. Кўпчилик Ундан бошқага бўйсунди ва ўзгаларга шукр қилди. Чунки қайсарлик, инкор, жафо ва шукрсизлик табиати нафслар устидан ғолиб келувчидир.

Агар сизнинг гўзал ишларингизни инкор қилиб, яхшиликларингизни тан олишмаса ва унутишса, сиз улар билан тўқнашиб, жанжаллашиб юрманг! Кўпинча улар гина замбараклари билан тош отиб, сизга душманчилик қилишади. Айбингиз – уларга яхшилик қилгансиз, бундан бошқа нарса эмас. **“Аллоҳ ва (Унинг) Расули уларни (Пайғамбар ва саҳобаларини) фазли (ўлжалар) билан бойитиб қўйгани учунгина (мунофиқлар) уларни ёқтиирмадилар”¹⁸.**

Хотирот китобини варақлаб кўринг. Унинг кўп хикояларида ўғлини тарбиялаб едириб-кийдирган, парваришлаб илм-одоб берган, боласини ухласин деб ўзи ухламай чиқсан, қорни тўйсин деб ўзи оч қолган, роҳатлансан деб ўзи ҳориб-чарчаган ота тимсолини кўрасиз. Аксинча, ўғил мўйлови сабза уриб, билаги куч-қувватга тўлгач, энди отага нисбатан қутирган ит каби бўлиб қолади. Уни назарга илмай, адабсизлик қиласи, отага оқ бўлиб, уни азобу қубатларга йўлиқтиради.

Огоҳ бўлинг! Яхшиликларингиз тугаб, умидларингиз синганида хазинаси тугамайдиган савоб, яъни, эваз берилишини ўйлаб саодатга эришинг.

Бу қайноқ хитоб асло сизни чиройли ишларни тарк этиб, ўзгаларга яхшилик қилмасликкка чақириқ эмас. У фактат сиздан юз ўгиришларини қабул қилишга, яхшиликларингиз тан олинмаслигига чидашга ўргатади. Уларнинг ишларидан ташвишга тушманг!

Сиз яхшиликни Аллоҳ розилиги учун қилинг, шунда барча ҳолатларда ғалабага эришасиз, шунда ношукрларнинг шукрсизлиги, инкор қилувчиларнинг тан олмаслиги сизга заар бермайди. Яхшилик қиласидиган этиб қўйгани учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Улар эса бунинг зиддидадирлар. Яхшилик қилувчи танадаги қўл тиланчилик қилувчи пастдаги қўлдан яхшидир. “(Улар айтурлар:) “**Бизлар сизларни факат Аллоҳ “юзи” учун таомлантирурмиз. Сизлардан** (бу иш учун) **биорор мукофот ва миннатдорлик кутмасмиз”**¹⁹.

Гоҳида оқил кишилар ҳам авом халқдаги инкор қилиш туйғусини унутиб қўяди. Эсингизда бўлсин, ундейлар Парвардигорларининг буюк ваҳийини ҳам унутишган. У ваҳийда инкор қилувчиларнинг қайсарлиги ва терсликлари айтилган эди: “**Ундан зарарини кетказганимизда эса, гўё етган зараридан Бизга дуо қилмагандек кетаверади. Мана шутарзда исрофчи (тажовузкор)ларга ўз қилмишлари зийнатли (чирили) қилиб қўйилди**”²⁰.

Агар сиз бир аҳмоқقا қалам совға қилсангиз, у сизни ўша қаламда масхаралаб мақола ёёса ёки бир чўлоқ кишига қийналмай юрсин деб ҳасса ҳадя қилсангиз, у ўша ҳасса билан бошингизни ёриб қўйса, ажабланиб, саросимага тушманг. Яхши кишилар устида энди бундай ишлар бўлмасинми?!

ЯХШИЛИК ҚИЛИШ БИЛАН ҚАЛБИНГИЗГА СУРУР БАХШ ЭТИНГ

Гўзаллик, яхшилик ва хайрият ўз номлари кабидирлар. Инсонларни баҳтли қилиш учун ҳаракат қилганларнинг ўзлари мана шу баҳтга биринчи эришганлардир. Улар бунинг мевасини ўзлари, ахлоқлари ва виждонларида биринчи бўлиб топишади-да, оқибатда шодлик, тинчлик ва хотиржамликни хис этишади.

¹⁹ Инсон сураси 9-оят

²⁰ Юнус сураси 12-оят

Агар сиз тушкунликка тушсангиз, ғамга мубтало бўлсангиз, ўзингиздан бошқаларга яхшилик қилинг ва гўзаллик ҳадя этинг, шунда қийинчилиқдан чиқасиз ва роҳат оласиз. Демак, сиз йўқсилга нарса улашинг, мазлумга ёрдам беринг, қийинчилиқка тушиб қолганни кутқаринг, очни тўйдиринг, касални бориб кўринг, жабрланганга ёрдам қўлини чўзинг, шунда орт ва олдингиздан саодат ва қувонч ўраб олади.

Яхшилик қилиш худди хушбўй нарсага ўхшайди, уни қўтариб юрган ҳам, сотган ҳам, олган ҳам, қўйингки, атрофдаги барча наф олади. Яхшилик доривор ўсимлик кабидир. Уни қалблари гўзаллик ила обод дори тайёрловчилар тарқатади.

Ахлоқли кишиларига ато қилинган очиқ юзлилик садақаи жориядир. Ҳадисда: “*Биродарингга очиқ юз билан йўлиқишинг ҳам садақадир*”, дейилган. Қош-қовоқ осиш бошқаларга нисбатан даҳшатли уруш эълон қилишдир. Унинг бошланишини фақат ғайблардан хабардор Зот билади.

Бир фоҳиша аёл ҳовучида қопағон итга сув бериши эни ер билан осмон оралиғича бўлган жаннатга киришга сабаб бўлди. Чунки савоб ато этувчи Зот кечирувчи, яхши амални тақдирловчи, гўзал Зот бўлиб, у гўзалликни яхши кўради. У беҳожат ва мақтовли Зотдир.

Эй баҳтсизлик, қўрқинч ва хавфдан босинқировчи кишилар, яхшилик бўстонига келиб, бошқаларга қўшилинг, уларга ҳадя, зиёфат, тасалли бериб, эл хизматини қилинг. Шунда таъми, ранги ва завқи бир хил бўлган саодатни топасиз. “*Унинг (сарф қилувчининг) хузурида (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг “юзи”ни истаб (эҳсон қилур). (У) яқинда (қиёмат куни ато этилажак мукофотдан) рози бўлур*²¹.

²¹ Лайл сураси 19 – 21-оятлар

БЕКОРЧИЛИКДАН ҚУТУЛИНГ

Ҳаётда бекорчилар миш-миш ва шов-шув тарқатувчи кишилар бўлади. Чунки уларнинг зеҳнлари тарқоқ, бўм-бўш ҳолатдадир. “(Улар) қолувчи (аёл ва бола)лар билан бирга бўлишга рози бўлдилар”²².

Зеҳнга энг хатарли ҳолат киши ишсиз, бўш қолишидир. У бошқарувсиз қолган, ўнг ва чапга қалқиб тезлик билан пастликка шўнғиб бораётган уловга ўхшайди. Ҳаётингиз давомида бекорчи, машғулотсиз қолар экансиз, ўзингизни ғам-андухли ва қўрқинчли келажакка тайёрлаб бораверинг. Чунки бекорчилик ўтган, ҳозирги ва келажак ҳаётнинг барча пасту баландликлари ҳақидаги маълумотлар дафтарчасини олиб келади ва ҳаловатсизликка дучор қиласди.

Сизга насиҳатимиз: ўша пуч нарсалар ўрнига, мева берадиган фойдали ишлар қилинг. Чунки бекорчилик маҳфий ўлимдир, тинчлантирувчи хапдори билан ўз жонига қасд этишдир.

Бекорчилик худди Хитой қамоқхоналаридағи маҳбус устидан жўмрак очиб қўйиб, ҳар дақиқада бир томчи тушадиган секин жазолаш воситасига ўхшайди. Маҳбус ўша томчи қачон тушаркин деб кутиш асносида жинниликка мубтало бўлади.

Роҳат ғафлатдир, бекорчилик моҳир ўғрилиkdir. Ақлингиз эса ана шу хаёлий урушларнинг мајақланган ўлжасидир. Демак, ҳозироқ ўрнингиздан туриңг-да, намозингизни қилинг, Қуръон ўқинг ёки тасбех айтинг, китоб мutoала қилинг, бирор нарса ёзинг, ёзув столингизни тартибланг ёки уйингизни ислоҳ қилинг ёхуд бошқаларга манфаат беринг. Нима бўлса ҳам, бўш вақт қолдирманг. Бу бизнинг сизга қилган тавсиямиз.

Бекорчиликни машғулот пичоги билан майдалаб ташланг, шунда сизга мана шу арзимас иш учун дунё табиблари эллик фоиз саодат кафолатини беради. Дехқон, нонвой ва қурувчи каби касб эгаларига

²² Тавба сураси 87-оят

қаранг, улар қўшиқ хиргойи қилиб юрадилар. Кушлар каби роҳат-фароғат ва баҳтиёр ҳаётдадирлар. Сиз бўлса, тўшагингизда қопилган кишидек кўз ёшин-гизни артиб, изтиробда ётибсиз.

ТАҚЛИДЧИ БЎЛМАНГ

Бошқанинг шахсиятига тақлид қилманг, ўзгалар ўзлигига сингиб ўзлигингизни йўқотманг. Тақлид доимий азобдир. Кўплар бу нарсани унутиб қўйиб, овозлари, ҳаракатлари, сўзлари, иқтидор ва ҳолатларини бошқалар шахсиятига ўхшатиб, уларга яқинлашишни ўйлашади. Бу эса ўз зоти ва табиатига бўлган ўлим ҳукми ҳамда ўзни қийнаш, роҳатсизлик ва куйишдир.

Ҳазрати Одамдан (алайҳиссалом) то охирги инсонгача иккита киши бир хил бўлмайди-ю, нимага энди иқтидор ва ахлоқда бир хил бўлсин. Сиз бошқа кишисиз, тарихда сизга ўхшаши бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Сиз тамоман фалончилардан бошқачасиз, ўзингизни тақлид, сингиб кетиш майдонига ташламанг. Ўзлигингиздан кетманг. “Ҳар бир гурӯҳ ўз сувини билиб (тақсимлаб) олди”²³; “Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи (қибласи) бор. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз!”²⁴

Қандай яратилган бўлсангиз, ўшандай яшанг. Овонзингизни, оҳангингизни ўзгартирманг. Юришингизни ҳам бошқача қилиб олманг. Нафсингизни вахий билан тарбиялаб боринг. Борлиғингизни йўқ қилиб, ҳурриятингизни барбод қилманг. Ўзингизнинг хос таъмингиз, хос рангингиз бор. Биз сизни ўз рангингизда ва ўз таъмингизда бўлишингизни хоҳдаймиз. Чунки сиз шундай яратилгансиз ва биз сизни шундайлигингизча таниймиз. Тақлидчи бўлманг.

Одамлар табиатларида наботовт оламига ўхшашади. Ширини, нордони, узун ва калтаси бор. Сизлар

²³ Бакара сураси 60-оят

²⁴ Бакара сураси 14-оят

ҳам шундай бўлинглар. Агар банан бўлсангиз, беҳига айланиб олманг-да. Чунки чирой ва қийматингиз бананлигингиздадир. Албатта, рангимиз, тилимиз, иқтидоримиз, қувватимизнинг ҳар турли бўлиши Аллоҳ мўъжизаларидан биридир. Сиз энди бу мўъжизани инкор қилманг!

ҚАЗО ВА ҚАДАР

“Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳулмаҳфузда битилган) бўлур”²⁵.

Қалам қуриб, саҳифалар кўтарилиб, ишлар битиб, қадар ёзиб бўлинган “...Бизга Аллоҳнинг ёзиб қўйганидан ўзга нарса етмайди...”²⁶

Сизга мўлжалланган нарса сизни хатосиз топади, сизга мўлжалланмаган нарса сизга асло етмайди.

Агар мана шу ақида нафсингиздан жой олиб, қалбингизда қарор топса, бало ва машаққат ҳадяга, барча ҳодисалар мукофот ва тақдирлашга айланади.

Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, мусибатлаб қўяди. Сизга бирор безовталиқ, касаллик, ўлим, молиявий инқироз, ёнғин кабилар келса, Аллоҳ ўша нарсани тақдирда битиб қўйган. Яъни, қазо воқеликда юз беради. Ихтиёр ҳам худди шундайдир: фақат Аллоҳ танлайди, ажни У беради, гуноҳларни У кечиради. Мусибат аҳли қилган сабрлари, ато этувчи ва олиб қўювчи Аллоҳдан рози бўлганлари учун зафарлар бўлсин. **“У ўзи қиласидиган бирор нарса ҳақида жавобгар эмас, балки улар (Аллоҳнинг олдидаги бандалар) жавобгардирлар”²⁷.**

Қазо ва қадарга имон келтирмагунингизча асанлар тинчимайди, безовта нафс тинчимайди ва қалбдан васваса аримайди. Ёзилган нарсанинг сиёҳи қуриб бўлган, йўлиқишингиз аниқ бўлган нарса-га йўлиққанингиз учун ҳасратга тушиб ўтирунг.

²⁵ Ҳадид сураси 22-оят.

²⁶ Тавба сураси 51-оят

²⁷ Анбие сураси 23-оят.

Ағанаши аниқ бўлган деворни тўхтатиб қолишга кучим етарди деб гумон қилиб юрманг. Сувни оқишдан, шамолни эсишдан тўсиб қолиш, синиши керак бўлган ойнани сақлаб қолиш имконимда бор эди деб ўйламанг. Бу иш сизнинг ва бизнинг мажбуриятимизга кирмайди.

Тез фурсаларда тақдир юзага чиқиб, қазо ижро этилиб, ёзилган ва битилган нарсалар амалга ошади. Ким хоҳласа, имон келтирсинг ва ким хоҳласа, куфр келтирсинг. Тақдир қилинган иш амалга ошади. Битиб қўйилган нарса албатта бўлади. “**Бас, хоҳлаган киши имон келтирсинг, хоҳлаган кимса кофир бўйсин**”²⁸.

Ғазаб, шикоят, оҳ-воҳлар келмасидан олдин қадарга таслим бўлинг. Надомат кутилмагандан келиб қолмасидан қазони эътироф қилинг. Сабабларни юзага чиқариб, хийлаларни ишга солиб бўлганингиздан кейин кутмаганингиз рўй берса, хотирингиз жам бўлаверсинг, чунки воқеа юз бериши лозим эди. Буни қилганинда бошқача бўлар эди, деб айтманг. Балки Аллоҳнинг тақдиридир, У хоҳлагани бўлади, деб айтинг.

“АЛБАТТА, ҲАР БИР ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН БИРГА ЕНГИЛЛИК БОРДИР”²⁹

Эй инсон! Очликдан кейин тўқлик, чанқоқликдан кейин қониш, бедорликдан кейин уйқу, касалликдан кейин тузалиш бордир. “**Ахир, Аллоҳ ғалаба ато этиб ёки Ўз ҳузуридан бирор буйруқ бериб қолса...**”³⁰. Фойибдагилар тез кунда етиб келади. Адашганлар йўлини топади. Машаққатдагилар бир куни қутулади ва зулмат ҳам тарқалади.

Кечани тоғлар тепаси ва водийлар йўлига ҳайдаб борувчи чин тонг хушхабарини беринг. Ғамга ботиб қолган кишига кўз очиб юмгунча нур тезлигида

²⁸ Кахф сураси 29-оят.

²⁹ Шарҳ сураси 6-оят.

³⁰ Монда сураси 52-оят.

келувчи рўшноликнинг хушхабарини беринг. Агар узундан-узоқ чўзилган саҳрони кўрсангиз, билингки, унинг ортида ям-яшил боғлар ва соялар бордир. Агар арқоннинг тараанг тортилаётганини кўрсангиз, билингки, у тезда узилади. Йиғи билан кулги, хавф билан омонлик, безовталиқ билан хотиржамлик ёнма-ёндир.

Аллоҳнинг дўсти Иброҳимни (алайҳис салом) олов кўйдирмади. Чунки раббоний парвариш **“Иброҳимга салқин ва омонлик”**³¹ дарчасини очди.

Калимуллоҳ Мусо (алайҳис салом) денгизда чўкмадилар. Чунки тўғри сўзловчи кучли овоз нидоқилди: “Йўқ, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени (хавфсиз) йўлга бошлар”³².

Маъсум зот ғорда дўстига Аллоҳ ўзлари билан бирга эканини айтдилар. Шунда уларга омонлик, ғалаба ва хотиржамлик тушди.

Нақд ва фароғат қуллари фақат сиқилишни ва баҳтсизликни кўрадилар. Чунки улар хона девори ва уй эшигига қарайдилар, холос. Кўзларини тўсиқлар ортига ҳам қаратсинлар. Фикр жиловларини девор орқасига ҳам бошласинлар.

Сиқилманг. Доим бир ҳолат давом этавермайди. Энг яҳши иш енгиллашишни кутишдир. Кунлар алмасиниб, замон ўзгариб туради, зулматлар кетидан келувчи ёруғ нарсалар бор, ғайб эса биздан йироқ. Ҳаким Зот ҳар куни фаолиятдадир. Шояд Аллоҳ бундан кейин енгиллик ато қилса. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир

НОРДОН ЛИМОНДАН ШИРИН ИЧИМЛИК ТАЙЁРЛАНГ

Оқил, закий инсон зиённи фойдага айлантиради. Аҳмоқ-тентаклар эса битта мусибатни иккитага кўпайтириб олади.

³¹ Анбие сураси 69-оят

³² Шуаро сураси 62-оят

Масалан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Маккадан ҳайдаб чиқарилгач, Мадинада күз күриб қулоқ эшитмаган давлат барпо қилдилар; Аҳмад ибн Ҳанбал қамоққа тиқилиб, дарра урилди ва оқибатда суннийлар имомига айланди; аллома Ҳарроний хибсхонадан чиқарилганида бир дунё илм билан чиқди; Имом Саражсий суви йўқ қудукқа ташлаб зинданбанд қилинди, у бундан унумли фойдаланиб фикҳ соҳасида 20 жилд китоб ёзиб битирди; Ибн Асир барча ишлардан маҳрум этилганида “Жомиъул усул” ва ҳадис китобларининг энг машҳурларидан “Нихоя” китобларини тасниф этди; Ибн Жавзий Бағдоддан сургун қилинганида етти қироатни ўқиб чиқди; Молик ибн Рийбга даҳлсиз ўлим келганида, аббосийлар лавла и шоирлари девонларига тенг ажойиб қасидани бутун оламга кўрсатди.

Аммо Абу Зуайб Ҳузалийнинг болалари ўлганида, замон сукут қилди, одамлар хабарсиз қолди ва тарих қарсак чалди. Чунки бу кимсалар золим эди.

Фалокат кутилмаганда ҳамла қилса, унинг нур сочувчи тарафини кўринг. Агар бир киши сизга истаканда лимон берса, бир чимдим шакар қўшинг. Агар сизга илон ҳадя этилса, унинг қимматбаҳо терисини олинг-да, қолганини ташланг. Агар сизни чаён чақиб олса, у илон заҳрига қарши мустаҳкам эм ва иммунитет эканини билинг.

Қийин шароитга мослашиб, у жойдан бизга гул, лола ва ясминларни олиб чиқинг. **“Балким сизлар ёқтирмаған нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши бўлиб чиқар”³³.**

Франция инқилобидан олдин икки зўр шоири ни қамашди. Уларнинг бири некбин (оптимист), иккинчиси бадбин (пессимист) эди. Иккови калласини қамоқхона дарчасидан чиқарган эди, некбини юлдузларга қараб кулди, аммо бадбини ён кўчадаги лойларни кўриб йиглаб юборди. Унинг ёмонлик

³³ Бакара сураси 216-оят

томонини ўйлайверадиганига қаранг. Аслида, ёмонликнинг ўзи йўқ. Аксинча, яхшилик, фатҳ, ғалаба ва ажр бордир.

“ЁКИ НОИЛОЖ ОДАМ ДУО ҚИЛГАН ВАҚТИДА (ДУОСИНИ) ИЖОБАТ ҚИЛАДИГАН ЗОТ (ЯХШИ)МИ?!”³⁴

Биру Бор Аллоҳ қийинчиликка тушиб қолган кишига таянч бўла олади, жабрланган кишига ёрдам беради, Унга борлиқнинг ҳожати тушади, махлукотлар Ундан сўрайди, тиллар Унинг зикри билан машғул бўлади, қалблар Унга топинади.

Кийинчилик ва фаровонликда, хурсандчилик ва аламли кунларда Унга дуо қилишимиз, бало етганида Унга зорланишимиз, машакқатга тушганимизда Унга боғланишимиз, сўраб, йиғлаб, тазарруъ қилиб, юзланиб эшиги остонасига йиқилишимиз сиз ва бизга вожибdir. Шунда Унинг мадади келади, ёрдами етади, очиқликка чиқиш тезлашади, рўшнолик юзланади. “Ёки ноилож одам дуо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган Зот (яхши)ми?!”

Чўкаётган нажот топади, йўқолган қайтиб келади, балога йўлиққан кутулади, эзилган ютади, адашган йўлини топади, касал тузалиб, қийинчиликдан енгилликка чиқади. “(Улар) кемага мингандарида (фарқ бўлишдан кўрқиб) Аллоҳга чин ихлос билан илтижо қилурлар”³⁵.

Бу ердасизга ғам-андух, хафалик ва қийинчиликни кетказувчи дуоларни келтириб ўтирмаймиз. Лекин шарафли хитобни эшитиб, удан таълим олайин десангиз суннат китобларига мурожаат қилинг. Сиз муножот, нидо, дуо ва умид қиласиз. Агар уни топсангиз, барча нарсани топган бўласиз. Агар ишонмасангиз, барча нарсани қўлдан чиқарасиз. Раббингизга қилган дуоингиз мақсадга эриштиришдан ташқари алоҳида ибодат ва буюк тоат ҳамдир. Дуони

³⁴ Намр сураси 62-оят

³⁵ Аинкабут сураси 65-оят.

гўзал қилиган банда хотржам бўлиши, майда-чуйдаларга аҳамият бермаслиги, ғам чекмаслиги ва безовтала маслиги аниқ.

Аллоҳнинг арқонидан бошқа ҳамма арқон узилади. Унинг эшигидан бошқа ҳамма эшик ёпилади. У яқин, эшигувчи ва ижобат қилувчи Зотдир. Чорасиз қолган киши дуо-илтижо қиласа У ижобат этади. У сизни Ўзига дуо қилишга буюради: “Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!”³⁶ Сиз фақир, заиф, муҳтоҗсиз. У эса беҳожат, кудратли, ягона ва улуғдир.

Бошингизга балолар ёғилса ёки баҳтсиз ҳодиса со-дир бўлса, мудом Аллоҳни эсланг. Унга нидо қилинг, мадад сўранг, нусратини тиланг. Номини улуғлаш учун пешонангизни ерга қўйинг, шунда хуррият то-жини қўлга киритасиз. Убудият тупроғига бурунни ишқанг, шунда нажот нишонига эришасиз.

Қўлингизни узатинг, кафтингизни очинг, ти-лингизни ишга солинг, кўп сўранг, сўрайверинг, Унга интилинг, эшиги олдида туриб олинг, лутф кўрсатишини кутинг, фатҳ беришини пойланг, но-мини тилингиздан қўйманг, У ҳақида яхши хаёlda бўлинг; Унга ўзингизни бағишланг, Унга юз тутинг, шунда баҳтли бўлиб нажот топасиз.

ЎЙИНГИЗ СИҒДИРСИН

Суннатдаги шаръий узлат – ёмонлик ва ёмонлардан, бекорчи ва ўйинқароқ безорилардан узоқ бўлишдир. Шунда хотирингиз жам, фикрингиз жойида, зехнингиз ҳикмат дурлари билан яхшиланган бўлади, кўзингиз маърифат бўстонида яйрайди.

Яхшилик ва тоатдан тўсадиган нарсалардан қочиш ажойиб даво бўлиб, қалб табиблари уни тажрибадан ўтказишган ва муваффакиятга эришишган. Ёмонлик ва бемаъниликлардан узоқлаштирадиган йўлларни кўп ўйланг. Аллоҳдан қўрқиши қоидаларини яратинг, тилингиз доимо илтижо ва ёд этишда бўлсин.

³⁶ Фоғир сураси 60-оят.

Намоз, илм мажлислари, яхшиликка кўмаклашиш мақтовга лойиқ амаллардир. Аммо бекорчи, танбалларга яқин йўламанг, улардан эҳтиёт бўлинг. У тўпланган ерлардан ўзингизни олиб қочинг. Хатоларингизга йиғланг, тилингизни тийинг, уйингиз сизни сиғдирсин. Ёмонлар билан аралашиб юриш ўзингизга қарши қирғинбарот уруш эълон қилишдир, бунда нафсингиз тинчини ва барқарорлигини йўқотади. Миш-мишчилар ва фитна тарқатиб юрувчилар билан бирга ўтирган киши ўлим етишидан олдин ҳар куни етти марта ўлади ҳисоб. “Агар улар сизларга қўшилиб (жангга) чиққанларида ҳам, сизларга фақат бузғунчиликни зиёда қилиб, ораларингизга (раҳна) солиб, сизларни фитнага дучор қилган бўлур эдилар”³⁷.

Хуллас, сиздан бирдан-бир илтимосимиз, ишингизни билиб қилинг. Жуда бўлмаса, уйингизга кириб кетинг. Аммо яхши сўзлар, яхши ишлар бўлса, майли, одамларга аралашаверинг. Шунда қалбингиз ўз ҳолига қайтади, вактингиз зое бўлмайди, умрингиз бехуда кетмайди, тилингиз гийбатдан, қалбингиз безовталиқдан, қулоғингиз уятсиз гаплардан, нафсингиз ёмон гумондан сақланади. Ким буни синааб кўрса, ўзи амин бўлади. Нафсини хаёллар отига миндирган ва бекорчилар билан бирга юрган киши билан хайрлашаверинг.

ЭВАЗ АЛЛОҲДАНДИР

Аллоҳ сиздан бирор нарсани олиб қўйса, савоб умидида сабр қилсангиз, ўрнига бундан яхшиси ни беради. Аллоҳ таоло ҳадиси құдсийда: “*Кимнинг икки суйганини* (яъни, икки кўзини) *олсам, ўрнига жаннат бераман*”; “*Кимни бу дунёдаги дўстини олиб қўйсам, у савоб умид қилса, ўрнига жаннат бераман*”, – деди. Ўғлини йўқотган киши сабр қилса, абадият диёрида унга ҳамд уйи қурилади. Бу кичик бир мисол, холос. Қолганини ўйлаб кўраверинг.

³⁷ Тавба сураси 47-оят

Мусибатларга куйинманг. Чунки уни сизга ёзган Зот ҳузурида жаннат, савоб, эваз ва улуғ ажр бордир. Аллоҳ таоло бало-офатларга йўлиқсан дўстларини Фирдавс жаннатида икром қиласиди: “(Аллоҳ йўлида турли мashaққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!”³⁸

Биз мусибатнинг эвази, савоби ва яхши белгиларига қарамоғимиз лозим. “Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар ҳидоят топувчилардир”³⁹ Мусибат етганларга табриклар ва мashaққат етганларга хурсандчилик бўлсин!

Албатта, дунёнинг умри қисқа ва хазинаси ночор, охират эса яхши ва боқийдир. Бу дунёда мусибатга дучор бўлганлар охиратда мукофотини олишади, қийналганлар роҳат кўради. Аммо дунёга боғланиб қолганлар, унга ошиқ бўлганлар ва суюнувчиларга шу дунёдан насибалари узилиб қолиши ҳамда роҳатлари тўхташи юракларига қаттиқ ботади. Чунки улар бу дунёнинг ўзинигина хоҳлайдилар. Ким бу дунёнинг ўзини хоҳласа, унга мусибатлар улкан, қийинчиликлар катта кўринади. Улар фақат оёқлари остига қарашади. Арзимас, арzon, ўткинчи дунёнигина кўришади, холос.

Эй мусибатзадалар, ҳеч нима йўқотмадингиз. Аксинча, зафар қучдингиз. Сизларга бир мактуб юборилди, унинг сатрларида лутф, хайрхоҳлик, савоб ва гўзал ихтиёр битилган. Мусибат жабрдийдалари қарасинлар: натижа “Сўнг улар (билин мўминлар) нинг ўртасига дарвозали бир девор урилурки, унинг ичидаги раҳмат (жаннат), ташқарисида эса азоб (дўзах) бўлур”⁴⁰ бўлганини кўрадилар. Аллоҳ ҳузуридаги неъмат яхши, абадий, ёқимли, буюк ва олийдир.

³⁸ Раъд сураси 24-оят.

³⁹ Бакара сураси 157-оят.

⁴⁰ Халид сураси 13-оят.

ИМОН ҲАЁТ ДЕМАҚДИР

Ҳақиқий баҳтиқаролар ким? Имон хазиналари ва ишонч заҳираларидан бебаҳра қолганлар! Улар абадий баҳтсизлик, ғазаб ва хўрликка маҳқум. “Ким Менинг эслатмамдан юз ўтиrsa, бас, албатта унинг учун танг – баҳтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтиурмиз”⁴¹.

Инсон нафсини фақатгина оламлар парвардигори Аллоҳга имон келтиришгина баҳтли қилади, поклайди, хурсанд этади, ғам-андухини кетказади. Фақат имон билангина ҳаёт таъмини тотиш мумкин, холос.

Худосизлар агар имон келтирмаса, кишанлар, занжирлар, зулмат ва фалокатлардан ўзларини қутқаришнинг ягона йўлини сунқасд деб биладилар. Имонсиз ҳаёт нақадар баҳтсизлик. “Ва худди аввал-бошда имон келтирмаганлари каби дил ва кўзларини айлантириб қўюрмиз ва ўз тутёнларида адашиб-улоқиб юрган ҳолларида тарк қилурмиз”⁴².

Машақкатли узоқ тажрибалардан кейин ақл санамларни хурофот, куфрни лаънат, даҳрийликни ёлғон, пайғамбарларни тўғрисўз, Аллоҳни ҳақ деб билиб, мулк ва ҳамд Унинг учун ва У ҳамма нарса-га қодир эканини англаб етди. Энди олам Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига тўлиқ имон келтириши ва бунга қоникиш ҳосил қилиши лозим.

Саодатингиз, роҳатингиз ва хотиржамлигиниз имонингиз куввати ҳамда ҳароратига қараб бўлади. “Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз”⁴³.

Улар Раббилиари ваъдасига ишонишди, Уни чин юракдан севишди, қалбларида бошқа йўлга ўрин

⁴¹ Тоҳа сураси 124-оят

⁴² Аньлом сураси 110-оят

⁴³ Нахл сураси 97-оят

қолмади. Натижада фалокатлар вақтида хотиржам, қазо слидида қалблари сокин бўлди ва улар қадарга рози бўлдилар. Шунинг учун оятда эслатилган по-киза ҳаётга эришдилар. Чунки улар Аллоҳни парвардигор, Исломни дин ва Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар ва элчи деб рози бўлдилар.

АСАЛИНИ ОЛИНГ, УЯСИНИ БУЗМАНГ

Мулойимлик ҳар бир нарсанинг зийнати, қўполлик бунинг тескарисидир. Хитобдаги мулойимлик, юздаги табассум, учрашгандаги яхши сўз баҳтлилар киядиган чиройли кийимдир. У мўминнинг сифати бўлиб, худди асаларига ўхшайди. Асалари покиза нарса еб, покиза нарса ишлаб чиқаради. Борди-ю, гулга қўнадиган бўлса, уни синдириб юбормайди.

Аллоҳ қўполликка бермайдиганини мулойимлика беради. Шундай одамлар бор, улар даврага кирса, бошлар кўтарилади, кўзлар тикилиб қарайди, қалблар тирилади, кўнгиллар яйрайди. Чунки улар гап-сўзларида, олди-берди, олди-сотди, учрашиш ва хайрлашиш масалаларида ёқимли кишилардир.

Дўст унвонига лойиқ кишиларнинг ютуқлари бир сабоқ. Камтар инсонлар буни яхши ўзлаштириб олганлар. Дийдорлашиш ва дўстлашиш мақсадидаги одамлар доимо уларни қуршаб туради. Одамлар бундай инсонлар билан кўришишга, учрашишга муштоқ бўлади ва ҳақларига дуолар қиласди.

Баҳтли кишилар “...Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур”⁴⁴ деган қоидани ўзларига ахлоқ дастури қилиб олган. Уларнинг жўшқин меҳри, илиқ ҳалимлиги ва беғараз олижанобликлари гина-кудуратларни ҳазм қилиб юборади. Ёмонлик қилишни унутадилар, яхшилик

⁴⁴ Фуссилат сураси 34-оят

қилишни эсга оладилар. Ўринсиз сўзлар улар олдидан ўтади, бироқ қулоқларига кирмайди, аксинча, узоқларга – борса-келмас жойларга кетади.

Улар ўзлари роҳатда, одамлар улардан омонда ва саломатдадирлар. Ҳадисда бундай дейилади: “*Мусулмон мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган кишидир. Мўмин одамларнинг қонлари ва моллари ундан омонда бўлган инсондир*”; “*Аллоҳ таоло мендан узилган кишига силаи-раҳм қилишига, менга зулм қилган кишини афв қилишиимга ва мени маҳрум қилган кишига улашишимга буюрди*”.

Аллоҳ таоло айтади: “*Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайрсадақа қиласидиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар*”⁴⁵. Одамларнинг хато-камчилигини кечириш тинчлик ва хотиржамликка эришишдир. Уларга яна кечиримли Раббилари ҳузурида улуг ухровий ажрлар бор. “*(Улар) қудратли подшоҳнинг (Аллоҳнинг) ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар*”⁴⁶.

“ОГОҲ БЎЛИНГИЗ, АЛЛОҲНИ ЗИКР ЭТИШ БИЛАН ҚАЛБЛАР ОРОМ ОЛУР”⁴⁷

Тўғрисўзлик – Аллоҳнинг яхши кўргани, тажриба – далил, раҳбар эса аҳлини алдамайдиган кишидир. Қалбни очиш ва ажрни кўпайтиришда Аллоҳни доим зикр этиб юришга етадиган амал йўқ. “*Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман*”⁴⁸. Аллоҳнинг эслаган киши ердаёқ жаннатга эришади. Ушбу жаннатга кирмаганлар охират жаннатига кирмайди.

Аллоҳни зикр қилиш нафсни машаққат, тойилиш ва изтиробдан сақлайди. У ҳатто барча муваффакияту

⁴⁵ Оли Имрон сураси 134-оят.

⁴⁶ Камар сураси 55-оят.

⁴⁷ Гаъд сураси 28-оят.

⁴⁸ Бакара сураси 152-оят.

нажотга элтувчи осон ва қисқа йўлдир. Куръон ва ҳадисни ўқисангиз, унда зикр фойдаларини кўрасиз. Ҳар куни зикр малҳамини синааб кўрсангиз, шифо топасиз.

Аллоҳни эслаш билан хавф, қўрқинч, ғам-ташвиш йўқолади, қийинчилик, қулғат ва афсусланиш тоғлари қулади. Доим Аллоҳни эслаб юрувчилар роҳатда яшашига ҳайрон бўлманг. Чунки зикр асосдир. Аммо асл ажабланарли ҳол Аллоҳни эсламайдиган ғофилларнинг қандай яшаётганидир. “(Улар) жонсиз ўликлардир. **Ва улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмайдилар”⁴⁹.**

Эй чарчоқдан шикоят қилувчи, оғриқларига йифловчи, ҳодисалардан ғамга ботувчи, мashaққат нишонига тушган киши! Унинг муқаддас “Аллоҳ” исми билан нидо қил. **“Унга тенг бирор зотни билурмисиз?!”⁵⁰**.

Аллоҳни кўп эслашингизга қараб хотирингиз жам, қалбингиз сокин, нафсингиз баҳтли бўлади ва кўнгилингиз ёзилади. Чунки буюк Аллоҳни эслашда Унга таваккал қилиш, ишониш, суюниш, қайтиш, У ҳакида ҳусни зонда бўлиш ва Ундан кенгликни кутиш маънолари бор. У дуо қилинган вақтда яқин, нидо қилинган пайтда эшитувчи, сўралганда ижобат қилувчидир.

Аллоҳга зорланинг, тазарруъ қилинг. Тавхид, сано, ҳамд, дуо ва истигфор ила Унинг муборак пок исмини тилингиздан қўйманг. Унинг мадади билан саодат, омонлик, сурур, нур ва дилхушликка эришасиз. **“Бас, Аллоҳ уларга ҳам бу дунёда савобини ва ҳам охиратдаги гўзал ажрни (жаннатни) ато қилди”⁵¹.**

⁴⁹ Нахл сураси 21-оят.

⁵⁰ Марям сураси 65-оят.

⁵¹ Оли Имрон сураси 148-оят.

“ЁКИ (УЛАР) АЛЛОХ ЎЗ ФАЗЛИДАН БЕРГАН НЕЬМАТЛАРИ УЧУН ОДАМЛАРГА ҲАСАД ҚИЛИШАДИМИ?”⁵²

Ҳасад сүякни емирувчи ярага ўхшайди. У сурункали касаллик бўлиб, вужудни ишдан чиқаради. Баъзилар: “Ҳасадчининг роҳати йўқ. У мазлум кийимини кийган золим ва дўст суратидаги душмандир”, дейишган бўлса, бошқалар: “Ҳасадга оғарин! У ўлдиришни ўз эгасидан бошлайди!” дейишади.

Биз бошқалардан олдин ўзимизга раҳмимиз келсин ва ҳасад қилишдан қайтайлик. Чунки биз одамларга ҳасад қилишимиз сабабли танамизни ташвишга тортиқ қиласиз, ғам-андухни қонларимиз или сугорамиз, кўзларимиз уйқусини бошқаларга тақсимлаб берамиз.

Ҳасадчи оловни алангалатиб, унда ўзи ёнади. Ҳавотир, жонсараклик ва ғамлар касалликдир. Буларни ҳасад келтириб чиқаради ва инсоннинг роҳатини, покиза ва гўзал ҳаётни барбод қиласи. Ҳасадчининг мусибати у битиб қўйилган тақдир тўғрисида хусуматлашади. Адолат борасида Аллоҳни айблайди, шариат масалаларида адабсиз бўлади ва Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарши чиқади.

Ҳасад ёмон дардки, ҳасадчига ажр йўқ. У шундай бир бало, унга йўлиқкан киши яхшиликка эришмайди. Ҳасадчи то ўзи ўлгунича ёки одамлардан у неъматлар кетгуннича кўйиб ёнади. Дунёда ҳамма муросага юради, лекин ҳасадчи асло кўнмайди. У билан келишишнинг бирдан-бир йўли Аллоҳ берган неъматлардан ажралишингиз, фазилатларни йўқотишингиз ва сиздан омаднинг ҳар томонлама омаднинг кетишидир. Яъни, сиз тўла чўксангизгина у тинчланади.

Ҳасадчининг ҳасад қилған вақтдаги ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. У гўё заҳарли қора илон.

Айбсиз бирининг жисмига заҳрини юбормагунича тинчимайди. Ҳасадчи бўлиб қолишдан ўзингиз ҳам қочинг, бироннинг ҳасадидан ҳам Аллоҳдан паноҳ сўранг. Чунки ҳасад одамга энг ҳафли пистирмадир.

ҲАЁТГА ЎЗ ҲОЛИЧА БОҚИНГ

Дунё лаззатларни кетказувчи, қийинчилик ва мاشаққатларнинг кони, ғам-ташвишларга тўла бир макондир. У худди бир ботқоқ, бир ботсангиз, типиричилаган сари ботиб кетаверасиз. Дунёда ота-она, хотин, дўст, маскан ёки иш каби лаззатлар ҳам бор, лекин барибир кўнглингизни хира қиласиган, сиз ёқтирилмайдиган ҳолатлар учрайверади. Бунинг чораси – дунёнинг ёмонлик ҳароратини яхшилик ёмғири билан пасайтириб туринг. Шунда тугал нажот топасиз. Тикон кириши ҳам бежиз эмас, ахир.

Бу дунёда зиддият, турлилик, тоифалар, яхши ва ёмон фикрлар, бузиш ва ислоҳ, шодлик ва ғамлар ёнма-ён, бирга бўлишини Аллоҳ хоҳлади. Жаннатга барча яхшиликларни, ислоҳ ва шодликни танлади, ҳамма ёмонлик, фасод ва ғамларни дўзахда тўплади.

Воқеликка уйғун яшанг. Ҳаёллар отига минманг. Мана шу кўриб турганингиз ҳаёт сизнинг ҳаётингиз, шу ҳаётда парвоз қилинг. Дунёнингизга ўз ҳолича боқинг, ўзингизни унда яшашга қўндиринг. Дунёда сиз учун вафодор дўст ва мукаммал иш топила-вермайди. Чунки вафодорлик ва мукаммаллик дунёнинг хусусияти эмас.

Хотин сизни тўлдирмайди. Ҳадисда: “*Мўмин мўминаға (эр аёлига) ғазаб қилмасин. Чунки унинг бир ҳулқини ёқтиримаса, бошқасига рози бўлар*”, дейилган. Шундай экан, тўғрилайлик, жипслашайлик, кечиримли ва олижаноб бўлайлик, енгилини олиб, қийинини тарқ қилайлик, кўз юмиб ҳам турайлик, хато-камчиликларни тузатайлик, баъзи ишларга парвосиз бўлайлик.

МУСИБАТ АҲЛИДАН ИБРАТЛАНИНГ

Ўнг ва чап томонингизга боқинг, жабрдийдаларни кўрасиз. Ҳар уйда оҳ-воҳ ва ҳар ёноқда кўзёш, ҳар во-дийда мазлумлар бор. Мусибатзада қанча кўп бўлса, шунча сабр қилувчи ҳам бор. Жабрдийда фақат сиз эмас, аксинча, бошқаларга қараганда мусибатингиз оз. Йиллар мобайнида тўшакка михланиб, ўнг ёки чап томонига ағдарилиб, оғриқдан инграйдиган, дард сабабли бор овози билан дод солувчиларнинг саноғи йўқ.

Кўп йиллардан бери қуёшни кўрмай, зиндонбанд қилинган маҳбуслар бор. Гуллаган, яшинаган ёшлик даврларида жигаргўшаларидан ажраган эрқак ва аёллар ҳам кўп учрайди. Қанчадан-қанча баҳтиқаро, қарзга ботган, мусибатга дучор бўлганлар бор.

Демак, шулардан ибрат олиш вақти етди. Аниқ билингки: бу ҳаёт мўмин учун қамоқхона ҳамда ғамандух диёридир.

Эрталаб одамлар билан гавжум бўлган қасрлар кечки пайт хувиллаб қолмоқда. Қачондир тўқис, соғлом, бадавлат, серфарзанд бўлганлар бир куни келиб, камбағалликка, ўлимга, айрилиққа, касалликка йўлиқмоқда. “...Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) мисоллар келтирган эдик”⁵³.

Биласиз, тuya ҳеч қачон ўзи тош устига чўкмайди. Аммо ўргатилса, чўкади. Сиз ҳам ўзингизни мусибатларни қабул қилишга ўргатинг. Сизнинг бошингизга тушганларни атрофингиздагилар ва замон чархпалагида сиздан олдин ўтиб кетганларнинг балоларига солиштириб кўринг! Шунда ахволингиз уларга нисбатан анча енгил, сизга етган мусибатлар иғнанинг учидек арзимас нарса эканини биласиз.

⁵³ Иброҳим сураси 45-оят

Аллоҳ таолога Унинг меҳрибонлиги учун ҳамд айтинг, сизга қолдирганига шукр қилинг, олиб қўйганлари эвазига савоб кутинг ва атрофингизда-гилардан ибрат олинг!

Бу борада сиз учун Расулуллоҳда (соллаллоҳу алайхи ва саллам) ўrnak бор. Узот (соллаллоҳу алайхи ва саллам) бошларига түяning ичак-чавоқларини ташлашди; икки оёқлари жароҳатланди; юzlари ёрилди; қамал қилиндилар ва ўша пайтда дараҳт баргларини ейиш даражасида оч қолдилар; Макка-дан кувилдилар; тишлари синди; пок хотинлари-ning обрўлари топталди; саҳобаларидан етмиштаси ўлдирилди; ҳаётлик чоғларида ўғиллари ва бир неча қизларидан айрилдилар; очликдан қоринларига тош боғладилар; “шоир”, “коҳин”, “мажнун”, “ёлғончи” деган туҳматларга қолдилар, бироқ Аллоҳ у зотни ўзи асрди.

Булар, шубҳасиз, аниқ мусибатлар ва кичик бўлмаган имтиҳон эди. У зотдан илгари Закариё (алайхис салом) ўлдирилдилар, Яхё (алайхис салом) сўйилдилар, Мусо (алайхис салом) ташлаб юборилдилар, Иброҳим (алайхис салом) ўтга отилдилар.

Солих салафлар ҳам шу йўлдан бордилар. Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) ўз қонига бўялди, ҳазрати Усмон (розияллоҳу анҳу) ўлдирилди, ҳазрати Алига (розияллоҳу анҳу) найза санчилди, улуғ алломалар қамчиланди, яхшилар ҳибсга олинди, тақводорлар кишанлаб ташланди: **“Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли – ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришини ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто Пайғамбар ва имонли кишилар: “Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?” дейишиган эди”⁵⁴.**

⁵⁴ Бакара сураси 214-оят

НАМОЗДАН ЁРДАМ ОЛИНГ

“Эй имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”⁵⁵.

Агар сизга тўсатдан хавф-хатар келиб қолса, бошингиз хафаликдан чиқмай қолса ёки ғам ёқангиздан олса, шу заҳоти намоз ўқинг. Шунда рухингиз ором олиб, нафсингиз хотиржам бўлади. Аллоҳ изни ила ғам-андуҳ ва тушкунлик асоратларини бартараф этишга намознинг ўзи етарлидир. Агар Ра сулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор иш ташвишга солса: “**Эй Билол! Бизни намоз билан роҳатлантирип**”, дер эдилар. Албатта, намоз у зотнинг кўз қувончлари, саодатлари ҳамда шодликлари эди.

Солиҳ салафлар ҳаётлари билан танишиш мақсадида тарих китобларини ўқисангиз, бир нарсани кузатасиз: агар улар устига қийинчиликлар бостириб келса ёки бирон кулфат юз берса, итоаткорлик или намозга шошардилар. Шунда иқтидор, ирода ва ҳимматлари асл ҳолига қайтар эди.

Хавф-хатар чоғида, ҳуш бошдан учганида ва ўлим хавфи келганида, хавф намозини ўқиш лозим. Чунки энг катта хотиржамлик ва энг яхши осудаликни қалб ҳузури ила ўқилган намоз беради.

Рухий ва нафсий касалликларга чалинган авлод ўзини бу оғир азобдан сақлаш учун энг биринчи галда масjidнинг тупроғини ялаб, пешоналарини Раббилири розилиги учун чанг қилмоқлари лозим. Акс ҳолда, кўзёшлари қовоқларини ачиштириб, хафалик асабларни парчалайверади. Ҳеч бир нарса уларга намозчалик тинчлик-хотиржамлик олиб келмайди.

Агар фикр юритсак, гуноҳлар учун каффорат ҳам, Раббимиз ҳузуридаги даражамиз юксалиши сабабчиси ҳам ҳар кунлик беш вақт намозимиздир. Шу маънода у энг буюк неъматдир. У яна ғамларимизнинг улкан муолажаси, дардларимизнинг

⁵⁵ Бакара сураси 153-оят

давосидир. У қалбларимизни соф ишонч ҳистайғуси ва барча нарсадан розилик ҳислари билан түлдиради.

“...БИЗГА АЛЛОХНИНГ ЎЗИ ЕТАДИ. У ВАКИЛЛИККА ЎТА ЛОЙИҚДИР!”⁵⁶

Ишни Аллоҳга топшириб, Унга таваккал қилиш, вайъасига ишониш, қилганига рози бўлиш, У ҳақда яхши гумонда бўлиш ва таскинни Ундангина кутиш имоннинг энг улкан меваси ҳамда мўминнинг энг улуғ сифатларидандир. Банда оқибатининг яхшилигига ишонса ва ҳар бир ишида Аллоҳга суюнса, Унинг ҳомийлиги, васийлиги, етади қилувчилиги, қўллабкуватлаши ва ёрдамига эришади.

Ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом) оловга ташланганларида: “...бизга Аллоҳнинг Ўзи етади. У вакилликка ўта лойиқдир!”⁵⁷ дедилар. Шундан кейин ўша олов у зот учун салқин ва омонлик бўлди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва саҳобаларга кофирлар қўшинлари ҳамда мажусий ҳарбий бўлинмалари таҳдид қилган чоқда: “...бизга Аллоҳнинг Ўзи етади. У вакилликка ўта лойиқдир” дедилар.

Ҳар хил ташвиш ва ҳодисалар қаршисида бардам туришга ҳамда бало-офатларни бошидан кетказишига одамзотнинг ўзининг қурби етмайди. Чунки у кучсиз ва ожиз яратилган. Аммо Аллоҳга таваккал қиласа, Мавлосига ишонса ва ишини Унга топширса, ахволи тўласига яхши томонга ўзгаради. Мусибатлар қўрқитса, фалокат ўраб олса, бечораҳол ҳақир банданинг Аллоҳни ўзига вакил қилишдан ўзга кутилажак ҳеч қандай чораси йўқ. Агар мўмин бўлсаларинг, Ёлғиз Аллоҳгагина суюнинглар.

Эй насиҳат истаган кишилар, балолардан қутилиб, мashaққатлардан халос бўлиш учун мустаҳкам куч-

⁵⁶ Оли Имрон сураси 173-оят

⁵⁷ Оли Имрон сураси 173-оят

кудрат эгаси қудратли Аллоҳга таваккал қилинглар. Шиорларинг: “...бизга Аллоҳнинг Ўзи етади. У вакилликка ўта лойиқдир!” бўлсин.

Мол-мулкингиз камайиб, қарзларингиз кўпайса, яшаш манбаларингиз қуриб-битиб, ризқ хазиналарингиз хасислик қилса, “...бизга Аллоҳнинг Ўзи етади. У вакилликка ўта лойиқдир!” дея илтижо қилинглар.

Агар душмандан қўрқсангиз ёки золимдан хавфга тушсангиз, фожеадан ҳадиксирасангиз, “...бизга Аллоҳнинг Ўзи етади. У вакилликка ўта лойиқдир!” деб нидо қилинг. Раббимизнинг Ўзи етарли раҳнамо ва ёрдамчиdir.

“АЙТИНГ: “ЕРДА САЙР ҚИЛИНГИЗ!”⁵⁸

Аллоҳнинг қудрати аломатларини кўрай десангиз, шоҳид бўлиш учун турли ўлкаларга сафар қилинг, сахроларни кезинг, ер юзида айланиб юринг, очик коинот китобига ибрат назари ила боқинг, шунда қалбингиз яйрайди, ғам-андуҳ булутлари тарқалиб кетади.

Сизни чиройли боғлар, гўзал кўкаламзорлар, бирбирига чирманиб кетган бўстонларни кўрсин деб Уборлиқ сахифаларига гўзал аломатларини ёзган.

Үйингиздан чиқинг-да, ён-атрофингиздаги нарсаларни томоша қилинг, улар ҳақида фикр юритинг. Тоқقا чиқинг, водийларга тушинг, дараҳтларга боқинг, маъданли сувлардан ичинг, бурнингизга ясмин шохчаларини тутинг. Рухингиз сайроқи қуш каби эркин ва озод бўлиб қолганини хис қилганингизда баҳт осмонида сузасиз.

Үйингиздан ташқари чиқинг, кўзингиздан қора пардани олиб ташланг-да, сўнгра Аллоҳнинг кенг ерида зикр ва тасбех айтган ҳолда сайр қилинг.

Бекордан-бекор ҳолда тор хонада биқиниб ётиш ўзини ўлдиришга олиб борадиган осон йўлдир.

⁵⁸ Анъом сураси 11-оят.

Чунки хонангиз олам, ўзингиз инсониятнинг барчаси эмассиз. Нимага энди сиз қайғуга бўйин эгишингиз керак?! Сизга ахир кўзингиз, кулоғингиз ва қалбингиз билан “**Енгил ва оғир ҳолатда қўзғалинг...**”⁵⁹ деб нидо қилинган! Келинг, чўлу сахроларда ҳам, дарахтзорларда ҳам, муҳаббат қўшиқларини куйлаётган қушлар чуғур-чуғури остида, чўққилардан во-дийларгача етиб келиш ҳикоясини чулдир-чулдир сўйлаётган сувлар бўйида ҳам Қуръон ўқинг.

Нафас олиши оғирлашган ҳамда тор хонаси ўзига коронғу бўлиб қолган кишиларга табиблар тавсия қиласиган роҳат ер юзида саёҳат қилишдир. Келинг, энди баҳтли бўлиш, фикр юритиш ва мулоҳаза қилиш учун биргаликда сафар қилайлик. Аллоҳ бу ҳақда: “**Улар осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар** (ва дуо қиласилар:) “Эй Раббимиз! Бу (коинот)ни бехуда яратмагансан. Сен (айблардан) пок Зотдирсан”⁶⁰, деган.

ЧИРОЙЛИ САБР

Сабр билан зийнатланиш улуғ зотлар хусусиятларидан бўлиб, улар қийинчиликларни кенг юрак, кучли ирода ва мустаҳкам ифтихор билан қарши олишади. Агар сиз ва биз сабр қилмасак, унда нима қиласиз?!

Сизда сабрдан бошқа ечим борми? Бизга ундан ўзга чора топиб бера оласизми?

Улуғлар ҳаёти мусибат ва қийинчиликлар мусобақалашадиган майдон эдилар. Бир қийинчиликдан халос бўлиб, улгурмасларидан ҳар гал, бошқа бир мусибат зиёратга келарди. Улар эса сабрни қалқон қилиб, Аллоҳ таолога ишонч ила ҳимояланишарди.

Улуғ зотлар қийинчиликларни енгигб, муаммоларни ерга улоқтириш билан ғалаба қозонишади.

Сиз сабр қилаверинг, ўша сабрингиз Аллоҳ учун бўлади. Қийинчиликлардан қутулишга аниқ

⁵⁹ Таъба сураси 41-оят

⁶⁰ Оли Имрон сураси 191-оят

ишонган, охири яхшилигини билган, ажрни талаб қилган ва гуноҳлар кечирилишига рағбат қилган ҳолда сабр қилинг. Қийинчиликлар қанчалик кўп бўлса ҳам, сўқмоқ олдингизда зулмат таратса ҳам, албатта, ғалаба, сабр ва рўшнолик машаққат билан бўлади. Қийинчилик билан бирга енгиллик борлиги-га асло шубҳа йўқ.

Бу дунёдан ўтиб кетган улуғ зотлар тарихлари-ни ўқиб, уларнинг сабру матонатларини кўриб, тўғриси, ҳайратга тушасиз. Улар бошларига мусибат тушганида, уни худди совуқ сув қатраларидек қабул қиласар эдилар. Улар тоғлардек сабот ва ҳақиқатдек мустаҳкамлик узрадирлар. У озгина вақт холос. Сўнг уларнинг юзларида шодлик нурлари, зафар сурури ва нусрат асари балқади. Лекин уларнинг фақат сабри қачон бошимиздан бало кўтариларкан деб ётиб олиб кутиш эмасди. Аксинча, улар бало-офатларга қарши улкан сабр ила курашиш, мусибатларга осонгина бўйин эгишмас эди.

ЕР КУРАСИНИ УСТИНГИЗГА ЎКЛАБ ОЛМАНГ

Бир тоифа одамлар бор, ҳаёт ҳодисаларидан асабийлашгани асабийлашган. Бекордан бекор ошқозон яраси, қон босими ва қант касалликларини орттириб олади. Майда-чуйда воқеаларга ҳам куйиб ёнаверади: нарх кўтарилиб кетишидан ғазабланади, ёмғир кечикишидан аччиқланиб, чет эл пули қиймати тушиб ё ошиб кетганига бақир-чақир қиласди. Бундайлар ҳаёти доим безовталик ва ҳадиксирашда кечади. “**Улар ҳар бир қичқириқ (овоз)ни устларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиладилар**”⁶¹.

Сизга насиҳатимиз – ер курасини устингизга юклаб қўйманг, ёмон ҳодисаларни улоқтиринг, ўзингизга олманг.

Баъзиларнинг юраклари булат кабидир, ҳар хил шов-шув ва миш-мишларни ўзига сингдириб оладида, кейин арзимас нарсаларга сиқилаверади, ҳар бир

⁶¹ Мунофиқун сураси 4-оят

нарсадан безовтала науверади. Бундай қалб одамни парчалаб, унинг борлигини еб адо қиласди.

Ибрат ва насиҳатлар ҳаққа эришганларнинг имонларини кучайтиради. Имони кучсизларнинг эса вахима-васавасаси кўп. Турли миш-мишларга юраги шиҷоатлиларгина қарши тура олади. Албатта, жасур ва қўрқмас кишилар кенг феъл, босиқ, мустаҳкам ишончли, бағрикенг бўлади. Кўркоқ эса бехуда хавфсираш, вахима, алғов-далғов тушлар қиличи билан ҳар куни ўзини бир неча марта ўлдиради.

Агар сиз хотиржам ҳаётни хоҳласангиз, ишларга шиҷоат ва бардош билан юзланинг. Ўзига ишонмайдиганлар сизни ҳиссиётларга солмасин. Улар макрхийла қилган ишларга сиқилиб юрманг. Ҳодисаларга нисбаган қаттиқ, муаммоларга нисбатан шиддатли ва бўронларга нисбатан кучли бўлинг. Заиф қалбли кишиларга Аллоҳнинг раҳми келсин. Кунлар уларни неча бор ларзага солиб, безовта қиласди. “**Уларни одамлардан ва мушриклардан ҳам ҳаётга (яшашга) хирс қўйганроқ ҳолда топасиз**”⁶². Аммо ана шундай заифликни рад этувчилар Аллоҳдан бўладиган ёрдам ва Унинг ваъдалариға қатъий ишонч узрадирлар. “...**Уларга хотиржамлик тушириди...**”⁶³

АРЗИМАС НАРСАЛАР СИЗНИ СИНДИРМАСИН

Қанчадан-қанча кишилар жуда ҳам кичик, ҳатто эслашга арзимас ишлар сабабли ғам чекиб юради.

Мунофиқларга қаранг, уларнинг фаолиятлари қандай тушкун, шаштлари қанчалар ҳам паст бўлмаса. Қуйидагилар уларнинг сўзларидир: “**Иссиқ ҳавода қўзғалмангиз!**”⁶⁴; “**Менга изн беринг, мени фитнага қўйманг!**”⁶⁵; “**Улардан яна бир гуруҳи эса: “Уйларимиз очиқ-сочиқ”, деб Пайғамбардан**

⁶² Бакара сураси 96-оят

⁶³ Фатҳ сураси 18-оят.

⁶⁴ Тавба сураси 81-оят.

⁶⁵ Тавба сураси 49-оят

изн сўрадилар”⁶⁶. “Бизга бирор офат етиб қолишидан қўрқамиз”, деб улар томон интилаётганини кўрасиз”⁶⁷; “Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар”⁶⁸.

Эҳ, умидлари пучга чиққан кимсалар, эй бечораҳол инсонлар!

Уларнинг бор ғами қорин, идиш-товоқ, қават-қават уй ва қасрлар бўлиб, нигоҳларини ибрат осмонига қаратмайдилар, фазилатлар юлдузларига ҳеч назар солмайдилар. Уларнинг энг катта ғами ва илми улови, кийими ва зиёфатлариdir.

Кўпларнинг азиз умри эртаю кеч хотинлари ёки фарзандлари ё яқинлари билан жанжал ёки ножӯя сўзларни эшлиши ёки арзимас нарсалар устидаги мунозаралар билан кечади. Бу ҳол ўша кимсаларнинг мусибатлариidir. Уларда интилса арзийдиган олий мақсад ҳам, вақтини сарфлашга арзирли буюк ишларга қизиқиш ҳам йўқ. “Агар идиш сувдан бўшаса, уни ҳаво тўлдиради”, деб бежизга айтишмаган.

Шундай экан, сиз ҳам муҳим деб билган ва унинг учун ғам чекаётган ишларингиз борасида фикр юритинг: ҳақиқатда у ишингиз ғам чекишига арзийдими? Чунки сиз унга ақлингиз, вужудингиз, қонингиз, роҳатингиз ва вақtingизни сарф этмоқдасиз. Агар ғам чекаётган нарсангиз арзимас бўлса, демак, у савдода зарар, нархи жуда арзимас бўлган надоматdir. Рухиятшунослар: “Хар бир нарса учун ақл доирасида чегарани тайин қил, Аллоҳ азза ва жалланинг “...Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор – ўлчов қилиб қўйгандир”, деган сўзига ишон. Ходисаларни ўз ҳажми, вазни ва миқдорича баҳола. Зулм ва ҳаддан ошишдан сақлан!” дейишади.

Хушфеъл саҳобаларнинг дараҳт остидаги ғамлари байъатга вафо қилиш эди. Улар Аллоҳ розилиигига эришдилар. Аммо улар ичида бир киши бўлиб, у

⁶⁶ Ахзоб сураси 13-оят

⁶⁷ Монда сураси 52-оят

⁶⁸ Ахзоб сураси 12-оят

түясининг дардида эди. Оқибатда байъатдан мосуво бўлди ва маҳрумлик жазосига мубтало бўлди.

Энди сиз ҳам арзимас ишлар билан шуғуланишни бас қилинг. Шунда ғам-ташвишларингиз ариб, баҳтиёрик ва шодонликни ҳис қиласиз.

АЛЛОҲ БЕРГАНИГА РОЗИ БЎЛИНГ, ОДАМЛАРНИНГ БОЙИ БЎЛАСИЗ

Бунинг учун биринчи қадам – ўзингизга берилган тана, мол-давлат, бола-чақа, бошпана ва қобилиятга рози бўлишингиз ҳамда қаноат қилишингиз лозим. Чунки Қуръони карим шунга буюради: “**Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукр килувчилардан бўл!**”⁶⁹

Салаф олимлар ва илгари яшаб ўтганларнинг кўпи камбағал бўлишган. Уларда турли буюмлар, ҳашаматли уйлар, уловлар ва хизматкорлар бўлмаган. Шунга қарамай, улар ҳаётда бойлардек беҳожатлик билан яшаб, бошқаларни баҳтиёр қилишган. Чунки улар Аллоҳ ато этган яхшиликларни тўғри йўлга йўналтира олишган. Натижада уларнинг умрлари, вақтлари ва қобилиятларида барака бўлган.

Аммо бу муборак қатламга қарама-қарши ўлароқ мол-дунё, бола-чақа ва бошқа турли неъматлар ато этилган бир тоифа бор, бу неъматлар уларни баҳтсиз ва тубан қилди. Чунки улар соғлом фитратдан ва ҳақ йўлдан оғди. Демак, натижани у неъматлар белгиламайди. Яъни, неъматнинг ўзи ҳам ҳеч нарса эмас.

Дунёнинг ҳамма жойида ўтадиган дипломларни кўтариб олганларга боқинг. Аслида уларнинг дипломлари ҳам, онги ва таъсир доираси ҳам жуда арзимас. Аммо, айни чоғда айрим билими чегараланган кишилар бор, улар бу озгина билимини ўзгаларга манфаат етказишга, ислоҳот ва бунёдкорликка сарфлаб, гўё кичкина ариқни серсув дарёга айлантирган.

Агар сиз бахтли ҳаёт хоҳласангиз, Аллоҳ берган жисмингизга, оилавий аҳволингизга, овозингизга, англаш қобилиятиңгизга ва келаёттан даромадингизга рози бўлинг. Баъзи зоҳид мураббийлар: “Эришганингдан озига ва интилганингдан пастроғига рози бўй!” дейишади.

Сизга дунёдаги насибалари чегараланган, аммо ўзлари ўрнак бўларли ёрқин шахслардан айримла-рини танитаман:

Ато ибн Абу Рабоҳ ўз замонасининг тенгсиз олими бўлган. Бироқ бурни пучук, шол, жингалак сочили қора қул эди.

Ахнаф ибн Қайс араблар ичидаги жуда ҳалим, озғин жисмли, букри, оёғи қийшиқ, тузилиши заиф зот эди.

Дунё мұҳаддиси Аъмаш қул, кўз нури заиф, ўта камбағал, жулдур кийимли, кўриниши ва уйи бир ахволда бўлган.

Пайғамбарларнинг (алайхимуссалом) барчалари қўй бокишган. Довуд (алайхиссалом) темирчи, Закариё (алайхиссалом) дурадгор, Идрис (алайхиссалом) тикувчи бўлган. Улар инсонлар орасидан танлангандарни ва башариятнинг энг афзаллари эдилар.

Шундай экан, сизни иқтидорингиз, солиҳ амалингиз, ўзгаларга манфаатингиз ва хулқингиз қадрли қиласди. Йўқотган чиройингиз, бой берган молингиз ва ахли-аёлингиздан афсусланманг. Аллоҳнинг тақсимига рози бўлинг. “Уларнинг ҳаёти дунёдаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз”⁷⁰.

ЎЗИНГИЗГА КЕНГЛИГИ ЕРУ ОСМОНЧАЛИК БЎЛГАН ЖАННАТНИ ЭСЛАТИНГ

Будунёда оч ва чорасиз қолсангиз, хафа бўлсангиз, касалга чалинсангиз, ҳуқуқингиз паймол этилса ёки зулм кўрсангиз, ўзингизга етган неъматларни эс-

⁷⁰ Зухруф сураси 32-оят

ланг. Албатта, сиз мана шундай эътиқод билан амал қилсангиз, заарларингиз фойдага, балоларингиз тухфага айланади.

Инсонларнинг энг ақллиси охират учун амал қиласидиганлардир. Чунки охират яхши ва боқий қолув-чироқдир. Халойиқнинг энг аҳмоги бу дунёни қароргоҳ ва орзуларининг чўққиси деб ҳисоблайдиган кимсалардир. Мусибат пайтидаги энг сабрсиз, турли ҳолларда энг надоматли кишилар ана ўшалардир. Чунки улар ҳақир, арзимас дунёни чин дунё деб ўйлайди. Кўзлари фақат бу ўткинчи дунёнигина кўради. Ундан бошқасини фикрлай ҳам олишмайди. Ундан бошқасини ўйлаб ҳам кўрмамайди. Шоду хуррамликлари тугаб битишини хоҳламайди.

Агар улар қалбларидағи түсиқни олиб күзларидағи жаҳолаттүрларини йиртиб ташлай олса эди, ўзларини абадий ҳаёт, унинг неъмати, уйлари ва қасрларида ҳис қилиб, вахий хитобидаги тегишли васфларга қулоқ тутиб эшитишар эди. Аллохға қасамки, жаннат жуда аҳамиятли, ғайрат ва курашишга арзирли диёрdir.

Биз ўзи жаннат аҳдини касал бўлмаслиги, хафа бўлмаслиги, вафот этмаслиги, беғубор ёшлиги ту-
габ қолмаслиги, кийими чиримаслиги, зоҳири боти-
нидан ва ботини зоҳиридан кўринадиган хоналари
борлиги, у ерда кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган ва инсон
қалби ҳис қилмаган нарсалар борлиги, йўловчи да-
рахтлар орасида юз йил юрса ҳам, тугата олмаслиги,
у ерда олтмиш мил узунликдаги чодирлар борлиги,
анҳорлари узлуксиз оқувчи, қасрлари баланд, мева-
лари яқин, оқар булоқлари, кўтарилган сўрилари, ти-
зилган қадаҳлари, тизиб қўйилган ёстиқлари, тўшаб
қўйилган гиламлари, хурсандчилиги мукаммал,
шодлиги улкан, ҳидлари таралувчи, васфи улуғ, орзу-
си энг юқорида эканини узоқ муддат фикрлаганмиз-
ми? Ақлимизга нима бўлганки, фикр юритмаймиз?!
Бизга нима бўлдики, мулоҳаза қилмаймиз??

Модомики, оқибат ана шу неъматлари зикр этилган жаннат диёрида бўлар экан, мусибатга чалингандар учун ўша мусибат енгил бўлиб, аламзадалар кўзлари қувониб, йўқсиллар қалблари хурсанд бўлади.

Эй камбағалликдан эзилганлар, камчиликдан тинкаси қуриганлар ва мусибатга дучор бўлганлар, жаннатда истиқомат қилиш ва исмлари муқаддас Зот Аллоҳга кўши бўлиш учун солиҳ амалларни қилишга киришинг. “(Аллоҳ йўлида меҳнатмашаққатларга) сабр-тоқат қилиб, ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик осоиишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши”⁷¹.

“ШУНИНГДЕК, СИЗЛАРНИ (МУСУЛМОНЛАРНИ) “ЎРТА УММАТ” ҚИЛИБ КҮЙДИК”⁷²

Адолат ақлий ва шаръий жиҳатдан талаб этилади. У чуқур кетиш, шафқатсизлик, ҳаддан ошиш ва камчиликка йўл қўйиш эмас. Ким бахтли ҳаётни хоҳласа, ҳиссиёт ва эҳтиросларини қўлга олиши лозим. Розилигию ғазабида, хурсандчилигию хафалигида адолатли бўлсин. Чунки воқеа ҳодисаларга муносабатларда ҳаддан ошиш ва чегарадан чиқиш нафсга зулмдир. Ўртачалик қандай яхши.

Шариат ҳам ўлчовни жорий қилган. Ҳаёт ҳам адолат устига қурилган. Ҳавою нафсига бўйин эгиб, ҳиссиёт ва майлларига таслим бўлганлар энг жонсарак кишилардир. Улар наздида воқеа ва ҳодисалар катталашиб, асосий фикри қоронғулашади. Унинг қалбида гина-кудурат, турли ички кечинма ва адватдан иборат даҳшатли жанг содир бўлади. Чунки бундай кишилар ваҳима ва хаёллар ичра яшайдилар.

Ҳатто баъзилари хаёлида атрофидаги бор кимса унга қарши иш олиб бораётгандек бўлаверади.

⁷¹ Раъд сураси. 24-оят

⁷² Бакара сураси 143-оят.

Бошқалар унга қарши фитна уюштираётгандек. Ваҳима унга “Бутун дунё сени пойлаб турибди”, деб уқтиради. Шунинг учун у хавф ва ғамдан иборат бўлган қора пардалар ичида яшайди.

Уйдирмалар шаръян ман этилган, аслида ҳам арзимас нарсалардир. Олижаноблик ва раббонийликдан баҳрасиз кишиларгина уйдирмага берилади. **“Улар ҳар бир қичқириқ (овоз)ни устларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиласидилар. Улар душмандирлар”⁷³.**

Кўнглингизни хотиржам қилинг, чунки, даҳшатли ишлар доимо содир бўлавермайди. Бундан ташқари, сизда қўрқинчли ҳолатлар содир бўлишидан олдин уларнинг энг даҳшатли кўринишини тасаввур қилиш, сўнгра ўша ҳолатга ўзингизни тайёрлаш имконияти бор. Шу тарз юракни эзувчи воқеалар содир бўлмасидан олдин руҳий эзилишлардан нажот топасиз.

Эй ақлли, доно киши, ҳар бир нарсани ўз ҳолича баҳоланг. Воқеа-ҳодиса ва муаммоларни катталаштирунг. Балки уларни кичиклаширинг, адолатли бўлинг, ҳақсизлик қилманг. Қалбаки ваҳималар, ёлғончи саробларга учманг. Расулуллоҳнинг (соллалоҳу алайхи ва саллам): **“Дўстингни ўртача яхши кўргин. Бир кун келиб у душманинг бўлиб қолиши мумкин. Душманингни ўртача ёмон кўргин. Эҳтимол, бир кун келиб у дўстинг бўлиб қолиши мумкин”**, деган ҳадисларидағи муҳаббат ва нафрат тарозусига қулоқ тутинг!

“Эҳтимол, Аллоҳ сизлар билан сизлар душман тутиб юрган кимсалар ўртасида (уларни Исломга киритиб) дўстлик пайдо қилиб қўяр. Аллоҳ (бундай ишларга) қодирдир. Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”⁷⁴.

Кўп ваҳима ва уйдирмалар асоссиз нарсалардир.

⁷³ Муноғиқун сураси 4-оят

⁷⁴ Мұмтахана сураси 7-оят

ШАРИАТ ЎКИНИБ ЙОРИШГА БУЮРМАЙДИ

Аллоҳ таоло айтади: “Сустлашмангиз ҳам, ғамгин ҳам бўлмангиз”⁷⁵; “Уларнинг (имонсизликлари) устида ғамгин ҳам бўлманг!”⁷⁶; “Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!”⁷⁷; “...Улар учун хавф йўқдир ва улар қайгу ҳам чекмаслар”⁷⁸.

Ушбу оятлар асосида инсон қайғуга ботишдан қайтарилган. Хафалик ҳиссиёти талаб қилиш иштиёқини сўндиради, ҳиммат руҳини сустлатади ва нафсда совуққонликни юзага келтиради. У жисмини шол қилувчи иситмадир. Чунки хафалик ҳаракатлантирувчи эмас, балки тўхтатиб қолувчи ҳиссиётдир. Хафаликнинг қалбга ҳеч қандай фойдаси йўқ. Шайтон энг яхши кўрган иш – бандани ҳаракатдан тўхтатиш ва уни қайғуга солишидир. То кетаётган тўғри йўлидан озсин. “Ўзаро шивирлашиш фақат шайтон томонидан бўлиб, имон келтирган зотларни ғамгин қилиш учундир”⁷⁹.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч кишидан иккитаси учинчисига эшиттирмасдан шивирлашиб гаплашишидан қайтарганлар. Чунки икковининг ажralиб олиб гаплашиши учинчи кишини хафа қилиб кўяди. Мўмин кишининг кўнглини ранжитиш дуруст иш эмас. Рағбат ҳам қилинмайди. Чунки у нафсга зарар берувчи озорлардандир. Аксинча, мусулмон киши шаръий воситалар ёрдамида ҳар қандай ғамгинликни кетказиши, уларга таслим бўлмаслик, уни инкор этиши, қарши курашиши ва ғолиб бўлиши талаб этилади.

Хафалик хоҳланадиган иш эмас. Унинг одам боласига бирон фойдаси ҳам йўқ. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуоларида: “Эй Аллоҳ, Сенинг

⁷⁵ Оли Имрон сураси 139-оят

⁷⁶ Ҳижр сураси 88-оят.

⁷⁷ Тавба сураси 40-оят

⁷⁸ Ахкоф сураси 13-оят.

⁷⁹ Мужодала сураси 10-оят

номинг билан ғам ва хафаликдан паноҳ тилайман”, деб сўраганлар.

Хафалик ғамга ўхшаш нарса бўлиб, улар орасида-ги фарқ – келажакда содир бўлиши мумкин муаммони ўйлаш қалба ғамни ўрнаштиrsa, ўтиб кетган муаммони ўйлаш қалбда хафаликни пайдо қиласди. Буларнинг иккови ҳам қалб ҳаракатини заифлаштириб, қатъиятни сусайтиради.

Доим нимадандир хафа юрадиган кишининг ҳаёти тиниқ кечмайди, яшаш тарзини оғирлаштириб юборади. Хафалик найзаси руҳни ҳам заҳарлайди, кишида мадорсизлик, ўжарлик, саросима каби салбий ҳисларни уйғотади, ҳар не қаршисида осон таслим бўлувчи журъатсизлик билан кишини ҳалок қиласди. Натижада, қалб гўзаллик қошида тубан кетади, ҳаёт қувончлари олдида унинг нури сўнади, ҳасрат ва алам қадаҳларини симиради.

Воқеликда ҳодисалар қай даражада бўлса, ўша даражада қабул қилиш зарур. Шунинг учун ҳам жантин ахли у ерга киришганида: “**Бизлардан қайғуни кетказган Зот – Аллоҳга ҳамд (айтамиз)**”⁸⁰, дейишади. Бу эса уларга ихтиёрларисиз мусибатлар етгани каби дунёда уларга хафалик етганига далолат қиласди.

Агар кишига хафалик етса-ю, ундан қутулишнинг имкони ва иложи йўқ бўлса, бундай киши савобга эга бўлади. Чунки хафалик ҳам мусибатнинг бир туридир. Агар бошга бирор мусибат етса, уни йўқ қила оладиган восита ва дуолар билан банда ундан химояланмоғи лозим.

Аллоҳ таоло айтади: “**Шунингдек, Сизнинг хузурингизга уларни уловли қилиб қўйишингиз учун келганларида, “Сизларни уловли қилишга нарса топа олмайман”, дедингиз. Улар эса сарф қилишга нарса топа олмаганлари учун ғамгин**

⁸⁰ Фстир сураси 34-оят.

бўлиб, кўзларидан ёш оқиб қайтиб кетдилар. Уларга ҳам (таъна йўқ)”⁸¹.

Ояти карима уларни хафа бўлганлари учун мақтаётгани йўқ, балки хафалик далолат қилаётган имонларининг қуввати мақталмоқда. Улар камбағал бўлганлари учунгина Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга бора олмади. Бу оятда бирга бормаганидан хафа бўлмаган, аксинча, шодланган мунофиқларга дашном берилмоқда.

Аммо тоатни бажара олмаганидан ёки гуноҳ содир этиб қўйганидан хафа бўлиш мақтовга лойиқ ишдир. Банда Раббиси буйруқларини тўла адо эта олмаганидан, Мавлоси ҳаром қилган нарсаларда эътиборсизлик қилганидан ҳақиқий маънода хафа бўлса, бундай хафалик унинг тириклигининг, хидоятни қабул қилганининг далилидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминга ғам, машаққат ёки хафалик етими сабабли Аллоҳ унинг ҳатоларини кетказади”, дедилар. Бу саҳиҳ ҳадис мусибат ҳам Аллоҳдан эканига ва у туфайли ёмонликлар ўчирилишига далолат қиласи, асло уни хоҳлаш лозимлигини билдирамайди. Банда хафаликни ўзига талаб қилиб уни ибодат деб гумон қилиши, Аллоҳ таоло бандаларини унга ундалан ёки буюрган ёки унга рози бўлган, бандалари учун уни машруъ қилган деб ўйлаши ўринсиздир. Агар бу иш тўғри бўлганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларини хафалик илиа ўтказиб, хафаликка урғу бериб умр ўтказар эдилар.

Бир ўйлаб кўринг, шундай бўлиши мумкинми? Ахир, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) очик кўнгил, шодон чехрали, қалблари розилик-ла тўлган ва ҳуррамликлари бардавом зот эмасмидилар?!

Тўғри, Ҳинд бинт Абу Ҳоладан (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатлари ҳақида “У зот доим хафа юрадилар”, деган ҳадис

⁸¹ Таавба сураси 92-оят.

ривоят қилинганды. Аммо бу ҳадис санадида, биринчидан, ноаниқ киши бор, иккинчидан, у ҳадис со-бит ҳам эмас. Чунки ушбу ҳадисда эсланган сифат воқеликка ва у зотнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) ҳолатларига тескари келади.

Аллоҳ таоло у зотни (соллаллоху алайхи ва саллам) дүнё ва унинг сабабларига хафа бўлишдан сақлаган, кофир қавмларга хафа бўлишдан қайтарган ва бошдан-оёқ хатоларини кечирган бўлса, қандай қилиб доим хафа юрадилар?! У зотга (соллаллоху алайхи ва саллам) қаердан ҳам хафалик келсин?! Қалбларига қандай йўл топсин?! Кўксиларига қандай етиб борсин?! Ахир, у зотнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) қалблари Аллоҳ ёди билан ёруғ, тўғри ҳаёт билан суторилган, раббоний ҳидоятга тўла, Аллоҳнинг ваъдасига хотиржам, Аллоҳнинг ҳукмлари ва феълларидан рози эди.

У зот доимий табассумли, хушчақчақ бўлганлар. У кишига Аллоҳ азза ва жалланинг саловату саломлари бўлсин. Ким у зот хабарларини ўрганишга шўнғиса, ҳаётлари мохиятини тадқиқ этса, ҳаёт йўлларига назар солса, Расулуллоҳ (соллаллоху алайхи ва саллам) ботилни йўққа чиқариш, қайғу, ғам-андуҳ ва хафаликни кетказиш, нафсларни шак-шубҳа, ширқ, саросима ва безовталиқдан озод қилиш ҳамда ҳалокат жарлигидан қутқариш учун келганларини билади.

Башариятга Аллоҳ таоло қанчадан-қанча неъматлар берган.

“Албатта, Аллоҳ барча маҳзун қалбни яхши кўради”, деган ривоятга келсак, бу хабарнинг санади ҳам, ровийи ҳам, сахихлиги ҳам маълум эмас. Бутун уммат унинг тескарисини айтган. Шариат эса уни рад этган. Шундай ҳолда энди бу хабар қандай қилиб сахих бўлсин?!

Ушбу хабар сахих дейилган тақдирда ҳам хафалик Аллоҳ у билан бандаларини синайдиган мусибатлардан бир мусибатdir.

Агар банда синовга учраса, унга сабр қилса, балодаги сабрини чиройли суратда адо этибди. Аммо хафаликни мақтаб, шариат унга буюрган деб уни мақтаганлар хатога йўл қўйишган. Шариат уни рад этиб, Аллоҳ таолонинг фазли ва раҳмати Ўз Пайғамбари Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нозил қилган нарсаларидан кувонишга, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳидоятидан шодланишга, Ўзининг валийлари қалбига осмондан нозил қилган муборак яхшиликлар-ла баҳтиёр бўлишга буюрган.

“Агар Аллоҳ бандасига яхшилик қилмоқчи бўлса, қалбига қайгуни солиб қўяди, агар бирор бандасини ёмон кўрса, унинг қалбини ўйин-кулгу билан машғул қилиб қўяди”, деган ибора исроилиётлардан бўлиб, Тавротда келгани айтилади.

Аммо бунинг тўғри маъноси ҳам бор. Чиндан ҳам мўмин гуноҳларига хафа бўлади, фожир эса гуноҳларига парво қилмай, ўйнаб-куйлаб хурсанд юраверади. Агар солиҳ кишилар қалбida синиш пайдо бўлса, бу бирор яхшиликни қила олмаганидан, даражаларга етишишда камчиликка йўл қўйганидан ёки ёмон амал қилиб қўйгани сабаблидир. Лекин осийлар хафалиги бунинг хилофи бўлиб, мол-дунё, шаҳват, лаззат ва мақсадларига эриша олмагани учундир. Уларнинг ғамлариду хафаликлари фақат булар сабабли ва улар йўлидадир.

Аллоҳнинг пайғамбари Исройл (Яъқуб) (алайҳис-салом) ҳақида: “Ғам-ғуссадан унинг кўзлари оқариб (ожиз бўлиб) қолди”⁸², деган. Оятда энг яхши кўрган фарзандини йўқотиб, мусибатга йўлиқкан кимсанинг ҳолидан хабар берилмоқда. Бирор нарса ҳақида хабар бериш у иш яхши эканига, унга буюрилганига ёки у нарсага ундалганига далолат қилмайди. Балки биз хафаликдан Аллоҳдан паноҳ тилашга буюрилганмиз. Чунки хафалик оғир булат, адоксиз зими斯顿, қоронғулик, улкан ишлар йўлидаги тўсикдир.

Сулук сохиблари иттифоқ қилишларича, дунё учун хафа бўлиш мақталган иш эмас. Лекин Абу Усмон Жибрый: “Хафаликнинг ҳамма тури фазилат ва мўминлар учун зиёдалиқдир. Фақат гуноҳ сабабли бўлмаслиги шарт”, деган.

Айтишларича, хафалик Аллоҳдан бир бало ва мусибатдир. У касаллик, ғам-андух даражасида эканида шубҳа йўқ. Махзунлик халос йўли эмас.

Сиз шодлик ва хурсандликни излаб-ахтариб то-пишингиз, шодликни чорламоғингиз, Аллоҳ таолодан гўзал ва мамнун бўлинадиган ҳаёт, хотиржамлик ва кенг фикр сўрашингиз лозим. Чунки у нарсалар дунё неъматларидир. Ҳатто баъзилар: “Дунёда ҳам жаннат бор. Ким унга кирмаса, охират жаннатига кирмайди”, дейишади. Қалбларимизни ишонч нури или нурафшон қилишини, Ўзининг тўғри йўлига буриб қўйишини, танг ва тор ҳаётдан қутқаришини фақат Ягона Аллоҳнинг Ўзидан сўраймиз.

Келинг, биргаликда қийинчилик, ғам ва маҳзунликни аритувчи мана бу дуолар билан нидо қилайлик:

Буюк ва Ҳалим Зот, Улуғ Арш сохиби, осмон ва Ернинг Парвардигори бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Эй Тирик ва Барҳаёт Зот, Сендан ўзга илоҳ йўқдир, Сенинг раҳматинг-ла Сендан ёрдам сўраймиз.

Эй Аллоҳ, Сенинг раҳматингдан умидвормиз, бизларни бир лаҳза ҳам ўз ҳолимизга ташлаб қўймагин, барча ишларимизни Ўзинг ўнглагин. Сендан ўзга илоҳ йўқдир.

Тирик ва Барҳаёт Аллоҳга истиғфор айтаман ва унга тавба қиласман.

“Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Ўзинг бордирсан, эй Пок Парвардигор, дарҳакиқат, мен (ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим”⁸³.

⁸³ Анбиё сураси 87-оят

Эй Аллоҳ, мен қулингман, қулинг ва чўрингнинг фарзандиман, ҳаётим Сенинг қўлингдадир. Ҳукминг ўтгувчи, тақдиринг адолатлидир. Ўзингни номлаган барча исмларинг билан, Китобингда нозил қилганларинг билан, бандаларингдан бирортасига ўргатганларинг билан, Ўз ҳузурингда ғайб илмига битганларинг билан Қуръонни қалбимнинг баҳори, юрагимнинг сурури қилишингни, ғамимни кеткизib, қайғудан халос этишингни сўрайман.

Эй Аллоҳ, Сендан ғам-қайғудан, ожизлик, дангасалик, баҳиллик, қўрқоқлик, қарзга ботиш, кишиларга мағлуб бўлиб қолишдан паноҳ сўрайман.

“Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойикдир!”⁸⁴

ТАБАССУМ ҚИЛИНГ

Ўртача кулги ғам-қайғуларга шифо ва малҳамдир. Рух ҳурсандчилиги ва қалб қувончидаги унинг ажойиб таъсири бор. Ҳатто Абу Дардо (розияллоҳу анху): “Мен қалбим дам олиши учун куламан”, деганлар. Инсонларнинг шарафлиси ва ҳурматлиси Муҳаммад (алайҳис салом) аҳён-аҳёнда кулиб, озиқ тишлари кўринар эди. Бу нафс дардини англовчи оқил кишилар кулгиси ва нафснинг давосидир.

Кулги шодлик чўққиси, роҳатнинг энг юқори қисми ва мамнуниятнинг ниҳоясидир. Лекин бунда чегарадан ошмаслик шартдир. Ҳадисда: “*Кулгини кўпайтирманг!* Чунки кўп кулги қалбни ўлдиради”, дейилган. Кулгига меъеридан ўтмаслик яхши. Ҳадисда: “*Биродарингизни юзига кулиб боқишингиз ҳам садақадир*”, дейилган. Аллоҳ таоло айтади: “(Сулеймон) унинг сўзидан кулиб табассум қилди”⁸⁵.

Масхаралаб кулиш бундай кулги сирасига кирмайди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласиди:

⁸⁴ Оли Имрон сураси 173-оят.

⁸⁵ Намл сураси 19-оят

“Бас, мўъжизаларимизни уларга келтирганида, улар бирданига улардан (мўъжизалардан) кула бошладилар”⁸⁶. Кулги жаннат аҳлининг неъматлари-данdir: “Энди бугун (аксинча) имон келтирганлар кофиirlар (усти)дан кулурлар”⁸⁷.

Араблар тишлари кўрингудек кулган одамни мақташади, бу хислатни кенг феъллик, қўли очиқлик, табиатан сахийлик, мулоиймлик ва хотиржамлик аломати деб билишади.

Шеър:

Хушчақчаклар неъматлардан олишадир завқ,
Кенг дунёга пок нигоҳ-ла боқа олурлар.
Ҳимматидан тўла бошлар ўнг зарварақ,
Хуш сухан-ла дилингизни ёқа олурлар.

Шеър:

Келса бирор очиқ юз-ла шоду хуррам,
Унумилар бори ҳасрат, ташвишуғам.
Назокат-ла қалбингизни ром қилган он
Не сўраса, муҳайёдир ўша замон.

Ҳақиқатан ҳам Ислом ақида, ибодатлар, ахлоқ ва сулукда ўртачалик асосига қурилган. Исломда кўрқинчли зулмат каби қовоқ солиб юришга ҳам, доим ҳазил-мутойиба билан қаҳқаҳа отиб юришга ҳам буюрилмаган. Лекин жиддийлик, виқор ҳамда хушчақчакликнинг ўртачасиига буюрилган.

Шеър:

Хушнудликни севмаганга ақлим ҳайрон,
Ҳазил севмай ўтганларнинг умри тўзир.
Абу Али тонг юзига фидодир жон,
Юлдуз кўзнинг йўлин қараб дил мунтазир.

Юзни тириштириб, қовоқ солиб юриш киши табиатининг норози кайфиятидан, фикрининг остин-устунлигидан, мизожи бузилганидан далолатдир.

⁸⁶ Зуҳруф сураси 47-оят.

⁸⁷ Мутоффифун сураси 34-оят

Аллоҳ таоло коғирлардан бири Валид ибн Муғира ҳақида бундай деган: “Сўнгра (Куръондан айб топа олмагач) юзини тириштириди ва буриштириди”⁸⁸.

Шеър:

Алангадан ичи туйнук, юзи заҳил,
Кибр оти ҳаётини қамчилайди.
Давраларда дўсту душман бўлмас аҳил,
Сўзларидан кибру ҳаво томчилайди.

Писанд этмас на дўстини на ёрини,
Тунда юлдуз эмасдирлар сайри хушхол
Очиқликда кўрмас баҳту иқболини
Бу не синов, бу не азоб, бу не завол?!

БИРОДАРИНГИЗНИ ОЧИҚ ЮЗ БИЛАН ҚАРШИ ОЛСАНГИЗ-ЧИ!

Аҳмад Амин “Файзул хотир” китобида айтишича, ҳаётга табассум билан боқадиганлар баҳтиёр бўлибгина қолмай, ҳар қандай ишни қила олади, масъулиятни ҳис этади, қийин ҳолатларни енгиб ўтади ва ҳамма учун фойдали ишларни амалга оширишда ўзида куч топади.

Агар сизга мол-дунё, юқори мансаб ёки табассум қилувчи нафслардан бирини танлаш ихтиёри берилса, иккиланмасдан охиргисини, яъни табассум қилувчи нафсни танланг. Қош-қовоқ осган кишига мол-давлат ярашмайди, маҳзунлик билан юқори мансабга мос эмас, худди яқинининг жанозасидан келаётгандек юраги тор ва тажанг жаҳлдор қиёфа инсонга ҳаётнинг ҳеч қандай қизиғи йўқ. Уйи дўзахга айланган ғамнок аёлнинг чиройидан кўра, гўзал бўлмаса ҳам, хонадони жаннат мисол аёл минг чандон яхши.

Табассум инсон табиатига уйғун ҳолда юзага келмаса, у юзаки ва қадрсиздир. Гуллар, боғлар, ден-

⁸⁸ Муддассир сураси 22-оят.

гиз, анҳорлар, осмон, юлдузлар ва қушлар табассум қилур. Одам боласи бирон-бир тамаъ, ёмонлик ё худбинлика дучор бўлмаса, унинг асли табиати табассумдан иборатdir. Табассумсиз киши хулоҳанг табиатининг маромини бузади, гўзалликни кўра олмайди, ҳақиқатни билмайди.

Инсон бу дунёни ўз амали ва қараши билан ўлчаб унга баҳо беради. Агар иш яхши ва фикр шунга мос бўлса, дунё манзарадари унга тоза, покиза, дунё ҳам аслидагидек гўзал бўлиб кўринади. Мабодо акси бўлса, гёё унинг манзарадари хиралашиб, ойналарини зулмат қоплай бошлайди ва одам ҳамма нарсанни ана шундай қораликдан иборат деб ҳисоблайди.

Айримлар ҳамма нарсадан баҳтсизлик ясаса, баъзилар саодат бунёд этади. Шундай аёллар бор, уйларида фақат камчилик қидиради. Бугун улар учун қора кун, чунки лаган синди, ошпаз овқатни шўр қилиб қўйди ёки хонадан бир парча йиртилган қофоз топиб олди ва ғазаби келиб ҳақоратлади. Ҳақорат уйдаги ҳаммага таъсирини ўтказади, чунки у оловнинг бир бўлаги кабидир.

Баъзи инсонлар эшиитган ҳар бир гапидан, унга нисбатан қилинган ёки ўзидан содир бўлган арзимас ишдан, кўрилган заرارдан ёки кутилаётган фойда қўлга киритилмаганидан хавотирга тушади ёки ёмонлик томонини ўйлади, бошқаларга ҳам хил таъсир ўтказади. Улар ҳамма нарсанни қора деб биллиб, атрофидагиларга ҳам қора қилиб кўрсатади, ёмонликни кўпиртиришга ўзларида куч топади, оддий уруғдан гумбаз, янги кўчатдан дарахт ясайди, яхшилик учун куч топа олмайди, берилган ҳисобсиз неъматларга қувонмайди ва бошқаларга инфок-эҳсон қилмайди.

Ҳаёт бир фан, ўрганиладиган фандир. Инсон мол-дунё тўплашга интилишидан кўра ҳаётига гуллар, райхонлар ва муҳаббат кўчатини ўтказишга

ҳаракат қилмоғи афзалроқдир. Ҳаётида раҳмат, муҳаббат ва гўзалликни ривожлантирмасдан бутун куч-ҳаракатини мол-дунё йиғишга қаратган киши қандай инсон бўлди??!

Кўпчилик ҳаёт гўзалликларини кўриш мақсадида эмас, балки динор ва дирҳамларни кўзлаб кўзини очади. Сердарахт боғу роғлар, гўзал гулзорлар, булоқлар, сайроқи қушлар олдидан эътиборсиз ўтади. Чунки улар пул учун кириб пул учун чиқади. Џулни ҳаётда баҳт воситаси деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун баҳтиёр ҳаётларини пулга сотади. Кўзларимиз бизга гўзалликни кўриш учун берилган, лекин биз уларни мол-дунёга боқишига ўргатдик.

Умидсиз бўлманг, зеро у юзингизда буришган-қиёфа пайдо қиласди. Табассум қилишни истасангиз, ўзингиздан умидсизликни йўқотинг. Сиз ва бошқалар учун фурсат бор, нажот эшиги очиқ, ақлингиз умидлар ушалишига ва қелажакда яхшиликка кўз тикишга ўргансин.

Сиз кичик ишлар учун яратилганман деб ишонманг, у ҳолда ҳаётда фақат кичик нарсаларга эришасиз. Агар сиз буюк ишлар учун яратилганингизни хис қилсангиз, ўзингизда барча тўсиқ-ғовларни енгиб ўтиб, олий мақсадларга эриштирувчи ҳиммат топасиз. Гапимиз тасдифини ҳаётда кўп кўрасиз. Масалан, юз метрга югуриш мусобақасига қатнашган киши маррага етгач чарчоқни хис қиласди. Тўрт юз метрга югуришни қасд қиласа, юз ёки икки юз метрга етганида ҳам чарчоқ билмайди.

Ҳар бир инсонда мақсадига яраша ҳиммат бўлади. Мақсадни белгиланг, у қўлга киритилиши қийин ва юксак бўлсин. Бироқ унга эришишни муаммо қилманг. Зеро, ҳар куни у томон янги қадам ташлашда давом этсангиз, бас.

Умидсизлик, орзу қила олмаслик, ёмон ишларни кўриб яхши ҳаёт кечирмаслик, одамлардан айб

қидириш ва факат бу оламнинг ёмонликлари ҳақида гапиравериш сизни зулмат исканжасида қолдириб, тунд қиёфага айлантиради.

Инсон ўз муваффакиятига эришиш учун табиий иқтидорини ўстириб, қўли очиқ ва бағрикенг бўлишга одатлансин. Ҳаракат қилаётган эзгу мақсадлари имкон қадар одамларга яхшилик қилишга туртки бўлсин. Нафси нур ва муҳаббат таратувчи маёққа айлансин. Қалби меҳр, яхшилик, инсонийлик ва барчага ёрдам бериш учун хайрҳоҳликка тўла бўлиши лозим. У ўзини шуларга ўргатсин.

Табассумли шахс қийинчиликни кўрганида уни енгишдан роҳатланади. Унга қараганида, унга қарши курашаётганида ва ғолиб келганида ҳам табассум қиласди. Тунд қиёфали инсон машаққат чоғида ортга чекинади. Ҳиммати пасайиб, “агар”, “кошки” ёки “қанийди” каби сўзларни ишлатишга киришади. Уни бу аҳволга солган замон эмас, балки хулқ-атвори ва тарбиясидир. У ҳаётда нажот топишни истайди, пулени сарфлашни хоҳламайди.

Ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар нисбийдир. Ҳиммати пастлар олдида ҳар нарса жудаям қийин, буюк ҳимматлилар учун ҳеч нарса қийинчилик туғдирмайди. Қийинчилик кўпайгани сарри уларнинг ҳиммати янада юксалашиб бораверади. Ҳимматсизлар эса ундан қочишга уринади. Қийинчилик худди қопағон ит кабидир. Агар ундан қўрқаётганингизни, ортингизга қайтмоқчилигингизни сезиб қолса, ҳуриб, сизни қувлай кетади. Аммо унга менсимай қараб, эътибор бермаётганингизни билса, йўлдан четга ўтади ва сиздан қўрқиб, ғужанак бўлиб олади.

Инсон ўзига паст, мартабасиз ва қадрсиз, деб боқиши сабабли ҳалокатга йўлиқади. Бу каби инсондан катта ишлар содир бўлмайди, ундан яхшиликлар кутилмайди. Ўзини арзимас санаган шахс ўзига

Ўқинма

бўлган ишончни ва имонининг қувватини йўқотади. Бирор ишни бошламоқчи бўлса, иқтидорига, ишни охирига етказишига шубҳа қиласи. Натижада сусткашлиқ қилиб, мақсадига эриша олмайди.

Ўзига ишонч туйғуси катта фазилатдир. Ўзига ишонган киши ҳаётда нажот устунига айланади. Ўзлик, яъни нафс билан разил ҳисобланмиш ғурур орасида катта фарқ бор. Ғурур нафснинг хаёлга ва соҳта шуҳратга суюниб қолишидир. Ўзига юклатилган масъулиятни бажаришда қобилиятига суюниб, иқтидор ва истеъдолларини намоён этиш эса нафсга бўлган ишончdir.

Шеър:

Деди: “Осмон таъби хира, тушкун ҳоли”

Дедим: “Басдир осмонларнинг шу аҳволи.

Сен табассум гулзорида топгил ўзни

Табассумга бела ҳар кун ойдай юзни”

Деди маъюс: “Ёшлик кетди, келмас қайтиб...”

Дедим: “Алёр айтавергин дилга қайтиб

Ҳар таассуф у дамларни қайтаролмас,

Лек табассум қилсанг, кўнгил бўлмас абас”

Деди: “Осмон деганларим кетди тубан,

Мұхаббати оғушида эдим шўх-шабн.

Хиёнатнинг зардобидан қонди дилим

Ёлғиз ойдек энди бу дил тилим-тилим”.

Дедим унга: “Афсусларга йўқдир тоқат,

Табассум-ла шодликларга боғлан фақат.

Ғамга борар йўлларингни узавергин,

Кулги билан хуш дамларинг чўзавергин.

Ахир дунё собит эмас кулфат билан

Ниҳояни тезлаштирас билсанг алам”.

Деди: “Қонга зориқса-да, афтодаҳол

Сиқилганда қон тупурган соҳибжамол

Е́ки жанглар талотўпи аро сарсон,
Тижоратчи бир мусофири каби беном
Тинкасини қуритмоқда бу ғавғолар...
Э, воҳ! Недин келар унга бу савдолар?!”

Дедим: “Яна табассум қил, сендамас айб,
Сен билмаган асрорларни биладур ғайб.
Ваҳмаларни чектурмакдан сақла ўзни,
Табассум қил, табассум-ла қувнат кўзни.
Шояд, шундан кулса сенда баҳти ноқис
Бу дунёning кулфатидин қолмаса из...”

Деди: “Душман ҳайқириғи ҳар ёнимда
Иложсизлик кишанлари оёғимда
Қай кунимга шодумонлик ярашади
Бир оҳ урсам жонимга ўт туташади?!”

Дедим: “Хурсанд бўлавергин, табассум қил,
Улардан-да юксаксан сен, ўзлигинг бил.
Ўзларининг хорликлари бўлиб сабаб
Йўқса, сенга келмасдилар сени истаб”.

Деди: “Ҳамма шоду хуррам, йўқ андуҳи,
Фақат менинг дилимда йўқ нур шукуҳи.
Ҳадя билан хуррам этсам ёр-дўстимни
Ақча чўғи қопламайди кам-кўстимни”.

Дедим: “Яна табассум қил, ўтар бари,
Шу дўстликнинг ўзи ҳаёт хуши дилбари.
Сенинг ҳаёт эканлигинг кифоядир,
Дўстлар билан якун энг зўр ниҳоядир”.

Деди: “Тунлар заҳарлардан жом тутади
Таним ғамдин ўзлигини унутади”.

Дедим: “Асло тобе бўлма маҳзунликка,
Табассум қил, умринг етар фузунликка.

Шояд сенинг кулгиларинг кўриб дўстлар
Ўз кулфату ғамларини унутсалар.
Ахир, лаблар табассумдан сўнмагайдир,
Очиқ юзлар тундлашишга кўнмагайдир.
Ҳатто тўқнаши келганида юлдузлар ҳам
Бир урилиб, кулиб, сўнгра топар барҳам”.

Деди: “Очиқ юздан баҳтли бўлмас очун
Келиб яна кетмоққа шай бўлгани-чун”.

Дедим: “Гарчи ҳалокатга қолса яқин,
Табассум қил, вужудингда ёнсин ёлқин.
Чун ундан сўнг бир ёзилиб кулолмайсан
Борлиғингни табассумга белолмайсан”.

Биз табассумли, хушчақчақ, кенг қалбли, са-
ховатли, мулойим бўлишга нақадар муҳтоjemиз.
Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ
таоло менга тавозеъли бўлишингизни ваҳий қилди.
Ҳеч ким бир-бирига зулм қилмасин. Бирор киши
бошқасидан кибрланмасин”, дедилар.

Ўқинманг! Чунки сиз кеча ташвиш нималигини
синадингиз, ҳеч бир фойда бергани йўқ. Кимнинг-
дир фарзанди чўкиб кетди. Ўқинчи сабаб бўлиб у
нажот топдими? Яна бирорвнинг отаси вафот этди.
Сиқилиши сабабли у қайтдими? Тижоратингиз за-
рарга кетиб, ўқинсангиз, зиёнларингиз фойдага ай-
ландими?

Ўқинманг! Зеро, бир мусибатга қайғуриб, муси-
батлар чақирдингиз. Фақирикдан нолиб, қийин-
чилигингизни янада кўпайтирдингиз. Душманла-
рингиз гапларидан таъсирланиб, зарарингиз учун
уларга ёрдам бердингиз. Ёмон иш содир бўлишидан
ташвишландингиз, лекин у воқе бўлмади.

Ўқинманг! Негаки ғамгинлик сизга кенг ҳовли,

гўзал аёл, мол-давлат, юқори лавозим ва ақлли фарзандлар бермайди.

Ўқинманг! Чунки қайғу сизга зилол сувни шўр, атиргулни заққум, боғларни қақраган сахро ва хаётни тоқат қилиб бўлмас зиндан қилиб кўрсатади.

Ўқинманг! Зеро, сизда икки кўз, икки қулоқ, икки лаб, икки қўл, икки оёқ, тил, юрак, тинчлик, омонлиқ, соғлом тана бор. “**Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!”⁸⁹**

Ўқинманг! Чунки эътиқод қилган динингиз, яшашга жойингиз, ейиш учун нонингиз, ичишга сувингиз, кийишга кийимингиз, хурсандчилик қилишга жуфти ҳалолингиз бор. Нимадан ташвишдасиз, ғам-аламдан не фойда?

АЛАМ НЕЪМАТИ

Аlam ҳар доим ҳам ёмон ҳис эмас. Баъзан у инсонга яхшилик келтиради. Албатта, юракдан илтижо қилиши алам вақтида содир бўлади. Алам чоғида сидқидилдан тасбеҳлар айтилади. Толиби илм таҳсил вақтида қийналиши унинг етук олим бўлиб чиқишида самарасини беради. Чунки у бошда ёниб, охири нур таратади. Шоир айтмоқчи бўлган гапларини ифода қилиш вақтида қийналиши гўзал ва тъсирил адабиётни юзага чиқаради. Чунки алам билан қалби, асаблари ва қонидан учқун чиқиб, натижада хисларни титратади, дилларни жунбушга келтиради.

Агар толиби илм роҳат-фароғатда яшаб, танглиқ азобини, алам доғини тотмас экан, у дангаса, бўшашган ва мадорсиз бўлади. Агар шоир аччик алам тотмас экан, ғам-ғусса чекмас экан, унинг шеърлари ўҳшовсиз гаплар, кўпик сўзлар уюмига айланади. Чунки бу пайтда унинг шеърлари юрақдан эмас, балки тилдан чиқади. Оғиздан чиқсан сўзлари юрагида яшамайди.

⁸⁹ Ар-Рахмон сураси 13-оят

Рисолат субҳи ёришган пайтда яшаб ўтган мўминларнинг ҳаёти бунга ёрқин мисол ва ўрнақдир. Уларнинг имонлари бақувват, қалблари тоза, лахжаси соф, илми дарё бўлган. Улар оч-наҳор, муҳтоҷ, азоб чекиб, қувғин ва сургунда, дўстлари ва яқинларидан ажралиш озорларида, жароҳат, зулм азобларида яшаганлар. Буларнинг аламини тотганлар. Улар ҳақиқий соф, танланган, поклик белгиси, улуғлик нишонаси, фидокорлик рамзи бўлган инсонлардир. “Бунинг боиси – уларга Аллоҳ йўлида бирор ташналик, қийинчилик, очлик етса ва коғирларнинг жаҳлини чиқарадиган қадам боссалар, душманга бирор мусибат етказсалар, албатта, уларга шу сабабли яхши амал ёзилур. Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчилар мукофотини зое қилмагай”⁹⁰.

Бу дунё оламида ажиб гапларни гапиравучи одамлар бор. Чунки улар дардли яшайдилар. Мутанаббийни иситма қийнаганида ажойиб байт айтган:

Шеър:

*Менинг зиёратчим ҳаёли, орли
Фақат қаро тунда келар, изҳорли*

Нўймон ибн Мунзир бир кишини қатл қилиш билан қўрқитганида, у бундай деди:

Шеър:

*Сиз – тунни мунаввар айлаган Қуёш,
Подшоҳлар – теграда юлдузлар атай
Оламни ҳар лаҳза этсангиз нурфоши,
Осмон ҳам юлдузи борин унугтай.*

Бу каби одамлар сермаҳсул ҳаёт кечирганлар.

Аlam сизни жазавага туширмасин, машаққатдан чўчиманг. Баъзан улар сизга куч-қувват беради. Қалбингиз қувноқ, ғам-андуҳдан йироқ бўлиб, яшашингиз кучсиз-маъносиз ҳислар, сўнган ғайрат билан яшашингиздан яхшироқдир. “Лекин Аллоҳ

⁹⁰ Тавба сураси 120-оят.

(уларнинг) қўзғалишларини ёқтирмайди, уларни сусайтириб қўйди ва уларга: “Ўтирувчилар билан бирга ўтираверингиз!” дейилди”⁹¹.

Ёниб сўзлаётган воизнинг сўзлари юрак тубига етиб боради, рух қаърига шўнғийди, чунки у алам билан яшайди. “Бас, У Зот уларнинг дилларидағи нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни (Хайбар жангиде эришиладиган) яқин ғалаба ва ўзлари(гина) оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан мукофотлади”⁹².

Шеър:

*Муштоқни айблама завқу шавқ учун,
У мақсад йўлида кўрсатар кучин.*

Айрим шоирлар девонида на бир ҳаётни, на бир рухни кўрасиз. Чунки улар ўз сўзларини мashaққат чекмай, дардни ҳис қилмай айтганлар, тартибга солганлар ва бу сўзлар худди қор парчасининг тўпи ҳамда тупроқ ўюмига ўхшаб қолган.

Айрим асарларни ўқисангиз, одамнинг бир тукини ҳам титратмайди, қалбини ларзага келтирмайди. Чунки муаллифлари ўз сўзларини мashaққат, изтироб, алам ва қийинчиликсиз айтганлар, яъни дардсиз сўзлаганлар: “Улар кўнгилларида йўқ нарсаларни оғизлари билан гапирадилар”⁹³.

Гапларингиз таъсирили чиқиши учун олдин унинг чўфида ўзингиз ёнинг, таъсиrlанинг, аламини топтинг, шунда инсонларга таъсирини кўрасиз. “Бас, қачон, Биз унинг устидан (ёмғир) ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли гўзал жуфтларни (икки жинсли гиёҳларни) ундирур”⁹⁴.

БИЛИШ НЕЪМАТИ

“Билмаганингизни билдириди. Аллоҳнинг Сизга (нисбатан) фазли буюқдир”⁹⁵.

⁹¹ Тавба сураси 46-оят.

⁹² Фатҳ сураси 18-оят.

⁹³ Оли Имрон сураси 167-оят.

⁹⁴ Ҳаж сураси 5-оят.

⁹⁵ Нисо сураси 113-оят.

Жаҳолат қалбнинг ўлими, ҳаётни ўринсиз қурбон қилувчи, умрни ўчирувчидир. “Мен сенга жоҳиллардан бўлишингдан (қайтариб) насиҳат қиласман”⁹⁶.

Илм кўз нури, рух ҳаёти ва озиқасидир. “Ўлик (кофир) бўлган одамни (ҳидоят билан) тирилтириб, унга одамлар ичида ўзи билан олиб юрадиган нур (имон)ни берганимиздан кейин (у) зулматлар ичида (қолиб,) ундан чиқмайдиган кимсага ўхшайдими?”⁹⁷

Илм шодлик-хурсандчилик келтиради. Чунки у зулматни ёритади, орзуга етказади, беркилган пардани очади. Нафс янгиликларни билишга, ундан хабардор бўлишга қизиқади. Жаҳолат эса зерикиш ва қайғудан иборатдир. Чунки у янгиликсиз, ажибликтан йироқ, ёқимли бўлмаган ҳаётдир. Унинг бугуни кечагиидек, эртаси эса бугунидек.

Бахт истасангиз, илм ва маърифат изланг, фойда ҳосил қилинг. Шунда ғам-андух, қайғулардан нажот топасиз. “...ва айтинг: “Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин”⁹⁸; “(Эй Муҳаммад, Сиз ўзингизга тушириладиган Куръонни барча мавжудотни) яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг!”⁹⁹ Расулуллоҳ (соллалоҳу алайҳи ва салам) дедилар: “Аллоҳ таоло қайси бандасига яхшиликни истаса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”.

Маърифатсиз кишига мол-дунё ва обрў-эътибори фахр эмас. Унинг ҳаёти тўқис, кечираётган умри комил бўлмайди. “(Эй Муҳаммад!) Ахир, Сизга Раббингиз туширган нарса аниқ ҳақиқат эканини биладиган киши (маънан) кўр кимсага ўхшайдими?”¹⁰⁰

Худ сураси 46-оят

Анъом сураси 122-оят

Тоҳа сураси 114-оят.

Алак сураси 1-оят.

Раъд сураси 19-оят

Муфассир Замахшарий бундай деган:

Шеър:

*Илм йўлида бедор бўлишим
Раққосалар васлидан азиз.
Илм завқидаги гандиракларим
Соқий қуйган шаробдан лазиз.*

*Қаламларим ғичирлаб ёзса,
Роҳат берар най овозидек.
Варақ узра қумлар овози
Қизлар чалган күйлар завқидек.*

*Орзу қилиб, маратабам сари
Эришиай деб уринган каслар
Маърифатсиз армондир бари
Толиққандан чикмасдир саслар.*

*Гоҳ ухламай ўтказсам бедор,
Баъзан ухлаб ўтар тунларим.
Уялмасмикин-а, нодон у беор
Тикилмоққа шодон бу кўзларим?*

Билиш қандай яхши шарафдир. У билан нафс бунчалар шодон, қалб тоза, ақл бунчалар заковатли бўлмаса?! “Ахир, Парвардигоридан (аник) хужжатга (Қуръонга) эга бўлган киши (Сиз ва мўминлар) билан қилган ёмон иши ўзига чиройли кўринган ва ҳавоий нафсига эргашган (кофир) тенг бўлурми?!”¹⁰¹

СУРУР ФАНИ

Қалб суури ва унинг хотиржамлиги улуғ неъматлардандир. Чунки бунда хаёл жойида, натижали ва руҳан шодлик юзага келади. Айтишларича, суур ўрганиладиган фан бўлиб, ким уни жалб қилиш ва қўлга киритишни билса, ҳаёти гўзал, шодон ва туганмас неъматдан баҳра олади. Бунинг учун инсон

¹⁰¹ Мухаммад сураси 14-оят

Ўқинма

сабр-тоқатли бўлиши, ҳар қандай ғала-ғовурларга аҳамият бермаслиги, ҳар хил воқеалардан таъсиrlа-навермаслиги, арзимас нарсалар учун безовталан-маслиги лозим.

Қалб қанча кучли ва соф бўлишига қараб нафс ҳам шунча ёришиб боради. Бардошсизлик, руҳий туш-кунлик ва безовта нафс ғам-қайғу ва ташвишларнинг ташувчисидир. Ким нафсини сабр-тоқатга ўргатса, безовталаниш ва тажанглиқдан халос бўлади.

Шеър:

*Умид-ла яшашига интилсанг ғоят,
Ботқоқни-да кечиш осон ниҳоят.*

Паст савия, саёз билим, нафснинг айтанини қиласвериш, бутун олам ва ундаги бор нарсаларни унтиш хурсандчилик душманидир. Аллоҳ таоло душманларини “Жон талвасасига тушиб қолдилар...”¹⁰² деб сифатлаган.

Фикри саёз кишилар борлиқни ўз оламларида кўрадилар, бошқа нарсалар ҳақида фикр юритмайдилар, ўзгалар учун яшамайдилар, уларга эътибор ҳам бермайдилар. Жароҳатларни унтишни, ғамандухлардан йироқ бўлишни истаган нафсимизга эътиборни камайтиришимиз лозим. Шундай қилсак ҳам ўзимизнинг, ҳам ўзгаларнинг баҳтиёр бўлишига хисса қўшган бўламиз.

Киши ўз тафаккурини эҳтиётлаб, уни жиловлаб олса ҳар тарафга аланглайвермайди, қочмайди, ҳаётда нодонлик қилмайди Сурур фанининг асосий қоидаларидан бири шу. Агар сиз тафаккургизни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, чегарасидан чиқади, қўлингизга қайғу калавасини ушлатади ва туғилганингиздан бошлаб сизга изтироб китобини ўқийди.

Фикрлар тарқоқ бўлса, сизни ярали ўтмишга қайтаради, хавотирли келажакни олиб келиб, таянчларингни ларзага солади, вужудингизни титратиб,

¹⁰² Оли Йирон сураси 154-оят

хисларингизга таъсир кўрсатади ва туйғуларингизни кўйдиради. Фикрлашингизни фойдали нарсаларни тўпловчи таважоҳуҳ жилови билан бошқаринг. “Ўлмайдиган, ҳамиша Барҳаёт Зотга таваккул қилинг”¹⁰³.

Сурур фанининг қоидаларидан яна бири ҳаётга ўзининг қадрича боқиб, даражасига қараб баҳо беришдир. Ҳаёт хижронлар кони ва мусибатлар макони, бахтсизликни жўр қилувчидир. Демак, бундай сифатлар эгасини эъзозлаб, унинг машаққатларига ғам чекишдан нима фойда?

Унинг софлиги кирлик, у ёмғирсиз чақмоқ, ваъдалари сахродаги ярқироқ сароб, насли йўқ, унга эга чиққанлар ҳасаддан боши чиқмас, ундан баҳра олувчилар таҳдид остида, ошиқлари хиёнат қиличи билан ўлдирилур.

Шеър:

Эй қондошлар! Қариндошларим!
Қолувчилармизми дунёда абад
Ўлаксаҳўрлари қагиллаб турган
Конхўрлари қонсираган пайт.

Улардек биз дунё жамлаган,
Бирлаштирган кимса бўлмасак,
Нега қайғурамиз дунё деб ҳамон,
Наҳом дунё дея ииғласак?!

Ўтган золим Кисролар қани
Бойлик тўплаб дунё ииққанлар
Кетди улар, қолмас абадий,
Бор бўлса, гар, осмон тораяр

Энди улар тор лаҳад ичра
Чорланса-да, жавоб бермаслар,
Гапиролмас, ҳатто гапириш
Борлигини гўё билмаслар.

Хадисда: “*Илм фақат ўрганиши билан, ҳұлм фақат ҳалым бўлиши билан бўлади*”, деб келган. Киши ҳақиқий хушчақчақликка эришгунича мажбуран бўлсада, унга интилиши, сабабларини юзага келтириш ва аломатларини ўзида жамлаши керак. Бу ҳақир дунёни деб ғам чекиб, қовоқ осиб юришимиз тўғри эмас.

Шеър:

Ўлим ҳукми дунёга маҳкум,
У абадият олами эмас.
Бирор кимса хабар келтирса,
У ҳам кирдан мусаффао эмас.

Кун ҳолатин ўзгартирмоқчи
Бўлган кимса ўхшайди экан
Сувда олов ёқмоқчи бўлиб
Ўтинг ғамлаб, тагига пичан.

Маҳол ишга умид боғлама
У омонат жарлик лабида
Яшаши уйқу, умид сергаклик
Одам – хаёл ораларида

Истакларинг амалга ошир
Умринг китоб, бўлинар ўқиб
Ёшлик отин чоптиргин тезроқ
Шошилгин ва бергин қайтариб

Чунки улар қарзга берилган
Уринмагин, вақт мурувватсиз
Унинг табиати, ҳолати шудир
Хурлар билан адоват қилиш

Ҳақиқат шу: сиз ўз ҳаётингизни қайғу-ҳасратдан ҳоли қила олмайсиз. Чунки ҳаёт шундай яратилган.

“**Ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва) мاشаққатда (бўлиш учун) яратдик**”¹⁰⁴;

“Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бир нутфадан яратдик”¹⁰⁵;

“(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир”¹⁰⁶.

Мақсадимиз иложи борича ғам-ташвиш ва қайғуларингизни енгиллатишdir. Улар фақат жаннатда буткул йўқолади. Жаннатийлар у жойда: “Бизлардан қайғуни кетказган Зот – Аллоҳга ҳамд (айтамиз)”¹⁰⁷, дейишади.

Демак, одам ташвиш ва ғам-қайғудан фақат жаннатдагина халос бўлди. “Юракларидаги (ўзаро) адоват (тўйғулари)ни суғуриб ташлаймиз”¹⁰⁸. Дунёни таниган, ҳолини, сифатларини билган киши тўсиқлар, ситамлар ва хиёнаткорликлар унинг табиатида, хулқ-авторида бор эканини тушуниб етади ва буларга унча парво қилмай яшайверади.

Шеър:

Дунё бизга қасам ичди
Ваъдаларин бузмасликка,
Гёё қасам ичган каби
Бизга вафо қилмасликка.

Бундан чиқадиган хulosса фаросатли одам дунёнинг ғам-ташвишлари, қайғу-аламларига таслим бўлиш билан нафси хоҳишлирига берилмаслиги керак. Аксинча, имкони борича ёқимсиз ишларнинг олдини олмоғи лозим.

Ўқинманг! Сиз камбағал бўлсангиз, бошқалар қарзга ботган. Сизда улов бўлмаса, бошқаларда икки оёқ йўқ. Сиз бирор аъзонинг оғриғидан шикоят қилаётган бўлсангиз, бошқалар йиллар давомида

¹⁰⁵ Инсон сураси 2-оят

¹⁰⁶ Мулк сураси 2-оят

¹⁰⁷ Фотир сураси 34-оят

¹⁰⁸ Атроф сураси 43-оят

Ўқинма

тўшакка михланган. Сиз битта болангиздан айрилган бўлсангиз, бошқалар бир вақтнинг ўзида бир неча боласини йўқотган.

Ўқинманд! Чунки сиз мусулмонсиз. Аллоҳга, Ра сулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), фаришталариға, қиёмат кунига, қазо-қадарнинг яхшию ёмонига имон келтиргансиз. Бошқалар Парвардигорга имон келтирмайди, пайғамбарларни ёлғончига чиқаради, китобларига қарши чиқади, қиёмат кунини инкор этади, қазо-қадарга ишонмайди.

Ўқинманд! Гуноҳ қилиб қўйсангиз, тавба қилинг, истиғфор айтинг. Хато қилиб қўйсангиз, уни тўғриланг. Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг, тавба эшиклари очик, мағфирати сероб ва тавба қабул бўлади.

Ўқинманд! Акс ҳолда тинч асабингиз бузилади, вужудингиз ва қалбингиз қийналади, ҳаловатингиз йўқолади, уйқунгиз қочади.

Шеър:

*Машаққат занжирни узилур албати,
Канчалик мустаҳкам бўлса тизими.
Юрак сиқар қанча мусибатларнинг
Аллоҳ ҳузурида бордир ечими.*

ҲИССИЁТЛАРНИ ЖИЛОВЛАШ

Икки ҳолатда, яъни ўта хурсандлик ва қаттиқ алам пайтида ҳиссиётлар аланга олиб, туйғулар қизишади. Ҳадисда: “*Мен икки аҳмоқона, хатто қичқириқдан қайтарилдим: бири неъмат келганида, иккинчиси мусибат пайтида*”, дейилган.

“*То сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмайсиз ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) ҳам кетмайсиз...*”¹⁰⁹ Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Сабр илк зарба онида бўлади*”, деганлар.

¹⁰⁹ Ҳадид сураси 23-оят

Катта мусибат ва шод-хуррамлик дамларида ҳисларини бошқара олган инсон сабр-сабот, барқарорлик мартаба-даражасига эришади. Нафсга ғолиб бўлиш лаззатига, саодатга етишади. Аллоҳ таоло одамни мағрур ва мақтандоқ деб сифатлаган. Қачон унга камбағалликми, қулфатми каби ёмонликнинг бир тури етиб қолса, ўта сабрсизлик қиласди. Қачон унга яхшилик, яъни, бойлик ё саломатлик етса, ўта пишиқ, баҳил бўлиб қолади.

Фақат намозхонларгина кулфат чоғи ҳам, шодлик чоғи ҳам ўртача холатда қолаверарлар. Фаровонликка шукр, балога сабр қиласдилар.

Ҳис-туйғуларини жиловлай олмайдиган, ҳаяжонга берилувчан киши бирдан машаққатга йўлиқса, дарров ҳолдан тояди ва қайғуравериб, уйқусизликка йўлиқади. Ғазабланган кишининг туйғулари кучайиб, кўпиради, кўрқиб-кўрқитади, ичида яширин ётган иллатлар юзага чиқиб, аланга олади ва ҳаддидан ошади. Хурсандчилик пайтида ҳаяжони ичига сиғмаган шахс енгилтак бўлиб, шодлик гирдобида ўзини унутиб қўяди ва қадрини туширади.

Одамлар ораси бузилса, алоқалар узилса, бирбирининг яхшиликлари унутилади, фазилатлари ўчириб ташланади ва бир-бирини қоралай бошлайди. Кимдир кимнидир қаттиқ яхши кўриб қолсанчи, унга ҳурмат нишонини тортиқ қилиб, камолот чўққисига олиб чиқиб қўяди.

Ҳадисда: “*Бирорни яхши кўрсанг, енгилроқ яхши кўргин, эҳтимол бир куни у ёмон бўлиб чиқар. Бирорни ёқтирмай қолсанг, енгилроқ ёмон кўргин, эҳтимол бир куни келиб уни суйиб қоларсан*”, дейилган. Яна бир ҳадисда: “*Сендан ризо ва ғазаб ҳолидаadolat сўрайман*”, деб келган.

Ҳиссиётлари ва ақлини бошқара оладиган, ҳар нарсаларни тарозуга солиб, ҳар нарсанинг ўлчовини билган киши ҳақни кўради, тўғри йўлни билиб, ҳақиқат узра бўлади.

“Биз ўз элчиларимизни ҳужжат (мўъжиза)лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон (тарози ёки ўлчов) туширдик”¹¹⁰.

Ислом тўғри йўл, адолатли шариат ва яхши умматни шакллантириш билан бир қаторда фазилат, ахлоқ ва одоб ўлчовларини ҳам жорий этди.

“Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик”¹¹¹.

Адолат ўрнак ва намуна бўлишда керак, шунингдек, аҳкомларда ҳам шундай бўлиш талаб этилади. Чунки дин ҳамма нарсада оятларни тўғри айтиш, ҳукмлар, сўзлар, иш-ҳаракат, ахлоқда адолат устига қурилган.

“Раббингиз сўзи ростлик ва адолат жиҳатидан камолга етди”¹¹².

САҲОБАЛАРНИНГ БАХТИ

Расулимиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларни дунёга эмас, балки илоҳий йўлга чорлаш учун келдилар. Эвазига у зотга хазина берилмади, мевага мўл боғлар, яшашга қулай қасрлар йўқ эди. Бу йўлни яхши кўриб келган кишилар қашшоқ ҳаётга ҳам, оғир мاشаққатга ҳам рози бўлиб, у зотга қўл беришга – байъат қилишга киришдилар. Улар ўша пайтда жуда ҳам озчилик, кучсиз, доим йўқ қилиб юборилишдан хавфда эдилар. Лекин шунга қарамай, Аллоҳнинг элчисини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ яхши кўришар эди.

Қақшатқич қамал қилиниб, ризқлари тўсилса, атрофга ёмон овоза бўлиб қолишса ҳам, ҳатто қариндошларидан душманлик, қаттиқ озорлар кўришса ҳам, Аллоҳнинг Пайғамбарини (соллаллоҳу алайҳи

¹¹⁰ Ҳадид сураси 25-оят.

¹¹¹ Бакара сураси 143-оят

¹¹² Аньом сураси 115-оят

ва саллам) қаттиқ яхши күришар эди. Айримла-ри құммикка судраб чиқилди, қайноқ тошларга ётқазилди, бошқалари ўз уйларида боғлаб ташланди. Хуллас, коғирлар азоблашда бор маҳоратини ишга солиб, қолганларга ўрнак бўлсин деб, саҳобаларни кўз кўриб-кулоқ эшитмаган қаттиқ қийноққа солишар, шунга қарамай у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) янада яхши кўришар эди.

Ватанлари, яқинлари, мол-мулкларидан маҳрум этилсалар-да, яйловлари, болалик маконлари, бошпаналаридан ҳайдаб солинсалар-да, у зотни қаттиқ севишар эди. Мўминлар у зотнинг даъватлари-га эргашиб балога йўлиқиши, қаттиқ зарбага учрашди, қийинчилик қаттиқлашганидан жонлари бўғизларига келиб қолди, ҳатто Аллоҳ ҳақида турли гумонларга бориши, аммо шунга қарамай улар у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ яхши кўришар эди.

Уларнинг энг гуллаган ёшлиқ дамлари яланғочланган қиличлар қаршисида кечди, бошлари узра у қиличлар хавф солиб турарди. Уларнинг биронтасига мактуб бериб жўнатилса, ўша киши мактубни топширганидан кейин ортга қайтмаслигини билса ҳам, буйруқни адо қиласр эди. Улардан биронтаси муҳим бир ишга юборилса ва ўша иш унинг охирги иши эканини билса ҳам, рози бўлиб кетар эди. Чунки улар Аллоҳнинг элчисини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жонларидан ортиқ яхши кўришар эди.

Лекин нимага? Нима учун улар у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунчалар яхши кўришди?! У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келишларини хурсандлик билан қаршилаб, рисолатларини баҳт деб, йўлларини сўзсиз қабул қилишди, барча алам, мashaққат ва қийинчиликларга чидашди?!

Чунки улар Расулуллоҳда (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхшилик ва хурсандчилик маъноларини, олижаноблик ва ҳақиқат аломатларини топишиди.

Саҳобаларнинг қалб ташналиклари у Зотнинг меҳрлари ила қонди. У зотнинг сўзлари асҳобнинг қалб булоқларини очиб юборади. Рисолатлари ила саҳобаларнинг руҳлари тўлиб тошди.

Уларнинг қалбларини розилик қоплади. Натижада, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) давлатлари йўлида ғам-аламларни писанд қилмадилар. Руҳларини барча машаққат ва жароҳатларни унуттирувчи қатъий ишончдан иборат ҳислар чулғади.

Кўнгиллари у зотнинг ҳидоятлари билан сайқалланди, кўзлари у зотдан тараган шуълалар туфайли нурли бўлди, елкаларидан жоҳилиятнинг оғир юки олиб ташланди. Улардан бутпарасликнинг гуноҳлари ўчирилди, бўйинларидан ширк ва залолатга қарамлик олиб ташланди, руҳларидан гина, адоват оловлари ўчирилди, ҳислари ишонч суви ила суғорилди. Натижада, руҳлари тинчланди, танлари ором олди, қалблари хотиржам бўлиб, асаблари сокинланди.

Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан биргаликда ҳаёт лаззатини, меҳр ва ризони, эргашишда омонликни, буйруқларига итоат этишда нажотни ва у зотнинг йўлбошчилигига беҳожатликни топишди.

“Эй Мұхаммад! Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат қилиб юборганимиз”¹¹³;

“Албатта, Сиз (вахий ёрдамида) тўғри йўлга бошлайсиз”¹¹⁴;

“Ўз изни билан уларни зулматлардан нурга чиқарур”¹¹⁵;

“У (Аллоҳ) омилар (саводсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Унинг) оятларини тиловат қиласиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб (Куръон) ва Хикмат (Хадис)ни ўргатадиган (бир) пайғамбарни

¹¹³ Айнә сураси 107-оят.

¹¹⁴ Шўро сураси 52-оят.

¹¹⁵ Монда сураси 16-оят.

(Мұхаммадни) юборган Зотдир. Ҳақиқатан, (улар пайғамбар келишидан) илгари аниқ залолатда әдилар”¹¹⁶;

“Хамда уларнинг юкларини ва устиларидағи кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди”¹¹⁷;

“Эй имон келтирганлар! Сизларни тирилтирувчи нарса (илем олиш) учун чорлаганларида, Аллоҳга ва Расулга (лаббай деб) жавоб қилинглар!”¹¹⁸.

“Дўзах чуқури ёқасида турганингизда сизларни ундан қутқарди”¹¹⁹.

Улар ўз имомлари ва йўлбошчилари билан ҳақли равиша бахтиёр әдилар.

Шеър:

Эй ҳасратли кеча, сенга илтимосим –

Бу кеча ҳам келмайсанми ёнимга бир.

Эсингдами, келганингизда тўхтамаган

Йиғисидан ўша тунда шаррос ёмғир.

Эй Аллоҳ, ақлларни йўлдан озиш кишанларидан созод этган, жонларни адашиш фалокатларидан қутқарган зотга салом ва дуолар йўлла, сахобаларидан Ўзинг рози бўл!

ҲАЁТ ЭКАНСИЗ, ЗЕРИКИШНИ УНУТИНГ!

Умрини ёлғизлик сўқмоқларида ўтказаётган киши мashaққатга лойиқ, чунки унинг нафси тоқатсиздир. Инсон табиати бир хилликдан зерикади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло замон ва макон, таом ва ичимлик, кеча ва кундуз, текислик ва тоғлар, оқ ва қора, иссиқ ва совук, илиқ ва салқин, ширин ва аччиқ ҳамда бошқа барча маҳлуқотларини турли ҳолатда яратган. У Зот бу борада муборак китобида айтади: “...Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал)

¹¹⁶ Жумъа сураси 2-оят

¹¹⁷ Аъроф сураси 157-оят

¹¹⁸ Анғоф сураси 24-оят.

¹¹⁹ Оли Имрон сураси 103-оят.

чиқур. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун аломат бордир”¹²⁰;

“Ерда бир-бирига ёнма-ён, бўлак-бўлак (унумдор ва унумсиз) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаган ва шохламаган хурмолар бўлиб, (ҳаммаси) бир сув билан сугорилур. Биз уларнинг биридан бирининг таъмини тотлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта, бунда ақли билан англайдиган қавм учун аломатлар бордир”¹²¹;

“...таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайдун ва анорларни пайдо қилди...”¹²²;

“...Яна тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бордир...”¹²³

“...Имонли кишиларни билиш (синаш) ва сизлардан шаҳидларни саралаб олиш учун (Биз) шу (фалаба) кунларни (кетма-кет) алмаштириб турдиз...”¹²⁴

Бани Истроил қавми бир хил таом еяверишдан зерикди: “...биз бир (хил) таом (ейиш)га сабр қила олмаяпмиз...”¹²⁵

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Куръонни баъзан ўтириб, баъзан туриб, гоҳида юрган ҳолда ўқирдилар ва: “*Нафс зерикувчи*дир”, дер эдилар.

“...Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар...”¹²⁶

Ибодатлар хусусида ҳам фикр юритсак, турли-туманикни кузатамиз: юрак ибодати, тил ибодати, амалий ибодат, молиявий ибодатлар. Масалан, имон юрак (калб) ибодати, намоз юрак, тил ва бадан ибодати, закот молиявий ибодат, рўза вужуд ибодати, ҳаж молиявий ва амалий ибодатдир. Намознинг ўзи

¹²⁰ Наҳл сураси 69-оят

¹²¹ Раъл сураси 4-оят

¹²² Анъом сураси 141-оят.

¹²³ Фотир сураси 27-оят

¹²⁴ Оли Йиғон сураси 140-оят.

¹²⁵ Бакара сураси 61-оят.

¹²⁶ Оли Йиғон сураси 191-оят

ҳам бир хилликдан иборат эмас, балки қиём, рукуъ, сажда, жалса каби амаллардан иборатдир.

Демак, ким ҳаёти хотиржам, рухияти кўтаринки, неъматлар давомли бўлишини истаса, амалларининг турини кўпайтирсин. Ҳар хилликни қундалик ҳаётига татбиқ этиб, уни сермазмун ўтказсин.

Масалан, бу тажрибани илм ўрганиш борасида ҳам қўлласин.

Илм толиби агар Қуръон ўқийверишдан зерикуб малолланса, ҳадис, фиқх, тарих ва бошқа фанларни алмаштириб ўқийверсин. Агар илмдан чарчаса, сайдга чиқсан, жисмоний ишлар қилинсин. Ундан ҳам чарчаса, меҳмондорчиликка борсин, яқин ёр-дўстларини йўқлаб, уларнинг кўнглини олсин. Шунда бир амални бажариб, бошқасидан дам олади.

Кейин бир оз вақт ўтгач, асосий амалига яна ғайрат билан киришади. Бу услубда инсонда бир ишни қилаверишдан зерикиш ва малолланиш ҳам, вақтини зое қилиб бекор ўтириш ҳам бўлмайди. Балки бир соҳадан дам олиб, бошқа соҳа билан шуғулланади. Натижада куни мазмунли ва баракали кечади, қайфияти ва рухияти кўтарилади, жисми ҳам соғлом бўлади.

БЕЗОВТАЛАНАВЕРМАНГ!

Ўкинманг! Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Мұхаммад!) Кўксингизни (илму ҳикматга) кенг очиб кўймадикми?”¹²⁷.

Бу оят ҳақ йўлни топган, нурга эргашган, ҳидоят йўлини тутгандарнинг барчасига тегишилидир.

“Ахир, кўксини Аллоҳ Ислом учун (кенг) очиб қўйган, ўзи эса, Парвардигори (томони)дан нур (ҳидоят) узра турган киши (бошқалар билан баробар бўлурми)?! Бас, кўнгиллари Аллоҳни эслашдан қотиб қолган кимсалар ҳолигавой! Улар аниқ залолатдадирлар”¹²⁸.

¹²⁷ Шарҳ сураси 1-оят.

¹²⁸ Зумар сураси 22-оят

Албатта, ҳақ қалбларни нурли, ҳақсизлик эса зулматли қиласи. Бу дин ғоядир, унга фақат түғри йўлни танлаган киши ета олади. “**Ташвиш чекманг!** Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!”¹²⁹ Аллоҳнинг ёрдамига, лутфу иноятига ишонган ҳар бир киши бу сўзни айтади.

“**Бирор пайғамбар келса,** (уни синааб кўриш учун) қилган қурбонлигини (осмондан тушган) олов еб битирмагунича унга ишонмаслигимиз учун Аллоҳ биз билан аҳдлашган”, деган кимсаларга айтинг: “Мендан олдин ҳам сизларга (аждодларингизга) пайғамбарлар хужжатлар ва сизлар айтган нарса (курбонлик каби мўъжизалар) билан келган эдилар. Гапларингиз рост бўлса, нима учун уларни қатл этдингиз?”¹³⁰

Аллоҳнинг ўзи бизга етади ва Унинг бошқаруви бизни ҳимоя қиласи. “**Эй Пайғамбар! Сизга ва Сизга эргашгаи мўминларга Аллоҳ кифоядир**”¹³¹. Бу йўлдан юрган ҳар кимса зафар қучади.

“**Ўлмайдиган, ҳамиша Барҳаёт Зотга таваккул қилинг...**”¹³² У Зотдан ўзга барча мавжудот ҳаёти абадий эмас: вафот этади, боқий қолмайди, бир куни, албатта, кетувчиидир; жисми азиз бўлмайди, балки тупроқ ичра хор бўлувчиидир.

“(Эй Мұхаммад!) **Сабр қилинг. Сабр қилишингиз эса фақат Аллоҳ** (ёрдами) **билангина мумкиндири**. Уларга (яъни, мушрикларнинг қилмишлари сабабли) ғамгин бўлманг! Уларнинг макр қилишларидан сиқилманг ҳам! Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) **биргадир**”¹³³;

“**Агар (чин) мўмин бўлсангиз, ўзингиз олий (даражада) бўла туриб,** (баъзи мағлубиятларингиз

¹²⁹ Тавба сураси 40-оят

¹³⁰ Оли Имрон сураси 183-оят

¹³¹ Анғол сураси 64-оят

¹³² Нахл сураси 127–128 оятлар

¹³³ Оли Имрон сураси 139-оят

сабабли) сустлашманг ҳам, ғамгин ҳам бўлманигиз”¹³⁴;

“Албатта, Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга дунё ҳётида ҳам, гувоҳлар (хозир бўлиб) турадиган қунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз”¹³⁵. Бу аҳдидир, унга хилоф қилинmas ва бу ваъдадир, асло кечикмас.

“Ҳали мен сизларга айтаётган сўзларни эслай-сизлар. Мен ўз ишимни Аллоҳга топшируман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчиидир. Бас, Аллоҳ у (имон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрларидан сақлади...”¹³⁶

“Агар сизларга Аллоҳ мадад берса, ҳеч ким сизларни енга олмайди. Бордию ёрдамсиз қолдирса, бас, сизларга Ундан ўзга ким ҳам мадад берар эди?! Мўминлар таваккулни Аллоҳгагина қилсинлар!”¹³⁷

Ўқинманг! Умрингиз фақат бир қундир, бас шундай экан, нега шу бир қунлик ҳаётингизни ҳам ғамчекиб, сикилиб, ғазаб билан ўтказиб юборасиз?!

Ҳикматларда бундай дейилади: “Тонгга етишсангиз, тунни кутманг, тунга етишсангиз, келгуси тонгни кутманг”. Яъни, бугун ичиди яшанг, ўтмишни унутинг, келажакка шошилманг.

Шеър:

Ўтмишинг тарихдир, келажак мавҳум

Шу онинг ҳаётинг, фойдалан бугун.

Ўтмиш билан ўралашиб, уни эслайвериш, хозир ва ўтган мусибатларни, тугаб битган балоларни судрайвериш аҳмоқлик ва жиннилиқдандир.

Хитой мақолида айтилади: “Кўприкдан унга етмай туриб ўтмагин!”. Яъни, ҳодисаларнинг ғамташвишларини бошдан ўтказмай, у қунларда

¹³⁴ Оли Имрон сураси 139-оят.

¹³⁵ Гоғир сураси 51-оят.

¹³⁶ Гоғир сураси 44 – 45-оятлар.

¹³⁷ Оли Имрон сураси 160-оят

Ўқинма

яшамай туриб унинг учун ғам чекманг, ташвишланманг ва унга шошилманг.

Солиҳ салафлардан бири айтади: “Эй одам боласи, сенинг ихтиёрингда бир кун бор: кеча ўтди, эрта ҳали келгани йўқ, (демак фақат бугун сеники) бугун эса Аллоҳдан кўрк!”

Ўтмиш, бугун ва келажак ташвишларини елкасига ортмоқлаб олган одам қандай ҳаёт кечиради: ўтмишига қандай қайтиб уни тузата олади ёки келажак кунларига қандай ўтиб уни ўрнига ҳозирлай олади? Демак, ўтган ишларни ва келажакда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни ўйлашда роҳат йўқ. Аксинча, камчиликларини эслайвериш одамга азоб беради Бундай аламдан фойда йўқдир.

“Тонгга кирсанг, тунни кутма, тунга етсанг тонгни кутма” ҳикматининг маъноси – хаёл суриб яшама, ўлимга ҳозирлик кўр, амалларингни тузат, бугунги ташвишларингни шу куннинг ўзида қолдир, эртаниги кунингда уларни унут, ишларингни режа билан бажар, хулқингни чиройли тутиб, соғлиғингга эътиборли бўл, ўзгалар билан муомалангни гўзал қил!

Ўқинманг! Ғам-қайғу қазо ва тақдирни ўзгартира олмайди, қадар белгилангандир, қаламлар қуриган, сахифалар ёпилган, барча ишлар мангуван баркарордир. Ғам-қайғу чекишингиз бўлиши муқаррар нарсани олдинга ҳам, ортга ҳам суро олмас. Унга на қўшимча қилас ва на камайтирас.

Ўқинманг! Нима, сиз вақтнинг тўхташини, қуёш тутилиб, соат миллари ортга қайтишини, дарё сувлари тескарисига оқишини хоҳляяпсизми?

Ўқинманг! Чунки ғам-қайғу ҳаволарни бузадиган, сувларни тўлқинлантириб, осмонни ўзгартирадиган, ям-яшил бўстон ичидаги зилол чашмаларни лойқа қиладиган кучли бўрон шамоли кабидир.

Ўкинманг! Ўкиниш худди тентак анҳор кабидир, бир денгиздан оқиб бориб, иккинчи денгизга қуйилур. Қайғуга чўмган одам гўё ипдан пишиқ, пухта, гўзал либос тўқиб, сўнг ўша либосни парча-парча қилиб бузиб-чуватиб ташлаган хотинга ўхшайди. У тешик пуфакни зўр бериб пуфлашга ҳаракат қилаётган одам кабидир. У бармоқлари билан сувга ёзаётган котиб кабидир.

Ўкинманг! Зеро, сизга берилган умр неъмати сизнинг ҳақиқий роҳат ва саодатингиздир. Шундай экан, бу кунларингизни қайғуга, тунларингизни ғамга улашманг, соатларингизни дунё ташвишлари учун тақсимлаб берманг. Бу соатларни ҳаётингизни зоеъ қилиш учун исроф қилманг, чунки Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни хуш кўрмас.

ҒАМ ЧЕКМАНГ! РАББИНГИЗ ГУНОҲЛАРНИ КЕЧИРГУЧИ ВА ТАВБАЛАРНИ ҚАБУЛ ЭТГУВЧИДИР

Раббингиз қалбингизни очиб қўймадими? Ғам, қайғу ва ташвишларингизни аритмадими? Сизларни абадий саодат диёри бўлмиш жаннат сари йўналтиргмадими?

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “(Эй Мұхаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни кечиради. Албатта, Унинг ўзи кечиримли ва Раҳмлидир”¹³⁸.

Аллоҳ таоло хато ва гуноҳ қилувчиларнинг қалбларига умид бахш этган. Уларнинг руҳларини Ўзига яқин олиб “Эй бандаларим!” деб хитоб қилган. Оятда хоссатан гуноҳ қилган бандаларига нидо қилмоқда. Гуноҳ ва хатолари кўп бўлишига қарамай, Унинг мағфиратидан умидсизланмасликка чақирган. Шу билан бирга, тавба қилганларнинг ҳамма гуноҳини кечиришини айтяпти.

¹³⁸ Зумар сураси 53-оят.

Аллоҳ таоло айтади: “Улар бирор фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истигфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина кечиради. Яна, улар билатуриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир”¹³⁹,

“Кимда-ким бирон ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади”¹⁴⁰.

“Агарсизларман этилган – гуноҳларнинг катталиридан сақлансангиз, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирамиз ва сизларни роҳатбахш манзил (жаннат)га киритамиз”¹⁴¹;

“Қайси бир пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни билан унга итоат қилиниши учун (юборганимиз). Агар улар ўзларига зулм қилгач, дарҳол Сизга келишиб, Аллоҳдан кечирим сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун кечирим сўраганида, Аллоҳни кечирувчи ва раҳмшафқатли эканини билган бўлур эдилар”¹⁴²;

“Мен тавба қилган ҳамда имон келтириб, эзгу иш қилган, сўнгра тўғри юрган кишиларни, албатта, кечирувчи дирман”¹⁴³.

Бу ояtlар мазмuni устида тафаккур қилиш инсонни хурсанд этади.

Мусо алайхиссалом бир кишини бехосдан ўлдириб қўйганларида дедилар: “Бас, мени кечир. (Аллоҳ уни кечирди”¹⁴⁴.

Довуд алайхиссалом тавба қилганларидан сўнг Аллоҳ таоло айтди: “Бас, Биз уни ўша (хатоси)ни кечирдик. Албатта, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда қурбат (яқинлик) ва гўзал оқибат (жаннат) бордир”¹⁴⁵.

¹³⁹ Оли Имрон сураси 135-оят

¹⁴⁰ Нисо сураси 110-оят

¹⁴¹ Нисо сураси 31-оят

¹⁴² Нисо сураси 64-оят

¹⁴³ Тоҳа сураси 82-оят

¹⁴⁴ Каасас сураси 16-оят

¹⁴⁵ Сод сураси 25-оят

Аллоҳ қанчалар раҳмли ва буюк Зотдир, ҳатто у “Аллоҳ учта” дегувчиларга ҳам Ўз раҳмат ва мағфиратини дариг тутмади. Уларга айтди: “**Аллоҳ Учтанинг** (Аллоҳ, Марям ва Исонинг ёки Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг) биридир” деганлар (ҳам) коғир бўлдилар. Ягона Илоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Агар айтаётган (гап)ларидан қайтмасалар, улар орасидан коғир бўлганларига (охиратда) аламли азоб етиши муқаррардир”¹⁴⁶.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “**Аллоҳ таоло айтади:** “Эй одам боласи, қачон Мендан умидвор бўлиб дуо қиласар экансан, ҳеч тараффудсиз барча гуноҳларингни кечираман. Эй одам боласи, агар гуноҳларинг осмон булутлари қадар етиб, сўнгра Мендан мағфират сўрасанг, ҳеч бир парвосиз мағфират қиласман. Эй одам боласи, агар бутун заминни хатоларга кўмиб ташлаб, сўнгра Менинг ҳузуримда Менга ширк келтирмай юзма-юз бўлсанг, ҳеч бир парвосиз ўша замин узра гуноҳларингни кечираман”.

Имом Бухорий “Саҳих”ларида бундай ривоят қилинган: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Албатта, Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилганлар тавба қилишилари учун тун пайтида, тунда гуноҳ қилганлар тавба қилишилари учун кундуз пайтида қўлини чўзар, то қуёш мағрибдан чиққунга қадар шу ҳол давом этади**”, дедилар.

Ҳадиси қудсийда: “**Эй бандаларим, сизлар кечаю кундуз гуноҳ қиласизлар, Мен эса барча гуноҳларни кечираман, бас, Мендан кечирим сўраганларни кечираман**”, дейилган.

Саҳих ҳадисда айтилади: “**Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, агар сизлар гуноҳ қилмасангиз, Аллоҳ таоло сизларни кетказиб, бошқа гуноҳ қиласиган қавмни келтиради, улар гуноҳ қилиб, Аллоҳдан кечирим сўрашади, У Зот уларни кечиради**”.

¹⁴⁶ Мойда сураси 73 – 74-оятлар

Саҳих ҳадисларда бундай гаплар бор: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, Агар сизлар гуноҳ қилмаганларингда, сизларнинг устингизда гуноҳдан ҳам қаттиқроқ нарса – ўзидан фахрланиши балосидан қўрққан бўлар эдим”;

“Барчангиз хато қилувчисиз, хатокорларнинг энг яхшилари тавба қилувчилари дир”;

“Бандаси тавба қилганида Аллоҳ таоло хурсанд бўлишининг мисоли: бир киши озиқ-овқату ичимилиги ортилган туясини саҳробда йўқотиб, ортидан истаб, топа олмай, умидсиз ухлаб қолди. Уйқудан уйғониб қараса, туяси олдида турган экан. уни кўрган ҳалиги одам қаттиқ хурсанд бўлганидан “Эй Аллоҳ, Сен бандамсан, мен Парвардигорингман”, деб хато айтуб юборди. Аллоҳ таоло бандаси тавба қилганида ундан ҳам кўпроқ хурсанд бўлади”.

“Бир банда бир гуноҳ шини содир қиласди ва айтади: “Эй Аллоҳ, гуноҳимни кечир, зеро, гуноҳларни Сендан ўзгаси кечмас”. Сўнгра иккинчи бор гуноҳ қилиб, дер: “Эй Аллоҳ, гуноҳимни кечир, зеро, гуноҳларни Сендан ўзгаси кечирмас”. Сўнгра учинчи бор гуноҳ қилиб айтади: “Эй Аллоҳ, гуноҳимни кечир, зеро, ёлғиз Ўзинг гуноҳларни кечиругурсан”. Шунда Аллоҳ азза ва жалла айтади: “Бандам гуноҳлар билан жазолайдиган, шу билан бирга гуноҳларни кечиравчи Парвардигори борлигини билди, бандам истаганини қилсин”.

Инсон Аллоҳга тавба қилиб, кечирим сўраса, гуноҳига надомат чекса, албатта, кечиради.

ЎҚИНМАНГ! ҚАЗО ВА ҚАДАРДА БИТИЛГАНИ БЎЛАДИ

Ҳар бир нарса қазо ва қадар биландир. Бу эътиқод ҳидоят элчиси бўлмиш Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашган ҳар бир мусулмоннинг эътиқодидир. Борликдаги ҳамма нарса фақат Аллоҳнинг илми, изни ва тақдири билангина бўлади.

“Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир”¹⁴⁷;

“Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик”¹⁴⁸;

“Сизларни бир оз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синаймиз. “(Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй Мухаммад), Уларга мусибат етганида: “Албатта, биз Аллоҳ учунмиз ва, албатта, Унинг ҳузурига қайтамиз”, дейдилар!”¹⁴⁹.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Мўминнинг шуни ажойибdir, ҳамма амалида унга яхшилик бор. Унга бирор хурсандлик етса, шукр қиласди, ўзига яхши бўлади. Агар унга бирор мусибат етса, сабр қиласди, бу ҳам унга яхшилик бўлади. Бундай имконият мўминдан бошқа ҳеч кимда йўқ”.

“Сўрасанг, Аллоҳдан сўра, У Зотдан ёрдам тила ва бил; агар бутун уммат жамланиб сенга фойда бермоқчи бўлса ҳам, Аллоҳ ёзганидан ортигини бера олмайди. Агар бутун уммат сенга зарар етказмокчи бўлсалар ҳам, Аллоҳ ёзганидан ортиқ ҳеч зарар етказа олмайди. Қаламлар кўтарилди, саҳифалар қуриди”.

“Сенга етадиган нарса хато кетмас, хато кетдими, демак сенга етмас”.

“Эй Абу Ҳурайра, қалам сен йўлиқадиган нарсларни ёзиб қуриб ҳам бўлди”.

“Сизга фойдали бўлган нарсаларга интилинг, Аллоҳдан ёрдам сўранг, ожиз қолманг, “Ундай қилганимда бундай бўлар эди”, деманг, балки “Аллоҳнинг тақдирис, У Зот Ўзи хоҳлаган шини қиласди”, денг”.

¹⁴⁷ Ҳадид сураси 22-оят

¹⁴⁸ Қемар сураси 49-оят

¹⁴⁹ Бакара сураси 155 – 156-оятлар

“Аллоҳ бандасига тақдир қилган нарса банда учун яхшиликдир”.

Донишмандлардан биридан “Гуноҳнинг бандага фойдаси борми?” деб сўралди. Шунда у зот: “Фойда-си бор, яъни, ўша гуноҳи учун надомат чекиб, тавба қилиш, мағфират сўраш ва хокисор бўлиш инсонга фойдадир”, деб жавоб берди.

Шеър:

*Маломат қилсанг ҳам менга фарқи йўқ,
Қилмасанг ҳам энди менга барибир.
Бу сенинг ҳаётинг, у сенинг умринг,
У ҳеч ҳам ўзгармас дақиқ бир тақдир.*

ЎКИНМАНГ! ЯХШИ КУНЛАРНИ КУТИБ ЯШАНГ!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алйҳи ва саллам: “*Фараҳ-мандликни кутиши ибодатларнинг афзалидир*”, дедилар. (Имом Термизий ривояти). “...*Уларга ваъда қилинган вақт бомдод вақтидир. Субҳ яқин эмасми?!*”¹⁵⁰

Серташвиш ва ғамгин одамлар учун ҳам тонг отади, бас, тонгни кутинг, кенгликларни очувчи бўлган Зотнинг очиб юборишига интизор бўлинг.

Арабларда бир гап бор: “Арқон таранглашса, узилади”. Ушбу мақол вазиятлар мураккаблашса, унинг ечимини кутишга чорлайди, деганидир.

“...*Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиши йўлини (пайдо) қиласи*”¹⁵¹.

“...*Ким Аллоҳдан қўрқса, (Аллоҳ) унинг ишини осон қиласи*”¹⁵².

Шеър:

*Балолар келади кетувчи бўлиб,
Қайтиб келмайди ҳеч асло йўқолиб.*

¹⁵⁰ Тавоа сураси 81-оят

¹⁵¹ Талок сураси 2-оят.

¹⁵² Талок сураси 4-оят.

Шеър:

Қанча кенгликлар бор ҳаётимизда
Умидсизлик доим эргашиб юрган.
Яна шодликларга тўла умримиз
Афсусларни ортда қолдириб кетган.

“...Ким Аллоҳдан қўрқса, унинг ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчиради ва унинг мукофотини буюк қиласди”¹⁵³.

Ҳадиси қудсийда бундай келади: “Албатта, Мен бандамнинг гумонидадирман, бас, бандам Менга хоҳлаган гумонини қилсан”.

“Ҳар қачон (ӯша) пайғамбарлар умидсизланаб: “Бизлар ёлғончи бўлдик”, деб гумон қила бошлаганларида, уларга Бизнинг нусратимиз (ёрдамишимиз) келиб, Биз хоҳлаган кишиларга најот берилар эди. (Аммо) жиноятчилар қавмидан Бизнинг азобимиз қайтарилиб!”¹⁵⁴;

“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”¹⁵⁵.

Тафсир уламоларидан айримлари: “Бир қийинчилик икки енгилликдан ғолиб бўла олмайди”, дейишган.

“...Эҳтимол, Аллоҳ бу (талок)дан кейин бирор ишни пайдо қиласди”¹⁵⁶.

“...Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир”¹⁵⁷.

Расуллороҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Бил, нусрат сабр билан, фараҳмандлик танглик билан биргадир”.

Шеър:

Ҳеч қандай бир ишдан сиқилма сира,
Кенглигини кутгин сиқилсанг агар.

¹⁵³ Талок сураси 5-оят

¹⁵⁴ Юсуф сураси 110-оят

¹⁵⁵ Шарҳ сураси 5 – 6-оятлар.

¹⁵⁶ Талок сураси 1-оят

¹⁵⁷ Бақара сураси 214-оят.

*Ишларнинг яхиси ва энг яқини
Яқинидир фараҳмандликка қадар.*

Шеър:

*Ибн Анбас ўлди. Юрагим зада
Қийнар булоқдаги ўша тубсизлик.
Ошиқми ё ҳосид, хурсанд ё хафа
Ёмонлик ортида мудом яхшилик.*

Шеър:

*Бир иши бўлар, балки бўлмас эҳтимол,
Шу иши деб ким беғам, ким эса беҳол.
Ўтган ўтиб кетди, келарига ҳам
Ўзи тақдир битиб қўйган Зулжалол.*

Шеър:

*Тақдир ҳақида ҳеч қайғурма сира
У ўз маромида – тизгинидадир.
Аллоҳ бир ҳолатдан иккинчисига
Кўз очиб юмгуンча ўзгартирадир.*

Ўқинманг! Бисотингиздаги бойлик, осмонўпар бинолар, гулзор боғларингиз бўлатуриб ғамга ботсангиз, улар сизга туганмас баҳтни ваъда қилмайди. Аксинча, надомат ва ғам-андуҳингизни зиёда қилса, қилади, асло камайтирмайди.

Ўқинманг! Ўкинаверсангиз, табобат гиёҳи, дорихона дорилари, табиб кўрсатмаси сизга фойда бермайди. Чунки сиз қайғуни қалбингиз тўрига жойладингиз, уни кўзларингизга муҳрладингиз, қалбингизга ёйдингиз, жисмингизни у билан ўраб олдингиз.

Ўқинманг! Сизда дуо қилиш имкони бор. Танангизни Раббингизнинг раҳмат ва марҳамат остонасига ташлашга қодирсиз. Молик ва Қодир Зот эшиги олдидаги маскан тутиш имкониятига эгасиз. Ихтиёрингизда дуолар мустажоб бўладиган вақт – кеча-

нинг охирги учдан бир қисми бор. Бисотингизда пешонангизни сајдага қўйиш соатлари бор.

Ўқинманг! Чунки Аллоҳ таоло сиз учун ерни ва ундаги бор нарсаларни яратди. Сиз учун гўзал боғларни ўстирди. У боғларда ўсимлик ва мевалардан ҳар турли гўзал жуфтларни, тизилган мевали новдлари бўлган баланд хурмоларни ундириб-ўстирди. Ялтироқ юлдузларни, анҳору булоқларни сиз учун яратиб қўйди-ку. Шунча неъматлар узра бўла туриб, нега ғамгин бўласиз?!

Ўқинманг! Чунки сиз зилол сувлар, мусафо ҳаволардан баҳра оляпсиз. Оёқларингиз саломат, осойишта тунларда тинч, оромдасиз.

ЎҚИНМАНГ ВА ИСТИҒФОРНИ КЎПАЙТИРИНГ! ШУБҲАСИЗ, РАББИНГИЗ ЎТА МАҒФИРАТЛИ ВА КЕЧИРИМЛИ ЗОТДИР

“Бас, дедим: “Раббингиздан мағфират сўранг! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли Зотдир. (Шунда, яъни, истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдиради, сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад беради ҳамда сизларга боғлар (барпо) қиласи ва сизларга анҳорлар (ато) қиласи”¹⁵⁸.

Истиғфорни кўпайтилинг, шунда кенг, хотиржам ҳаёт, ҳалол ризқ, солих фарзандлар ва мўл-кўл баракот соҳибига айланасиз. Аллоҳ таоло айтади: “(Аллоҳ буюради), Раббингиздан кечирим сўранг, сўнгра Унга тавба қилинг, шунда (У) сизларни маълум муддат (ажалларингиз охири) гача чиройли баҳра билан баҳраманд қиласи ва ҳар бир фазлли (карамли, сахий) кишига йўз фазлини ато этади. Агар юз ўгирсангиз, бас, мен сизларга Улуғ кун (қиёмат) азоби (етиши)дан қўрқаман”¹⁵⁹.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “**Ким кўп кечирим сўраса, Аллоҳ таоло унинг учун ҳар**

¹⁵⁸ Нух сураси 10 - 12-оятлар.

¹⁵⁹ Ҳуд сураси 3-оят

қандай ғамдан құтилиши, ҳар қандай таңгликтан чиқши йүлни күрсатади”.

Истиғфорнинг энг улуғини күп айтиб юринг. Имом Бухорийнинг “Саҳих”ларида келади: “Эй Аллоҳ, Сен Парвардигоримсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени яратгансан. Мен Сенинг қулингман, имконим борича аҳду ваъдамда тураман. Қилган шиларимнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман. Незматларингга қуллук қиласман. Гуноҳларимга тавба қиласман. Мени кечир, чунки фақат Сенгина гуноҳларни кечирасан”.

ЎКИНМАНГ! АЛЛОҲ ДОИМО ЭСИНГИЗДА, ТИЛИНГИЗДА БЎЛСИН!

“...Огоҳ бўлинг, Аллоҳни эслаш билан қалблар ором олади”¹⁶⁰.

“Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этаман...”¹⁶¹

“...Аллоҳни кўп эсловчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) эсловчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир”¹⁶².

“...Эй имон келтирганлар! Аллоҳ доим ёдингизда бўлсин”¹⁶³.

“Эй имон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Унга ибодат қилишдан) чалғитиб қўймасин!..”¹⁶⁴

“Бирон нарса ҳақида: “Мен, албатта, эртага шуни қилувчиман”, дея кўрманг! Илло, “Инша-аллоҳ (Аллоҳ хоҳласа)” (денг. Бу сўзни) унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг (яъни, “иншааллоҳ”, денг) ва:

¹⁶⁰ Раъд сураси 28-оят.

¹⁶¹ Бакара сураси 152-оят.

¹⁶² Ахзор сураси 35-оят.

¹⁶³ Ахзор сураси 41-оят.

¹⁶⁴ Муноғиқун сураси 9-оят.

“Шояд, Раббим мени бундан ҳам яқинроқ Түғри йўлга ҳидоят этса”, денг!”¹⁶⁵

“...(Гонгда уйқудан) турган пайтингизда, Раббингизга ҳамд билан тасбех айтинг! Шунингдек, тундан (маълум вақт ажратиб) ва юлдузлар юз ўтиргач (ботгач, сахарда) ҳам, Унга тасбех айтинг!”¹⁶⁶

“Эй имон келтирганлар! Бирон тўдага тўқнаш келсангиз, сабот (ва матонат) билан турингиз ва Аллоҳни кўп ёд этингиз, шояд (шунда) нажот топсангиз!”¹⁶⁷

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: “Парвардигорини эсловчи билан эсламайдиган одамнинг ўхшаши ҳудди тирик билан ўлик кабидир”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёлғиз ҳолда қолганлар ўзиб кетдилар”, дедилар. Саҳобалар: “Улар кимлар, эй Аллоҳнинг элчиси”, деб сўрашди. Шунда у зот: “Аллоҳни кўп эслайдиган эркаклар ва кўп эсламайдиган аёллардир”, деб жавоб бердилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалирига: “Сизларга амаллардан энг афзалининг хабарини берайми? Бу амал Раббингиз олдида энг пок, сизлар учун олтин-кумушини инфоқ қилишидан ҳам яхшироқ, душманга йўлиқиб, ғазот қилишидан ҳам афзалроқдир”, дедилар. Саҳобалар: “Ха, айтинг, эй Аллоҳнинг элчиси”, дейишди. У зот: “Бу (амал) Аллоҳни эслашдир”, деб жавоб бердилар.

Яна бир ҳадисда: “Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг элчиси, Ислом буюрган амаллар менга кўплик қилмоқда. Ёшим ҳам улғайиб қолди. Шунинг учун мен маҳкам ушлашим керак бўлган амални айтинг”, деди. Шунда у зот: “Тилинг доим Аллоҳнинг зикри билан нам бўлсин”, дедилар.

¹⁶⁵ Кахф сураси 23 – 24-оятлар

¹⁶⁶ Тур сураси 48 – 49-оятлар

¹⁶⁷ Аиғоф сураси 45-оят

ФАМГИН БЎЛМАНГ ВА АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИДАН УМИДСИЗЛАНМАНГ

“Эй ўғилларим! Боринглар-да, Юсуф ва унинг укасини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат коғирлар қавмигина умидсиз бўладилар”¹⁶⁸.

“Ҳар қачон (ўша) пайғамбарлар умидсизлашиб: “Бизлар ёлғончи бўлдик”, деб гумон қила бошлаганларида, уларга Бизнинг нусратимиз (ёрдамишимиз) келиб, Биз хоҳлаган кишиларга најот берилар эди. (Аммо) жиноятчилар қавмидан Бизнинг азобимиз қайтарилемас!”¹⁶⁹

“Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай најот берурмиз”¹⁷⁰.

“...ва сизлар Аллоҳ ҳақида (турли) гумонлар қила бошлаган эдингиз. Ана ўша жойда мўминлар имтиҳон қилиндилар ва (даҳшат ва хавфхатардан) қаттиқ ларзага тушдилар”¹⁷¹.

ФАМГИН БЎЛМАНГ! СИЗГА ОЗОР БЕРГАН, ЁМОНЛИК ҚИЛГАНЛАРНИ КЕЧИРИНГ

Одамларга душманона қарайдиган, улардан қасос ва ўч олиш ўтида ёниб юрадиганлар қийин аҳволда қоладилар. Улар ғазаб ўтида ёнар эканлар, жисмужонлари қовурилади, юраклари ўртанади, асаблари қақшайди, роҳат-фароғатдан айриладилар. Демак, улар шак-шубҳасиз, зиён кўргувчиidlар. Албатта, бунинг давоси бор.

Аллоҳ таоло айтади: “Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-са-дақақиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир.

¹⁶⁸ Юсуф сураси 87-оят

¹⁶⁹ Юсуф сураси 110-оят

¹⁷⁰ Анбиё сураси 88-оят.

¹⁷¹ Ахзоб сураси 10 - 11-оятлар

Аллоҳ әзгулик қилувчиларни севар”¹⁷²;

“Кечиримни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўтиринг!”¹⁷³;

“...Албатта, ким зулм кўрганидан сўнг (зулм қилган кимсадан) ғолиб бўлса (учини олса), бас, улар(ни айблаш)га йўл йўқдир”¹⁷⁴.

ҚЎЛИНГИЗДАН КЕТТАН НАРСАГА ФАМ ЧЕКМАНГ, ЧУНКИ ҚЎЛИНГИЗДА ҲАЛИ НЕЪМАТЛАР КЎП

Аллоҳнинг дақиқ неъматлари, буюк яхшиликлари хақида фикрланг. Уларни берган Зотга шукр қилинг. Сизга Раббингиз жуда кўп яхшиликлар берганини билинг.

“Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз...”¹⁷⁵

“(...Эй инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйинсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берганини кўрмадингизми?”¹⁷⁶

“Сизларда қайси бир неъмат бор бўлса, албатта, у Аллоҳдандир”¹⁷⁷.

“Ахир, Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб пайдо қилмадикми?! Яна уни икки баландликка (икки хил йўлга) йўллаб қўйдик-ку!”¹⁷⁸

Аллоҳнинг неъматлари битмас-туганмас эканини кўринг: ҳаёт, соғлик, кўз, қулоқ, қўл, оёқ, сув, ҳаво, озиқ-овқат неъматлари. Булардан ҳам энг буюги раббоний ҳидоят бўлмиш Ислом неъматидир.

Бир киши сиздан милён доллар эвазига икки кўзингиз ёки икки қулоғингиз ёки икки оёғингиз

¹⁷² Оли Имрон сураси 134-оят

¹⁷³ Аъроф сураси 199-оят.

¹⁷⁴ Фуссилат сураси 34-оят.

¹⁷⁵ Наҳл сураси 18-оят.

¹⁷⁶ Лукмон сураси 20-оят.

¹⁷⁷ Наҳл сураси 53-оят.

¹⁷⁸ Балад сураси 8 – 10-оятлар

ёки икки қўлингиз ёки юрагингизни сўраса, берасизми? Сизда қанчадан-қанча неъматлар бор, уларнинг неъмат эканини ҳам эътироф этмайсиз, шукрини ҳам адо қила олмайсиз. Уларнинг асл қиймати қанчалик эканини биронтасидан айрилганингизда унинг ҳис қиласиз. Демак, сизнинг қўлингизда юксак қийматга эга бойлик жуда кўп.Faқат уларнинг шукрини адо этиш қолди холос.

ҒАМГИН БЎЛМАНГ! ЧУНКИ БУ ДУНЁ ҒАМ ЧЕКИШИНГИЗГА АРЗИЙДИГАН ЎРИНДА ЭМАС

Абадий саодатнинг гарови, унинг асоси арзимас ишларга эътибор бермаслиkdir. Олий ҳиммат инсон охират диёридаги мақоми учундир.

Салафлардан бири биродарига насиҳат қилиб деди: “Ғам-ташвишингизни фақат бир нарсага – Аллоҳ азза ва жаллага йўлиқиш, охират ғами ва қиёмат куни унинг ҳузурида туришга қаратинг!”. “Ўша кунда сизлар (хисобот учун Аллоҳга) кўндаланг қилинасиз, сизларнинг бирор сирингиз яширин қолмас”¹⁷⁹.

Бу дунё ташвишлари охират ғами олдида арзимасдир. Ҳаётнинг ғами мансаб, лавозим, олтин, кумуш, фарзанд, мол-давлат, обрў-эътибор, қасрлар қуришдир. Охират ғами олдида бу нарсалар қийматсиздир.

Аллоҳ азза ва жалла мунофиқларни сифатлаб айтади: “Бошқа бир қисм (мунофиқлар) эса жон талвасасига тушиб, Аллоҳ шаънига ҳақсиз, жоҳилона ёмон гумонда бўлдилар”¹⁸⁰.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дарахт тагида одамларнинг байъатларини қабул қилаётган пайтларида бир мунофиқ қизил туясини қидириб, шерикларининг орасидан чиқиб кетди ва:

¹⁷⁹ Ал-Ҳаккоҳ сураси 18-оят.

¹⁸⁰ Оли Имрон сураси 154-оят.

“Тұымнинг топилиши сизларнинг байъатингиздан яхшироқдир”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Қызил түя әгасидан бошқа барчанғыз мәғфират қилинасизлар”, дедилар.

Муноғиқлардан бири үзини ўйлаб ҳамтоворқларига: “Бу иссикда урушга чиқманглар”, деди. Шунда Аллоҳ таоло айтди: “Агар англасалар, жаҳаннам олови (ундан) иссикроқдир”¹⁸¹.

Улар ичида: “Менга изн беринг, мени фитнага қўйманг”¹⁸², дейдиганлар ҳам бор. Уларга қаратада Аллоҳ таоло бундай деди: “(Улар жангдан қолиш билан) фитнага тушдилар-ку!”¹⁸³

Улар орасида дардлари оиласлари ва моллари бўлганлари бор. “Бизларни молларимиз ва ахл (оила) ларимиз банд қилиб қўйди. Энди үзинг бизлар учун (Аллоҳдан) мәғфират сўрагин!”¹⁸⁴

Бу ташвишлар арзимас кишилар томонидан бўладиган арзимас ғамлардир. Саҳобалар фақат Аллоҳдан фазл ва розиликни истайдилар.

ҚАЙФУРМАНГ ВА ҒАМНИ ТАШЛАНГ!

Мўмин киши роҳатпарамстликни ғофиллик, бўш ўтиришни умр кушандаси, бекорчиликни танбаллик деб қабул қиласди. Энг кўп ғам-ташвишни бекорчи ва ишёқмаслар чекадилар. Ҳар хил висир-висирлар, турли-туман миш-мишлар тарқатиш эса жиддий ва фойдали амаллардан қуруқ қолган кимсаларнинг насибалиридир.

Шундай экан, ҳаракатда бардавом бўлинг, изланинг, вақтингиздан унумли фойдаланинг, бир дақиқа ҳам вақтингизни бекор ўтказманг, чунки бекор ўтган куннинг ҳар бири сизга ғам-қайғу, нохуш ҳаяжон ва васвасаларни олиб келиб, қалбингизни шайтон ўйинлари учун майдонга айлантиради.

¹⁸¹ Тавъя сураси 81-оят

¹⁸² Тавъя сураси 49-оят

¹⁸³ Тавъя сураси, 49-оят.

¹⁸⁴ Фатҳ сураси 11-оят.

КЎРНАМАКЛАР ИШИГА ПАРВО ҚИЛМАНГ. ЗЕРО СИЗ САВОБ УМИДИДА ҲАРАКАТ ҚИЛГАНСИЗ

Амалингиз холис Аллоҳ учун бўлсин. Ўзгалардан раҳмат кутманг. Яхшилик қилиш эвазига нонкўрлик кўрсангиз, хафа бўлманг. Қилган яхшилигингири кўп санаманг. Ажр-мукофотни фақат Аллоҳдан кутинг.

“...Парвардигорларининг фазли ва розилигини топиш нияти билан Байтул Ҳаром (Каъба)га борувчиларни (уларга қаршилик қилишни) ҳалол деб ҳисобламанг!”¹⁸⁵

“Мен сизлардан бу (даъватим) учун мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир”¹⁸⁶.

“Айтинг: “Мен сизлардан (пайғамбарлигим учун) ажр (ҳақ) сўрамасман. Бас, у сизларга бўлақолсин. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир”¹⁸⁷.

“Унинг (сарф қилувчининг) ҳузурида (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир”¹⁸⁸.

“(Улар айтурлар): “Бизлар сизларни фақат Аллоҳ “юзи” учун таомлантиurmиз. Сизлардан (бу иш учун) бирон мукофот ва миннатдорлик кутмасмиз”¹⁸⁹.

Шеър:

Яхшилик қилсанг гар, берилур албат
Ажр мукофотлар тўлиқ беадад.

Аллоҳ ва ҳалойиқ муносабати
Узилмас ҳеч қачон агадул агад.

Ёлғиз Аллоҳ учун амал қилинг, ҳамма неъматлар

¹⁸⁵ Мойда сураси 2-оят.

¹⁸⁶ Шуаро сураси 109-оят

¹⁸⁷ Сабъа сураси 47-оят

¹⁸⁸ Лайл сураси 19-оят

¹⁸⁹ Инсон сураси 9-оят.

ва мукофотларни Унинг Ўзи беради. Ҳисоб-китоб қилиб жазо берувчи ҳам У Зотнинг Ўзидир.

Кандахорда қатл қилинган шахидлар ҳақида саҳобалардан Умар (розияллоҳу анху): “Улар кимлар?” деб сўраганларида бир қанча номлар айтилиб “Ва бошқа сиз танимайдиган кишилар”, дейилди. Шунда ҳазрати Умарнинг кўзлари ёшланди ва: “Лекин Аллоҳ уларни танийди!” дедилар.

Солиҳ кишилардан бири кўзи ожиз одамга энг зўр хисобланмиш фолавзаж таомини берганида, унинг оиласидагилар: “Бу кўр нима еганини ҳам билмайди”, дейишди. Шунда у: “Лекин Аллоҳ билади”, деди.

Модам Аллоҳ таоло устингизда хабардор бўлиб, яхшиликларингизни билиб турап экан, одамлардан раҳмат кутиб ўтируманг.

ДАШНОМ ВА МАЛОМАТЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРМАНГ

“Улар сизларга (бир оз) озор беришдан бошқа зарар етказа олмайдилар...”¹⁹⁰

“...Уларга (яъни, мушрикларнинг қилмишлари сабабли) ўқинманг! Уларнинг макр қилишларидан сиқилманг ҳам!”¹⁹¹

“Сизкофирларвамунофиқларгабўйинсунманг ва уларнинг озор-азиятларига парво қилманг ҳамда Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳнинг Ўзи етарли Вакил – Ҳомийдир”¹⁹².

“...Бас, Аллоҳ (Мусони) улар айтган нарса (айблар)дан оқлади...”¹⁹³

Шеър:

*Бола тош отса ҳам, тебранмас асло
Тўлиб-тошган чуқур бағрикенг дарё.*

Ҳасан ҳадисда ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Менга

¹⁹⁰ Оли Имрон сураси 111-оят

¹⁹¹ Нахъ сураси 127-оят.

¹⁹² Аҳзоб сураси 48-оят

¹⁹³ Аҳзоб сураси 69-оят

асҳобларим ҳақида ёмонлик етказманглар. Чунки мен сизларнинг олдингизга соғлом қалб билан чиқшини истайман”.

ҚҮЛИНГИЗ КАЛТА ЭКАНИДАН ҒАМ ЧЕКМАНГ, ЧУНКИ ФАҚИРЛИКДА САЛОМАТЛИК БОРДИР

Инсон жисмонан ҳузур-ҳаловатга эришгани сари руҳияти хасталашиб боради. Жисмоний қийинчилик, меҳнат ва мاشаққатда эса саломатлик бордир. Дунёга муккасидан кетмаслик Аллоҳ таоло Ўзи истаган бандаларигагина берадиган роҳатдир: “Албатта, Биз Ўзимиз бу Ерни ва ундаги бор жонзотни мерос қилиб олурмиз ва фақат Бизгагина қайтарилурлар”¹⁹⁴.

Шеър:

Бурда нон, қултум сув, салқин бошпанам
Буюк неъматликка бўлар арзирлик.
Агар ҳеч нарсам йўқ, қорним оч десам,
Раббим неъматига бўлар нонкўрлик.

Дунё совуқ сув, иссиқ нон ва бошингиздаги соя-салқиндан иборатдир.

Шеър:

Осмон, булутлардан дурлар ёғдиргин,
Қудуқ олтинлардан булоқлар қилгин.
Ҳаёт эканман мен ризқим тугамас,
Гар ўлсан қоронғу қабрим ҳам тайин.

Ҳимматим шоҳларнинг ҳиммати каби
Хурман мен хорликни куфр санайман.
Умрбод ризқимга қаноат қилсан,
Нега дўстларимни бориб кўрмайман.

Дунё эътиқодида мустаҳкам, даъватларида содик, зиммасидаги вазифаларининг уддасидан чиқувчи кишиларни азиз қиласди.

¹⁹⁴ Марям сураси 40-оят.

КЕЛАЖАК УЧУН ҒАМ ЧЕКМАНГ

Тавротда бундай сўзлар мавжуд: “Содир бўлишидан қўркиб турилган нарсаларнинг кўпи амалга ошмайди”. Яъни, одамлар содир бўлишидан қўрқадиган нарсалар кўп ҳолларда амалга ошмайди. Зеро, хаёлимиздан ўтиб, бизни безовта қиладиган хавотир ва вахималар одатий ҳаётда содир бўлаётган ҳодисалардан кўра кўпроқдир.

Шеър:

*Чин мардга бир ташвиши юзланса агар,
Уни маҳзун эмас, кўп мамнун этар.
Бошга кулфат келса, хурсанд бўлавер,
Маъшуқнинг инъоми ошиқча етар.*

Агар келажакда юз бериши кутилаётган бирор ҳодиса ёки мусибат ҳақида эшитиб қолсангиз, шошилманг, хотиржам бўлинг, қайғурманг, чунки кўп хабар ва миш-мишлар аслида йўқ нарса бўлиб чиқади. Агар тақдирни ўзгартирувчи бирор кимса бўлганида, ҳамма уни излаган бўлар эди. Лекин у йўқ экан, уни қаердан ҳам топса бўлади? “...Мен ўз ишимни Аллоҳга топшиурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир. Бас, Аллоҳ у (имон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрларидаң сақлади”¹⁹⁵.

ҲАСАДЧИ ВА ҲАҚСИЗ КИМСАЛАРНИНГ ТАНҚИДЛАРИДАН РАНЖИМАНГ

Ҳасадчиларнинг ҳасад ва танқидларига сабр қилсангиз, ажр ва мукофотга эришасиз. Қолаверса, уларнинг танқидлари сизнинг қийматингизни оширади. Зеро қадрсиз одамга ҳеч ким ҳасад қилмайди.

Шеър:

*Фақат буюкларга қилинар ҳасад,
Разил кимсаларга ҳасад не ҳожат.*

¹⁹⁵ Фоғир сураси 44 - 45-оятлар.

Шеър:

Улуғ иши уларга қылмади насиб,
Шу боис бўлишиди душману рақиб.
Гўзал юзни кўриб ҳунук дейишар,
Ҳатто бир-бирига ғаламис улар.

Шеър:

Неъматга бурканган, маҳбуб бўлса ким,
Ҳасаду маломат қилинар доим.

Шеър:

Одамлар ўликка ҳасад қиларлар,
Ҳатто ўлимга ҳам, во ажаб улар.
Бу нарса ҳамманинг бошида бўлса,
Бу мендан қандайин мосуво бўлар.

Шеър:

Ғийбат қилишиди деб этта шикоят,
Кимки буюк бўлса, қилишар ҳасад.
Эй инсон, билгинки, сен азим дарё,
Итнинг оғзи текса, булғамас шоят.

Шеър:

Йигит зафар қучиб, осмонга етса,
Юлдуз мисолида душманлар бўлар.
Ўқлар ёғдираплар камондан унга
Лекин етолмаслар етганча қўллар.

Ҳазрати Мусо (алайхиссалом) одамлар мени ёмонлашдан тилларини тийсинлар деб Парвардигорга илтижо қилганларида Аллоҳ таоло бундай деди: “Эй Мусо, сен сўраган нарсани ҳатто Мен ўзим учун ҳам қилмаганман. Улар Мени сўкиб, ҳақорат қилсалар ҳам, уларни йўқ қилмайман, ризқларини ҳам беравераман”.

Саҳиҳҳадислардан бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Аллоҳ таоло деди: Одам болалари Мени сўкиб ҳақоратлар қилдилар. Ваҳоланки, уларнинг бунга

ҳақлари йўқ эди. Мени сўкиб маломат қилишларига келсак, улар замонни сўқадилар, замон эса Менман. Кечакундузни ўзим истагандек айлантириб тураман. Мени ҳақорат қилганларига келсак, улар Аллоҳнинг хотини ва боласи бор, дерлар. Мен эса хотин ва боладан покман”.

Зеро, сиз одамларнинг тилларини тия олмайсиз, обрўйингизни тўкишларидан қайтариш қўлингиздан келмайди. Аммо сизда уларга яхшилик қилиш, уларнинг сўзларидан ва танқидларидан юз ўгириш имконияти бор.

Шеър:

*Ҳасадчи гапирса ноҳақ гапларин,
“Мендан ўтиб кетгин”, дейман бу гапга.
Одамлар у билан айблашса гар чин,
У менга тегмайди, бўлмайди тамға.*

Шеър:

*Баъзан ақли пастлар қиласа ҳақорат,
Дейман: “Менгамас бу бўҳтону тухмат”.*

Шеър:

*Аҳмоқ гапирганда, жим бўлишин кут
Жавоб қайтармагин, жавоби – сукут.*

Ғарб адиларидан бири бундай деган эди: “Сиз тўғри ишни қилинг-да, сўнгра ҳар қандай пасткаш танқиддан юз ўгиринг”.

Паст ва арзимас одамлар ақлли ва зиёлилардан айб излашади.

Шеър:

*Эҳсонларим зарра саналса риё,
Ундан кўра гуноҳ қилганим авло.*

Кўпинча давлатманд одам изтиробда яшайди. Агар уларнинг насибалари камайса, қон босимлари ошади. Аксинча, насибалари кўпайса, қон босимла-ри жойига келади.

“(Кишилар ортидан) ғийбат қилувчи, (олдида) масхара қилувчи ҳар бир кимсанинг ҳолигавой! У мол-дунёни йигиб уни санагани-санаган ва моли (бойлиги) уни абадий қолдиради деб ўйлайдиган кимсадир. Йўқ! Қасамки, албатта, у “Хутома”га ташланур!”¹⁹⁶

Ғарб адибларидан бири бундай дейди: “Тўғрисини қил. Кейин қўпол танқидларга орқангни тут”.

Сизни ранжитадиган сўз, мақола ёки шеърга жавоб қилманг! Чунки танқидни кўтара олиш айбларни яширишdir, ҳалимлик – азизлик, сукут – душманларни енгиш, кечириш – савоб ва шарафdir. Сиз ҳақингиздаги танқидни ўқиганларнинг ярми уни унутдилар. Колган ярми уни ўқигани ҳам йўқ. Бошқалар эса сиз ёзадиган раддиянинг сабабини ҳам, масала нима ҳақида эканини ҳам билмайди. Шундай экан, раддия бериш билан ўзингиз уни қўзғаб, чуқурлаштиришнинг нима фойдаси бор?

Ҳукамолардан бири бундай деган эди: “Одамлар ўзларининг бир бурда нонларини излаш билан шу қадар машғул, дунёда сиз билан биз борлигимизни ҳам унутганлар. Ҳеч шак-шубҳасиз, улар ташналикларини қондириш учун бир қултум сув топиш билан овора бўлиб, сиз билан бизни дунёдан ўтиб кетганимизни ҳам билмай қолаверадилар”.

Шеър:

Улфатларинг олдида қайғунгни яшир,
Билсанг, улар фитначи ва ҳасадчиидир.

Арпа унидан ёпилган нони ва хотиржамлиги бор уй турли-туман ноз-неъматларга билан тўла, лекин ҳаловатсиз, саранжомсиз уйдан яхшироқдир.

Қайғурманг! Касал тузалади, мусибат арийди, гуноҳ кечирилади, қарз тўланади, маҳбус озод

бўлади, келажак келади, осий тавба қилади, фақир бой бўлади.

Қайғурманг! Ахир қора булат қандай тарқалганини, қоронғу тун ниҳоясига етганини, кучли шамол қандай тин олганини, бўрон қандай тўхтаганини кўрмадингизми? Оғир кунларнинг ортида фаровонлик, кенглик ва яхши ҳаёт бор.

Қайғурманг! Чунки қуюқ соя қўёш алангасини ўчиради. Тоза сув иссиқдаги ташналикни қондиради. Иссиқ нон қаттиқ очликни тўйдиради. Бедор ҳолда изтироб чекиш ортидан лаззатли ором келади. Дардаламларни соғлик лаззати аритади. Бунинг учун сиз бир оз сабр қилишингиз ва бир лаҳза кутишингиз зарур, холос.

Қайғурманг! Буюк кудрат нуфузи, қазонинг воқеъ бўлиш ва қадарнинг узил-кесиллиги олдида табиблар ҳайрон, ҳакимлар ва уламолар ожиз, ҳийлалар мағлубдир.

Шеър:

Шаксиз келиб қолар енгиллик бир кун,
Шубҳасиз нафсимиз бўлажак сокин,
Ғам-ташвиши йўлиқса, умидни узма,
Умидсиз пайтда ҳам, енгиллик яқин.

**ҚАЙҒУРМАНГ! АЛЛОҲ СИЗ УЧУН ИХТИЁР
ҚИЛГАН НАРСАНИ СИЗ ҲАМ ИХТИЁР
ҚИЛИНГ!**

Аллоҳ таоло сизни тик туришга қодир қилган экан, туринг. Ўтиришга қодир қилдими, бас, ўтиринг. Муҳтоҗлигинингизда сабр қилинг. Фаровонлигинизда шукр қилинг. Бу амаллар Аллоҳни Раббим, Исломни диним, Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) расулим деб эътиқод қилган кишилар учун лозимдир.

Шеър:

Ҳадеб қилаверма ҳар турли тадбир,
Қанча тадбиркорлар ўтди бирма-бир.
Аллоҳнинг ҳукмига рози бўл мудом,
У Зот ўзингдан ҳам яқинроқ ахир.

ҚАЙФУРМАНГ! ОДАМЛАРНИНГ ИШЛАРИНИ ТАФТИШ ҚИЛМАНГ!

Одамлар сизга зарар ҳам, фойда ҳам, ҳаёт ҳам,
ўлим ҳам, қайта тирилиш ҳам, савоб ва жазо ҳам бе-
ришга қодир эмаслар.

Шеър:

Доим бошқаларни пойлаб яшаган
Бир умр ғам чекиб ўтиб кетади.
Мард эрур ҳамиша хотиржам бўлган,
Мақсадига тезу осон етади.

Шеър:

Ўзгаларни тафтиши қилмоқ не ҳожат?
Катъият етказар ютуқقا албат.

Шеър:

Ниҳоят, қанчалар бўлса-да узун,
Бизни нурли тонгга элтар қаро тун.
Инсон чиқар бир кун ёргуғликлара,
Мусибатга барадоши қилгани учун.

Иброҳим ибн Адҳам айтади: “Биз жуда тўкин-
сочин ҳаётда яшаяпмиз, агар биздаги бу шароитлар-
ни ўтган подшоҳлар кўрсалар эди, албатта, биз би-
лан талашган бўлар эдилар”.

Ҳакимлар айтадилар: “Гоҳида инсон қалбида
Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони зикр қилиш, У Зот билан
ҳамроҳ бўлишдан суюнгандан ҳолда куйлаб-рақс тушиш
ҳолатлари содир бўлади”.

“...Сўнгра улар (билин мўминлар) ўртасида дар-
возали бир девор урилади, унинг ичида раҳмат
(жаннат), ташқарисида эса азоб (дўзах) бўлур”¹⁹⁷.

¹⁹⁷ Хадид сураси 13-оят

Донишмандлар дерлар: “Аллоҳ таолони йўқетган кимса яна нимани ҳам топиши мумкин?! У Зотни топган кимса эса яна нимани йўқотиши мумкин?! Бу икки иш ҳеч қачон баробар бўлмас! Ким Аллоҳни топса, барча нарсани топибди. Ким Аллоҳ азза ва жаллани йўқотса, барча нарсани йўқотибди”.

ЎКИНМАНГ! СИЗНИ ЎКИНТИРАЁТГАН НАРСАЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ БИЛИНГ!

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “*Аллоҳни поклайман, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқдир, каби сўзларни айтишиим мен учун қуёши порлаган дунёдан яхшироқдир*”, дедилар.

Солиҳ салафлардан бири бойлар, уларнинг қасрлари, мол-давлатлари ҳақида бундай деган эди: “Биз еяпмиз, улар ҳам емоқдалар, ичяпмиз, ичмоқдалар, кўряпмиз, кўрмоқдалар. Аммо биз ҳисоб бермаймиз, улар эса ҳисоб берадилар”.

Шеър:

*Киши фурсат етиб бир куни ўлса,
Қабр азобининг шоҳиди бўлса,
Хаварнақ қасрию Кисро мулкини,
Унуттирап бир тун, билиб қўй шуни.*

“Мана, Бизнинг ҳузуримизга сизларни бошда қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз...”¹⁹⁸

“Қасамки, Аллоҳ ўз пайғамбарига (у кўрган) тушни рўёбга чиқарди”¹⁹⁹.

“...Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар” дея бошладилар”²⁰⁰.

Ҳаётингиз фикру-ўйингизга қараб қурилади. Агар фикру-ниятингиз яхши бўлса, баҳтли ҳаёт, ёмон бўлса, баҳтсиз ҳаётга эришасиз.

¹⁹⁸ Анъом сураси 94-оят.

¹⁹⁹ Фатҳ сураси 27-оят.

²⁰⁰ Ахзоб сураси 12-оят

Дерлар: агар ялангоёқ бўлсангиз, оёғи узилганларга қаранг. Шунда Аллоҳ таоло сизга оёқ неъматини бергани учун ҳамдлар айтасиз.

Шеър:

*Мусибат келиши сололмас қўрқув,
Асло сиқилмасман воқе бўлса у.*

ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ!

Одамларга яхшилик қилиш баҳт-саодатга элтувчи равон йўллардандир.

Сахих ҳадис: “*Аллоҳ таоло қиёмат куни бандасини ҳисоб-китоб қиласр экан, айтади: “Эй Одам боласи, оч қолган эдим, Менга таом бермадинг”.* Банда сўрайди: “*Сенга қандай таом бераман. Ахир, Сен бутун оламларнинг Парвардигори бўлсанг?*”. Аллоҳ айтади: “*Эсингдан чиқдими, фалон бандам оч-наҳор қолган эди, уни таомлантирганингда бунинг савобини бугун Менинг ҳузуримда олар эдинг*”. Яна айтади: “*Эй Одам боласи, чанқаган эдим, сув бермадинг*”. Банда айтади: “*Бундай қила олмас эдим. Ахир, Сен бутун оламлар Парвардигори бўлсанг*”. Аллоҳ таоло айтади: “*Ёдингдан чиқдими, фалон бандам чанқаган эди, унга сув берганингда, бунинг савобини бугун Менинг ҳузуримда олар эдинг*”. Яна айтади: “*Эй Одам боласи, касал эдим, йўқламадинг*”. Банда айтади: “*Қандай йўқлайин, ахир, Сен бутун оламларнинг Парвардигори бўлсанг*”. У айтади: “*Эсингдами, фалон бандам бетоб эди, ундан ҳол-аҳвол сўраб бормадинг. Агар шундай қилганингда, Мени унинг ҳузурида топар эдинг*”.

Эътибор қилинг, Аллоҳ таоло охирги жумлада олдин иккитасидан фарқли равишда “*Мени унинг ҳузурида топар эдинг*”, деди. Чунки Аллоҳ таоло синик қалб эгалари билан биргадир. Бир ҳадисда: “*Ҳар бир тирик жонда ажр бордир*”, дейилган.

Аллоҳ таоло бир бузук аёлни чанқаган итга сув бергани учун жаннатга сазовор этди. Шундай экан, инсонга таом ва сув бериб, ундан тангликтин кеткашиб, хафалигини аритган одам, албатта, мукофотланмай қолмас.

Ҳадисда айтилади: “*Ортиқча емак-ичмаги, мол-давлати бор одам йўқларга берсин. Кимни ортиқча улови бўлса, улови йўқларга берсин*”.

Шеър:

*Туя миниб кетар бўлсанг саҳрова,
Дўстингни қолдирма пойи-пиёда.
Ҳеч йўқса уловга мингаштириб ол
Ёки бир туя бер, минсин дуода.
Хотам хизматчисига бундай деди:*

Шеър:

*Олов ёқиб, салқин тунни қил обод,
Меҳмон келса, сени қилурман озод.*

Хотинига бундай деди:

Шеър:

*Овқат қилсанг, меҳмон изла мусофир,
Таомни бир ўзим емасман ахир.
Бир куни келару кетар мол-давлат,
Улардан қолгани фақат гап, суҳбат.
Ҳаргиз унумтагин, жон чиқар чоғда
Йигитни бойлиги қилмас беҳожат.*

Шеър:

*Кариндошлик фахри ҳеч бойлик бермас,
Йўқсиллик наسابга доғ ҳам туширмас.*

Шеър:

*Хузуримда яшнаб, семириб яшаб,
Эҳсонни қилдинг таҳқирга сабаб.
Ҳақнинг қазосидан эмасдир айро
Тилка-пора жасад ё қақраган лаб.*

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг яхудий қўшниси бор эди. У зот болаларидан ҳам олдин шу қўшниларига овқат киргизар, унга янги кийимлар олиб берар эдилар. Бир куни яхудий уйини сотадиган бўлди. Икки минг динор деб нарх белгилади ва бунга изоҳ бериб: “Минг динори уйим учун. Қолган мингги Ибн Муборакка қўшни бўлганим учун”, деди. Бу гапни Ибн Муборак эшитиб: “Эй Аллоҳ, Ўзинг уни Исломга йўлла”, деб дуо қилдилар ва у Аллоҳнинг иродаси билан Исломни қабул этди.

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳаж ниятида карvon билан йўлга чиқдилар. Йўлда ахлатхонадан бир ўлик қарғани олиб кетаётган аёлни кўриб, ортидан ҳолатни билиш учун одам юборди. Аёл: “Уч кундан бери очмиз. Энди мана шу қарғани топдик”, деди. Ибн Муборак кўзларига ёш олдилар ва карвондаги бор мол-мулкни ўша қишлоқقا тарқатиб юбордилар. Шу йили ҳаж қилмай уйларига қайтдилар. Тушларида: “Ҳажинг қабул бўлиши, саъйинг мукофотлаши, гуноҳинг мағфират қилиниши муборак!”, деяётган кишини кўрдилар. “...ҳамда ўзларида эҳтиёж бўлатуриб, (эҳсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар...”²⁰¹

Шеър:

Дўстим яшаса-да мендан кўп йирок,
Ўртани бузолмас ўткинчи фироқ.
Янги либос кийса, ўқинмам асло,
Демайман: меники бўлсин яхшироқ.

Яхши иш қанча кўп қилинмасин, унга афсус чекилмайди. Аммо хатолар қанча кам бўлса ҳам, унга афсус чекилади.

Шеър:

Яхшилик узоқ вақт қолади мангу,
Ёмонлик ашёнинг энг ёмони-ку?!

²⁰¹ Ҳашр сураси 9-оят.

ҚУЛОҒИНГИЗГА ЁҚИМСИЗ СҮЗ ЧАЛИНСА, ХАФА БҮЛМАНГ

Шеър:

Яхши хислатларни қылғын барқарор,
Хасадгүй нокасга берма эзтибор.
Унұтмагин, умр тоат мавсуми,
Фақат қабр бұлар ҳасадга девор.

Асримиз уламоларидан бири айтади: “Танқиддан ўта таъсирланадиган ҳиссиётли кишилар ҳақсиз ва ўринсиз танқид олдида қулоқларига құрғошин қуйиб олишлари керак”.

Дедилар: “Офарин ҳасадга, у нақадарadolатли! Бу дард әнг олдин жазони ҳасадчининг ўзидан бошлайди ва уни ўлдиради!”

Али (розияллоху анху) айтади: “Ажал мустахкам қалъадир”.

Хукамолардан бири айтади: “Күрқоқ бир неча бор ўлади. Ботир бир марта ўлади”.

Агар Аллоҳ таоло бирор бандасига танглик пайтида яхшиликни истаса, унга худди Ухуд жангыда Талхага (розияллоху анху) берганидек ором уйқусини беради. Ышанда ором ва роҳатда бўлган Талханинг (розияллоху анху) қўлларидан қиличлари бир неча бор тушиб кетган эди.

Шеър:

Олдимда шерсан-у жангда түяқуш,
Бир ҳуштак янграса, бошдан учар ҳуш.
Бу дейман, жангда дуч келдими оҳу?
Юрагинг чумчуқдай учдими ёҳу?

“Ҳар бир жон (әгаси) Аллоҳнинг изни билантина муҳлати белгилаб қўйилган битик (ажал) етганида ўлади. Ким дунё савоби (ўлжа)ни ирода қиласа, унга ўшандан берурмиз. Ким охират савобини ирода қиласа, унга (ҳам) ўшандан берурмиз. Шукр қылувчиларни эса, албатта, мукофотлаймиз”²⁰².

²⁰² Оли Имрон сураси 145-оят

Шеър:

Нафсимга бир куни берардим сабоқ,
Дедим: сен буларни англа яхшироқ,
Бўлсанг-да қанчалар кучли паҳлавон,
Қазога қудратинг етмас ҳеч қачон.

Ажал етмасин деб қылсанг гар дуо,
Бу ишинг итоат бўлмас мутлақо.
Кўнгилда мустаҳкам сабр бўлса, бас,
Тириклик ҳеч кимга азизлик эмас.

Ушбу сўзни қуидагича тушуниш лозим: ҳар бир жон фақат Аллоҳнинг изни билан, аниқ белгилаб-ёзиб қўйилган муддатда ўлади.

Али (розияллоҳу анху) бундай дедилар:

Шеър:

Қоча олурманми келса гар ўлим,
Тақдирдан қочгали борми бир йўлим.
Қазойим етмаса, қилмасман парво,
Ажал етган бўлса, қочолмас ҳеч ким.

Абу Бакр (розияллоҳу анху) айтадилар: “Ўлимни талаб қилаверганингизда ҳам сизларга ҳаёт берила-веради”.

Ўқинманг! Аллоҳ сизни ҳимоя қиласди. Фаришталар сиз учун Аллоҳдан мағфират сўрайди. Мўминлар ҳар намозларида, дуоларида сизни эслашади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шафоат қиласдилар. Қуръон сизга яхши ваъдаларни берәтирип. Булардан ҳам энг буюги энг Мехрибон Зотнинг раҳмати бор.

Ўқинманг! Чунки яхшиликнинг савоби ўн баробардан етти юз баробаргача ва ундан ҳам кўпдир. Ёмонликнинг жазоси эса агар Аллоҳ гуноҳдан ўтиб, уни кечмаса, бир баробардир. Зоро, Аллоҳ азза ва жалла карамининг мисли йўқдир. Унинг олижаноблигига ҳеч бир нарса тенг келмас.

Үқинманг! Чунки сиз Аллоҳни бир дегувчилар-дансиз, уммат ҳимоячисисиз, қибла ахлидансиз. Сизда Аллоҳ ва Унинг расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асл муҳаббат бор. Сиз гуноҳ қилсангиз, афсус чекасиз. Чиройли амал қилсангиз, севинасиз. Сизда ўзингиз билмайдиган кўп яхшиликлар бор.

Үқинманг! Чунки сиз кенглик ва танглик, бойлик ва фақирлик вақтида ҳам яхшилик устидасиз.

Во ажабо, мўминнинг барча иши ўзи учун хайриятдир! Бундайин неъмат фақат мўминга берилган. Унга хурсандлик етсаю шукр қилса, ўзи учун яхши бўлади. Мусибат етиб сабр қилса, бу ҳам ўзи учун яхшилиkdir.

МУСИБАТГА САБР ҚИЛИШ, МАШАҚҚАТНИ КЎТАРИШ НАЖОТ ВА САОДАТ ЙЎЛИДИР

“(Эй Муҳаммад!) Сабр қилинг. Сабр қилишингиз эса фақат Аллоҳ (ёрдами) билангина мумкиндир...”²⁰³

“...Бас, (менинг бурчим) чиройли сабрдир. Сизлар тавсифлаётган нарсага (сабр қилишга) Аллоҳ (менга) мададкордир”²⁰⁴.

“Бас, (эй Муҳаммад, кофирларнинг азиятларига) чиройли сабр билан сабр қилинг!”²⁰⁵

“(Аллоҳ йўлида турли мешаққатларга) сабр қилиб ўтганларинг сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай...”²⁰⁶

“...ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабрқил!..”²⁰⁷

“Эй имон келтирганлар! Сабр қилинглар, бағрикенг бўлинглар ва (Аллоҳ йўлига) таҳт бўлиб туринглар!..”²⁰⁸

Умар (розияллоҳу анху) айтадилар: “Сабр билан гўзал ҳаётга етдик”.

²⁰³ Нахл сураси 127-оят

²⁰⁴ Кўсуф сураси 18-оят

²⁰⁵ Маориж сураси 5-оят.

²⁰⁶ Раъд сураси 24-оят.

²⁰⁷ Лукмон сураси 17-оят

²⁰⁸ Оли Имрон сураси 200-оят

Мусибат пайтида аҳли суннат учун уч йўл бор:
“Сабр, дуо ва кенгликни кутиш”.

Шеър:

Қачон керак бўлса берармиз ёрдам,
Улар-да биз билан ҳамкору ҳамдам.
Лекин ажал келса, ожизмиз мутлоқ,
Чора топа олмас улар ҳам, биз ҳам.

Ҳадис: “Ҳеч бир киши эшиштган мусибатига Аллоҳдан кўра сабрлироқ эмас. Кофирлар Унинг хотини ва фарзанди бор, дейшиши. Аллоҳ эса уларни кечириб, ризқ бераверади”.

Ҳадис: “Мусога Аллоҳ раҳм қилсин. У бундан ҳам кўпроғи билан мусибатланди ва сабр қилди”.

Ҳадис: “Ким сабр кўрсатса, Аллоҳ унга сокинлик беради”.

Шеър:

Ҳамма ҳам истайди топмоқни зафар,
Сабр қилғангина унга эришар.

Юксакликка хаёллар ва уйқудаги тушлар билан эмас, балки қатъият ва матонат билан эришилади.

ОДАМЛАР СИЗГА ҚИЛГАН МУОМАЛАСИДАН ҚАЙФУРМАНГ, УЛАРНИНГ ХОЛИҚ БИЛАН БИРГА БЎЛГАН МУОМАЛАСИГА ҚАРАНГ

И мом Аҳмад (рахматуллоҳи алайх) “Зухд” деб номланган китобларида Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларини келтирадилар: “Эй Одам боласи, сенинг шилларинг қизиқ: сени Мен яратдим, Мендан бошиқага ибодат қилдинг; сенга Мен ризқ бердим, ўзгага шукр қилдинг; Мен сендан беҳожат ҳолимда сени севинтирмоқчи бўламан, сен эса Менга муҳтож ҳолингда Менга ёмон кўриниш ҳаракатидасан; яхшиликларим сенга тушиган сари сен томондан Менга ёмонликлар кўтарилади!”

Ҳазрат Исонинг (алайҳиссалом) сийратларида зикр қилинишича, у зот ўттиз нафар беморни даволаб, жуда кўп кўзи ожизни тузатдилар, улар эса у зотнинг душманига айланишди.

РИЗҚИНГИЗ ТАНГЛИГИДАН ҚАЙФУРМАНГ

Ризқ берувчи Ягонадир. Бандаларининг ризқини ёлғиз Ўзи беради. Бунинг кафолатини Ўз зиммасига олган.

“Осмонда эса, сизларнинг ризқларингиз (ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (жаннат) бордир”²⁰⁹.

“Ерда ўрмаловчи барча нарса (жонзот)нинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида...”²¹⁰.

Бас, ризқ бериш Аллоҳнинг зиммасида экан, у холда нима учун кўпчилик инсонлар ризқ талабида ўзи каби бошқа бир инсонга хушомадлар қилиб, ўз нафсларини хор қиладилар?!

“Аллоҳ одамлар учун қайси бир раҳматни очиб (равона қилиб) қўйса, бас, уни тутиб қолувчи бўлмас ва нимани тутиб қолса, бас, Ундан сўнг уни (бандаларга) юборувчи бўлмас. У Азиз (кудратли) ва Ҳаким (хикматли зот)дир”²¹¹.

МУСИБАТЛАРНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Ғамгин бўлманг! Чунки қўлингизда сиз йўлиқсан мусибатларни енгиллаштирадиган омиллар бор. Улар қуидагилар:

1. Ажр-савоб талабида ёлғиз Аллоҳга мунтазир бўлиб туриш.

“(Эй Муҳаммад!) Менинг имон келтирган бандаларимга айтинг: “Парвардигорингиздан кўркингиз! Бу дунёда эзгу иш қилган зотлар учун (охиратда) чиройли (оқибат – жаннат)

²⁰⁹ Зориёт сураси 22-оят.

²¹⁰ Ҳуд сураси 6-оят.

²¹¹ Фотир сураси 2-оят.

бордир. Аллоҳнинг ери кенгdir. Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари ҳисобсиз берилади”²¹².

2. Ўзи каби мусибат эгаларидан ибрат олиш.

Шеър:

*Мен деб чекмасайди яқинларим ғам,
Ўз жонимга раҳм қилмасдим ҳеч ҳам.*

Атрофингизга ибрат назари билан боқсангиз, ўзингиз сингари мусибатзадалар кўплигини, сиз ёлғиз эмаслигингизни кўриб, кўнглингиз таскин топади. Бошига ташвиш тушганлар ҳамма ерда ҳам бор, фақат сиз эмас.

3. Сиздан ҳам оғирроқ ҳолатдагиларни кўриб, ўзингизники бошқа мусибатлардан енгилроқ эканини англаш.

4. Бу мусибат сизнинг динингизда эмас дунёингизда бўлгани учун шукр қилинг.

5. Гоҳо фаровонлик вақтларида охиратни унубтиб қўйғандан кўра танг ҳолатларда Аллоҳга таслим бўлиб, Унга бандалик изҳор қилиш яхшироқдир.

6. Мусибат етганида унга ҳийла қилишнинг имкони йўқ. Чунки бунинг ҳийласи ҳийла қилмасликдир.

Шеър:

*Ғам чоғи ҳийлага уринманг сира,
Бунинг ҳийласидир қилмаслик ҳийла.*

7. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг ихтиёри билан бўлаётганини ҳис қилинг.

“Балким сизлар ёқтиргмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши, ёқтирган нарсангиз эса (аслида) сизлар учун ёмон бўлиб чиқар. Аллоҳ билади, сизлар эса билмайсизлар”²¹³.

**ҚАНДАЙ БЎЛСАНГИЗ ШУНДАЙ ЯШАНГ
“Ҳар бир (диндор) учун ўзи юзланадиган та-**

²¹² Зумар сураси 10-оят.

²¹³ Бакара сураси 216-оят

рафи (қибласи) бор. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз!"²¹⁴

"У сизларни Ернинг халифалари қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан (юқори) даражаларга кўтарган Зотдир. Албатта, Раббингиз жазода тезкор ва У кечиримли ва раҳмли Зотдир"²¹⁵.

"...Ҳар бир (уруғга тегишли) одамлар ўз сув ичадиган жойини билиб олдилар..."²¹⁶.

Ҳар қандай кишининг ўзига хос лаёқати, иқтидори, куч-ғайрати ва хунари бор. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) саҳобаларини уларнинг тоқат ва истеъдодларига мос вазифаларга тайинлашлари у зотнинг буюкликлари намунасиdir. Алини (розияллоҳу анху) қозиликка, Муозни (розияллоҳу анху) илм йўлига, Убайни (розияллоҳу анху) Куръон илмларига, Зайдни (розияллоҳу анху) фароиз илмига, Холидни (розиллоҳу анху) жанг санъатига, Ҳассонни (розияллоҳу анху) шеър илмига, Қайс ибн Собитни (розияллоҳу анху) нотиқлик илмини эгаллашга жалб қилдилар.

Ўзганинг феъл-атвори ва хулқига кўр-кўrona тақлид, ўзгаларнинг ижобий ва салбий сифатларини ўзлаштириб олиш ўзликни йўқотишиdir.

Инсонларнинг феъл-атворлари, иқтидорлари, тиллари, туслари хилма-хил бўлиши ҳам Аллоҳ таолонинг ҳикмат-мўъжизларидандир. Абу Бакр (розияллоҳу анху) ўта шафқатли, кўнгилчан эдилар ва шу хусусият билан умматга, инсониятга хизмат қилдилар. Умар (розияллоҳу анху) салобат ва шижоатлари билан Исломга ва мусулмонлар нусратига катта хисса кўшдилар. Адолатнинг ҳақиқий сиймоси ўлароқ тарихда қолдилар. Сизга инъом этилган неъматларга рози бўлиб, унга шукр қилиш ҳам

²¹⁴ Бакара сураси 148-оят.

²¹⁵ Айъом сураси 165-оят.

²¹⁶ Аъроф сураси 160-оят

неъматдир. Бас, ризо ва шукрни кўпайтиинг, шунда неъматларингиз ҳам янада ортади.

“Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқати кўтара олмайдиган нарсани таклиф этмайди...”²¹⁷

Бошқаларнинг табиий хислатларига кўр-кўrona тақлид қилинаверса, ҳам кишининг ўзидағи шахсий хислат ва қобилият ўлади, иродада синади, фаҳм-фаросат ва ақл-заковатнинг йўқолишига олиб келади.

БАЛО-ОФАТЛАРГА ҒАМ ЧЕКМАНГ

Бало-офатлар қалбларни чиниқтиради, гуноҳларга каффорат бўлади, кибр иллатини даволайди, ғафлатни кетказиб, огоҳликка чорлайди, ўзга жонзотларга ҳам меҳрибон бўлишингизга, солиҳларнинг дуоларни олишингизга сабаб бўлади. Аллоҳнинг итоатига, танҳо қаҳҳор Зотнинг ўзигагина таслим бўлиш малакасини шакллантиради.

Мусибатлар инсон учун нақд огоҳлантирувчи, эслатувчидир. Сабр билан тавба-тазарру қилишга боисдир. Балолардан савоб умид қилишдир. Хожамиз ҳузурига боришга тайёргарликдир. Дунёга суюнишдан, ундан рози бўлиб ором олишдан қутулишдир. Мусибат сабабли етадиган махфий лутфу карамлар янада улуғ, гуноҳ ва хатолар кечириб юборилиши янада буюк!

Ўқинманг! Чунки ғам-қайғу ибодатнинг кучини кетказади, нафсга қарши курашишга тўсиқ бўлади, омадсизликка дучор қилади, қалбингиз ёмон гумонларга макон бўлади.

Ўқинманг! Ғам-қайғу, беҳаловатлик ва ташвишлар руҳий хасталикларнинг манбаи, асаб тизимларини ишдан чиқарадиган, васвасага ва изтиробга олиб келадиган омилдир.

²¹⁷ Бакара сураси 286-оят

Ўқинманг! Сизнинг ҳидоят йўлингизни ёритувчи Қуръонингиз бор. Қалбингиз нури бўлмиш зикр, дуо, намоз, садақа ва бошқа яхшилик ҳамда хайрли амалларни кўлга киритиш имконингиз бор.

Ўқинманг! Бекорчиликдан сақланинг. Акс ҳолда, киши ғам-қайғуга чўмиб, тушкунлик уни енгиб қўйиши мумкин. Намозни канда қилманг, тасбех, Қуръон тиловати, илм таҳсили, дунё ва охиратингиз учун фойдали бўлган ишларда давомли бўлинг. Қиблага юзланиб Раббингизга чин ихлос билан дуо қилинг. Улуғ ва азиз инсонларни зиёрат қилинг, тафаккурни лозим туting.

“Парвардигорингиз, Менга дуо қилинглар, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қиласай, деди”²¹⁸.

“Раббингизга зорланиб ва ичингизда дуо қилинг! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтирамайди”²¹⁹.

“Бас, (эй мўминлар) гарчи кофирлар ёмон кўрсаларда, Аллоҳга – Унга динни холис қилган ҳолда дуо (ибодат) қилинглар!”²²⁰

“(Эй Мухаммад!) Айтинг: “Аллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, Унинг гўзал исмлари бордир”²²¹.

ФАМГИН БЎЛМАНГ! ҚУЙИДАГИ ҚОИДАЛАР СИЗНИ САОДАТГА ЭЛТАДИ

1. Агар сиз бу кун чегарасида яшамас экансиз, зеҳнингиз тарқоқ бўлиб, ҳар ишда изтиробга тушасиз, ғам-қайғуларингиз кўпаяди. “Тонгга кирсанг, тунни кутма, тунга кирсанг, тонгни кутма”.

2. Ўтмиш ғам-ғуссаларини унутинг, ўтмишдаги ишлар учун ғам чекиши аҳмоқлик ва жиннилиkdir.

²¹⁸ Гофири сураси 60-оят

²¹⁹ Аъроф сураси 55-оят.

²²⁰ Гофири сураси 14-оят.

²²¹ Исро сураси 110-оят.

3. Келажак ташвишини ҳам ҳозирдан чекманг. Чунки у ғайб оламидир, келажак келгунига қадар у ҳақида ўйлашни ташланг.
4. Бирорларнинг танқидларига парво қилманг, солиҳ амаллар қилишда сабитқадам бўлинг. Танқид сизнинг қийматингизни баҳолайди.
5. Аллоҳга имон келтириш, солиҳ амал қилиш гўзал, баҳтли ҳаёт гаровидир.
6. Осойишталик, хотиржамлик ва роҳатни истаган киши Аллоҳни кўп ёд эсласин.
7. Барча нарса Мавломизнинг қазо ва қадари билан эканини билинг.
8. Ўзгалардан миннатдорлик кутманг.
9. Нафсингизни энг ёмон оқибатлар эҳтимолини ҳам кўтара олишга ўргатинг.
10. Балки ўша иш содир бўлса, унинг ортида сиз учун яхшилик бордир.
11. Қазонинг барчаси мусулмон учун яхшиликдир.
12. Раббингиз сизга ато этган неъматлар ҳақида фикр қилинг ва унга шукр қилинг.
13. Сиз ўзингизга берилган имкониятлар билан одамларнинг кўпидан устун эканингизни билинг.
14. Ҳар икки соат оралиғида фаровон ҳаёт бордир.
15. Инсон бошига тушган мусибат уни дуо қилишга, Парвардигорига боғланишга ундейди.
16. Мусибатлар ақл ва қалбнинг малҳамидир.
17. Албатта қийинчилик ортидан енгиллик ҳам бор.
18. Арзимас синовларга руҳиятингиз синиб, таслим бўлиб қолманг.
19. Парвардигорингизнинг мағфирати кенгдир.
20. Ғазабланманг! Ҳеч қачон ғазабланманг.
21. “Осмонда эса, сизларнинг ризқларингиз (ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (жаннат) бордир”²²².

²²² Зарнёт сураси 22-оят

22. Сизни хавотирга соган ишларнинг кўпи амалда юз бермайди.
23. Мусибат эгаларидан ибрат олинг.
24. Аллоҳ таоло кимни яхши кўрса, уни имтиҳонлари билан синайди.
25. Ғам-қайғуни аритувчи вирд ва дуоларни кўп такрорлаб юринг.
26. Керакли ва фойдали амаллар билан машғул бўлинг, бекорчиликни тарк этинг.
27. Ҳар хил извою мишишлардан йироқ бўлинг, асоссиз ва далилсиз ҳеч қачон уларга ишонманг.
28. Адоватга ўч олишга бўлган ташналик душманнингиздан кўра ўзингизнинг соғлигингизга зарардир.
29. Бошингизга тушган мусибат ва синовларга чиройли сабр қилишингиз гуноҳларингиз учун каффоратдир.

ИМКОНИЯТ БЎЛАТУРИБ ҚАЙҒУГА НЕ ҲОЖАТ?

“Тангликдан кейинги кенглик” китобида айтилади: «Ҳакимлардан бирининг бошига мусибат тушгач, унинг хузурига кўнгил сўраб келган дўстларига: “Бетоблигимда олти нарса дардимни енгиллашибига сабаб бўлди”, деди. Зиёратчилар: “Улар нима экан?” деб сўрашганида, олим жавоб бериб айтди:

- Аллоҳга чин дилдан ишондим;
- тақдир қилинган ҳар бир иш амалга ошмай қолиб кетмаслигига амин бўлдим;
- имтиҳондаги инсон учун энг яхши нарса сабр эканини тушуниб етдим;
- ахир сабр қиласам, бошқа нима ҳам қила оламан?! Сабрсизликда фойда йўқлигини англадим; Жазавага тушганимдан нима фойда?!
- бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди-ку!
- вақт ўтган сари оғирликлар енгиллашганини кўрдим”».

СИЗГА АЗИЯТ, ОЗОРЛАР БЕРГАН, СҮКИБ ХАҚОРАТЛАГАН, ХОРЛАГАН ВА ЗУЛМ ҚИЛГАН БҮЛСАЛАР ҲАМ, ЎКИНМАНГ!

Шайхул ислом айтадилар: “Мўмин киши бир-бири билан талашиб-тортишмайди, бир-бирини ҳақорат қилмайди ва жанжаллашмайди”.

ЎКИНМАНГ, ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ-ДА, МАҚТОВИНИ ОХИРАТДАН КУТИНГ

Олижаноб инсонлардан бири бир шоирга яхшилик қилиб, оғирини енгил қилди. Шунда шоир уни мақтаб бундай деди:

Шеър:

*Бир йигитга хайрот баҳши этди Мавло,
Либос янгиланди, кийди кенг ридо.
Чехра – ой, бўйнида юлдузлар маржон,
Пешона ярқираб бўлди сурайё.*

ЎКИНМАНГ: БОШИНГИЗГА МУСИБАТ ВА МАШАҚҚАТЛАР ТУШСА, ЙЎЛИНГИЗГА ТЎСИҚЛАР ТУШСА, САБР ҚИЛИНГ!

Шеър:

*Олижанобликни не қилса осон,
Ўшандан бизга ҳам бергин, эй замон.*

Сабр қилиш сабрсизлик ва тушкунликка тушишдан яхшироқдир. Зеро, ихтиёрий равишда сабр қилмаслик мажбурий сабр қилишга олиб келади. Мутанаббий айтади:

Шеър:

*Мени кулфатларга ташлади замон,
Ҳатто қалбим бўлди пардаи камон.
Ўқ едим, кулфатга энди парвом йўқ,
Парво қилган билан йўқ фойда бирон.*

Абул Музаффар айтади:

Шеър:

*Мени таний олмай қолди бу замон,
Хатто билмас – менман энг азиз инсон.
Менга душманлигин күрсатганида
Мен унга сабримни қылдим намоён.*

**ҮКИНМАНГ! ЧУНКИ СИЗНИ СЕВАДИГАН,
СИЗ БИЛАН МЕХР-ОҚИБАТ, БИРДАМЛИК
ИПЛАРИНИ БОҒЛАГАН ЁР-ДЎСТЛАРИНГИЗ
БОР**

Дўст оғир кунда тасалли бўлади. Баъзилар: “Агар васаваса бўлмаганида одамларга қўшилмас эдим”, деган.

“У кунда тақводорлардан ўзга дўстлар бир-бирларига душмандирлар”²²³.

Баъзилар ғарип мусофири ҳақида бундай деган:

Шеър:

*Мақсадлар бўлса-да гар турли-туман,
Таъмин қилар аҳл, қўшни ва маскан.
Саёҳатдан мурод дўст ортироқмоқдир,
Инсоннинг ҳижронсиз сафари – ватан.*

**ГАРЧИ СИЗДАН ЮЗ ЎГИРСАЛАР ҲАМ, СИЗГА
ҚОВОҚ СОЛИБ, ЮЗЛАРИНИ БУРИШТИРИБ
ҚАРАСАЛАР ҲАМ, БАХИЛЛИК ҚИЛСАЛАР
ҲАМ, ҮКИНМАНГ!**

Суфёни Саврий айтади:

Шеър:

*Сўрасанг, хасислар эшигин ёпар,
Ундан кўра нону туз сенга етар.
Барра гўшт ўрнига зилол сув ичиб,
Оқил одам ўзин тўқдай кўрсатар.*

²²³ Зуҳруф сураси, 67-оят.

Обрўсини сақлаган, номусли, ориятли одамга ёғоч кулбаси, кигиз ўтови, арпа унидан нони борлиги обрўсиз, нопок кимсаларнинг гўзал қасридан, булбуллар сайраб турган боғ-бўстонидан азизроқ ва шарафлироқдир.

Бало-оғат касалликка ўхшайди. Инсон бир куни ундан саломат бўлади ва қутулади. Бало-оғат кетишини кутмасдан шошилиш балонинг кўпайиб жиддийлашишига сабаб бўлади. Мусибат ҳам, бало-оғат ҳам бир куни тугайди, мусибат етган киши сабр қилиши, кенгликни кутиши, доимий дуода бўлиши керак.

“Эй ўғилларим! Боринглар-да, Юсуф ва унинг укасини изланлар ва Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманлар. Зоро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат коғирлар қавмигина умидсиз бўлади”²²⁴.

“У деди: “Парвардигорининг раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина умидсиз бўладилар”²²⁵.

“...Сиз билмассиз, эҳтимол, Аллоҳ бу (талок) дан кейин бирон ишни пайдо қилас”²²⁶.

“Аллоҳ бандаларига меҳрибондир”²²⁷.

“...раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир...”²²⁸

“...Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!” деган эди...”²²⁹.

“У (одамлар) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва йўз раҳматини (бракотини) кенг ёядиган Зотдир...”²³⁰.

“...Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат

²²⁴ Юсуф сураси 87-оят.

²²⁵ Ҳижр сураси 56-оят.

²²⁶ Тілок сураси 1-оят.

²²⁷ Шўро сураси 19-оят.

²²⁸ Аъроф сураси 156-оят.

²²⁹ Тавба сураси 40-оят.

²³⁰ Шўро сураси 28-оят.

ва құрқув билан дуо қилар әдилар ҳамда Бизга
(барча буйруқларимизга) итоат этувчи әдилар”²³¹.

Шеър:

Агар яшамасанғ дунёдан ризо,
Яхшиликлар қачон күрилар раво?
Ёмөнлик солмасин дилингга құрқув,
Имконисзликдан сұнғ најот бўлган-ку!

ЭНГ ЯХШИ СУХБАТДОШ КИТОБДИР

Китоб ўқишига одатланиш, ақлни фойдали ишлар билан ўстириш, кенг дунёқараш улкан баҳтдир.

Жоҳиз исмли олим ғам-қайғудан йироқ бўлиш учун китоб ўқишини тавсия этиб бундай деган экан:

“Китоб холис сухбатдош, тўғрисўз ва содик дўст. Сиздан малолланмайдиган ҳамроҳ. Мол-дунёингиз уни кизиқтиргайди. Ичингиздаги сирларингизни ялтоқилик билан билиб олмайди. Сизга макр-ҳийла ҳам қилмайди, мунофиқларча алдамайди, ёлғон сўзламайди. У ҳақиқий дўстдир.

Китобга қараганингиз сари ундан фойда оласиз, завқ-шавқ туясиз ва роҳатланасиз, зеҳнингиз ойдинлашади, тилингиз равон бўлади, ифодангиз кўркам, руҳингиз тетик, қалбингиз обод бўлади, сизга халқ хурматини, подшоҳлар садоқатини инъом этади.

Сизга зарап етказмасдан, машаққатга қўймасдан, илм эгалари эшиги олдида музтар бўлиб турмасдан, хулқда ҳам, насл-насабда ҳам сизга teng бўлмаган кимсалар билан кўнгилсиз сухбатлар қурмасдан, дунё аҳллари билан ҳамтоворқ бўлмасдан туриб, одамлар оғзидан бир умр ўргана олмайдиган нарсанни китоб ёрдамида бир ойда ўргана оласиз.

Китоб сизга туну кун ва ҳар ерда яхшилик қиласди. Китоб бир лаҳза ҳам ором олмайди. У бедорликдан чарчамайдиган, керагида сизга ёрдамлашиб келадиган муаллимдир. Ундан йироқлашсангиз ҳам

²³¹ Анбле сураси 90-оят.

сиздан ранжимайди, бераётган фойдасини тўхтатиб қўймайди, сизга итоат қилишда давом этаверади. Агар душманларингиз иши юришиб қолса, сизни ташлаб улар томонга оғиб кетмайди. Қачон у билан бирга сизни юксакларга элтувчи пиллапояга қадам қўйсангиз ёки маърифат арқонига осилсангиз, яъни, мاشаққат билан етиладиган қайси ишга киришсангиз, сиз учун унинг ўзи етарли ёрдамчидир. У билан бирга экан, одам ўзини ёлғиз ва чорасиз хис қилмайди. Ҳеч бўлмагандан, китоб сизни уйингиз олдидан ўтувчи йўловчиларга мақсадсиз қараб ўтиришдан сақлайди. Бу билан сиз жуда катта фойдага эришган бўласиз”.

Китоб фазилати ҳақида сўзлар:

Абу Убайда айтди: “Мұхаллаб болаларига қилган васиятида: “Эй болаларим! Бозорга қофоздан бошқа нарса учун борманглар”, деди”.

Ҳакимлардан бири айтади: “Шайх Шомийга Фатафоннинг жасоратлари ҳақидаги китобни ўқиб бердим. У: “Олижанобликлар китобларда қолибди”, деди”.

Ҳасан Луълуъий: “Ётганимда ҳам, турганимда ҳам кирқ йил китоб менинг йўлдошим бўлди”, деган.

Ибн ал-Жуҳайм айтадилар: “Кўзимга мен ҳам истамагандан уйқу инган чоқда ҳикмат китобларидан бирини кўлимга оламан. Шундан сўнг қалбим сергакланади ва йўқотган нарсамни топиб олгандай ҳузурланаман”.

Китобларнинг энг улуғи, энг шарафлиси эса Куръони каримдир.

“(Бу Куръон) Сизга нозил қилинган Китобдир. У билан (умматингизни) огоҳлантиришингизда қўксингизда ундан танглик (шак) бўлмасин. У (Куръон) мўминлар учун (илохий) эслатма ҳамдир”²³².

Китоб ўқишининг фойдалари:

1. Васваса, ғам-андухлардан сақланасиз.
2. Китоб сизга нисбатан адолатсизлик ва ҳақсизлик қилмайди.
3. Бекорчи ва мақсадсиз кишилардан йироқ бўласиз.
4. Тилингиз гапга чечан, сўзингиз равон бўлади. Оҳантга ортиқча эътибор, балофат ва фасоҳат учун зеб беришга ҳожат қолмайди.
5. Ақл теранлашади, зеҳнда янгиликлар ортади, хотира мустаҳкамлашади.
6. Билимга бой бўлиб, китобий далиллар билан ёддан сўзлай бошлайсиз.
7. Инсонларнинг ҳаётий тажрибаларини, улуғларнинг нодир ҳикматларини, уламоларнинг бетакрор кашфиётларини ўзлаштириб оласиз.
8. Илмий малакангиз ортади, онгингизда ҳаёт ҳақидаги тасаввур кенгаяди.
9. Ислом динига доир китобларни ўқиганингизда имон нурингиз ортади. Зеро, китоб энг буюк насиҳатчи, ёмонликлардан қайтарувчи ва яхшиликларга буюрувчидир.
10. Фикртарқоқлигидан, юрак ҳаловатсизлигидан, вақт беҳуда ўтишидан омонда бўласиз.
11. Ўзингизда ифодадаги услубни, иборадаги мақсадни, жумладаги умумий маънони, ундаги ҳикмат, сирларни англаш ва сўзни пухта тушуниш малақасини ҳосил қиласиз.

Шеър:

*Шодлик маънодадир – яқин билгайсан,
Татиб ҳам, ичиб ҳам кўролмагайсан.*

**ЎКИНМАНГ! ЧУНКИ СИЗ ОЛҚИШГА
ЛОЙИҚ ИШЛАР ҚИЛИБ ҚЎЙГАНСИЗ**

Кўллар сиз учун дуога очилади, сиз қилган ва қолдириб кетаётган яхшиликлар сабаб сизга

мақтовлар ёғилади. Чиройли мақтов иккинчи умр, умрбоқий фарзанд, бунёдкор васият ва баракали, ёқимли меросдир.

Шеър:

Бамисли қүёшсан келса қаҳратон,
Ёзда бошимизга сенсан соябон.
Эҳсонинг молингни қиласр зиёда,
Сен етмаган шараф йўқдир дунёда.
Тунлар жамолингдан оладирмиз нур,
Зикринг қулоқларда кўп тақрорланур.
Кўрқсак, исминг айтиб қиласрмиз нидо,
Хожилар таҳлилдан қиласр жон фидо.

Абу Бакрнинг (розияллоҳу анҳу) тоблари йўқ эди. Хузурларига келган кишилар: “Табиб чақирти-райликми?” деб сўрашди. У зот: “Табиб мени кўрди”, дедилар. Улар: “Хўш, табиб нима деди?” деб сўрашди. Шунда у зот жавоб бериб: “Табиб “Албатта мен хоҳлаган нарсамни қилурман” оятини тиловат қилиб, мени сабрга чақирди”, дедилар.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу): “Сабр имон-дандир. У худди инсон жасадидаги бош кабидир. Агар одамнинг боши кесилса, жисм ҳам қулайди”, дедилар, сўнгра овозларини баландлатиб қўшиб қўйдилар: “Сабри йўқ одамнинг имони йўқдир. Сабр инсон учун қоқилиб йиқилмайдиган, қулай пойафзал кабидир”, дедилар.

Ҳасан (раҳматуллоҳи алайх) айтади: “Сабр яхшилик хазиналарининг биридир. Аллоҳ таоло уни фақат Ўзи яхши кўрган бандаларигагина беради”.

Умар ибн Абдулазиз (раҳматуллоҳи алайх) айтади: “Агар Аллоҳ таоло бандасига бир неъмат ато қиласа, сўнг уни олиб ўрнига сабр неъматини берса, мана шу неъмат олдингисидан яхшироқдир”.

Сулаймон ибн Қосим айтади: “Барча амалларнинг мукофоти маълум. Сабрнинг мукофоти эса беҳисобдир”.

“...Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари беҳисоб берилур”²³³.

ЎКИНМАНГ! ҲАЛИ ОЛДИНГИЗДА РАББИНГИЗ ҲУЗУРИДА ТҮПЛАНИШ, ҚИЁМАТ КУНИ, АБАДИЙ БЎЛГАН ИККИНЧИ ҲАЁТ БОРДИР

Аллоҳ таоло қиёмат куни олдингию кейинги халойиқнинг барчасини жамлайди. Бунга имон келтиргач, қалбингиз Аллоҳнинг адолатидан хотиржам бўлади. Кимнинг бу дунёда мол-мулки ҳақсизлик ва зулм билан тортиб олинса, охиратда, албатта, эгасига қайтарилади. Бу дунёда одамларга зулм қилганлар у дунёда адолат билан ўз жазосини олади.

Олмон файласуфи Кант айтган эди: “Бу дунё ҳаёти драмаси ҳеч қачон тўла-тўкис бўлмайди, яна бир бор тўпланиш ҳаёти бўлмоғи лозим. Чунки бу дунёда золимнинг ҳам, мазлумнинг ҳам гувоҳимиз, лекин адолатни кўрмаяпмиз. Ғолибнинг ҳам, мағлубнинг ҳам гувоҳимиз, лекин интикомни кўрмаяпмиз. Демак, адолат қарор топадиган иккинчи бир олам бор”.

Шайх Али Тантовий унинг гапига қўшимча қилиб: “Бу ажнабий мана шу гапи билан охират, қиёмат куни, қайта тирилиш борлигини эътироф этган”, деган

Шеър:

*Ерда ҳукм қилса гар кимки ноҳақ,
Осмондан вайл бўлар ўшанга барҳақ.*

“...Бу кунда (ҳеч кимга) зулм (ноҳақлик) қилиши йўқ. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тез Зотдир”²³⁴.

²³³ Зўмар сураси 10-оят.

²³⁴ Ғоғир сураси 17-оят.

ТУРЛИ ХАЛҚЛАР ТАЖРИБАЛАРИДАН МИСОЛЛАР

Роберт Луис Стефенсон ёзади: “Хар бир инсон күн давомида қанчалар мاشаққат чекмасин ўз вазифасини қилишга қодирдир. Хар бир инсон тонгдан то қуёш ботгунига қадар баҳтли ҳаёт кечиришга қодирдир. Ҳаёттинг маъноси шудир”.

Дерлар: “Сенинг ҳаётинг фақат бугунги кунингдангина иборат. Кечаги кунинг ўтди. Эртанг эса ҳали келиши маълум эмас”.

Стефен Лакок ёзади: Гўдак: “Ўспирин ёшига етсам...” дейди. Ўспирин: “Йигитлик ёшига етсам... Йигитлик ёшига етсам, уйланаман” дейди. Аммо уйланышдан кейин нима қилади? Бу ҳамма босқичлардан сўнг нима қилади? Энди фикрлар: “Нафақа ёшига етиб олсам...” дейишга ўзгаради. Орқасига қарайди, совуқ шамоллар уни тебратиб бўлган. Озгина ҳам яшамасдан ўтган ҳаётидан айрилди. Вақт ўтиб бўлганидан кейин англаб етамизки, ҳаёт бугунги кунимизнинг ҳар бир дақиқаси ва соатларидир”. Шунингдек, тавбани ортга сурувчилар ҳам кейинроқ тушунадилар.

Солих салафлардан бири бундай дейди: «Сизларни “энди қиласман”, “ҳали бажаарман” дейишдан огоҳ этаман. Чунки бу кўпгина яхшиликлардан тўсувчи ва савобли амалларни кечириувчидир».

“(Эй Мұхаммад!) Уларга қўйиб беринг: есинлар, фойдалансинлар ва орзулар уларни машғул қиласин! Бас, яқинда (қилмишларининг оқибатини) билиб олурлар”²³⁵.

Француз файласуфи Монтен айтган эди: “Менинг ҳаётим абадий раҳм қилинмас ёмонликлар билан тўлиб тошган”.

Денси айтади: “Тафаккур қилинг, бугунги кунингиз қайта такрорланмас”.

²³⁵ Ҳижр сураси 3-оят.

Мен айтаман: бундан ҳам гўзалроқ ва мукаммалроқ гап “видолашув намозини ўқинг”дир.

Яшаётган бугуни умрининг охирги куни эканини ўйлаган инсон, албатта, тавба ва солиҳ амалларни кўпайтиради, Парвардигорига итоат қилиш, Расулга эргашиш йўлида бор куч-куват ва иқтидорини сарфлайди.

ЎЗИНГИЗНИ КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАНГИЗ ХУСУСИДА ТЕРГАБ ТУРИНГ

Ўтмиш ва келажакнинг темир дарвозаларини ёпиб, бугунги кунингиз билан ҳамқадам ҳаёт кечиринг. Ўзингизга бундай саволлар бериб кўринг:

1. Уфқ ортидаги мавҳум сирли боғ-роғлар орзуусида, келажакни деб ҳаловатсиз бўлиб ҳозирги ҳаётимни зое қилмаяпманми?

2. Илгари бўлиб ўтган ва вақтлар ўтиб эскирган воқеа-ҳодисаларга ғам чекиши билан ҳозирги ҳаётимни аччиқ қилмаяпманми?

3. Тонгда уйқудан уйғонгач олдимдаги йигирма тўрт соатдан унумли фойдаланиш режасини тузяпманми?

4. Бу дунёда ўтказаётган умримнинг ҳар дақиқасидан фойда оляпманми?

5. Бу дастурларга қачон риоя этаман: бугунми, эртагами ёки кейинги ҳафтадами?

6. Ўзимиздан: “Бошимга тушиши мумкин бўлган энг оғир мусибат нима?” деб сўрайлик. Сўнгра руҳимизни ўша мусибатга йўлиқиши мумкинлигига ва унга бардош беришга ҳозирлайлик.

ЎКИНМАНГ! АГАР БИРОР ҲОДИСА КЎНГЛИНГИЗНИ ОФРИТСА, ЎЗИНГИЗГА САВОЛ БЕРИНГ

Ўзимиздан бошимизга тушиши мумкин бўлган энг оғир мусибат нима деб сўрайлик. Сўнгра руҳимизни ўша мусибатга йўлиқиши мумкинлигига ва унга бардош беришга ҳозирлайлик. Аллоҳ таоло айтади:

“Уларга одамлар: “Сизларга қарши (хужум учун) одамлар (Макка мушриклари лашкар) тўпладилар. Улардан кўрқингиз!” деганларида, (бу гап) уларнинг имонларини янада зиёда қилди ва айтдиларки: “Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойикдир!”²³⁶.

“...Ким Аллоҳдан қўрқса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилади. Яна уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантиради. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга етади...”²³⁷

“...Аллоҳ танглик (камбағаллик)дан кейин енгиллик (бойлик)ни ҳам пайдо қилади”²³⁸.

Билгинки, сабрдан кейин ғалаба, тангликдан сўнг кенглик ва, албатта, қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Аллоҳ банданинг гумонидадир. Бас, у хоҳлаганидек гумон қилсин.

“...Сизни улардан (ҳимоя этишга) Аллоҳнинг ўзи етади. У Эшитувчи ва Донодир”²³⁹.

“Ўлмайдиган, ҳамиша Барҳаёт Зотга таваккул қилинг...”²⁴⁰

“...Ахир, Аллоҳ (мусулмонларга) ғалаба ато этиб ёки Ўз ҳузуридан бирор буйруқ бериб қолса, ичларида сир тутган нарсаларига пушаймон бўлувчиларга айланиб қолишлари мумкин-ку!”²⁴¹

“Яқин бўлувчи (қиёмат) яқин қолди. Унинг учун Аллоҳдан ўзга очувчи (билувчи) йўқдир”²⁴².

Шеър:

*Ҳақ енгиллик берса, бўлар иши осон,
Машаққат камаяр, ҳурсанд бўласан.*

²³⁶ Оли Имрон сураси 173-оят.

²³⁷ Талок сураси 2 – 3-оятлар.

²³⁸ Талок сураси 7-оят.

²³⁹ Бакара сураси 137-оят.

²⁴⁰ Фурқон сураси 58-оят.

²⁴¹ Мойда сураси 52-оят

²⁴² Нажм сураси 57–58-оятлар.

Қанча умидсизлар мақсадга етар,
Қанча тадбир қилган қолади нолон.
Қанча фақирларга берилди сарват,
Неча бир қўрқоқлар бўлди паҳлавон.
Кўпларнинг ачиги ширинга дўниб,
Энди яшашияпти хурсанд, шодумон.

ҒАМ-ҚАЙФУ ОДАМНИ КУЧСИЗЛАНТИРАДИ

Тиббиёт фанлари бўйича Нобел мукофотини олган доктор Алексес Карел: “Ҳаловатсизликни енга олмаган кимса эрта вафот топади”, деган.

Биз айтамиз: ҳар бир нарса қазо ва қадар биландир. Алексес Карелнинг гапини бундай тушуниш лозим: жисмни хароб қилувчи, вужудни емирувчи омилларнинг асосийси безовталиқдир.

Тушкунлик яна ошқозон ярасини ҳам қўзғатади. Доктор Жозеф Монтейж “Асаб муаммоси” китобида бундай деган: “Ошқозон яраси сиз тановул қилган таомлар туфайли эмас, балки сизни еган ғамлар сабаблидир”.

Шеър:

Сочга оқ туширган ва қаритган ҳам,
Семизни оздирган ҳам шу қайфу, ғам.

“Live” журналида ошқозон яраси ҳалокатга олиб келувчи касалликларнинг ўнинчиси деб саналган.

Эдвард Подольскийнинг “Безовталиқни тарк қилинг, афзал ишлар томон ҳаракатланинг” номли китобидан баъзи сарлавҳаларни келтириб ўтмоқчимиз:

1. Ҳаловатсизлик юракка қандай таъсир ўтказади?
2. Қон босимининг озиқаси ҳаловатсизликдир.
3. Ҳаловатсизлик бод касалини келтириб чиқариши мумкин.
4. Ошқозонингга раҳминг келса, безовталиқни енгиллат.
5. Безовталиқ қандай қилиб шамоллашга сабаб бўлиши мумкин?

6. Безовталик ва қалқонсимон без.

7. Қанд қасаллиги ва ҳаловатсизлик.

Шифокор психолог Карл Менинжер “Инсон ўзига қарши” номли китобида бундай деган: “Доктор Менинжер сизларга безовталиктан сақланиш түғрисидаги қоидаларни бермайды. Балки ҳаловатсизлик, эзилиш, гина, ҳаяжон, қаршилик ва хавф сабабли танамиз ҳамда ақлимизни вайрон қилувчи ҳолатларга парво қилмасликни ўргатади”.

Юракнингроҳатдалиги, хотиржамлик, паришон хотир бўлмаслик ва саодат қуидаги оятнинг катта фойдаларидандир: “Улар (мазкур тақвадорлар) ...одамларни (хато ва камчиликларини) кечира-диганлардир...”²⁴³

Франсиянинг Бордо шахри ҳокими файласуф Монтен бундай деган: “Муаммоларингизни жигарим ва ўпкам билан эмас, балки қўлим билан ҳал этгим келади”.

Ғамгинлик, ташвиш ва гина нималар қила олади?

Доктор Руссел Сесил бўғимларнинг яллиғланишини келтириб чиқарувчи тўртта сабабни айтиб ўтган: уйланмаслик, моддий бало ва тушкунлик, ёлғизлик ва ҳаловатсизлик, нафрат ва гина.

Доктор Вилям Жемс Америка тиш докторлари йиғилишида бундай деган эди: “Безовталик ва хавфсираш каби тушкунликка соловчи ҳислар калсий танқислигига олиб келиши мумкин. Бу эса тишининг талофатига сабаб бўлади”.

Муаммоларни хотиржамлик билан ҳал этинг:

Дейл Карнеги “Қоратанлилар ва хитойликлар юрак қасаллиги билан камдан-кам оғрийдилар. Чунки улар барча муаммоларнинг ечимини хотиржамлик билан ҳал қиласдилар”, дейди.

Яна унинг айтишича, ўз жонига қасд қилган америкаликнинг сони ҳалокатли беш хил қасалликдан

²⁴³ Оли Имрон сураси 134-оят.

ҳам күпдир. Бу ақл олмас даражада ҳайратланарлы ҳақиқатдир.

Раббингиз ҳақида гумонингиз чиройли бўлсин.

Вилям Жемс “Аллоҳ гуноҳларимизни кечиради, аммо асаб тизимимиз ҳеч қачон бундай қила олмайди”, дейди.

Ибн ал-Вазир “ал-Авосим вал-Қавосим” китобида бундай ёзади: “Аллоҳ таолонинг раҳматига кўз тикиш бандага умид бағишилаб, тоатларга қувват беради ва нафлларни бажаришда фаоллаштириб, яхшиликларга илдам қилади”.

Ҳа, тўғри. Аллоҳ таолонинг раҳмати, кечирими, мағфирати ба ҳалимлигини доим эсида тутадиганлар яхши амалларни кўпроқ қилади. Унга яқинлашади ва ҳаракатда бўлади.

Шеър:

*Тун узок, юлдузли осмон ҳам гўзал,
Кўп ухла, кўзларга бермагин зарар.
Ўзингни чоғлагин тунги тоатга,
Толиқсанг, чошгоҳда қайлула кутар.*

Агар хаёлингиз қочса...

Томас Эдсон: “Инсон ҳеч бир ишида хаёлдан холи ҳолатда бўлмайди”, дейди. Тўғри, тажрибада ҳам шу ҳол кўрилган. Одам ёзса ҳам, ўқиса ҳам, турса ҳам, юрса ҳам, қўйинки, ҳамма ҳолатда хаёлида доим нималарнидир ўйлаётган бўлади. Шунга қармай киши фойдали ва самарали иш билан машғул бўлиши лозим. Бу эса фикрни бир жойга жамлайди. Хаёлпараст ва адашадиганлар бекорчилардан чиқади.

НАСИҲАТЛАРНИ ЧИРОЙЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Андре Моро айтади: “Бизларга ўзимиз қизиқкан нарсалар худди ҳақиқатдек кўринади, бундан бошқасига эса ғазабланамиз”.

Насиҳат ва танқидлар ҳам шундай. Кўп ҳолларда биз гарчи мақтовга ҳақли бўлмасак-да, ундан

завқланамиз, уни хуш кўрамиз. Танқидни эса гарчи бунга лойик бўлсак-да, ёқтирмаймиз. Бу катта айб ва хатодир.

“Қачон ўрталарида ҳукм чиқариш учун Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сари чорлансалар, бирданига улардан бир гурухи (пайғамбар ҳузурига келишдан) бош тортади. Агар ҳақиқат улар (траф)да бўлса, (пайғамбар олдига) бўйсуниб келардилар”²⁴⁴.

Вилям Жемс: “Агар натижасини ўйлаб турган ишингиз бўйича сизни банд қилаётган ташвишлардан буткул халос бўлай десангиз, тез қарор қилинг. Бу дегани воеа-ҳодисалар устида доно қарор чиқарсангиз, уни амалга оширинг, иккиланманг ва безовталанманг ёки орқага қадам ташламанг. Ўзингиздан шубҳаланманг. Зеро, шубҳадан шубҳа туғилади. Ортингизга қараманг”, дейди.

Шеър:

*Шаҳд қилиб йўл олдим мақсадлар томон,
Йўлим бўлди равон, гоҳи норавон.
У эса ютмади ва ютқазмади,
Умрини ҳеч несиз ўтказди ҳайрон.*

Шеър:

*Фикринг тўғри бўлса, тез қасдингни қил,
Хато фикрни қўй, тез йироқ кетгил.*

Қарор чиқаришдаги жасурлик сизни изтироб ва ҳаловатсизликдан қутқаради.

ИККИЛАНМАНГ, ШАРТТА ИШГА КИРИШИНГ, БЕКОРЧИЛИКДАН ҚОЧИНГ

Харвард университетининг тиббиёт фанлари устози доктор Ричард Кабод “Инсон нима учун яшайди?” номли китобида айтади: “Шифокорлик тажрибамга суюниб айтаман: иккиланиш, шакка тушиш ва хавфсираш натижасида қалтираш касалига

²⁴⁴ Нур сураси 48 – 49-оятлар.

йүлиққанлар бирор иш билан машғул бўлсинлар. Зеро, иш чоғи пайдо бўлган шижаот ўзига ишончни беради”.

“Бас, қачон намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверинглар!”²⁴⁵

Жорж Бернард Шоу айтади: «Бахтсизлик сири “Агар бахтим чопганида...” ёки “Агар омадим юришмаганида” дея хаёлга берилиб, вақтни ўтказишдадир. Хаёл суравермасдан ҳаракатга тушинг. Шунда қонингиз юришиб, миянгизга фикрлар кела бошлайди. Янги ҳаёт ақлингиздан иккиланишни тез кетказади. Ишга киришинг ва давом этинг. Ер юзида мавжуд даволарнинг энг арзони ва афзали шудир».

“Айтинг: “Ишлангиз! Албатта, Аллоҳ, Расули ва мўминлар ишларингизни кўражаклар...”²⁴⁶

“Хаёт арзимас бўлгани сабабли жуда ҳам қисқадир”.

Араб ҳукамоларидан бири айтади: “Хаёт бизлар уни нафрат билан ўтказишимиздан ҳам қисқадир”.

“Ерда йиллар ҳисоби (билин фикрингиз) бўйича қанча турдингиз?” дейди (Аллоҳ). Улар айтадилар: “Бир кун ёки ярим кун. Санаб турувчи (фаришталар)дан сўрагин!” (Аллоҳ) дейди: “Агар сизлар биладиган бўлсангиз, (дунёда) жуда оз турдингиз”²⁴⁷.

Миш-мишлар ҳамиша тўтри чиқавермайди:

“Улар ҳар бир қичқириқ (овоз)ни устиларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиласдилар”²⁴⁸.

Колумбия университети ўқитувчиси Хукс ушбу ҳикматни ўзига шиор қилиб олган эди: “Шу қуёш остидаги мавжуд бўлган ҳар бир иллатнинг давоси бор, аммо айримларининг давосини одам тополмаслиги мумкин. Дорисини топсанг изла, тополмассанг унда бехуда куйинма!”

²⁴⁵ Жумз сураси 10-оят

²⁴⁶ Тавбә сураси 105-оят.

²⁴⁷ Муъминун сураси 112 – 114-оятлар.

²⁴⁸ Мунофиқун сураси 4-оят.

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: “*Аллоҳ таоло қандай дард берса, унинг давосини ҳам берган. Буни билган билади, билмаган билмайди*”.

Мулойимлик тойилишдан сақлайди

Ҳадисда айтилади: “*Мўмин одам гиёҳ кабидир, шамол уни ўнгу сўлга эга олади*”.

Доно одам сув кабидир. У харсангга тўқнашмайди, балки унинг ўнг, сўл, уст ва остидан айланиб ўтади.

Япониялик бир устоз шогирдларига айтди: “Мулойим одамнинг мисоли мажнунтол кабидир. Қўпол ва дағал одамнинг мисоли эман ёғочи кабидир”.

Ўтмиш ортга қайтмайди

“*То сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсиз*”²⁴⁹.

Улуғлардан бирлари сут солинган шиша идишни ерга ташлаб юбориб, “Тўкилган сутга куйинманг”, деди.

Машойихлар дерлар: “Сизга буюрилмаган иш сиз учун қийин ва у тоқатингиз даражасида эмас”.

Одам (алайҳиссалом) Мусога (алайҳиссалом) дедилар: “*Аллоҳ таоло мени яратишидан кирқ йил олдин тақдир қилиб ёзган нарса учун мени маломат қиляпсанми?*”

Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “*Одам Мусога ғолиб бўлди, Одам Мусога ғолиб бўлди, Одам Мусога ғолиб бўлди*”.

Саодатни ўзингиздан изланг, теваракдан эмас

Инглиз шоири Милтон айтади: “Ақл шу туришида ёлғиз ўзи жаннатни жаҳаннамга, жаҳаннамни эса жаннатга айлантира олади”.

Шеър:

Жоҳил-бебахт кимса неъматлар аро,
Баъзан ақл баҳтга солар можаро.

Ҳаёт қайғуга арзимайди

Наполеон айтади: “Мен ҳаётим бўйи ақлли олти кун баҳтили яшаганимни эслай олмайман”.

²⁴⁹ Ҳадид сураси 23-оят

Халифа Хишом ибн Абдулмалик айтади: “Мен са-одатли кунларимни санаб ўн уч кун эканини билдим”.

Хишомнинг отаси оҳ тортиб бундай дер эди: “Эх, кошки эди халифа бўлмаганимда”.

Ибн Сяммок Воиз Ҳорун ар-Рашиднинг ҳузурига кирди. Ҳорун чанқаб, ичимлик беришларини сўради. Ибн Сяммок: “Эй мўминлар амири, агар мана шу сувни ичишга қодир бўла олмасангиз, шунга эришиш учун салтанатингизнинг ярмидан кеча олар-мидингиз?” деди. Ҳорун: “Ҳа”, деб жавоб берди. Сувни ичиб бўлгач, ибн Сяммок айтди: “Агар мана шу сув ичингиздан чиқиб кетмаса, ундан қутилиш учун салтанатингизни қолган ярмидан ҳам кечармидингиз?”. Ҳорун: “Ҳа”, деб жавоб берди. Ибн Сяммок: “Бир пиёла сувга арзимаган салтанатнинг нима кераги бор”, деди.

Шеър:

*Имонсиз киши ҳеч тополмас омон,
Дин тирик бўлмаса, дунё ҳам тамом.
Кимлар рози бўлса динсиз дунёга,
Ўткинчи ҳас каби бўлади гумдон.*

Эмерсон “Ўзига ишониш” номли мақоласининг охирларида бундай дейди: “Жисмимизни касалликдан фориғ қилишга бўлган эътибордан кўра мафкурамизни бузук фикр ва эътиқодлардан тозалашга кўпроқ эътибор бермоғимиз лозим”.

Ажиб, Аллоҳ таоло жисмоний иллатлардан кўра фикрий иллатлардан кўпроқ қайтарган: “**Уларнинг кўнгилларида иллат** (шубҳа ва такаббурлик) **бор.** Аллоҳ уларга (шу) иллатни зиёда қилди. (Мўминиз, деб) ёлғон гапириб юрганлари учун уларга (охиратда) аламли азоб бордир”²⁵⁰.

Файласуфлардан бири хато фикрларни онгимиздан олиб ташлашга танамиздан шиш ва бошқа

Ўқинма

касалликларни кетказишдан кўра кўпроқ эътибор бериш кераклигини таъкидлайди.

Франсуз файласуфи Монтен ҳаёти давомида мана бу гапни шиор қилиб олган эди: “Инсон воқеа-ҳодисалардан улар ҳақидаги фикри билан таъсирангани каби таъсиранмайди”.

Ҳадисда айтилади: “Эй Аллоҳ, мени Ўзингнинг тақдирингга рози бўладиганлардан қилгин, токи менга мўлжалланган нарса мени хатосиз топиши ва менга мўлжалланмаган нарса менга асло ет-маслигига амин бўлай”.

Ўқинманг! Чунки ўкинч сизга ўтган ташвишларингизни эслатади, келажакдан хавотирга солади ва бугуннинг баракотидан маҳрум этади.

Ўқинманг! Чунки ўкинч қалбни азоблайди, юзингиз тундлашади, руҳингиз сўнади, орзуларингиз барбод бўлади.

Ўқинманг! Чунки қайғу ғанимларни шод, дўсту ёрларни маҳзун қиласди.

Ўқинманг! Чунки ўкинч қазо билан мунозара қиласди, муқаррар ишларни таҳликага солади, дўстга қарши чиқади, неъматга нонкўрлик қиласди.

Ўқинманг! Чунки ўкинч қўлдан кетганни қайтариб бермайди, ўликни тирилтирмайди, қадарга қарши тура олмайди ва ҳеч қандай фойда келтирмайди.

Ўқинманг! Чунки ўкинч шайтондандир. Ўкиниш умидсизликка, тайёр фақирликка, ва тушкунликка олиб келади.

“(Эй Мухаммад!) Кўксингизни (илму хикматга) кенг очиб қўймадикми?! Сиздан белингизни эзиб турган юкингизни олиб қўйдик (енгиллатдик). Қайсики, белингизни эзиб турган эди. Зикрингизни (исмингизни) ҳам баланд кўтариб

күйдик. Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Бас, (эй Мұғаммад!) қачон (намоздан) фориғ бўлсангиз, (ўрнингиздан) туринг ва Раббингиз сари рағбат (билин дуо) қилинг!”²⁵¹

МЎМИНМИСИЗ, ЎКИНМАНГ!

Сизнинг имонингиз тинчлик ва хотиржамлигинги жамда ризоингиз сиридир. Бадбаҳтлик имондаги шубҳа ё худосизлик натижасидир.

Куръони каримда лаънати Фиръавнинг бундай гаплари келган: “Эй одамлар! Мен сизлар учун ўзимдан бошқа (бирон) илоҳни билмасман”²⁵²; “Мен сизларнинг олий Парвардигорингиздирман”, деди”²⁵³.

Тажрибадан келиб чиққан ҳолда биламиз: бунда имони даражасида баҳтиёр бўлади. Шубҳа ва ҳайрати даражасида бадбаҳт бўлади.

“Инсон фикр қилганидек” китоби муаллифи Жемс Алан бундай дейди: “Инсон тез кунда биладики, у ҳар қачон ҳар нарсага нисбатан фикрини ўзгартирса, ўз навбатида ўша нарсалар ҳам ўзгараверади. Мақсадларимизни шакллантирадиган ягона мұқаддас нарса бу ўзимизнинг нафсимиздир”.

Аллоҳ таоло хато фикрлар ва уларнинг ёмон таъсирлари борасида бундай марҳамат қиласи:

“Балки сизлар Пайғамбар ва мўминлар (бу жангдан) ўз аҳл (оила)ларига сира қайтиб келмайдилар деб ўйладингиз ва бу кўнгилларингизга чиройли кўрсатилиб, ёмон гумон қилдингиз жамда ҳалок бўлувчи қавм бўлдингиз”²⁵⁴;

“Аллоҳнинг шаънига ноҳақ, жоҳилона ёмон гумон қилдилар ва: “Энди бизга бу ишдан бирон

²⁵¹ Шарҳ сураси.

²⁵² Касас сураси 38-оят.

²⁵³ Нозиот сураси 24-ят.

²⁵⁴ Фатҳ сураси 12-оят.

нарса (ғалаба) бўлармиди?!” дейдилар. Айтинг: “Барча иш Аллоҳга (оид)дир”²⁵⁵.

Вилям Жемс бундай дейди: “Киши амалга оширган нарсаларнинг ҳаммаси тўғридан-тўғри унинг хос фикрлари маҳсулидир. Инсон фақатгина ривожланишга қодир. Муваффақиятлар ва мақсаднинг амалга ошиши эса унинг фикрлаши жараёнидаги ишлардир. Агар инсон булардан юз ўғирса, кучсиз ва чорасизлигича қолаверади”.

Тўғри фикр ва рост қарорлар тўғрисида Аллоҳ тало бундай марҳамат қиласи:

“Агар (улар) чиқиши истаганларида, унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлар эдилар. Лекин Аллоҳ (уларнинг) қўзғалишларини ёқтирумайди”²⁵⁶,

“Агар Аллоҳ уларда яхшилик (бўлиши)ни билса эди, уларни эшитадиган қилиб қўяр эди”²⁵⁷ (Аммо уларнинг табиатлари бузуқлигини, эшитсалар ҳам юз ўгириб кетишлирини билгани учун ҳам Аллоҳ бундай қилмайди.)

“Бас, У уларнинг дилларидаги нарса (садоқат) ни билиб, уларга хотиржамлик туширди”²⁵⁸.

АРЗИМАС НАРСАЛАРГА ҚАЙГУРМАНГ, ДУНЁНИНГ ЎЗИ АРЗИМАС МАТОҲ

Солиҳлардан бири йиртқич шер чангалига улоқтирилди. Аллоҳ у зотни бу ҳолдан қутқарди. Ундан ўша ҳолатда нима ҳақда ўйлаганини сўралганида, у: “Шернинг сўлаги покми ёки нажосатми экани ҳақида ўйладим”, деб жавоб берган экан.

Шеър:

Хавф чоғи мададдир Аллоҳнинг зикри,
Унумилар роҳат-фароғат фикри.

²⁵⁵ Оли Имрон сураси 154-оят

²⁵⁶ Тавба сураси 46- оят.

²⁵⁷ Анфол сураси 23-оят.

²⁵⁸ Фатҳ сураси 18-оят

Аллоҳ таоло мақсадларига қараб саҳобаларнинг орасини ҳам фарқли қилди.

“Ораларингизда дунёни ёқтирадиганлар ҳам, охиратни ёқтирадиганлар ҳам бор эди”²⁵⁹.

Ибн Қайюм (роҳматуллоҳи алайх) инсоннинг қиймати унинг ҳиммати ва хоҳишига қараб белгиланишини айтадилар.

Ҳакимлардан бири: “Менга кишининг мақсади нима эканини айтинг, мен сизга унинг кимлигини айтаман”, дейди.

Шеър:

Аллоҳ дуоларга қилар риоя,

Кимга қанот берар, кимга ҳимоя.

Денгизда бир қайик сузиб юрган эди. Тўсатдан бир обид сувга тушиб кетди. У сувда оғзини, бурни чайиб, аъзоларини бирма-бир ювиб таҳорат ола бошлади. Қайиқдагилар уни сувдан чиқариб олдилар ва бу ҳолдан қутилишга ҳаракат қилмай таҳорат олгани ҳақда сўрадилар. Шунда у: “Ўлимдан олдин покланиш мақсадида таҳорат олмоқчи эдим”, деб жавоб берди.

Имом Аҳмад ўлим талвасасида ҳам таҳорат олаётган кишиларга соқолни ҳилол қилишлари лозимлигига ишора қилган эдилар.

“Бас, Аллоҳ уларга ҳам бу дунёning савобини (ғалаба ва ўлжани), ҳам охиратнинг чиройли савобини (мағфират ва жаннатни) берди”²⁶⁰.

ОЧИҚ ДУШМАНЛИКДАН ҚЎРҚСАНГИЗ ҲАМ ЎКИНМАНГ

Агар сиз кечиримли бўлсангиз, дунё иззати ва охират шарафига эришасиз.

“...Бас, ким кечириб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир...”²⁶¹

²⁵⁹ Оли Имрон сураси 152-оят

²⁶⁰ Оли Имрон сураси 148-оят.

²⁶¹ Шуро сураси 40-оят

Шекспир: “Ўзингни куйдириб адo қилмасликини истасанг, душманларинг учун ўт ёқаверма”, деган.

Шеър:

*Кўзи оғриганга бергил хушхабар,
Кўрарсан, офтоб ҳам ботару чиқар.
Кўзёшсиз нафсларга меҳр кўрсатгин,
Улар бу дунёга ташлолмас назар.*

Бир киши тобеин Солим ибн Абдуллоҳга: “Сен ёмон кишисан”, деди. Шунда у: “Мени фақатгина сен таний олдинг”, деди.

Америкалик бир адидайтади: “Таёқ ё тош суя克拉имни синдириб парчалаши мумкин, лекин сўзлар менга таъсир қилмайди”.

Бир кимса Абу Бакрга (розияллоҳу анҳу): “Сени шундай ҳақоратлайн, қабрингга ҳам олиб кетасан”, деди. У зот бунга жавоб берид: “Балки ўзинг билан кўшилиб қабрингга киради”, дедилар.

Бир одам Амр ибн Осга (розияллоҳу анҳу): “Тезда сен билан урушишга вақт ажратаман”, деди. Шунда у зот: “Сен вақтингни банд қилиб бўлдинг”, дедилар.

Генерал Айзенҳаур: “Келинглар, ёқтирмайдиган кишиларимиз ҳақида фикрлаб, вақтимизни зое қилмайлик!” дейди.

Кунларнинг бирида чивин арига: “Хушёр бўл, мен яқинда учиб кетиб, сени тарк қиласман”, деди. Ари эса унга жавоб берид: “Аллоҳга қасам, сени устимга қўнганингда ҳам сезмаганман. Энди учиб кетсанг, нимани ҳис қилишим мумкин?!” деди.

Шеър:

*Буюклар феълини демасман хато.
Нокаснинг сўзига қиласман парво.*

“(Раҳмоннинг бандалари)...бехуда (сўз ё иш) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (ундан юз ўғирган ҳолда) ўтарлар”²⁶².

²⁶² Фуркон сўраси 72-оят.

“Раҳмоннинг бандалари...жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганида “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиласиган кишилардир”²⁶³.

Хадиси шарифда: “Ғазаб қилма! Ғазаб қилма! Ғазаб қилма!” дейилади.

Яна бир ҳадисда: “Ғазаб жаҳаннамдан бир чўғдир”, дейилади.

Канфутсий: “Ғазабнок киши доимо заҳарга тўла бўлади”, дейди.

Шайтон инсонни ғазаб, шаҳват ва ғафлат ҳолида енгади.

ОЛАМ ШУНДАЙ ЯРАТИЛГАН

Рим империясидаги ҳакимлардан бири Маркс Илюс: “Бир куни ўзини яхши кўрадиган ва кўп гапирадиган одамлар қабулимга кирдилар. Лекин бу ҳолатдан ҳайрон ҳам, безовта ҳам бўлмадим. Чунки мен оламни улар тасавур қиласидек деб билмайман”, дейди.

ЁМОНЛАРНИНГ КЎПЛИГИДАН ЭМАС, ЯХШИЛАРНИНГ ОЗЛИГИДАН АЖАБЛАНИНГ

Арасту айтади: “Жамиятда ўрнак бўладиган киши бошқалар унга яхшилик қиласидек ҳижолат бўладиган ва ўзи бошқаларга яхшилик қиласидек хурсанд бўладиган кишидир. Чунки меҳр кўрсатиш олийлик ва уни кутиш эса заифликдир”.

Ҳадиси шарифда: “Устдаги қўл остдаги қўлдан яхшироқдир”, дейилган. Устдаги қўл деганда берувчи, остдаги қўл дегнанда оловчи қўл ирода қилинган.

СИЗГА БИР БЎЛАК НОН, БИР ҲОВУЧ СУВ ВА ТАНАНГИЗНИ БЕРКИТИБ ТУРАДИГАН БИТТА КИЙИМ ЕТАДИ

Бир денгизчи Тинч уммонида адашиб, йигирма бир кун қолиб кетди. Кутулгач, одамлар ундан:

²⁶³ Фуркон сураси 63-оят.

“Бу ҳодисадан ўзингизга қандай ўрнак олдингиз?” деб сўрашди. “Ичишга озгина сувингиз, очликдан сақланишга етарли овқатингиз бўлса, ҳеч қачон ношукрлик қилмаслигингиз лозим экан”, деб жавоб қилди у.

Донишмандлардан бири: “Ҳаётнинг ҳаммаси бир луқма таом ва бир ютим сувдан иборат, қолгани ортиқчадир”, деган экан.

Шеър:

*Бурда нон Кисронинг бор мулкидану,
Томчи сув денгиздан қиласар беҳожат.*

Жонатан Свифт: “Оламдаги энг яхши шифо-корлар доктор меъёр, доктор хотиржам ва доктор хушчақчақлардир. Хотиржам ва хурсанд ҳолатда озгина таом ейиш фойдали муолажа бўлиб, у ҳақда гапирмаса ҳам бўлаверади”.

Чунки ортиқча оғирлик одамни сурункали касалликка чалинтиради, қорин солиш зийракликни кетказади. Хотиржамлик эса юрак учун фойда ва рух учун байрамдир. Хушчақчақлик нақд сурур ва фойдали озуқадир.

ҚИЙИНЧИЛИК ВА МУСИБАТЛАР ГОХИДА НЕЪМАТ ВА МУКОФОТ БЎЛАДИ

Доктор Самуэл Жонсон: “Ҳар бир воқеанинг яхши томонига қарашга одатланиш йилига минг жунайҳ топишдан кўра қадрлироқдир”, дейди.

“Кўрмайдиларми, (улар) ҳар йили бир ёки икки марта синовга учрамоқдалар. (Шундан) сўнг (ҳам) на тавба қиладилар ва на эслатма оладилар”²⁶⁴.

Шеър:

*Ҳодисалар билан қилсам савдонинг,
Ҳилму тажриба деб кетган ашёни.*

Муовия (розияллоҳу анху): “Ҳалимлик тажрибали кишида бўлади”, дейди.

²⁶⁴ Тавба сураси 126-оят.

Шеър:

Оламда бор эрур шундай бир неъмат,
Унга олиб борар кишан ё ғурбат.

Солих салафлардан бири неъматга кўмилган кишига: “Сенда кўп неъматлар кўрмоқдаман. Уларни шукр билан боғлаб қўйгин”, деди.

Аллоҳ таоло айтади: “Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қиласангиз, албатта, (уларни янада) қўпайтираман. Бордию ношукрчилик қиласангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир”²⁶⁵;

“Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукурлик қилгач, Аллоҳ унга (аҳолисига) бу “хунарлари” сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни “тотиш”га мажбур этди”²⁶⁶.

**СИЗ КИМГАДИР ЎҲШАМАГАНИНГИЗ УЧУН
ЎКИНМАНГ. СИЗ БОШҚОЧА ЯРАТИЛГАНСИЗ**

Доктор Жемс Гарден: “Инсон ўзиdek бўлишга интилиши азалдан давом этиб келаётган масала. Аммо ўзига ўҳшамаслик учун ҳаракат қилиши рухий чигалликлар ва асабий тарангликларни келтириб чиқаради”, дейди.

Инсон яратилишда ўзгача, бошқаларга ўҳшамаган ва бошқалар ҳам унга ўҳшамаган мавжудотдир. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир мавжудотни алоҳида алоҳида сурат ва сийратда яратган. “Албатта, сизларнинг саъй-ҳаракатингиз турличадир!”²⁶⁷

“Болани ўргатиш” тўғрисида ўн учта китоб ва минглаб мақолалар ёзган Анжело Батри бундай дейди: “Ўзидан, танасидан ва фикридан бошқача бўлишга талпинган кишидек баҳтиқаро йўқ”.

²⁶⁵ Иброҳим сураси 7-оят.

²⁶⁶ Наъл сураси 112-оят.

²⁶⁷ Лайл сураси 4-оят.

Аллоҳ таоло айтади: “(Аллоҳ) осмондан сув (ёмғир) ёғдирганида жилғалар миқдори билан оқиб, (бу) сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур...”²⁶⁸

Ҳар кимнинг ўзига хос ва мос сифати, қобилият ва иқтидори бор бўлиб, бири бошқасига сингимайди.

Чегараланган амални адо этишингиз учун сизга ўлчовли иқтидор берилган. Энг олдин, ўзингизни ўқинг ва нима қилаётганингизни билинг.

Эмерсон “Ўзига суяниш” номли мақоласида: “Бир кун келиб инсон ҳасад – жоҳиллик, тақлид эса ўзини ўзи ўлдириш эканини билиб олади. Ҳар қандай шароитда ҳам одам ўзига ўз ҳолига кўра баҳо берсин. Чунки бу унинг насибасидир. Оlam яхши нарсаларга тўлиб-тошган бўлса ҳам, заррача уруғ олиш учун олдин уни ерга экиши ва парваришлаши керак. Одамзот вужудида беркиниб ётган куч-қудрат табиатда янги нарсадир. Унинг чегарасини ҳеч ким, ҳатто уни ўша шахснинг ўзи ҳам тажриба қилиб кўрмагунча билмайди”.

“Айтинг: “Ишланглар! Албатта, Аллоҳ, расули ва мўминлар ишларингизни кўражаклар”²⁶⁹.

* * *

Қўйида келтирилган оятлар умидингизни мустаҳкамлайди, Раббингизга бўлган ишончингизни гўзал қилади:

“(Эй Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманглар! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни кечиради. Албатта, Унинг ўзи Кечиrimли ва Раҳмлидир”²⁷⁰;

“Улар бирон фаҳш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дархол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки,

²⁶⁸ Раъд сураси 17-оят

²⁶⁹ Тавба сураси 105-оят.

²⁷⁰ Зумар сураси 53-оят.

геноҳларни фақат Аллоҳгина кечар. Яна, улар била турраб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир”²⁷¹;

“Кимда-ким бирон ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади”²⁷²;

“Сиздан (эй Мухаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсингилар, шояд (шунда) түғри йўлга тушиб кетсалар”²⁷³;

“Ёки иложсиз қолган одам дуо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиласиган ва (ундан) ёмонлик (мусибат)ни йўқ қиласиган ҳамда сизларни ернинг ўринбосарлари қиласиган Зот (яхши) ми?! Аллоҳ билан бирга (яна бирон) илоҳ борми?! (Насиҳатдан) камдан-кам эслатма олурсиз”²⁷⁴;

“Уларга одамлар: “Сизларга қарши (хужум учун) одамлар (Макка мушриклари лашкар) тўпладилар. Улардан қўрқинлар!” – деганларида, (бу гап) уларнинг имонларини янада кучайтириди ва: “Бизга Аллоҳнинг ўзи етади. У вакилликка ўта лойикдир!” дедилар. Улар (Бадрдан жангсиз) Аллоҳнинг неъмати ва фазли ила бирон ёмонликка учрамай қайтдилар. (Улар) Аллоҳнинг ризосини излаган эдилар. Аллоҳ, албатта, буюк фазл эгасидир”²⁷⁵;

“...Мен ўз ишимни Аллоҳга топшираман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчиидир. Бас, Аллоҳ у (имон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макларидан сақлади...”²⁷⁶

²⁷¹ Оли Имрон сураси 135-оят

²⁷² Нисо сураси 110-оят.

²⁷³ Бакара сураси 186-оят.

²⁷⁴ Намъл сураси 62-оят.

²⁷⁵ Оли Имрон сураси 173–174-оят.

²⁷⁶ Фоғир сураси 44–45-оят.

БАЪЗИ ЗАРАРЛАР АСЛИДА ФОЙДАЛИДИР

Вилям Жемс айтади: “Мусибатларимиз бизга ўзимиз кутмаган даражада ёрдам беради. Агар Достоевский ва Толстой қайғули ҳаёт кечиришмаганида барҳаёт асарлар ёзмаган бўлишар эди. Етимлик, кўзи ожизлик, ғариблик ва камбағаллик уларнинг камолотлари, муваффақиятлари ва ижодий юксалишларига асосий сабаб бўлиб ҳизмат қилди”.

Шеър:

Аллоҳ баъзан қилар балони неъмат,
Гоҳо қилиб қўяр неъматни оғат.
Айримлар мол-дунё, фарзанд ортидан,
Топганлари бўлар фақат касофат.

“Бас, сизни уларнинг молу дунёлари ва болачақлари қизиқтирмасин! Чунки Аллоҳ ўша нарсалар сабабли дунё ҳаётида уларни азоб-уқубатга солишни истайди, холос”²⁷⁷.

Имом ибн Асир “Жомиъул усул” ва “Ниҳоя” каби гўзал асарларини юра олмасдан ўтириб қолганларида ёзган.

Имом Сарахсий ўн беш жилдлик машхур “Мабсүт” китобини қудуқда ҳибс қилиб қўйилганларида ёзган.

Ибнул Қайюм “Зодул маъод” китобини мусофириликда ёзган.

Имом Қуртубий “Саҳиҳи Муслим”га шархни кемада ёзган.

Аллома Ҳарроний кўпгина фатволарини қамоқдалигида ёзган.

Муҳаддислар юз минглаб ҳадисларни камбағаллик ва ғариблиқда жамлашган.

Солиҳлардан бири айтишича, у қамоқдалик пайтида Қуръони каримнинг барчасини ёд олиб, қирқ жилд китоб ўқиган.

Тоҳа Ҳусайн эсдаликлари ва таснифотларини кўзи ожиз бўлиб қолгач битди.

Қанчадан-қанча фаросатли кишилар умматга мансабидан четлаштирилганидан сўнг олдингидан кўра кўпроқ илм-маърифат таратди.

Шеър:

*Не-не машаққатлар бўлди-ку осон,
Кийналдинг, сўнг афзал айлади Раҳмон.*

Фрэнсис Бэкон: “Фалсафадан озгина хабардор бўлиш инсонни дахрийликка мойил қиласди. Лекин фалсафани чуқур ўрганиш эса инсон ақлини динга яқин қиласди”, дейди.

“(Лекин) уларни фақат илм эгаларигина англай олурлар”²⁷⁸;

“Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонарнина қўрқур”²⁷⁹;

“Илм ва имон ато этилган зотлар айтадилар: “Аниқки, сизлар Аллоҳ (Лавҳул Махфузда) ёзиб қўйганидек тирилиш кунигача турдинглар. Бас, мана шу тирилиш кунидир”²⁸⁰.

“(Эй Мұхаммад! Мушрикларга) айтинг: “Мен сизларга фақат биргина нарсани – Аллоҳ учун жуфт ҳолда ва якка ҳолингизда туринглар, сўнгра тафаккур қилинглар, деб насиҳат қилурман”²⁸¹.

Доктор Брил: “Ҳақиқий мўминга нафс касалликлари етмайди”, дейди.

“Албатта имон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни (барқарор) қиласди”²⁸²;

“Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қиласа, бас, Биз унга по-киза ҳаёт ато этурмиз...”²⁸³;

²⁷⁸ Анкабут сураси 43-оят

²⁷⁹ Фотир сураси 28-оят

²⁸⁰ Рум сураси 56-оят

²⁸¹ Сабъ сураси 46-оят

²⁸² Марям сураси 96-оят.

²⁸³ Нахи сураси 97-оят.

“Дарҳақиқат, Аллоҳ имон келтирган зотларни Тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир”²⁸⁴.

ИМОН ЭНГ КАТТА ДАВОДИР

Кўзга кўринган психолог олимлардан доктор Карл “Рух борасида изланишдаги замонавий инсон” номли китобининг 264-саҳифасида бундай дейди: “Ўттиз йил давомида қабулимга бутун дунёдан одамлар келди. Юзлаб беморни даволадим. Уларнинг кўпи ўрта ёш, яъни, ўттиз беш ёшдан юқори эди. Уларнинг орасида биронта ҳам ўз муаммосини диний асосда ҳал қиласидигани йўқ эди. Шуни айтишим мумкин: буларнинг барчаси касал, чунки улар дин имонлilarга ато этган нарсани йўқотган. Ҳақиқий имонини тиклаб олмаган киши асло шифо топа олмайди”.

“Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг – баҳтсиз ҳаёт бўлур”²⁸⁵.

“Аллоҳга шерик қилганлари сабабли кофирларнинг юракларига қўркув солажакмиз”²⁸⁶;

“Ёки (кофирларнинг қилган амаллари) устма-уст тўлқин ва унинг ҳам устида (қора) булут қоплаб олган денгиздаги зулматларга ўхшайди. (Улар) устма-уст зулматлардир. У ўз қўлини чиқариб (қараса) кўришга яқин бўлмас. Кимга Аллоҳ нури (имон) бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур бўлмас”²⁸⁷.

ЎҚИНМАНГ, ҲАЁТ СИЗ ТАСАВВУР ҚИЛГАНДАН БОШҚАЧА

Дейл Карнеги ичагида яраси бор бир кишининг воқеасини айтиб ўтган. Касаллиги жiddийлашиб кетгани учун шифокорлар унинг вафот этадиган муддатини белгилаб, кафанини тайёрлаб қўйишни айтишган. Бемор тўсатдан кескин қарор қабул қиласи.

²⁸⁴ Ҳаж сураси 54-оят

²⁸⁵ Тоҳа сураси 124-оят

²⁸⁶ Оли Йимрон сураси 151-оят.

²⁸⁷ Нур сураси 40-оят

У саноқли умри қолганини ўйлаб, роҳатларнинг барча турини тотиб кўришга қарор қиласди. Ўлимидан олдин шу вақт ичида бутун дунёни кезиб чиқишга ва барча орзуларини амалга оширишга қасд қиласди. Унинг чипта сотиб олганини эшитган шифокорлар қайтаришга уринишиди: “Сизни огоҳлантирамиз! Агар шу сафарга чиқсангиз, қабрингиз денгизнинг туви бўлади”, дейишади. Шифокорларга у: “Бунинг хавотирли жойи йўқ. Вафот этсам, яқинларим ва оила-аъзоларим ёнига дағн қилинишимга ваъда бердим”, деб жавоб беради. У кемага чиқди ва мана бу шеърни такрорларди:

Шеър:

*Умрни зиёда қиласди лаззат,
Уни кемиради қайғу, маشاққат.*

Бу байтларни мусулмон бўлмаган бутпараст айтган.

У киши сафари давомида шод-хуррам бўлиб хотинига мактуб ёзди. Унда: “Кемада энг лаззатли ва тотли нарсаларни еб-ичдим. Қасидалар ўқидим. Барча тотли таомларни, ҳатто менга мумкин бўлмаган ёғлисини ҳам едим. Бу вақтда ўтган ҳаётим мобайнингда лаззатланмаган роҳатланишдан ҳузур олдим. Яна нима қолди?”, деб ёзилган эди.

Дейл Карнеги у бемор тузалгани ва унинг услугини касалликни даволаш ва оғриққа қарши курашиш учун энг яхши йўл эканини айтган.

Лекин биз юқорида келтирилган шеър мазмунини маъқулламаймиз. Чунки бундай йўл Аллоҳнинг кўрсатмаларига мувофиқ эмас. Бу қиссадан хурсандчилик ва хотиржамлик тиббий муолажадан кўра фойдаси кўпроқлиги маълум бўлади холос.

**ЯШАШ УЧУН БИРОН НАРСАНГИЗ БЎЛСА,
ХЕЧ ЎКИНМАНГ!**

Ибн Румий айтади:

Шеър:

Очкўзлик бадбахтга солди можаро,

Ҳирс боис бошида доимо ғавфо.

Инсонга завқ бериб, қийнамайдиган,

Келгил, эй оғият, келгил, марҳабо!

Аллоҳ таоло айтади: “На молу дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизни Бизнинг ҳузуримизга яқин қила олмас. Магар ким имон келтирган ва солиҳ амал қилган бўлса, ана ўшаларгагина қилган амаллари туфайли кўпайтирилган мукофот бордир. Улар (жаннат) болохоналарида омонлиқдадирлар”²⁸⁸.

Дейл Карнеги айтади: “Ҳисоб-китобларга қаранганди хавотирланиш, ҳадиксираш ва қайғуриш Америкада биринчи рақамли қотил бўлиб чиқди. Иккинчи жаҳон урушида уч миллион жангчи ўлди. Бу вақт оралиғида икки миллион киши юрак касалига дучор бўлди. Буларнинг бир миллионтасининг қасаллигининг сабаби хавотир ва асабларнинг таранглашуви бўлди”.

Юрак қасаллиги ҳам ўлимнинг асосий сабабларидан бўлиб, доктор Алексей Карл у ҳақда қуйидаги сўзни айтган: “Ишбилармон кишилар хавотирланишга қарши қандай курашишини билмайдилар ва эрта вафот этиб кетадилар”. Сабаб маълум, муддат белгиланган. Аллоҳ таоло айтади: “Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу ёзилган ажалдир”²⁸⁹.

Америкадаги қора танлилар ёки хитойликлар камдан-кам ҳолларда юрак касалига дучор бўлади. Чунки улар енгил ва осон ҳаёт йўлини танлаганлар. Юрак хуружи билан вафот этиш дехқонларга нисбатан шифокорларда йигирма баробар кўп учрар экан. Шифокорлар асаби таранг бўлиб, оғир ҳаёт кечиралилар ва кўп маош оладилар. Бир гап бор: “Шифокор инсонларни даволайди, ҳолбуки ўзи касал”.

²⁸⁸ Сабабъ сураси 37-оят

²⁸⁹ Оли Имрон сураси 145-оят

БОРИГА ҚАНОАТ ҚИЛИШ ҒАМНИ КЕТКАЗАДИ

Ҳадисда: “Раббимизни рози қиласидиган сүзлар-
нигина айтамиз”, дейилган.

Тақдир сизга хавф солса, унга бўйсуниш ва таслим
бўлишингиз лозим. Шунда унинг натижаси фойдан-
гизга ва ўйлаганингиздек бўлади. Бу билан сиз дунё-
да амалларингиз барбод бўлишидан ва охиратда би-
рон савобдан қуруқ қолиш балосидан қутуласиз.

Шеър:

Ёмонликка десанг доим марҳабо,
У бошингга ташвиши солмайди асло.
Юзим ва сочимга қарилек келди,
“Хуш кўрдик”, дедиму тутиндим ошно.

Тақдирга имон келтириш лозим, ундан қочиб
бўлмайди. Кийимингиздан чиқсангиз ҳам, терин-
гиздан суғурилиб чиқсангиз ҳам тақдирда белгилан-
ган ишлар бўлади.

Эмерсон “Бажаришга қудрат” номли китобидабун-
дай ёзади: “Фаровон, барқарор ва машаққатлардан
холи ҳаёт баҳтли ва улуғ кишиларни яратади, де-
ган фикр бизга қаердан келди? Аслида бунинг акси
бўлади. Ўзларига тасалли билдиришга одатланган
кишилар ипак устида ухласалар ҳам, ўзларига тасал-
ли билдиришдан тўхтамайдилар. Тарих гувоҳ: сао-
дат ва улуғлик ўз тизгинини турли хил миллатлар-
даги кишиларга бериб келган. Бир миллатда яххиси
ҳам бор, ёмони ҳам бор. Бошқа бир миллатда яхши
билан ёмонни ажратиб бўлмайди. Бу миллатлардан
масъулиятни бўйниларига оладиган кишилар ети-
шиб чиқди”.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даъ-
ватларининг илк кунларида хидоят байроғини тут-
ганлар қул, фақир ва кучсиз кишилар эди. Муқаддас
имонга қарши чиққанларнинг кўпи бой ва машхур
кишилар бўлган.

Аллоҳ таоло айтади: “Қачон уларга Бизнинг равшан оятларимиз ўқилса, куфр келтирганлар имон келтирганларга: “Икки гурухнинг қайси бири мақом ва мажлис жиҳатидан яхшироқдир?” дерлар”²⁹⁰;

“Улар: “Бизнинг молу дунёмиз, бола-чақамиз кўпроқ. Биз азоблангувчи эмасмиз”, дерлар”²⁹¹;

“Орамиздан Аллоҳ неъмат берганлар шуларми?” дейишлари учун шундай қилиб баъзилари ни баъзилари ила синадик. Аллоҳнинг Ўзи шукр қилувчиларни яхши билгувчи эмасми?”²⁹²;

“Куфр келтирганлар имон келтирганларга: “Агар у (Куръон) яхшилик бўлганида, унга биздан илгари бормасдилар”, дерлар...”²⁹³;

“Мутакаббир бўлганлар: “Албатта, биз сиз имон келтирганга кофирмиз”, дедилар”²⁹⁴;

“Улар: “Ушбу Куръон икки шаҳардан (бирида) бўлган улуғ кишига нозил қилинганида эди”, дедилар. Ёки улар Раббингнинг раҳматини тақсимлайдиларми?”²⁹⁵

Антаранинг бир байтида унинг қиймати асли ва моҳиятида эмас, балки туғма хусусияти, жасорати ва зоти улуғлигида бўлиши айтилган:

Шеър:

*Мен – қул, хожаликка бўлдим сазовор,
Таним қора, кўнглим оппоқ бегубор.*

БИР АЪЗОИНГИЗДАН АЙРИЛГАН БЎЛСАНГИЗ ҲАМ, БОШҚА АЪЗОЛАРИНГИЗ САЛОМАТ-КУ

Иbn Аббос айтади:

²⁹⁰ Марям сураси 73-оят.

²⁹¹ Сабаъ сураси 35-оят

²⁹² Аньъом сураси 53-оят.

²⁹³ Ахъоф сураси 11-оят.

²⁹⁴ Аъроф сураси 76-оят.

²⁹⁵ Зұхруф сураси 31 – 32-оятлар

Шеър:

Икки күзим нуриң олса Буюк Мавло,
Қалб нуримдан чароғондир бутун дунё.
Йүқ нарсага нодонлардек ғам чекмасман,
Қалбим закий, ақлым расо, тилим бурро.

“Шоядки ёқтирган нарсангиз сиз учун яхши
бўлса...”²⁹⁶

Башшор ибн Бурд айтади:

Шеър:

Мени таъна қилиб, дерлар айбдор,
Асли саналмаган кўрлик ҳеч вақт ор.
Намоён бўлса гар мурувват, тақво,
Ожизлиқдан зарар етмагай асло.
Гуноҳсизлик, яна захира, ажр
Эҳтиёжи бирла қилурман сабр.

Ибн Аббос айтган сўз билан Башшор айтган
сўздаги фарққа қаранг. Солиҳ ибн Абдулкудуснинг
кўзи ожиз бўлиб қолгандаги айтган сўзига қаранг.

Шеър:

Бу дам биздан бўлсин дунёга салом,
Кўзи ожиз чолга насиба тамом.
Киши ўлганда ҳам саналар тирик,
Ёлғон орзу баъзан вақтдан югурик.
Мени кўп умидга чорлайди табиб,
Баъзан бегона ҳам бўларкан ҳабиб.

Аллоҳ белгилаган тақдирнинг амалга ошиши
муқаррар. Тасдиқ қилувчи ҳам, инкор қилувчи ҳам
ундан четда қолмайди. Бири савоб топади ва саодат-
га эришади, иккинчиси гуноҳкор бўлади ва баҳтсиз-
ликка юз тутади.

Умар ибн Абдулазиз Маймун ибн Мехронга мак-
туб ёзди: “Менга Абдулмаликка сабрли бўлишимни
ёзибсан. Бу ишни доим кутиб келганман. У амалга
ошса, инкор қилмайман”.

²⁹⁶ Бакара сураси 216-оят.

КУНЛАР ЎТКИНЧИДИР

Аҳмад ибн Ҳанбал бемор бўлган Бақий ибн Махладнинг зиёратига бордилар ва унга: “Эй Абу Абдураҳмон, Аллоҳнинг савобидан хушнуд бўлинг, саломат кунда касаллик, касаллик кунда соғлик йўқдир”, – дедилар.

Бунинг маъноси, тани-жонимиз соғ вақтида касаллик хаёлга келмай, инсоннинг қасди кучаяди ва орзу-умидлари ҳамда интилишлари кўп бўлади. Оғир дардга чалинганида эса соғлик пайтидаги орзу-интилишлари ёдан чиқади ва нафси умидсизлик, химматсизлик қамраб олади, тушкунликка тушиб қолади.

Аслида Имом Аҳмаднинг сўzlари ушбу ояти каримадан олингандир. “Агарда биз инсонга Ўз марҳаматимизни туттириб, сўнгра (яна) уни тортиб олсан, (қарабсизки) у умидсиз ва шукрсиз(бўлиб қолур). Агарда унга бирон зарар келиб кетганидан кейин неъматларни туттириб қўйсак: ‘Ёмонликлар мендан (ўзича) кетди’, дейди, албатта. Зеро, у мағрур ва фахрланувчиdir. Илло, сабрли бўлган ва эзгу ишларни қилганларга, айнан ўшаларга магфират ва катта мукофот бордир”²⁹⁷.

Хоғиз ибн Касир (роҳматуллоҳи алайх) айтдилар: Аллоҳ таоло ушбу оятида инсоннинг ёмон сифатлари ҳақида хабар берди. Мўминлар бундай сифатлардан йироқдирлар. кишининг бошига неъматдан сўнг мусибат келса, гўё илгари яхшилик кўрмагандек, кенг-фаровон ҳаётда яшамагандек уни умидсизлик, келажакка бўлган ишончсизлик эгаллаб олади, ўтган яхши кунларини инкор этади. Энди агар мусибати яна ариб, унга яхшилик етса, неъмат унинг кўзини кўр қиласи ва: “Ёмонликлар мендан (ўзича) кетди”,²⁹⁸ дейди.

²⁹⁷ Ҳуд сураси 9 – 11- оятлар.

²⁹⁸ Ҳуд сураси 10-оят

Яъни, энди менга қайғу-дард етмайди, деб хаёл қилади.

“...Зеро, у мағрур ва фахрланувчиидир”²⁹⁹.

Яъни, ҳузуридаги унга берилган неъматга фахрланади, бошқаларга кибр қилади:

“Илло, сабрли бўлган ва эзгу ишларни қилганларга, айнан ўшаларга мағфират ва катта мукофот бордир”³⁰⁰.

СИЗДА АЛЛОҲНИНГ КЕНГ ЕРЛАРИДА САФАР ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ БОР

Сафар қалбдан ғамни аритади, деган гап бор.

Имом Ҳофиз Ромаҳурмузий “Илм талабида сафар қилишнинг фойдалари ва сафарни инкор қилувчиларга жавоблар” номли китобида бундай дейди:

“Одам сафарида қанчалар роҳатланади. Ўзининг юртидан чиққан вақтида ҳаяжонланади. Ҳар бир манзил ва маконларга ўтаётган вақтида қалбида ҳамда аъзоларида лаззат ҳис қилади. Қатор тизилган қишлоқлар, боғ-роғлар, гўзал шаҳарлар уларнинг такрорланмас табиатини кўриб юрагини ҳурсандлик эгаллади. Шаҳарларни кезаркан, илгарилари ҳеч қачон кўрмаган ажойиботларни кўради. Турли хил маданият ва тил эгалари билан танишади. Дала ва дараҳтзорларнинг соясида ором олиб, масжидларда таомланиб, булоқлардан сув ичиб, қаер насиб этса, ўша жойда ту nab, Аллоҳ йўлида сохталик ва ҳушомадгўйликдан йироқ бўлган ҳақиқий дўстлар орттиради. Мақсадлари йўлида янгидан-янги зафар ва ютукларга эришади. Қийинчилик ва машаққатга учраганларни учратса, дарҳол уларга ёрдамга шошилиб, машаққатларини кетказади. Дунёнинг лаззатларидан инсонларга улашиб, бахт уларнинг ҳурсандчилигини кўришда эканини тушуниб етади. Бу манзарадан қалби ором олади. Хуллас, мусофири одам гўё

²⁹⁹ Ҳуд сураси 10-оят

³⁰⁰ Ҳуд сураси 11-оят

ўз ахли хузурида баҳор фаслида гўзал гулларни териб, уларнинг хушбўй ифорларидан баҳра олгандек ёки олтину жавоҳирлар ҳазинасига эга бўлгандек лаззат ва фойдалар олади. Сафарни қораловчи ва, унинг манфаатларига шубҳа билан қаровчилар эса шундай кўп неъматлардан насибасиз қоладилар”.

Шеър:

Чодиринг буз, қайси ерда хорланиши бор – бўл
йироқ,
Оқил одам, билки, ҳаргиз келса гар хорлик,
қочар.

Аллоҳ таоло бирон қавмни яхши курса, уларни мусибатлар билан имтиҳон қиласди. Бу синовга рози бўлганлардан У ҳам рози бўлади, ғазаб қилганларга ғазаб қиласди.

Инсонлар ичидаги энг кўп оғир мусибат ва синовларга учраганлари пайғамбарлар ҳамда уларнинг даражаларига яқин бўлган зотлардир. Аллоҳ таоло ҳар кимни ўз динидаги даражасига қараб имтиҳон қиласди. Агар динида мустаҳкам бўлса, синов ҳам оғирроқ, динида суст бўлса, енгилроқ бўлади. Мусибат ва синовлар ҳеч кимни ўз назаридан четда қолдирмайди. Ҳар бир инсон турли оғатлар билан синалади.

Мўминнинг ҳолати ажоиб – ҳар қандай ҳолатда ҳам унга фақат яхшилик бўлаверади: агар унга Раббисидан яхшилик келса, шукр қиласди ва ўзига яхши бўлади. Агар бирон мусибат ёки бало билан синаласа, унга сабр қиласди ва бу иши билан ҳам мукофотга эришади.

Билинг! Агар ер юзидағи бутун инсонлар сизга яхшилик қилиш учун тўплансалар, Аллоҳ ёзганидан ортиқ манфаат етказа олишмайди. Агар бутун инсоният сизга зарап етказиш учун тўплансалар,

фақатгина Аллоҳ тақдирингизда битганини қила олишади, холос.

Солих инсонлар ҳамма даврларда ҳам бало ва оғатлар билан синалганлар. Мўмин киши шамол ҳар томонга эгиб турадиган экинзордаги майса кабидир. Яъни, унга бало оғатлар келса ҳам, чексиз нэймат берилса ҳам, шукр ва сабрда бардавом бўлади.

ҲАЁТИНГИЗНИНГ ОХИРГИ ДАМЛАРИНИ КЕЧИРАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ ҲАМ ЎКИНМАНГ!

Абу Райхон Беруний 78 йил умр кўриб, хижрий 440 йил вафот этган. У ҳаётининг асосий қисмини илмга ва китоблар тасниф қилишга бағишилади. Илм саройининг эшикларини очиб, унинг ичидаги бор ҳазиналарини қамраб оларди. Ҳатто умрининг охирги дамларигача ҳам қўлидан қалам, қўзидан илмий назар, онгидан тафаккур тўхтамади. Фақат оиласвий зарурат туфайлигина илмдан узилар эди. Аҳлининг нафақаси ва таомланишига етарли маблағ қўлига келса, шу билан кифояланар эди. Вақтининг қолган қисмларини илм таҳсилига сарфлар эди. Илмдаги ечими мушкул масалаларни ҳал қилиш учун узоқ ўлкаларга олимлар билан тажриба алмашиб мақсадида сафарларга чиқарди.

Фақих Абул Ҳасан Али ибн Исо айтади: “Абу Райхоннинг хузурига кирдим. Унинг ўлим соати яқин, нафаси сиқилар, юрак уришлари тезлашган эди. Шу ҳолатда ҳам у мендан: “Тунов куни мерос масаласида она томондан бўлган бувиларнинг ҳисоби ҳақида нима деган эдинг?” деб сўради. Мен унга раҳмим келиб: “Шу ҳолингизда ҳамми?” деб сўрадим. У эса: “Эй биродар, мана шу масалани билib бу дунёни тарк этишим, уни билмай кетишимдан яхши эмасми?” деди. Мен унга сўраганининг хабарини бердим. У айтганларимни ёдлаб олди ва менга баъзи омонат сўзларини айтди. Хузуридан чиқиб

кетар эканман, ичкаридан юракларни ўртаб юборувчи фарёдни эшилдим. У зот вафот этган эди”.

Хазрати Умар Форук (розияллоху анху) жароҳатидан қон оқиб, жон талвасасида турган бир пайтда саҳобалардан: “Намозим комил бўлдими ёки йўқми?” деб сўрадилар.

Саъд ибн Робиъ (розияллоху анху) Ухуд жангидага қонга бўялиб, сўнгги нафасларини олаётган чоқларида ҳам Расулуллоҳнинг (соллоллоҳу алайҳи ва салам) ҳолатлари қандайлиги ҳақида сўрадилар.

Бу ҳолатлар кўнгил событилиги ва юрак ободлигидандир.

ЎЛИМ ОНЛАРИ УСТИНГИЗГА ТЎСАТДАН КЕЛГАНИДА ҲАМ ЎКИНМАНГ!

Иброҳим ибн Жарроҳ айтади: “Абу Юсуф тоби қочган пайтида зиёратига бордим. У ҳушсиз ётган экан. Ҳушига келгач, мендан: “Бу масала ҳақида нима дейсиз?” деб сўради. Мен: “Ҳушсиз одам масаласими?” деб сўрадим. У: “Йўқ, бу ҳолатнинг зарари йўқ. Бир масалада сиз билан бир оз дарс қилсақ, шоядки, нажот берувчи Зот шу ишимиз туфайли бизларга оғият берса”, деди. Сўнгра мендан: “Эй Иброҳим, шайтонга қандай ҳолатда тош отган афзал: юрган ҳолатдами ёки отда турибми?” деб сўради. Мен: “Отда туриб”, дедим. У: “Хато”, деди. “Юриб отилади”, дедим. У зот: “Буниси ҳам тўғри эмас”, деди. Мен: “У ҳолда тўғриси нима?” деб сўрадим. Абу Юсуф: “Агар Ақаба олдида тура олса, юрган ҳолда, тура олмаса, отда туриб отгани афзал”, деб жавоб берди. Унинг ҳузуридан чиқар эканман, ҳовли эшиги олдига етмасимдан йиғи овозини эшилдим. У зот вафот этган эдилар. Аллоҳ Абу Юсуфни Ўз раҳматига олсин”.

Асримиз адиларидан бири айтади: “Улар шундай бўлганлар. Бошларига ўлим ўз ғам-ғуссалари билан келган, нафас олишлари қийинлашиб, юраклари сиқилган, ҳушсиз бўлиб, сўнгра ҳушига келган

биринчи лаҳзадаёқ умрларидан қолган саноқли дақиқаларни илм олиш ва илм беришдек шарафли ишларга сарфлаб юборадилар".

Шеър:

*Ҳар қачонки бир ҳалимга бўлса донолик унумт,
Ношукур оқил кишиидин бўйла нодонликни кут.*

Эй Аллоҳ! Уларнинг қалбларида илм шунчалик ҳам қадрли бўладими?! Бутун борлиқлари ва бор салоҳиятларини илмга шунчалик ҳам сарф қиласдиларми! Ҳатто ўлим онларида ҳам ўз оила, яқинлари жондан азиз фарзандлари ҳакида эмас, балки илмнинг қайғусини қилишди! Шунинг учун ҳам улар илм ва динда илғор бўлдилар. Уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин.

ИШЛАРНИНГ ОҚИБАТИНИ БИЛМАСДАН ТУРИБ КЕЛИШ ЭҲТИМОЛИ БЎЛГАН МУСИБАТЛАР УЧУН ҒАМ ЧЕКМАНГ

Мисрлик ёзувчи, адиг, тарихчи Аҳмад ибн Юсуф "Мукофот ва охиратнинг гўзал бўлиши" номли китобида: "Одамларга етган мاشаққат, ғам ва қийинчиликларнинг тугаши худди кечадан кейин кундузнинг келиши аниқ бўлганидек равшандир. Лекин инсон табиати мешаққатлар ва қийинчиликлар етган вақтда тушкунликка тушиб қолишга мойилроқ. Агар касал ўз вақтида муолажа қилинмаса, касаллик кучайиб, қийинчилик кўпаяди. Машаққатлар етган вақтда унга далда бериб қувватлаб турилмаса, у одам умидсизликка берилиб, ўзини ўзи ҳалок қилиши мумкин".

Китобнинг бу бобида асосан бошига мусибат ва синовлар келган инсоннинг сабр қилмоғи лозимлиги ва сабрининг мукофоти эса гўзал оқибат бўлиши таъкидланган, инсон нафсини шижоатлантириш, уни ҳамиша сабрли бўлишга ундаш, Раббиси билан бўладиган муносабатларда одобларга риоя қилиш,

унга яхшилик ва неъматларнинг кечикишининг оқибати хайрли бўлади деб яхши гумонда бўлишга чорлаш ва бошқа масалалар ҳақида сўз юритилган.

Китобнинг охиридаги “Хотима” қисмида бундай дейди:

“Бузругмехр айтади: “Охиратда бериладиган неъматлардан олдинги бу дунёдаги мاشаққатлар худди ҳозирлаб қўйилган лаззатли таомлардан олдинги очликка ўхшайди”. Унга етишиш гўзал ва таоми лаззатлидир.

Афлотун айтади: “Хаёт давомида йўлиқадиган мashaққат ва қийинчиликлар натижасида инсоннинг турмуши бироз оғир бўлиши мумкин, аммо унинг нафси тобланиб, тарбияланади, сабру-қаноатга ўрганади. Кенглик ва тўкин-сочин, фаровон ҳаётда инсоннинг турмуши гўзал бўлиши мумкин, аммо бунинг натижасида нафси бузилиб, дунёга бўлган хирси кучайиб, ҳавои нафсига тобе бўлиб, тубанлашиб кетиши ҳам мумкин”.

У яна айтади: “Сизни мashaққатли меҳнатларга чорлаган дўстингиз билан алоқани узманг, аммо енгил-елпи ва тўкин-сочинликларга тўла ҳаётга чорлаган дўстга эътибор берманг”.

“Бадавлатлик нима иш бўлаётганини ва нима еяётганини билмайдиган қоронғу кечага ўхшайди. Машаққатлар эса ўзингиз ва бошқаларнинг ҳаракатларини кузатиб турадиган кундузга ўхшайди”.

Аздашир айтади: “Машаққат неъматларга кўмилган инсон кўра олмайдиган нарсаларни кўрсатадиган сурма кабидир”.

У яна айтади: “Машаққат вақтида киши ишларини тўғри йўналтирадиган нарса иккитадир: биринчиси (яъни, кичиги), содир бўладиган нарсаларга муносиб равишда қалбнинг қувватли бўлиши. Иккинчиси (яъни, олийси), Рazzоқ ва Молик бўлган Зотга ишни топширмоқдир”.

Агар киши Рабби хусусида түғри фикрлай бошласа, Аллоҳ уни фақат савоб келтирадиган ва гуноҳларини ўчирадиган ишлар билан имтиҳон қилаётганини, шу билан бирга у доимо давомли яхшилик ва фойдалар ичиди юрганини ҳис қиласи. Аммо агар у Аллоҳдан бошқага суюниб, Раббини унутса, хато қилиб, йўлдан озишлари кўпаяди. Ҳар доим ўз ҳолатидан норози бўлаверади. Ўзига етган кичик қийинчилик ҳам унга худди қутулиб бўлмайдигандек туюлиб, ҳамма нарсадан хавфсирайдиган ва қўрқадиган бўлиб қолади.

Банда билан Рабби орасидаги муножот ҳақиқий ҳисобланади. Чунки У кўнглидан кечган ўйларни ҳам билувчиидир. Бир кишининг ўзи каби бошқа кишига муножоти эса кўп мashaқатли ва манфаатдан иироқ бўлади.

Аллоҳ таоло меҳрибон. Одамга мусибат етиб, ҳамма ҳалойиқдан умид узилган вақтда ёрдамга фақатгина У келишга қодир. Фақат Унга интилишда мушкулликдан чиқиб кетиш йўли ва ишларнинг енгиллашуви бор. У бизга сўраганимиздан ҳам афзалини инъом этади. Унинг Ўзигина бизга етади ва у қандай ҳам яхши вакил.

Замонамиз олимларидан бири бундай дейди: “Таннухийнинг “Машаққатлардан кейинги роҳат” номли китобини қайта-қайта ўқиб ундан ушбу уч фойдани олдим:

1. Кечадан кейин кундузнинг келиши аниқ бўлганидек мashaққатлардан кейин роҳатнинг келиши тажрибалардан ўтган ва ҳақиқати қабул қилинган қоидадир. Бунда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

2. Машаққатлар кишининг дин ва дунёси бўйича етишишни яхши кўрган нарсалардан кўра энг гўзал фойдадир.

3. Албатта, фойдаларни жалб қилувчи ва зарарларни кетказувчи Зот ёлғиз Аллоҳтаолонинг Ўзидир!

Билинг, сизга етган нарса сизни четлаб ўтиши учун эмас. Сизни четлаб ўтган нарса эса сизга етиши учун эмас.

ЎКИНМАНГ, ЧУНКИ ДУНЁ ЎКINIШГА АРЗИМАЙДИ

Машхур олим Ибн Муборак айтадилар: “Менга Адий ибн Зайднинг ушбу қасидаси амир Тоҳир ибн Ҳусайннинг қасридан ҳам афзалроқдир:

Шеър:

Е түрүрү жақолаптывнң қонға түлгенини күзине?:
Яъни, эй мусибат эгаларини ҳақорат қылувчи ин-
сон, сенга улар каби мусибат келмаслигига аминми-
сан? Ёки кунлар сенга меҳнат-машаққаттардан са-
ломат бўлишинг ҳақида қўлингга ишонч қоғозини
тутказдими? Ундай бўлмаса нима сабабдан уларни
койийсан?

Сахих хадисда айтилади:

“Агар Аллоҳ таоло наздида дунёниг чишин қанотича қадри бўлганида эди, кофиirlар бу дунёда бир ҳўплам сув ҳам ича олмас эдилар”. Дунёниг қиймати ва вазни Аллоҳ наздида пашша қанотидан ҳам паст экани ҳақиқатdir. Нима учун уни деб бозвтаю ғамгин бўламиз?

Ҳақиқий баҳт-саодат ўзингиз, ойлангиз ва яқинларингизнинг тинч, осуда, соғ-саломат турмуш кечиришидадир. Бунга Аллоҳдан ва Унинг қазою қадаридан рози бўлиш, сабр ва қаноат билан эришилади.

ЎКИНМАНГ, ЧУНКИ СИЗ АЛЛОҲГА ИМОН КЕЛТИРГАНСИЗ

“Улар Сизга Исломга киргандарини миннат қилмоқдалар. Айтинг: “Сизлар менга исломингизни миннат қилманглар, балки агар (имонла-

рингда) содиқ бўлсанглар, билингларки, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур”³⁰¹.

Фаросатли одамларгина англайдиган бир неъмат бор: мусулмон киши кофирга қараб Аллоҳ ўзига Исломдек буюк неъматни берганини ҳис этади. Аллоҳ уни ҳам худди кофир сингари Парвардигорига исён қиласидиган, У Зотнинг оят ва сифатларини инкор этадиган, Яратувчиси ва ризқ берувчиси бўлган Зотга қарши чиқиб, пайғамбарлари ва китобларини ёлғонга чиқарадиган, буйруқларига бўйинсунмайдиган қилиб қўймагани учун Яратганга шукр қиласиди.

Биз Аллоҳни ёлғиз деб билган мусулмонмиз. Аллоҳга, пайғамбарларига ва қиёмат қунига ишонганимиз. Фарз ибодатларни камчилик билан бўлса-да адо этамиз. Булар баҳосиз, ҳеч қандай қиймат эвазига сотиб олиб бўлмайдиган неъматлардир. Бундай неъматлар сон-саноқсиз, кенглиги кўз илғай олмайдиган даражада чегарасиз.

“Ахир, мўмин киши билан фосиқ (итоатсиз) кимсатенгбўлурми?!(Йўқ!)Баробарбўлмаслар!”³⁰²

Баъзи муфассирлар таъкидлашларича, жаннат аҳллари учун дўзах аҳлларининг азобланишини кўриш ҳам неъматдир. Шунда улар шу азоблардан омон сақлагани учун Парвардигорларига шукрлар айтишади.

Ҳар бир нарсанинг қадри ўз зиддининг олдида билинади.

Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Комиллик сифатларидан бўлмиш илоҳлик сифати билан танҳо бўлган Зот – ёлғиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таологина хақиқий илоҳдир.

³⁰¹ Ҳижорут сураси 17-оят.

³⁰² Сажла сураси 18-оят.

Бу калиманинг рухи ва сири бундай:

“Саноси Улуғ, Исмлари муқаддас, Номи баракотли, Буюклиқда тенги йўқ, Ёлғиз Ўзи илоҳ бўлган Зот – Парвардигорга муҳаббат, Уни улуғлаш, таъзим қилиш, қўрқув ва умид билан, таваккал, инобат, қўрқувдан ёки ихтиёр ила ёлғиз деб биламан. Ундан ўзгаси севилмас, Ундан ўзгасидан қўрқилмас ва умид ҳам қилинмас. Ёлғиз Унга таваккал ва рағбат қилингай. Ундан қўрқилгай ва ёлғиз Унинг исми билан қасам ичилгай. Унга назр ва тавба қилингай. Унинг амрига итоат қилинур ва Унга ҳисоб берилтур. Мусибат пайти Ундан ёрдам сўралиб, илтижолар ва саждалар қилинур. Унинг учун ва Унинг исми илиа қурбонлик қилинур”.

Буларнинг бари бир калимада жам бўлади: Ибодатнинг барча тури билан ёлғиз Унга ибодат қилинади.

ЎКИНМАНГ! СИЗГА ЕТГАН МАШАҚҚАТЛАР СИЗНИ ОЛИЙЛИКДАН ТЎСА ОЛМАЙДИ

Мустафо Амин ўзининг “Ўрта Шарқ ҳақида фикрлар” номли мақоласида бундай дейди: “Беш дақиқалик сабр золимлар зулми, қонхўрлар қамчиси ва ёвузлар тажовузига етади. Чунки қамчилар тезда тушади, тугунлар ечилади, маҳбуслар озод бўлади, зулм арийди. Фақат сиз шу муддатда чиройли сабр қилиб, кутиб туришингиз лозим бўлади”.

Шеър:

*Дарду кулфат чоҳидан ҳеч йигит чиқмас омон,
Гар Яратган лутфидан бир чораю йўл бўлмаса.*

Риёз шаҳрида Албаниянинг муфтийси билан учрашган бир олим бундай дейди: “У Албанияда даҳриёна тузум даврида йигирма йил оғир жиноят билан айбланиб, қаттиқ тартибли қамоқхонада тутқун бўлган экан. Панжара ортида қийноқлар, макр-ҳийла тузоғи ва зулм остида кўп эзилган.

Шунча зулм, очлик ва қийноқларга қарамай беш вақт намозини түхтатмаган. Атрофидаги бошқа тутқунлар ундан чүчишаркан. У эса матонат, бардош билан сабр қилибди. Нихоят унга баҳтли кунлар келди – у озод бўлди, кейинчалик Албания муфтийси лавозимига сайланди”.

“Улар (Бадрдан) Аллоҳнинг неъмати ва фазли ила бирон ёмонликка учрамай қайтдилар”³⁰³.

Жанубий Африка Республикаси бошлиғи Нелсин Мандила йигирма етти йил қамоқ жазосини ўтаган. У миллатининг ҳурриятини, ҳалқининг зулм, истибдод, қаҳр ва хорликлардан озод бўлишини талаб қилиб чиққан эди. У қамоқхонада сабр-бардош билан ўтириди, умидсизликка тушмади, руҳини чўқтирмади. Нихоят дунёвий орзуси ушалди – юрти, ватани мустабид зулмидан озодликка чиқди. “Ким дунё ҳаёти ва унинг зийнатини истаса, у (каби)ларга амаллари (савоби)ни шу (дунё)да мукаммал берурмиз ва улар унда (дунёда) зиён қилмайдилар”³⁰⁴.

“...Агар (урушдан) азоб чекаётган бўлсангиз, улар ҳам худди сизлардек азоб чекмоқдалар. Сизлар Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қиласиз”³⁰⁵.

Шеър:

*Ҳар кунимда саломатлик мендан ўтар
шижоатда,
Сабот ила турап доим эзгу мақсадли ҳолатда.*

“Агар сизларга (Ухуд жангиди) жароҳат (мағлубият) етган бўлса, у қавмга ҳам (Бадр жангиди) худди шундай жароҳат (мағлубият) етган”³⁰⁶.

³⁰³ Оли Имрон сураси 174-оят.

³⁰⁴ Ҳуд сураси 15-оят.

³⁰⁵ Нисо сураси 104-оят.

³⁰⁶ Оли Имрон сураси 140-оят.

ИСЛОМНИ АНГЛАГАН ЭКАНСИЗ, ЎКИНМАНГ,

“Ким Исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у дин) сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўрувчилардандир”³⁰⁷.

Олмониянинг Мюнхен шаҳрида бир машҳур мусулмон даъватчи яшар эди. Шаҳарга кираверишда жуда катта эълон таҳтаси бўлиб, унга олмон тилида: “Сиз ҳали фалон ва фалон нарсани билмайсиз”, деб ёзилган эди. Мазкур даъватчи таҳтанинг бошқа тарафига: “Сиз ҳали Исломни билмайсиз. Агар ўрганмоқчи бўлсангиз, фалон рақамларни териб бизга боғланинг”, деб ёзиб қўйди. Қарабсиз, унга Олмониянинг барча шаҳару қишлоқларидан қўнғироқлар дарё бўлиб оқиб кела бошлади. Натижада ўша даъватчининг таъсирида бир йил ичida юз мингга яқин олмониялик эркагу аёл Исломни қабул қилди. Кейин у ерда масжид, мадраса ва Ислом маркази қурилди.

Айни пайтда инсоният ҳайрон ва чорасиздир. У ўз тинчлиги ва хотиржамлигига қайта эга бўлиш учун Ислом динига эҳтиёжи катта.

“...у билан Аллоҳ ризосини топишга интилганларни (У) тинчлик ва саломатлик йўлларига йўллаб, Ўз изни билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва тўғри йўлга ҳидоят қилур”³⁰⁸.

Улуғлардан бири айтади: “Мен бу оламда Аллоҳдан ўзгага ибодат қилувчи биронта одам қолмаса керак, деб ўйлар эдим!

Лекин Аллоҳнинг ушбу оятлари бор:

“...Бандаларим орасида (Аллоҳга) шукр қилувчиши оздир”³⁰⁹;

“Ер (юзи)даги кўп кишилар (сўзи)га итоат қиладиган бўлсангиз, Сизни Аллоҳ йўлидан янг-

³⁰⁷ Оли Имрон сураси 85-оят.

³⁰⁸ Мойда сураси 16-оят

³⁰⁹ Сабаъ сураси 13-оят

лиштирадилар. (Улар) фақат гумснга бериладилар ва фақат ёлғончилик қиласылар”³¹⁰;

“Одамларнинг кўплари, гарчи Сиз жуда истасангиз-да, имон келтирмайдилар”³¹¹;

Асмаъий айтади: “Бир аъробий қорининг “Бас, осмон ва Ернинг Парвардигорига қасам, албатта, у (ваъда) худди сизларнинг сўзлашингиз каби (ҳақ ва рост)дир!”³¹² оятини ўқиганини эшишиб, “Субҳаналлоҳ! Ким Буюк Зотни қасам ичишга ундали?!?” деди”.

Албатта, бу яхши гумон, ўз Мавлосининг карами, эҳсони, лутф ва раҳматини интизор бўлиб кутишдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Раббимиз кулади”, дедилар. Шунда аъробий: “Куладиган Рабб, албатта, яхшиликни бергай”, деди.

“У (одамлар) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳматини (бара-котини) кенг ёядиган зотдир. У (мўминларга) Валий (дўст) ва Ҳамид (ҳамд эгаси)дир”³¹³;

“...Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир”³¹⁴;

“...Огоҳ бўлингки, Аллоҳнинг ёрдами (ҳамиша) яқиндир”³¹⁵.

Улуғларнинг сийратлари ва уларнинг таржимаи ҳоллари ҳақидаги китобларни ўқиган одам долзарб ва событ масалалардан фойда олади. Шулардан баъзилари:

1. Али ибн Абу Толиб айтадилар: “Инсоннинг қиймати қилган чиройли амалида кўринади”. Маъноси: инсоннинг қиймати унинг ташқи кўриниши ёки мансаби билан эмас, балки илм, одоб, ибодат ва хулқи билан баҳоланади.

³¹⁰ Анъом сураси 116-оят.

³¹¹ Юсуф сураси 103-оят.

³¹² Зорнет сураси 23-оят.

³¹³ Шўро сураси 28-оят.

³¹⁴ Аъроф сураси 56-оят.

³¹⁵ Бакара сураси 214-оят.

“(Мұхаммад) юзини буриштируди ва юз ўтируди. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди”³¹⁶;

“...Зеро, ҳур мушриқдан кўра имонли қул яхшироқдир...”³¹⁷

2. Инсоннинг мавқеи унинг ҳиммати, эътиборлилiği, сахийлиги ва фидоийлигига қараб белгилана-ди. Бинобарин, инсонга улуғлик ўзидан-ўзи берилмаган.

Бахт-саодатни хурмода деб билманг, чунки уни еб қўясиз.

“...Агар (улар) чиқишини истаганларида, унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдилар”³¹⁸.

“Аллоҳ (тоати йўли)да ҳаққоний жидду жаҳд қилингиз!”³¹⁹

3. Инсон Аллоҳнинг изни билан ўз тарихини ўзи шакллантиради. Ўз сийрат саҳифаларини гўзал ёки қабиҳ амаллари билан тўлдиради.

“Албатта, Биз ўликларни тирилтиурмиз ва уларнинг (ўлимидан олдин) юборган амалларини ҳамда (қолдирган) асоратларини (оммага фойдали ёки заарли ишларини) ёзиб қўюрмиз”³²⁰.

4. Инсоннинг умри ниҳоятда қисқа ва тезда ўтиб кетади. Шу қисқа умрни гуноҳ ва ғам-андуҳлар билан ўтказмаслик лозим.

“Улар уни (қиёматни) кўрган куни (бу дунёда қанча кўп умр кўрган бўлсалар ҳам) гўё бир оқшом ёки чошгоҳ пайти миқдорича тургандек бўлтурлар!”³²¹;

“Улар айтадилар: “Бир кун ёки ярим кун. Сабаб турувчи (фаришталар)дан сўрагин!”³²²

³¹⁶ Абаса сураси 1 – 2-оятлар.

³¹⁷ Бакара сураси 221-оят.

³¹⁸ Тавба сураси 46-оят.

³¹⁹ Ҳаж сураси 78-оят.

³²⁰ Ёсин сураси 12-оят.

³²¹ Нозиот сураси 46-оят.

³²² Мўминун сураси 113-оят.

Шеър:

Умринг ўтар, ҳеч қилмадинг солиҳ амал –
сармоя,

Шу иккиси ғам чекишига бўлар сенга кифоя.

Инсоннинг саодатига сабаб бўлувчи омиллар:

1. Солиҳ амал: “Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт баҳш этурмиз”³²³.

2. Яхши аёл: “...Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини баҳш эт ва бизларни тақвадорларга пешво қил!”³²⁴

3. Кенг уй: Ҳадис: “ЭйАллоҳ, мен учун ҳовлимни кенг қилгин”.

4. Ҳалол, покиза касб: Ҳадис: “Аллоҳ покдир, покизаларни севар”.

5. Чиройли хулқ ва инсонлар меҳрини қозониш: “Яна мени қаерда бўлсан баракотли қилди”³²⁵.

6. Қарздан саломат ва нафақада тежамкор бўлиш: “Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадиллар”³²⁶;

“Еахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчиллик қилиш билан) уни бутгунлай ёйиб ҳам юборманг!”³²⁷

Саодатни мустаҳкамловчи омиллар:

Саодат шукр қилувчи қалб, Аллоҳнинг зикрига одатланган тил, машаққатлар ва синовларга сабр қилувчи жисм билан мустаҳкамланади.

Шеър:

Кимки одат қилса доим шукр ила зикру сабр,
Тонар бир кун бу ишига неъмату улкан ажр.

³²³ Нахл сураси 97-оят.

³²⁴ Фуркон сураси 74-оят

³²⁵ Марям сураси 31-оят.

³²⁶ Фуркон сураси 67 оят

³²⁷ Исроп сураси 29-оят

Агар саодат ҳақидаги уламоларнинг илми, ҳука-
маларнинг ҳикматлари, шоирларнинг шеърлари
бир ерга тўпланса ҳам то уни ўзингиз тотиб кўр-
магунингизча, ўзингизга жалб қилмагунингизча,
уни излаб, тескарисини тарк этмагунингизча баҳт-
саодатни тўла ҳис эта олмайсиз.

“Ким менга қараб юрса, мен унга қараб югур-
ман”

**Ишлари ва режаларини сир сақлаш бандан-
нинг саодатидандир.**

Айтишларича, бир аъробийга сир айтиб, уни ош-
кор қилмаслиги эвазига ўн динор беришди. Бунинг
уддасидан чиқа олмаган аъробий юраги сиқилиб,
динор берган одамнинг олдига бориб, у айтган сирни
ошкор қилиш эвазига динорларини қайтариб бери-
шини айтди. Чунки сирни яширмоқ катта куч ва сабр
талаб қиласи. Аъробий: “Сирни сақлаш бўйиннинг
орқасига зарб билан уриш экан”, деди.

“Эй ўғилчам, бу тушингни оға-иниларингга
ҳаргиз айта кўрма...”³²⁸

Инсоннинг ожиз тарафларидан бири бошқаларга
ўзининг сирлар сахифасини очмоғидир. Бу эски
дард, башарият қонига сингиб кетган касалликдир.
Нафс эса сирни ошкор қилишни, гап тарқатишни
яхши кўради. Зеро, ўз сирларини ошкор қилган ин-
сон надомат, ғам-ғуссага ботиши айни ҳақиқатдир.

Куръонда келади:

“...У лутф билан эҳтиёткорона юрсин ва сиз-
ларни ҳеч кимга сездириб қўймасин”³²⁹.

Бу оят сирни сақлаш борасидаги катта қоидадир.

ЎҚИНМАНГ, ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛМАСИДАН БУРУН АСЛО ЎЛМАЙСИЗ

“...Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келга-
нида уни бирон соат кечга ҳам суро олмайдилар,
илгари ҳам қила олмайдилар”³³⁰.

³²⁸ Юсуф сураси 5-оят

³²⁹ Кахф сураси 19-оят.

³³⁰ Наҳл сураси 61-оят

Бу оят ажалидан бурун бир неча бор ўладиган қўрқоқларга қаноат беради. Бу оятни ўқиган ҳар бир инсон ортга ҳам, олдинга ҳам сурилмайдиган, куни соати белгиланган бир ажал борлигини, бутун дунё аҳли тўпланганида ҳам уни тезлаштира олмаслиги ни ёки ортга ҳам сура олмаслигини англаб етади. Бу англаш ўз навбатида инсонга хотиржамлик, сакинат, сабр ва сабот беради.

“Ҳар бир жон ўзи билан бирга (уни маҳшарга) ҳайдовчи (бир фаришта) ва (амалларига) гувоҳлик берувчи (иккинчи фаришта) билан бирга келур”³³¹.

Аллоҳдан ўзгага суюниш баҳтсизлик эканини билинг.

“...Сўнгра унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирон жамоа бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади”³³².

Захабийнинг йигирма уч жилдан иборат “Сияру аъламин нубало” номли китобида бир қанча машхур уламолар, халифалар, подшоҳлар, амирлар, вазирлар, зодагон ва шоирларнинг таржимаи ҳоли эсга олинган бўлиб, бу китобни ўқиган киши икки буюк ҳақиқатни англаб етади:

1. Мол-дунё, бола-чақа, мансаб, касб-ҳунарга суюниб Аллоҳни унутиб қўйган кишини Аллоҳ таоло ўша нарсаларга топшириб қўяди. Ва бу унинг баҳтсиз бўлишига, азоб тортишига, ҳасрат чекишига сабаб бўлади.

“Албатта, улар (шайтонлар) уларни (“кўрлар”ни) йўлдан тўссалар ҳам (тўсилганлар) ўзларини хидоят топувчилар, деб ҳисоблайдилар”³³³.

Фиръавнни мансаби, Корунни мол-дунёси, Умайя ибн Халафни тижорати, Валид ибн Муғирани фарзандлари түғёнга кетказди ва ҳалокатига сабаб бўлди.

³³¹ Коғ сураси 21-оят.

³³² Касас сураси 81-оят

³³³ Зухруғ сураси 37-оят

“(Эй Мұхаммад!) Мен сүққабош қилиб яратған кимсани (Валидни) Ўзимга қўйиб беринг!”³³⁴

Абу Жаҳлни мансаб, Абу Лаҳабни насаб, Мутанаббиъни шон-шұхрат, Ҳажжожни ер юзида олий бўлишга иштиёқ, Ибн Фуротни вазирлик ҳалок қилди.

2. Ким Аллоҳни азиз тутса ва ёлғиз Унинг розилигини топиш учунгина ҳаракат қилса, Аллоҳга яқинлашади. Мехрибон Зот уни насаб, мансаб, фарзандлар, мол-дунё ва қариндош уруғларсиз ҳам шарафли ва қадрли қилиб қўяди.

Билолни (розияллоҳу анҳу) азони билан, Салмонни (розияллоҳу анҳу) охирати билан, Сұҳайбни (розияллоҳу анҳу) шаҳидлик билан, Ато ибн Рабоҳни (розияллоҳу анҳу) илм билан азиз қилди.

“...(Аллоҳ) коғир бўлганлар сўзини тубан қилди. Аллоҳнинг сўзи эса, у юксакдир”³³⁵.

“ЭЙ БУЮКЛИК ВА КАРАМ СОҲИБИ!” ДЕБ АЙТИНГ

Хадисда айтилади: “Эй Буюклик ва Қарам соҳиби” дейшидан айрилманглар. Яъни, уни ўзингизга лозим тутинг, кўпайтириңг ва доимо тақрорлаб юринг.

“Эй Абадий ва Барҳаёт Зот” калимаси ҳам худди шундай улуғдир. Айтилишича, ушбу икки калимада Исми Аъзам қарор топган бўлиб, ким Раббига шу исмлар орқали дуо қилса, дуолари ижобат бўлади, сўрагани берилади. Демак, банда кенглик, зафар ва нажотга эришмоқ учун шу исмлар билан Парвардигорига хитоб қилмоғи лозим.

“Раббингизга (ёрдам сўраб) фарёд қилганингизда: “Мен сизларга кетма-кет (келувчи) минг нафар фаришта билан мадад берувчи дирман”, деб (дуоингизни) ижобат этганини эслангиз!”³³⁶

³³⁴ Мұдассир сураси 11-оят.

³³⁵ Тавба сураси 40-оят.

³³⁶ Анфол сураси 9-оят.

Мусулмон инсоннинг ҳаётида уч кун бор, агар ҳаётини унга мувофиқ ўтказса, кунлари байрамга айланади:

1. Фарз ибодатларни жамоат билан адо қилиб, гуноҳлардан саломат бўлган кун.

“Эй имон келтирганлар! Сизларни тирилтирувчи нарса (илм олиш) учун чорлаганларида, Аллоҳга ва Расулга (лаббай деб) жавоб қилинглар! Яна билиб қўйингларки, Аллоҳ инсон билан унинг кўнгли (ўртаси)да “парда” бўлиб туради ва Унинг (хузурига) тўпланасизлар”³³⁷.

2. Гуноҳига тавба қилиб, ундан қутулиб Парвардигорга қайтган кун. “...сўнгра улар тавба қилувчилардан бўлишилари учун Аллоҳ тавбалини қабул этди”³³⁸.

3. Парвардигорига гўзал хотима ва гўзал амаллар билан йўлиқкан кун.

Ким Раббига йўлиқиши яхши кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқиши яхши кўради.

Шеър:

Орзулар уч ишига албат боғлидир,

Шахс – халқ, кун – умр ва дунё – ҳовлидир.

Саҳобалар ҳаётини кузатар экансиз, уларнинг бошқаларга ўхшамайдиган хислатларини англайсиз;

1. Уларнинг ҳаётида енгиллик, осонлик бор, тақаллуф йўқ, ишларини жуда оддий ва содда услубда олиб борадилар. Ўзларига ўта талабчан, қаттиқўл ҳам эмас, баъзи масалаларда ўта чуқур ҳам кетишмаган, ўртacha йўлни тутишган.

“Биз Сизни осон (дин)га муваффақ қилурмиз”³³⁹.

2. Уларнинг илмлари эъзозга лойик, баракали ва амал билан мувофиқ равища борарди. Уларнинг истилоҳларида ортиқча, тушунарсиз, мураккаб, ёлғон, сафсата сўзлар мутлақо ишлатилмасди.

³³⁷ Анфол сураси 24-оят

³³⁸ Тавба сураси 118-оят.

³³⁹ Атъла сураси 8-оят

“...Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгинан қўрқарлар”³⁴⁰.

3. Улар учун қалб амаллари бадан амалларидан улуғроқ эди. Гарчи нафл рўза ва нафл ибодатларда баъзи тобеъинлар улардан кўра анчайин илғор бўлсалар-да, уларда ихлос, инобат, таваккул, муҳаббат, рағбат ва раҳбат, хушуъ, қўрқинч кучли эди.

“...Бас, У уларнинг кўнгилларидағи нарса (садоқат)ни билиб, уларга хотиржамлик туширди...”³⁴¹

4. Улар руҳий-қалбий роҳат, саодат, хотиржамликка эришганлари туфайли дунё матоларига оз рағбат қилиб, унинг чиройи ва зийнатларидан юз ўғирган эдилар.

“Ким охиратни истаса ва мўминлик ҳолида (ўз) саъии билан ҳаракат қилса, бас, ундан зотларнинг саъии (Аллоҳ наздида) манзурдир”³⁴².

Қуръони каримда бир қанча ҳақиқатлар зикр қилинган бўлиб, улардан инсон саодати ва абадий роҳатга эришувига васила бўлган баъзи оятларни келтириб ўтмоқчимиз.

Аллоҳдан ёрдам сўраган инсонга ёрдам беради: “Эй имон келтирганлар! Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангиз (динининг ривожи учун ҳаракат қилсангиз), У ҳам сизларга ёрдам беради”³⁴³.

Сўраган кишига сўраганини беради: “Парвардигорингиз: “Менга дуо қилинглар, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қиласай!” деди”³⁴⁴.

Кечирим сўраганини кечиради. “...Эй Рabbим! Дарҳақиқат, мен ўзимга зулм қилиб қўйдим. Бас, мени кечир”. (Аллоҳ) уни кечирди”³⁴⁵.

³⁴⁰ Фотир сураси 28-оят.

³⁴¹ Фатҳ сураси 18-оят.

³⁴² Исро сураси 19-оят.

³⁴³ Мухаммад сураси 7-оят.

³⁴⁴ Гоғир сураси 60-оят.

³⁴⁵ Каас сураси 16-оят

Тавбаларни қабул қиласи: “У бандаларидан тавбани қабул қиласиган, ёмонликларни афв эта-диган ва қиласиган ишларингизни биладиган зотдир”³⁴⁶.

Ким Аллоҳга таваккул қилса, У Зот унга етарлидир: “Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга етади”³⁴⁷.

Уч қилмишнинг эгаларига Аллоҳ таоло жазони тезлаштиради, улар:

1) шафқатсизлик ва тажовуз: “...Эй одамлар! Бу тажонузингиз фақат ўзингизга заардир”³⁴⁸;

2) қасамини бузиш: “...Бас, ким(ўз қасамёдини) бузса, бас, (у) фақат ўз зарарига бузади”³⁴⁹;

3) макр: “...Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олади (ҳалок қиласи)”³⁵⁰.

Албатта, золимлар Аллоҳдан қочиб қутула олмайди: “Мана, ҳақсизлик қилганлари сабабли уларнинг уйлари ҳувиллаб қолди!”³⁵¹.

Солиҳ амалнинг меваси ҳам нақд, ҳам насиядир, яъни, дунёда ҳам, охиратда ҳам кўринади. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло солиҳ амалнинг қадрини билувчи ва мағфиратли Зотдир. “Бас, Аллоҳ уларга ҳам бу дунёning савобини (ғалаба ва ўлжани), ҳам охиратнинг чиройли савобини (мағфират ва жаннатни) берди”³⁵².

Ким Унга итоат этса, Аллоҳ уни яхши кўради: “Айтинг (эй Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингиздан ўтади”³⁵³.

Агар банда буни яхши билса, ҳамиша баҳтиёр ва хурсанд ҳолда юради. Чунки Раббига суюниб амал

³⁴⁶ Шўро сураси 25-оят.

³⁴⁷ Талок сураси 3-оят.

³⁴⁸ Юнус сураси 23-оят.

³⁴⁹ Фагъ сураси 10-оят.

³⁵⁰ Фотир сураси 43-оят.

³⁵¹ Намл сураси 52-оят.

³⁵² Оли Имрон сураси 148-оят

³⁵³ Оли Имрон сураси 31-оят

килади, ризқни ва ёрдамни Ундан кутади: “Зеро, Аллоҳнинг ўзи Рazzоқ (ризқ берувчи), қувватли ва Матин (қудратли)дир”³⁵⁴.

Ёрдам берувчи: “Ғалаба эса, фақат Аллоҳ ҳузуридадир, У Азиз ва Ҳакимдир”³⁵⁵.

Мағфират қилувчи: “Мен тавба этган ҳамда имон келтириб, эзгу иш қилган, сўнгра тўғри юрган кишиларни, албатта, мағфират қилувчидирман”³⁵⁶.

Тавбаларни қабул этувчи: “...Албатта, У Кечиримли ва Раҳмлидир ...”³⁵⁷.

Дўстлари учун душманларидан ўч олгувчи: “...Биз интиқом олувицидирмиз”³⁵⁸.

Айбу нуқсонлардан пок Зот қандай ҳам мукаммал, қандай ҳам улуғ: “...Унга тенг бирон зотни билурмисиз?”³⁵⁹

Шайх Абдураҳмон ибн Саъдий “Бахтиёр ҳаёт ке-чиришнинг фойдали йўл-йўриқлари” номли китобида айтадилар: “Банда Аллоҳ берган неъматларни кўра олиши ва ўша неъматлар берилмаган инсонлардан устун эканини тафаккур қилиб, шукр айтиши саодат сабабларидандир. Шунда у банда Аллоҳ унга қандай фазл ато этганини хис этади”.

Инсон камчиликли ва нуқсони бўлишига қарамай диний амаллари, масалан, намозни жамоат или ўқишга мустаҳкамлиги билан мусулмонларнинг анча қисмидан устун бўлиши мумкин. Бу улуғ неъмат пул билан ўлчанмайдиган даражада баҳосиз. “Ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берганини кўрмадингизми?!?”³⁶⁰; “...ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”³⁶¹.

³⁵⁴ Зорнёт сураси 58-оят.

³⁵⁵ Оли Имрон сураси 126-оят.

³⁵⁶ Тоҳа сураси 82-оят.

³⁵⁷ Бакара сураси 54-оят.

³⁵⁸ Дұхон сураси 16-оят.

³⁵⁹ Марям сураси 65-оят.

³⁶⁰ Лукмон сураси 20-оят.

³⁶¹ Исро сураси 70-оят.

Шеър:

*Бу халойиқ ғүрдир – тажрибаси кам,
Гапни қўй, мақтама, шундайман мен ҳам.*

Асмо бинти Умайсдан ривоят қилинади: Расуллороҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Дикқат қил, мен сенга қайғу пайтида айтшладиган сўзларни ўргатаман. У: “Аллоҳ Парвардигоримдир, У Зотга бирон нарсани шерик қилмасман”, калимасидир”.

Бошқа бир ҳадисда: “Кимнинг бошига ғам-андух, касаллик, қийинчилик тушса, “Аллоҳ Парвардигоримдир, Унинг шериги йўқдир”, деб айтсин, шунда ундан ғамлар арийди”.

Қалбга қоронғулик келтирувчи бир қанча ишлар бор. Агар шу ҳолга тушган киши Парвардигори сари интилиб, ишини Унга топширса, Унга маҳлуқлардан биронтасини шерик қилмай, Унинг остонасига бош урса, ғам-андухлари тарқайди. Аммо ким бунга бепарво қараса, фойдасиз.

Шеър:

*Мол-давлат кетсаю бойлик йўқолса,
Рұҳимиз соғ бўлса – бизга кифоя.
Бир кун йўқолгани топилиб қолар,
Аллоҳ қилиб турса, жонни ҳимоя.*

ҲАСАДСИЛАРДАН ЧЎЧИМАНГ

Ким ҳасадчи кимсадан хавфсираса, ушбу дуоларни ўқисин:

1. Зикр, дуолар билан бирга икки “қул аъзу”ни ўқисин.

“Ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан паноҳ сўрайман”³⁶².

2. Ишларингизни ҳасадчидан яширинг.

“...Эй ўғилларим! (Мисрга) бир дарвозадан кирманглар, балки турли хил дарвозалардан киринглар!”³⁶³

3. Ундан узоқ юринг.

“Агар менга имон келтирмасаларинг, у ҳолда мендан четланинглар!”³⁶⁴

4. Озоридан тийилиши учун унга яхшиликлар қилинг.

“...Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан қайтаринг!”³⁶⁵

ОДАМЛАРНИНГ ГЎЗАЛ ХУЛҚЛИСИ БЎЛИНГ

Гўзал хулқ бахт ва саодатдир. Ёмон хулқ эса фалокат ва бахтсизликдир.

Ҳадисда: “Киши гўзал хулқи билан рўзадор ва кечалари ибодат қилгувчининг даражасига етади”, дейилган.

Яна бир ҳадисда: “Қиёмат кунида сизлардан менга яқин жойда турадиган ва энг суюкли бўлган кишини айтами? У гўзал хулқ эгасидир”, дейилади.

“Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!”³⁶⁶;

“Агар дағал ва тошбагир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар”³⁶⁷;

“...одамларга шириңсўз бўлинг!”³⁶⁸

Мўминлар онаси Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳни (соллоллоҳу алайҳи ва салам) сифатлаб: “Расулуллоҳнинг хулқлари Куръон эди”, деганлар.

Кенг феълли бўлиш ва зийраклик Аллоҳ унга яхшиликни хоҳлаган киши учун нақд неъмат ва ҳузурхаловатдир.

Тезлик, қизиққонлик, жаҳл узоқ давом этувчи бахтсизлик ва абадий азобдир.

³⁶³ Юсуф сураси 67-оят.

³⁶⁴ Духон сураси 21-оят.

³⁶⁵ Фуссилат сураси 34-оят.

³⁶⁶ Калам сураси 4-оят.

³⁶⁷ Оли Имрон сураси 159-оят.

³⁶⁸ Бакара сураси 83-оят.

ГАМ ЧЕКМАНГ, СИЗГА УЙҚУСИЗЛИКДАН ҚҰТУЛИШ ЙҰЛИНИ ҮРГАТАМИЗ

Уйқусизлик дардига чалинган одам қилиши керак бўлган амаллар:

1. Шариатда тавсия қилинган зикрларни айтсин: "...Огоҳ бўлинглар, Аллоҳни эслаш билан қалблар ором олади (ва таскин топади)"³⁶⁹.

2. Кундузги уйқуни тарк этиб, фақат зарур пайтдагина ухласин. "Кундузни эса, тирикчилик вақти қилдик"³⁷⁰.

3. Уйқу келгунича ёссиң ва ўқисин. "Эй Раббим! Менга илмни кўпайтир!"³⁷¹

4. Кундузи бадани ҳаракатга тушурувчи қийнайдиган фойдали ишни қилсин. "...кундузни эса (сизлар учун) саъй-ҳаракат (вақти) қилган зотдир"³⁷².

5. Қаҳва ва чой каби ичимликларни кам истеъмол қилсин.

Шеър:

*Дўстга узун тундан қилдик шикоят,
Дўст унинг сирини англатди шояд.*

*Уйқу баъзи кўзни тун қилиб қўяр,
Баъзисини қилмас, билдик ниҳоят.*

Давомли гуноҳ қилавериш тоатларнинг ҳаловатини, имон самимиятини, саодат завқини кетказади.

Донишмандлардан бири бундай деган: "Гуноҳлар қалбни тавҳид фазосида кезиб юришдан тўсади".

"Айтинг: "Осмонлар ва Ердаги нарсаларга (ибрат назари билан) боқинглар!"³⁷³

ГУНОҲЛАР ОҚИБАТИ

Гуноҳ-маъсиятлар кўпгина заарли оқибатларга олиб келади:

³⁶⁹ Раъд сураси 28-оят.

³⁷⁰ Набав сураси 11-оят.

³⁷¹ Тоҳа сураси 114-оят.

³⁷² Фурқон сураси 47-оят

³⁷³ Юнус сураси 101-оят

1. Банда билан Парвардигори ўртасида парда тортилади. “Шубха йўқ, улар ўша куни Парвардигорларидан (дийдори) тўсилувчиidlар”³⁷⁴.

2. Бандани Раббидан узоқлаштиради. Кишининг хулқи ёмон бўлса, гумонлари ҳам ёмонлашади.

3. Доимий қайғу. “Курган бинолари (бузиг ташлангач) то юраклари ёрилгунга (ўлгунга) қадар қалбларида шак бўлиб қолур”³⁷⁵.

4. Қалбда қўрқинч ва алам бўлади.

“Аллоҳ ҳужжат нозил қилмаган (бут, санам каби) нарсаларни Унга шерик қилганлари учун кофирларнинг юракларига вахима соламиз”³⁷⁶.

5. Бахтсиз ҳаёт кечиради.

“Ким Менинг эслатмамдан юз ўтируса, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирамиз”³⁷⁷.

6. Юракда зулм ва қўпоплик томир отади.

“Ва юракларини шафқатсиз (мехрсиз) қилиб қўйдик”³⁷⁸.

7. Юзда тундлик ва қоралик пайдо бўлади.

“Юзи қорайганларга (хужжат исботи учун бундай дейилади): “Имон келтиргандан кейин яна куфрга қайтган эдингизми?”³⁷⁹

8. Халқнинг қалбида унга қарши нафрат бўлади.

Ҳадис: “Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳлариидирсиз”.

9. Ризқи тор бўлади.

“Агар улар Таврот, Инжил ва Парвардигорлари томонидан уларга туширган нарса (Куръон) га риоя қилишганида, тепаларидан (маънавий), оёқлари остидан (моддий) таъминланган бўлур эдилар”³⁸⁰.

³⁷⁴ Мутоффифун сураси 15-оят.

³⁷⁵ Оли Имрон сураси 151-оят.

³⁷⁶ Тоҳа сураси 124-оят.

³⁷⁷ Мойнада сураси 13-оят.

³⁷⁸ Оли Имрон сураси 100-оят.

³⁷⁹ Мойнада сураси 66-оят.

³⁸⁰ Бакара сураси 90-оят.

10. Раҳмон ғазабланади, имон камаяди, ғам андухлар тушади.

“Бас, ғазаб узра ғазаб билан қайтдилар”³⁸¹;

“Йўқ (ундай эмас)! Балки уларнинг юраклари ни ўзларининг қилмишлари (гуноҳлари) қоплаб олгандир”³⁸²;

“Дилларимиз (Ислом учун) ёпиқ”, дейдилар”³⁸³.

РИЗҚ ИСТАНГ, БИРОҚ КЎЗИ ОЧБЎЛМАНГ

Аллоҳ ер остидаги қурт-қумурсқаларни ҳам ризқини беради.

“Ерда ўрмаловчи бирон нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса”³⁸⁴.

Кушларнинг ризқини ҳам У беради. Куш инидан доимо қорни оч ҳолатда чиқиб, қорни тўқ ҳолатда қайтади.

Осмонлар ва ернинг Рабби сувдаги балиқни ҳам Ўзи ризқлантиради. “(Ўзгаларга) едириб, Ўзи емайдиган – Аллоҳдан ўзгани дўст тутайинми?!”³⁸⁵

Сиз ризқ топишда қурт-қумурсқа, қуш ёки балиқдан салоҳиятлироқсиз. Шу сабабли ҳам ўз ризқингизга ташвиш чекманг.

Аллоҳ таолодан узоқлашгани туфайли фақирлик ғам-алами етиб, юрак-бағирларини ўртаб юрган кўп одамларни кўрдим. Улар бой, ризқи кенг, саломат, оғиятда ва яхшиликларда яшар эдилар. Сўнгра Аллоҳнинг тоатидан юз ўғирдилар, намозга парвосиз бўлдилар, умуман гуноҳларни қила бошладилар. Бас, Аллоҳ улардан саломатликни, кенг ризқни тортиб олди ва уларни фақирлик, қайғу билан балолади. Уларнинг боши кун сайин омадсизлик, ғам-алам, бало ва муаммолардан чиқмай қолди.

³⁸¹ Мутоффифун сураси 14-оят.

³⁸² Бакара сураси 88-оят.

³⁸³ Худ сураси 6-оят.

³⁸⁴ Худ сураси 6-оят.

³⁸⁵ Айтъом сураси 14-оят.

“Ким Менинг эслатмамдан юз ўтиrsa, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррап”³⁸⁶;

“Бу(жазолар сабаби) Аллоҳнинг бир қавмга инъом этган неъматини, то улар ўзларидағи нарсани (муносабатни ёмон ҳолатга) ўзгартирганларича ўзгартирувчи бўлмаганидандир”³⁸⁷;

“(Эй инсонлар!) Сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир. Яна У кўп (гуноҳлар)ни афв этиб туради (акс ҳолда мусибат бундан ҳам кўп бўлар эди)”³⁸⁸;

“Албатта, агар улар (тўғри) йўлда устувор турганларида, албатта, Биз уларни сероб қилган бўлар эдик”³⁸⁹.

Шеър:

Лайлини ўлдириб йиғларсан нечун,
Энди бўлмоқдами юраккинанг хун?
Ошиқ ҳам ўзингсан, қотил ҳам ўзинг,
Ўлдиришга қандай қийди-я кўзинг

“БИЗЛАРНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА БОШЛАГИН”³⁹⁰ ХИДОЯТ СИРИ

Муҳаммад (соллоллоҳу алайҳи ва салам) бизларга қолдирган тўғри йўлсиз саодатга, неъматларга эришишнинг иложи йўқ. Бу йўлнинг охири эса жаннатдир.

“Шунингдек, уларни тўғри йўлга ҳидоят қилган бўлур эдик”³⁹¹.

Тўғри йўлни ушлаган киши гўзал оқибатдан хотиржам бўлади, Парвардигорининг ваъдасидан кўнгли тўлиб, қазосига рози бўлади, уни тўғри йўлга етакловчи Пайғамбари борлигини билади. У етакловчи

³⁸⁶ Тоҳа сураси 124-оят

³⁸⁷ Анғоф сураси, 53-оят.

³⁸⁸ Шўро сураси 30-оят.

³⁸⁹ Жин сураси 16-оят.

³⁹⁰ Фотиха сураси 5-оят.

³⁹¹ Нисо сураси 68-оят.

гунохдан сақланган бир зотдир. У ўз ҳаво-ҳохиши билан сўзламас, йўлдан озган кимсага эргашмас, унинг сўzlари халқ учун хужжатдир.

“Унинг (инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб этувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни муҳофаза қилиб турадилар”³⁹².

Банда ушбу йўлни тутганидагина баҳт топади. Чунки у Рабби борлигини, гўзал ўrnак, қўлида китоб, қалбида нур, кўнглида бир воиз борлигини билади. У жаҳнати наъим томон боради, тоат учун амал қилади ва яхшиликка юради.

“Аллоҳнинг ҳидояти шудир. У билан хоҳлаган бандаларини йўлга солади”³⁹³.

Шеър:

*Зулмат сўқмоғидан боргувчи инсон,
Йўл топиб юришга борми бир нишон?
Қалбимда барқарор Аллоҳнинг нури,
Тўғри йўл кўрсатар менга ҳар замон.*

Сирот, яъни, тўғри йўл икки хилдир: маънавий ва ҳиссий. Маънавийси ҳидоят ва имон йўлидир. Ҳиссийси жаҳаннам устига тортилган сирот кўпrigидир. Имон сироти бу фоний дунё устига ўрнатилгандир. Унинг шаҳват, нафс ҳавою хоҳишлар деган қопқонлари бор.

Жаҳаннам устидан тортилган охират сиротининг устида эса ниналари ўткир чақиртиканаклари бор. Киши ушбу сирот узра қадам қўяр экан, имонининг даражасига қараб ҳимояланади. Агар бу дунёда “сироти мустақим” номли ҳидоят йўлидан юрган бўлса, охират сиротидан ўтишида унга ғам, алам, қўрқинч бўлмайди.

³⁹² Раъд сураси 11-оят.

³⁹³ Анъом сураси 88-оят.

ПОКИЗА ҲАЁТНИ ИСТАГАНЛАР ҚУЙИДАГИ ҮН ЧЕЧАКНИ ЎЗЛАРИ УЧУН ҰЗИБ ОЛСИНЛАР

1. Саҳар чоқларида истиғфор айтишни одат қилмоқ. “(Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саҳоватли ва саҳар чоқларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиган кишилар эди”³⁹⁴.

2. Фикрлаш учун хилватда қолмоқ. “...ва осмонлару ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар”³⁹⁵.

3. Яхшилар билан суҳбатдош бўлмоқ. “Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорлари “юзи”ни истаб, Унга илтижо қиласиган зотлар билан бирга сабр қилишга унданг!”³⁹⁶.

4. Ҳамиша Аллоҳни эсда тутмоқ. “Эй имон келтирганлар! Аллоҳни кўп эслангиз”³⁹⁷.

5. Хушуъ билан намоз ўқимоқ. “Улар намозларидан ўзларини камтар тутувчиidlар”³⁹⁸.

6. Тадаббур билан Қуръон ўқимоқ. “Қуръон (оятларининг маънолари) ҳақида (чуқурроқ) фикр юритмайдиларми?”³⁹⁹

7. Қаттиқ иссиқ кунларда нафл рўзалар тутмоқ. Ҳадис: “Аллоҳ таоло фахрланиб айтади: бандам ўзининг таоми, ичимлиги ва шаҳватини Мен учун марқ қилди”.

8. Садақани яширинча бермоқ. Ҳадис: “Ўнг қўл берганни чап қўл билмасин”.

9. Мусулмоннинг биронта ғамини кетказмоқ. Ҳадис: “Мусулмондан ғамни кетказган инсонни Аллоҳ ҳам қиёмат кунида ғамини кетказади”.

10. Бу ўткинчи дунёдан зухд билан ўтмоқ. “Холбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир”⁴⁰⁰.

³⁹⁴ Оли Имрон сураси 17-оят

³⁹⁵ Оли Имрон сураси 191-оят

³⁹⁶ Каҳф сураси 2-оят.

³⁹⁷ Аҳзоб сураси 41-оят.

³⁹⁸ Мұыминнұн сураси 2-оят.

³⁹⁹ Нисо сураси 82-оят.

⁴⁰⁰ Альо сураси 17-оят.

Нұх (алайхис салом) ўғилларининг мана бу сўзи баҳтсиз бўлишига сабаб бўлди: “У (ўғли) деди: “Мени сувдан сақлайдиган биронта тоқقا (чиқиб) паноҳ топарман”⁴⁰¹.

Агар у еру осмон Парвардигори бўлмиш Аллоҳга таянганида баҳтли ва азиз бўлар эди.

Намруднинг баҳтсизлиги, мен ҳам тирилтира ва ўлдира оламан, деб айтган сўзи эди. У ўзи учун лойик бўлмаган кийимни кийди, унга тўғри келмайдиган сифатга эга бўлмоқчи бўлди. Хуллас, бу кофир довдираб қолди ва зиён тортувчилардан бўлди.

“Бас, Аллоҳ уни (фиръавнни) охират ва дунё азоби билан ушлади”⁴⁰².

Саодат калити бир калимадир, миллат мероси бир иборадир, пажот байроғи бир жумладир. У калима, у ибора, у жумла: “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур расулуллоҳ” (яъни, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Унинг элчиси)дир.

Ерда бу сўзни айтган одамнинг баҳти – осмонда унга “Рост сўзладинг” деб жавоб қилинишидир. “Ростликни келтирган зот (Муҳаммад) ва уни тасдиқ этганлар (мўминлар) – айнан ўшалар тақволи зотлардир”⁴⁰³.

Ўша Сўзга амал қилган киши ҳалокат, шармандалик, дўзахдан омонда бўлади ва баҳтга эришади.

“Аллоҳ тақво қилган зотларни ютуқлари сабабли (охират азобидан) қутқаради”⁴⁰⁴.

Бошқаларни ҳам ўша Сўзни айтишга даъват қилганларнинг баҳти эса унга мадад берилмоғи ва унга ташаккур айтилмоғидир.

“Ва албатта, Бизнинг қўшинимиз (яъни, пайғамбарлар ва мўминлар) ғолибдирлар”.

Ўша сўзни севганинг баҳти – азиз ва мукаррам бўлмоғидир.

⁴⁰¹ Ҳуд сураси 43-оят

⁴⁰² Нозиот сураси 25-оят.

⁴⁰³ Зумар сураси 33-оят.

⁴⁰⁴ Зумар сураси 61-оят.

“Холбуки, куч-құдрат фақат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мұмиларницидир”⁴⁰⁵.

Құл Билол ўша Сўзни айтиб хурга айланди.

“Аллоҳ имон келтирғанларнинг дўстидир. Уларни зулматлардан нур сари чиқаради”⁴⁰⁶.

У Сўзни тутилиб айта олмаган Абу Йаҳаб хору зор ҳолида ўлди.

“Кимни Аллоҳ хор қилса, бас, уни азиз қилувчи ҳеч ким йўқдир”⁴⁰⁷.

У Сўз шундай бир малҳамки, бутун башариятни пок, раббоний имон чўққисига олиб чиқади.

“Лекин Биз уни (Куръонни шундай) нур қилдик, у билан бандаларимиздан Биз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қиласмиз”⁴⁰⁸.

Агар Охиратдан юз ўғирсангиз, дунё учун севинманг. Чунки йўлингизда сизни доимий азоб – қуллик ва баҳтсизлик кутмоқда.

“Менга мол-мулким ҳам асқотмади. Салтанатим ҳам ҳалок бўлиб мендан кетди”⁴⁰⁹.

“Албатта, Раббингиз (барча нарсани) кузатиб турувчидир”⁴¹⁰.

Ёлғиз Мангу Зотдан юз буриб, фарзандингиз учун севинманг. Чунки Ундан юз буриш тўла мағлубият, чексиз зиён ва хорлик демакдир.

“Уларга (бу шукрсизликлари туфайли) хорлик ва мискинлик битиб қўйилди ҳамда Аллоҳнинг газабига учрадилар”⁴¹¹.

Ёмон амаллар қилиб мол-давлатингиз билан хурсанд бўлманг. Зеро, ёмон амалнинг охири войдир. Ундей кимса охир-оқибат завол топади, охиратда эса унга лаънат бўлади.

“Охират азоби эса, шубҳасиз, янада хор қилувчироқдир”⁴¹²;

⁴⁰⁵ Муноғиқун сураси 8-оят.

⁴⁰⁶ Бакара сураси 257-оят.

⁴⁰⁷ Ҳаж сураси 18-оят.

⁴⁰⁸ Шўро сураси 52-оят.

⁴⁰⁹ Ал-Ҳаккоҳ сураси 28 – 29-оятлар

⁴¹⁰ Фажр сураси 14-оят.

⁴¹¹ Бакара сураси 61-оят.

⁴¹² Фуссилағ сураси 16-оят.

“На молларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қиласи. Фақат имон келтирган ва солиҳ амал қилган зотлар – айнан ўшаларгагина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бордир ва улар (жаннатдаги) кўшкларда осойишталиқда бўладилар”⁴¹³.

“Эй Ҳайй, Қаййум –зот! Сендан Раҳматингдан умид қилиб ёрдам сўрайман”.

Ушбу дуода жуда ажойиб бир уйғунлик бор. “Ҳаёт” сифати Аллоҳнинг бошқа барча комил сифатларини ўз ичига олган, бошқа сифатлар бу сифатни ўзларига лозим тутадилар. “Қайюм” сифати эса барча феълий сифатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам бу иккиси “Исми аъзам” дейилади. Бу исмлар билан нима сўралса, берилади. “Муқаммал ҳаёт”да ҳеч бир касаллик ва ҳеч қандай алам бўлмайди. Жаннатга тушганларнинг ҳаёти муқаммал бўлади, уларга ғам, ташвиш, хафалик ё бошқа бирон оғат етмайди. Зотан “муқаммал ҳаёт” дегани ҳеч бир касалликсиз, ҳеч қанақа аламсиз ҳаёт деганидир. Нуқсонли ҳаёт эса Аллоҳнинг феълий сифатларига муносиб эмас ва “Қаййум” (турғизувчи) сифатига тўғри келади. Чунки комил қаййумийлик муқаммал ҳаётни оёққа турғизади. Ҳолбуки, бу дунё ҳаёти камчиликли. Бу икки исм билан дуо қиласканмиз, бу дунё ҳаётида ҳам гўё ўшандай муқаммалликни сўраган бўламиз ва бунинг ҳаётимиздан заарли нарсаларни (камчиликларни) кетказишда катта таъсири бўлади.

Шеър:

Маҳбуб гўзаллиги суйганингданмас,
Ёмондан қочишинг куйганингданмас.
Таҳликани кутманг, балки у келмас,
Беҳуда ғам-қайғу ҳеч фойда бермас.

⁴¹³ Сабаъ сураси 37-оят.

ЎКИНМАНГ, БОШИНГИЗГА ТУШГАН ИШ БИЛАН МУРОСА ҚИЛИНГ, УНГА КҮНИКИНГ

Агар сизни бирон мусибат хавфи хавотирга солса ёки бирор нарсадан умидсизликка тушсангиз, ўзингизни тинчлантиринг.

“Аллоҳ ўзғазлидан ато этади ва Расули ҳам. Биз Аллоҳ (розилиги) гагина рағбат қилувчи лармиз”, десалар эди (ўзларига яхши бўлур эди)”⁴¹⁴.

Бир киши туйнукдан сакради. Кутимаганда унинг чап қўлидаги узук туйнукдаги қозиққа илиниб қолди ва қозиқ унинг бир бармоғини узиб олди. Ўша одам айтади: “Мен бу воқеани эслаганимда бир бармоғимдан ажраб қолганимни ҳис қиласман. Аммо қўлимда яна бус-бутун тўрт бармоғим борлиги ёдимга тушиб, хотиржам бўламан. Ўзим бундан розиман”. Пешонага ёзилган ҳар қандай иш, албатта, юз беради. Шундай экан, куйинманг, балки кўнинг.

Шеър:

Ғазаб билан ўтга тупурсанг тупик,

Оловга куч берар бу сувли кўпик.

Душманни билмасдан хурсанд қиласан,

Сўнг ортидан додлаб йиғлаб юрасан.

Бир одам касаллик сабабли чап қўли елкасидан кесилган. Лекин у шунга қарамасдан узоқ яшади, оила қурди, фарзандлар кўрди. Гўё Аллоҳ таоло унга табиий равишда фақат бир қўл бергандек машинасини ҳам, ишларини ҳам бемалол бошқаради.

“Аллоҳнинг сенга ёзган қисматига рози бўл, шунда одамларнинг энг бойи бўласан”.

Шеър:

Нафсингга дарс беру ўргат тадбирни,

Кўз ёши ўзгартирмас бирон тақдирни.

Воқеликка кўникиб, шароитга мослашишимиз бунча ҳам тез ва ажиб бўлмаса. Бундан бир неча йил

⁴¹⁴ Тавба сураси 59-оят

бурун яшаш тарзи жуда оддий бўлган. Тўйларда келин ва кўёвга биттадан кийим қилинган. Хонада гилам сифатида оддий бир мато солинган. Уй ичидағи бор бисотимиз озгина сопол идиш-товоқлардан иборат бўлиб, шулар билан ҳам ҳаёт давом этаверарди. Чунки бизлар шунга рози ва таслим бўлган эдик.

Шеър:

*Нафсингга қул бўлсанг, ортади рағбат,
Шоҳ бўлсанг, озга ҳам қилар қаноат.*

Куфа шаҳридаги жомеъ масжидда икки қабила орасида фитна чиқди. Ҳар икки томон қиличларини яланғочлаб, найзаларини қўлга олди. Атрофдагилар ҳаяжонга тушдилар. Шунда масжидан бир киши одамлар орасида ҳалим, ислоҳчи экани билан танилган Аҳнаф ибн Қайсни излаб чиқиб кетди. Борса, Аҳнаф уйида қўйларини соғаётган экан. Устидаги кийими ўн дирҳамлик ҳам эмас, жисми ориқ эди. Келган одам уни воқеадан хабардор қилди. Буни эшитган Аҳнафнинг бир туки ҳам қимирламади, изтиробга ҳам тушмади. Чунки у бундай ҳодисаларни жуда кўп кўрган эди. Унинг биргина жавоби “Иншаоллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади”, дейиш бўлди. Сўнгра унга ифторлигини олиб келишди. Дастурхондаги нарсалар бир бўлак қотган нон, ёғ, туз ва бир коса сувдан иборат эди. Бисмиллаҳни айтиб таомланди ва Аллоҳга ҳамд айтди. Сўнгра у: “Ироқнинг буғдойи, Шомнинг ёғи, Дажла дарёсининг суви, Марвнинг тузи албатта, буларнинг барчаси улуғ неъматлардир”, деди. Кейин кийимини кийиб, ҳассасини олиб масжид томон шошмасдан юра бошлади. Одамлар у кишини кўриши билан бўйинлар эгилди, кўзлар қўйига боқди, сўзини тинглаш учун ҳаммаёқ сув қўйгандек жимиб қолди. У йиғилганларни сулҳга чақирди ва уй-уйларига тарқалишларини сўради. Ҳозиргина жанжаллашиб турганлар ҳам бир сўз демай ортига қайтди. Жанжал тинчиidi. Фитна босилди.

Шеър:

Жулдур кийимдаги бўз бола бир кун,
Олий бўлиб, шараф топмоғи мумкин.

Қиссадан ҳисса: буюклик ташқи кўриниш ва гўзалликда эмас. Моддий етишмовчилик баҳтсизлик белгиси ҳам эмасдир. Шу билан бирга, саодат ҳам нарсаларнинг кўплиги ва бойлик билан белгиланмайди.

“Бас, энди инсонни қачон, Парвардигори синов учун икром этиб, унга неъмат ато этса, дарҳол: “Парвардигорим (лойик бўлганим учун) мени икром этди”, дер. Аммо, қачон, (Парвардигори) уни синов учун ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: “Парвардигорим мени хор қилди”, дер”⁴¹⁵.

Инсоннинг қиймати унинг истеъдоди ва юксак сифатлариидир. Инсоннинг вазни – обрўси унинг кийим-кечаги, сарой-қасрлари билан эмас, балки илми ва ақл-идроқи билан ўлчанади.

“...Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир”⁴¹⁶.

Буларнинг мавзуимизга алоқаси шундаки, саодат катта бойлик, баланд қаср ва олтин-кумуш ҳам эмас, балки имонли қалб демакдир.

“Бас, Сизни уларнинг мол-мулклари ҳам, фарзандлари ҳам таажжублантирмасин!”⁴¹⁷

“(Эй Мұхаммад) Айтинг, “Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта,) шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир”⁴¹⁸.

Нафсингизни қазо ва қадарга кўнишишга ўргатинг. Агар кўни масангиз, бошқа нима ҳам қила олардингиз? Ер юзидағи мулкларга эгалик қиласизми, осмонга нарвон ўрнатиб, у ерга чиқасизми, барибир

⁴¹⁵ Фажр сураси 15-16-оятлар

⁴¹⁶ Хужурот сураси 13-оят.

⁴¹⁷ Тавба сураси 55-оят.

⁴¹⁸ Юнус сураси 58-оят

қазо ва қадардан қутула олмайсиз. У ҳолда бу масаланинг ечими қаерда? Унинг ечими рози бўлиш ва Аллоҳнинг ёзиқларига бўйинсунишдадир.

“Қаерда бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топади, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам”⁴¹⁹.

Замонамиз олимларидан бири бундай дейди: “Ҳаётимдаги энг оғир ва аламли дамлар ёдимга тушди. Мутахассис табиб менга акам Мұхаммаднинг (Аллоҳ уни раҳматига олсин) қўли елкасидан кесилиши лозимлигини айтган кун ҳаётимдаги энг хунук кунга айланиб қолди. Бу хабар қулогимга худди замбарак ўқидек эшитилди. Лекин мен нафсимга мағлуб бўлмадим, руҳан Парвардигоримнинг мана бу Сўзига қайтдим:

“(Инсонга) бирор мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина (етур). Ким Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қиласи”⁴²⁰;

“(Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй Мұхаммад), Уларга мусибат етганида: “Албатта, биз Аллоҳ учунмиз ва, албатта, Унинг ҳузурига қайтамиз”, дейдилар!”⁴²¹

Бу оятлардан мен иродамга қувват ва руҳимга енгиллик олдим”.

Шеър:

Дунёнинг охри фироқ – тор қабр,
Ҳар ишингга бордир муносиб ажр.
Аллоҳ ҳеч бандани айламасин xor,
Бу қисқа умрда гуноҳлар бисёр.

Бирон бир хийла қўлимиздан келмас, хийла фақат имон ва таслим бўлмоқдир.

“Ёки улар (яъни, Макка мушриклари) биронта ишга қарор қилдиларми?! Бас, албатта, Биз ҳам қарор қилувчиидирмиз”⁴²²;

⁴¹⁹ Нисо сураси 78-оят.

⁴²⁰ Тәғобун сураси 11-оят.

⁴²¹ Бакара сураси 155 – 156-оятлар.

⁴²² Зуҳруф сураси 79-оят.

“...Аллоҳ (Ўз) ишида ғолибдир”⁴²³;

“...Бирор ишни қиласиган бўлса, (фақатгина унга) “Бўл!” деса, бас, у бўлади”⁴²⁴.

Хансо Нахаъийянинг бирданига тўрт ўғли Қодисия жангида Аллоҳ йўлида ҳалок бўлди. Бу хабар унга етганида, бу баҳтили она Аллоҳга ҳамд айтди. Парвардигорининг қазосига, берган гўзал оқибатига, лутфу иноятига шукрлар айтди! Унинг бу иши имоннинг қуrimас чашмаси, ишончнинг туганмас жилвасидир. У каби шукр қилувчилар ажрларга эришгай, дунё ва охират саодатига етишгай. Шундай қилмаганида қўлидан нима ҳам келар эди. Ғазабланарди, асабийлашарди, қаршилик кўрсатарди, холос. Натижада дунёю охират зиёнига эришар эди.

Шак-шубҳасиз мусибатларнинг малҳами, машақ-қатларнинг давоси ушбу сўздир: “Албатта биз Аллоҳ учунмиз ва, албатта, Унга қайтамиз”⁴²⁵.

Бунинг маъноси: Барчамиз Аллоҳникимиз. Бизлар Унинг ҳалқи ва мулкимиз. Унга қайтамиз. Иш Унинг қўлидадир. Бирон нарса бизнинг қўлимиздан келмас.

Шеър:

Бир кун жону тан ҳам кетмоғи тайин,
Дунё келар-кетар мисли елдайин.

Буларнинг бариси ўткинчи бўлса,
Қўлдан кетганига нега ийғлайн?

“...Унинг “юзи”дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчиидир”⁴²⁶;

“(Ер) юзидаги барча мавжудот ўткинчиидир”⁴²⁷;

“(Эй Муҳаммад!) Албатта, Сиз ҳам ўласиз, улар (мушриклар) ҳам ўладилар”⁴²⁸.

Фараз қилинг, сизга тўсатдан уйингизга ўт кетгани ё ўғлингиз ўлгани ёки молингиз йўқолгани

⁴²³ Юсуф сураси 21-оят.

⁴²⁴ Бакара сураси 117-оят.

⁴²⁵ Бакара сураси 156-оят.

⁴²⁶ Касас сураси 88-оят.

⁴²⁷ Ар-Рахмон сураси 26-оят.

⁴²⁸ Зумар сураси 30-оят.

ҳақидаги ёмон хабар етса, нима қиласиз? Ҳозирдан-ноқ ўзингизни содир бўлиш эҳтимоли бор бўлган мусибат ва синовларга кўниткиринг. Чунки тақдирдан қочишнинг фойдаси йўқ. Қазодан қутулмоқ имконсиз ишдир.

Демак, қазою қадарга таслим бўлинг, мусибатни кўтариング, ажр олинг. Чунки сизнинг олдингизда бундан бошқа чора йўқ. Ҳа, айтганча, бошқа чора ҳам бор, лекин ундан қайтинг. Ўша “чора”лар ушбулардир: бўлган ишдан норози бўлиб сиқилиш, асабийлашиш, ғазаб, дод-вой қилиш. Булар билан ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Эришганингиз Парвардигорнинг ғазаби, инсонлар нафрати бўлади, холос. Балки бунда ажрлар кетади, гуноҳлар эзади. Барибир йўқотган нарсангиз қайтмайди. Мусибат сиздан кўтарилемайди.

“Кимда-ким, Аллоҳ унга (Пайғамбарига) дунё ва охиратда сира ёрдам қилмас, деб гумон қилса, бир арқон билан шифтга осилиб (ўзини) бўғсин, сўнгра қарасин, (бу) макри ғазабини кетказармикан?”⁴²⁹

ЎКИНМАНГ, СИЗНИ ҚАЙФУГА СОЛГАН НАРСА ТЕЗ ОРАДА БАРҲАМ ТОПАР

Ўлим барчанинг – золиму мазлум, кучсизу кучли, бойу камбағалнинг бошида бордир. Демак, сизнинг ҳам ўлишингиз одамлар учун янгилик эмас, сиздан илгари ҳам қанча умматлар ўтди, кейин ҳам ўтади.

Ибн Баттутанинг ёзишича, шимолда бир мақбара бор экан. У ерга минглаб подшоҳлар дағғи этилган бўлиб, ўша жойдаги бир лавҳга ушбу сўзлар ёзиб қўйилган экан:

Шеър:

Не-не шоҳ-султонлар суюкка дўнди,
Тож кўтарган бошлар тупроққа қўнди.

Ишнинг даҳшати инсоннинг ғафлатидир. У эртаю кеч ўзининг атрофида пайт пойлаб турган ўлим шарпасидан хабарсиз, мангу ва баҳтиёр яшайман деб ўйлади. Ҳар бир бошланган ишнинг муқаррар сўнги ҳам бўлишини билмайди.

“Эй инсонлар! Раббиларингиздан қўрқинглар!
Зеро, қиёмат зилзиласи улкан (даҳшатли)
нарсадир”⁴³⁰;

**“Одамларга ҳисобот (кун)лари (қиёмат)
яқинлашиб қолди. Улар ҳануз ғафлатда, (имон ва
амалдан) юз ўгирувчиidlар”⁴³¹.**

Аллоҳ таоло нима сабабдан қанчадан-қанча умматни ҳалок қилди, ҳалқларга офат юборди, золим қишлоқ аҳларини қишлоқлари билан бирга йўқ қилиб юборди. Бу ҳақда унинг ўзи баён қиласди:

**“Биз улардан (Макка мушрикларидан) олдин
ҳам қанчалаб (итоат этмаган) авлодларни ҳалок
этгандирмиз. Сиз улардан бирортасини сезяп-
сизми ёки овозларини эшитяпсизми?!”⁴³²**

Улардан хабар ва ҳадислардан бошқа ҳеч қандай асар қолмади.

Шеър:

*Андалус аҳлидан ким қолди мангу?
Бари учқур отдаи ўтди-кетди-ку?!*

Ғам, алам, мусибат етганларга ҳайқириқ: “Илоҳлик ва тарбияткунандалик билан сифатланган Зотнинг Ҳилм ва Азамат сифатлари ҳам бордир. Бу икки сифат ўзига Қудрат, Раҳмат ва Эҳсон сифатларини ҳам лозим тутади.

Унинг Рубубият (тарбиячилик) сифати юқори ва қуий оламларни тўлиқ тарзда ўз ичига олади, ҳатто Аршни ҳам. Арш эса маҳлукотларнинг энг юқорисида жойлашган ва энг улканидир.

⁴³⁰ Ҳаж сураси 1-оят.

⁴³¹ Аибиё сураси 1-оят.

⁴³² Марям сураси 98-оят.

Комил тарбиячилик Битталикни тақозо этади. Битталик (тавхид) эса фақат Ўзигагина ибодат қилишни, Унгина севишни, Ундангина қўрқиш ва умид қилишни, Унгина улуғлаш ва Унгагина итоат қилишни ўз ичига олади.

Чексиз ва чегарасиз буюклик эса Аллоҳнинг барча комил сифатларининг исботини лозим тутиб, барча нуқсон ва шу каби сифатларни инкор этади. Ҳилм сифати эса мукаммал Раҳмат ва бандаларига Эҳсон сифатларини лозим тутади.

Қалб илмлари ва уларни ҳосил қилиш натижасида инсон ўзида Аллоҳнинг муҳаббатини, уни улуғлаш ва ягона деб билиш малакасини шакллантиради.

Натижада унинг қалбини шодлик, лаззат ва сурур эгаллайди. Ундан ғам, алам, хавотир ва қўрқинч йироқлашади. Агар тепада айтилган малака касал бир кишида ҳосил бўлса, унинг қалбида хурсандлик, умид, келажакка интилиш ҳосил бўлади. Бунинг номи “касалликка қарши ҳиссий кураш”дир. Натижада инсоннинг қалби шифо топади.

ТУШКУНЛИККА ТУШМАНГ, ЧУНКИ ТУШКУНЛИК БАХТСИЗЛИК ЙЎЛИДИР

“Муслимун” газетининг 1410 ҳижрий йил сафар ойида босилган сонида қуйидаги сўзлар битилган:

“Тушкунлик Ғарбни Шарқдан, бойни камбағалдан ажратмайди, балки бутун оламни ҳалок қиласди. У барчага теккан дарддир. Кўпинча унинг ниҳояси ўз жонига қасд қилиш билан тугайди. Ўз жонига қасд қилиш ҳеч қандай давлатни, мансабни, номни тан олмайди. У фақат мўминлардан қўрқади. Баъзи рақамлар бу дард қурбонларининг саноғи оламнинг ҳар тарафида икки юз милёнга етганини кўрсатса, статистик маълумотлар ер юзида ҳар ўн кишидан бири мана шу хатарли касалликка чалинганини маълум қиласди”.

Надоматлар бўлсин, бу дард нафақат каттальарга, балки она қорнидаги ҳомилага ҳам таъсир қилишгача етиб келди бугун.

ТУШКУНЛИК ТОЙИЛИШ ЭШИГИДИР

“Шунингдек, ўзларингни (бир-бирларингни ноҳақ) ўлдирманглар!”⁴³³;

“...ўз қўлларинг (бахилликларинг) билан ўзларингни ҳалокатга ташламанглар!”⁴³⁴

Маълумотларга кўра, Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Роналд Рейган тушкунлик дардига йўлиқкан эди. Бу дард унда ёши етимишдан ўтгач, қайта-қайта қилинган жарроҳлик амалиётлари ва муросасизлик авжига чиққан вақтда такрорланди.

“Қаерда бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топади, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичиди бўлсангиз ҳам. Уларга бирор яхшилик етса, “Бу – Аллоҳдан”, дейдилар. Агар уларга бирор нохушлик етса, “Бу – Сиздан”, деб айтадилар. “Ҳаммаси Аллоҳдандир”, денг (уларга). Бу қавм кишиларига нима бўлдики, гапни англай олмайдилар?”!⁴³⁵

Бошқа кўплаб машҳур кишилар, хусусан илм-фан билан шуғулланганларга бу хасталик ногоҳ чанг солгани. Тушкунлик айримларнинг ўлимида, гарчи ёлғиз сабаб бўлмаса-да, асосий сабаблардан эди. Худди шунингдек, Напалион Бонапарт сургун қилинган ерида умидсизликдан вафот этган.

Биз яна жаҳон матбуотида газеталарнинг биринчи саҳифаларини тўлдирган олмон аёлининг даҳшатли жиноятини яхши эслаймиз. У аёл ўзининг уч нафар боласини ўз қўли билан ўлдирган ва бунга ўзининг уимдизлиги, тушкун ҳолини сабаб қилиб кўрсатган. Мазкур аёл болаларини жуда яхши кўрган ва уларни моддий қийинчиликлар ҳамда ҳаёт машаққатларига

⁴³³ Нисо сураси 29-оят.

⁴³⁴ Бакара сураси 195-оят.

⁴³⁵ Нисо сураси 78-оят

йўлиқишиларидан қўрққани сабабли ўлдирган. Сал кейинроқ эса ўз жонига ҳам қасд қилган.

“Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш” ташкилоти кўрсатаётган рақамлар ҳам бу дарднинг хатарли эканини исботлайди. 1973 йилда бу дардга чалингланлар дунё аҳолисининг 3 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1978 йилда 5 фоизга ўсган.

Баъзи маълумотлар ҳар тўрт америкаликнинг бири умидсизлик дардига йилиқканини кўрсатмоқда. 1981 йили Чикагода бўлиб ўтган инсоннинг руҳий муаммоларига бағишланган семинар раисининг сўзларига кўра жаҳонда ушбу дардга чалингланлар сони юз милён нафар экан. Диққатни тортадиган томони – мазкур bemорларнинг кўпи ривожланган давлатлар фуқаролариdir.

Бошқа маълумотларга кўра эса бундай bemорлар сони икки юз милён нафар экани айтиляпти.

“Кўрмайдиларми, (улар) ҳар йили бир ёки икки марта синовга учрамоқдалар”⁴³⁶.

Ҳакимлардан бири айтади: “Мен нордон лимондан ўзимга мазали шарбат тайёрлайман”.

Бошқа бири эса: “Фойдаларини кўпайтирган киши заковатли эмас, балки заарларидан фойда олган киши заковатли кишидир”, дейди.

“Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар ҳидоят топувчилардир”⁴³⁷.

Бир мақолда: “Девор билан сузишма”, дейилади. Яъни, қайсарлиги сабабли сизга бирон фойдаси бўлмаган киши билан тортишманг!

Шеър:

Кўлдан келмас ишга асло югурма,
Хайр қўлдан келса, қўлмасдан қўйма.

Ҳакимлар айтадилар: “Унни яна ун қилма!”

⁴³⁶ Тавба сураси 126-оят.
⁴³⁷ Бакара сураси 157-оят.

“...(Аллоҳ) сизларга ғам устига яна ғам бериб жазолади”⁴³⁸.

Бу ҳикматнинг маъноси – ўтиб кетган ишларни қайта тафтиш қилиш кишида ғам-ташвишга сабаб бўлади. Бундан ташқари ўтган ишларни кавлаштириш вақтни совуради.

Бир инглиз мақолида “Тўпонни арраламанг!” дейилган. Яъни, тўпон ўзи арралаб бўлинганининг маҳсули. Уни қайта арралашдан ҳеч қандай фойда йўқ.

Инглизлар бу мақолни арзимас ишлар билан машғул, ғам-ғуссани излаб юрувчи, ўтмишни кавлайдиган кимсаларга нисбатан ишлатадилар.

“Биродарларига: “Агар (Ухуд жангидаги ҳалок бўлган мусулмонлар) бизга бўйин суниб (урушдан чиқиб кетганларида) ўлдирилмаган бўлур эдилар”, деб (ўзлари жангда қатнашмай, уйларида) ўтирган кимсаларга айтинг: “Агар гапларингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни даф этинглар-чи?”⁴³⁹

Шеър:

Ўтган ўтди, энди қилма фироқ қиссасини
такрор,
Ғамдан узоқ бўлган кўнгил ором олиб, бўлар
гулзор.

Ишсиз – бекорчи кишиларда вақтни совуриш ўрнига солиҳ амаллар ила охиратга заҳира тўплаш имкони бор. Яъни, вақти бемалол киши бошқаларга кўмак бериш, касалларни, қабристонни зиёрат қилиш, масжидларни обод этиш, хайрия уюшмаларига ёрдам бериш, илмий тадбирларда қатнашиш, уй ва иш хоналарини тартибга солиш, жисмоний тарбия билин шуғулланиш, камбағал, етим-есир ва бечораларга ёрдам қўлини чўзиш каби манфаатли ишлар билан вақтни ўтказиш мақсаддага мувофиқдир.

⁴³⁸ Оли Имрон сураси 153-оят.

⁴³⁹ Оли Имрон сураси 168-оят

“Эй инсон! Албатта, сен меҳнат-машаққат чекиб Раббингга (яни, Унинг мукофоти ёки жазоси сари) борувчисан, бас, (сўнгра) У зотга йўлиқувчисан”⁴⁴⁰.

Шеър:

Яхши амалларнинг юзлари гўзал,
Таъми ҳам топтидир бамисли асал.

Тарихни ўқисангиз, жафо кўрган, хонавайрон бўлган ва мусибат чекканларни кўрасиз.

Шеър:

Тарих қатларида ибратлар бисёр,
Уни билмаганлар адашар тақрор.

“Сизга (эй Муҳаммад!) Пайғамбарларнинг ҳабарларидан кўнглингизга сабот баҳш этадиганларини айтиб бермоқдамиз”⁴⁴¹;

“Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун (катта) ибрат бордир”⁴⁴²;

“Бу қиссаларни (уларга) айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар!”⁴⁴³

Умар (розияллоҳу анҳу): “Тонг оттирсам, мени ҳукм чиқариш ҳукуқидан фойдаланиш мақсадидан ўзга мақсадим бўлмайди”, дейдилар.

Шеър:

Қисмат қай тарафга отса ҳам мени,
Тўсқин бўла олмас шижоатимга.

Бунинг маноси: хоҳ ширин бўлсин, хоҳ аччиқ – Аллоҳнинг қазо ва қадарига у кишининг қалби хотиржамдир.

Баъзи солиҳлар айтадилар: “Мен икки уловдан қай бирига минганимга қарамайман. Минган уловим фақирлик бўлса, демак, у сабр. Агар уловим бойлик бўлса, демак у шукрдир”.

⁴⁴⁰ Иншиқок сураси 6-оят

⁴⁴¹ Ҳуд сураси 120-оят.

⁴⁴² Юсуф сураси 111-оят.

⁴⁴³ Аъроф сураси 176-оят.

Абу Зуайбнинг саккизта фарзанди бир йил ичида ўлат касали сабабли вафот этди. У нима қилганини кўринг: Раббининг қазосига имон келтириди, таслим бўлди, бўйсунди ва бундай деди:

Шеър:

*Мен бу мусибатга берарман бардош,
Ғам-кулфат саботим қилолмас талоши.
Ўлим қачон келса ҳеч чора йўқдир,
Ажалга ҳар банда жим эгади боши.*

“(Инсонга) бирор мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина (етур)”⁴⁴⁴.

Иbn Аббос (розияллоҳу анҳу) икки кўзларини йўқотгач, бундай деган эканлар:

Шеър:

*Икки кўзим нурин олса Буюк Мавло,
Қалб нуримдан чарогондир бутун дунё.
Йўқ нарасага нодонлардек гам чекмасман,
Қалбим закий, ақлим расо, тилим бурро.*

Бу ҳол Аллоҳ берган кўп неъматнинг озгинасини йўқотган бўлса-да, қолгани билан тасалли топиш-дир.

Урва ибн Зубайрнинг (розияллоҳу анҳу) оёқлари касаллик туфайли кесиб ташланди ва шу куннинг ўзида бир ўғли ҳам ўлди. Шунда у зот: “Эй Аллоҳ, Сенга ҳамд бўлсин. Агар (мендан ўғлимни) олган бўлсанг, уни Ўзинг берган эдинг. Агар дард берган бўлсанг, ундан олдинги саломатликни ҳам Сен берган эдинг. Менга тўрт аъзо (икки қўл ва икки оёқ) бериб, улардан фақат битта аъзони олдинг. Тўрт ўғил бериб, фақат биттасини олдинг”.

“Ва сабр қилганлари учун уларни жаннат ва (эг-ниларига) ипак (либос)лар билан мукофотлади”⁴⁴⁵;

“(Аллоҳ йўлида турли мashaқатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (сабрлари энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай”⁴⁴⁶.

⁴⁴⁴ Тагобун сураси 11-оят.

⁴⁴⁵ Инсон сураси 12-оят.

⁴⁴⁶ Раъъ сураси 24-оят

Дурайднинг иниси Абдуллоҳ ўлдирилди. Дурайд имкон қадар инисини ҳимоя қилгани, аммо тақдирдан қутулиб бўлмаслигини эслаб таскин топди. Иниси Абдуллоҳ ўлимидан сўнг мана бу шеърни айтди:

Шеър:

Қанча ёвлар найзам учи ботиб ўлди,
Укам учун отлар миниб кирдим жангга.
Ҳатто кийған усти-бошим хароб бўлди,
Укамни деб тупроқ кечиб ботдим чангга.
Айбламадим ёлғончи деб жигаримни,
Тенг бўлишдим агар топсам ярим танга.

Имом Шофиъий (раҳматуллоҳи алайх) мусибат-задаларга насиҳат ўлароқ тасалли бериб бундай деганлар:

Шеър:

Азал бишилгани ўзгармас ҳеч ҳам,
Бунинг-чун ғам ема, бўлгин хотиржам.
Бирорга бир нени битганда тақдир,
Замину само ҳам тополмас малҳам.

Абул Атоҳия бундай дейди:

Шеър:

Қанча машаққатинг кўп осон бўлди,
Аллоҳ доим сенга меҳрибон бўлди.
Ҳақ марҳамат қилди, ўйламасанг-да,
Толеинг бут, йўлинг чароғон бўлди.

Бизга неча бор ўлим хавф солади. Аммо ўлмаймиз. Неча бор бошимизга тушган ҳодисаларни бизни йўқ қилувчи, сўнгги нафас деб ўйлаган эдик. Кейин билсак, ўша “муаммолар” аслида қайта тикланиш, янги куч ва давомийлик асослари экан.

Неча бор йўлимиз тораяди, суюнчиқларимиз қулайди, дунё кўзимизга қоронгулашади. Аслида улар биз учун енгиллик, нусрат, яхшилик ва хушхабар бўлиб чиқади.

“Айтинг: “Сизларни улардан Аллоҳ қутқаради...”⁴⁴⁷;

“Агар Аллоҳ сизга бирон зарар (мусибат) етказса, Ундан ўзга уни бартараф этувчи йўқдир”⁴⁴⁸.

Аллоҳ доимо Ўз ишида ғолиб эканини билган одам қандай қилиб бошқаларнинг ишларидан қўрқиши мумкин. Агар барча нарса Аллоҳдан бошқа эканини билсангиз, Ундан ўзгалар билан сизни қандай қўрқитишиади. Аллоҳдан қўрққан киши Ундан ўзгадан қўрқадими?!

“...Улардан (ёвдан) қўрқмангиз, (балки) Мендан қўрқингиз!”⁴⁴⁹

Аллоҳ билан бирга бўлганлар шон-шуҳратга эришадилар. Иззат Аллоҳ, Расули ва мўминларницидир.

Аллоҳ билан бирга бўлганлар ғалабага эришадилар.

“...ва албатта, Бизнинг қўшинимиз (яъни пайғамбарлар, мўминлар) ғолибдирлар”⁴⁵⁰.

“Албатта, Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга дунё ҳаётида ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз”⁴⁵¹.

Аллома ибн Касир тафсир китобида қуйидаги ҳадиси қудсийни келтирган: “Иззатим ва жалолимга қасам, банда Мендан паноҳ тиласа, агарда еру осмон унга макр-ҳийла қилаётган бўлса ҳам у бандамга зафар ва нусрат бераман. Агар бандам Мендан ўзгадан паноҳ тиласа, унга ҳатто оёқлари остидаги ерни ҳам чўқтириб юбораман”.

Донишмандлардан бири айтади: “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” сўзи билан юклар кўтарилади, қўрқинчлар арийди ва шарафли ҳолга етилади”.

Эй азиз инсон! У сўзни кўп айтинг. Зеро, у жаннат

⁴⁴⁷ Анъом сураси 64-оят.

⁴⁴⁸ Анъом сураси 17-оят.

⁴⁴⁹ Оли Имрон сураси 173-оят.

⁴⁵⁰ Софрат сураси 173-оят.

⁴⁵¹ Фоғир сураси 51-оят

хазиналаридан бир хазина, саодат байроғи ва қалб хотиржамлиги сабабларидандир.

ИСТИҒФОР ҚҰЛФЛАР КАЛИТИДИР

Донишмандлардан бири айтади: “Бир масалани ечишга жуда қийналдим. Минг марта Аллохға истиғфор айтганимдан сүнг у масала менга равшан бўлди”.

“Бас, дедимки: “Раббингиздан мағфират сўранг! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта ке-чиримли зотдир”⁴⁵².

Хотиржамликнинг асосий сабабларидан бири олийлик эгаси Аллоҳ таолодан мағфират сўрашдир.

Баъзи заарлар аслида фойдалидир. Ҳатто шартлари амалга ошса, маъсият ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Муснадда: “Аллоҳ бандасига бирор ишини ҳукм қилса, у фақатгина яхшилик бўлур”, деган ҳадис ривоят қилинган. Аллома Ҳарронийдан “Ҳатто маъсият бўлса ҳамми?” деб сўраган эдилар. У киши: “Ҳа. Агар банда маъсиятга тавба қилса, надомат чекса ва истиғфор айтиб ўзини синик тутса, у ҳам яхшиликдир”, дедилар.

“Агар улар ўзларига зулм қилгач, дарҳол Сизга келишиб, Аллоҳдан кечирим сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун кечирим сўраганида, Аллоҳ кечирувчи ва раҳм-шафқатли эканини билган бўлур эдилар”⁴⁵³.

Шеър:

Фараҳбахи йилларим ўтди бир кундай,

Қайғули бир куним йилдан узундай.

Яхшими, ёмонми барини кўрдик,

Бугун эслаб дейман: “эртак бор шундай”.

“...(Биз) шу (ғалаба) кунларни (кетма-кет) ал-маштириб турмиз”⁴⁵⁴.

⁴⁵² Нух сураси 10-оят

⁴⁵³ Нисо сураси 64-оят.

⁴⁵⁴ Оли Имрон сураси 140-оят.

“Улар уни (қиёматни) кўрган куни (бу дунёда қанча кўп умр кўрган бўлсалар ҳам) гўё бир оқшом ёки чошгоҳ пайти миқдорича тургандек бўйурлар”⁴⁵⁵.

Ўтмишдаги улуғ зотларнинг аҳволларидан ҳайратланаман. Улар мусибатларни худди неъмат ёмғири ва тонгги шабададек қарши олганлар. Бундай инсонларнинг бошида башарият сultonи Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турадилар. У зот Савр горида ҳамроҳларига “Қайғурманг! Аллоҳ биз билан”, дедилар. Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб таъқибда кетаётгандарида ҳам Суроқага Кисронинг либослари кийдирилишини башорат қилганлар.

Шеър:

*Ваҳий бўлиб горнинг бағридан келар,
Дунёни шодликка тўлдирган хабар.*

Бадр жангиди Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) совутли ҳолларида ўрниларидан сакраб туриб: “Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар”⁴⁵⁶, дедилар.

У Зот Уҳудда жангдан сўнг асҳобларига “Орқамга сафланинглар! Раббимга сано айтайин”, дедилар. Бу набавий юлдузларга етадиган набавий ҳиммат ва тоғларни ларзага келтирадиган набавий қатъиятдир.

Арабларнинг энг сабр-бардошли ва ҳалимларидан бўлган Қайс ибн Осим қавмига бир қиссани сўзлаб берәётган эди. Бир киши келиб унга: “Ўғлингиз ўлди. Уни фалончи хотиннинг ўғли ўлдирди”, деб ҳабар берди. Қайс ибн Осим то сўзи охирига етмагунча пинагини бузмади. Сўнг: “Ўғлимни ювиб, кафланглар ва мени жанозасини ўқишга чақиринглар!” деди.

“...Шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхшилк аҳлидир...”⁴⁵⁷

⁴⁵⁵ Нозиот сураси 46-оят.

⁴⁵⁶ Камар сураси 45-оят.

⁴⁵⁷ Бакара сураси 177-оят.

Икрима ибн Абу Жаҳл (розияллоху анхұ) ўлим талvasасида ётғанларида, у затга сув беришди. У киши эса “Буни фалончига беринглар”, деб Ҳорис ибн Ҳишомни (розияллоху анхұ) күрсатдилар. Шундай қилиб, улар сувни ҳаммаларининг жони узилгунга қадар бир-бирларига илиндилар.

ОДАМЛАР ЗАРАРИНГИЗГА, ФОЙДАНГИЗГА ЭМАС

Соғлом фикрли ақлли кишилар одамларни ўзининг фойдаларига эмас, балки зарарига деб билади. Одамларга суюниб бирон қарор қабул ҳам қилмайди ёки бирон-бир ёндошувни ҳам белгиламайди. Кишиларнинг ўзаро муносабатларида белгиланган ҳад ва фидойиликда ундан ўтилмайдиган чегаралар бор.

Хусайн ибн Алига (розияллоху анхұмо) қаранг, у зот Расуллуррахманнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) неваралари бўлатуриб, ўлдирилсалар ҳам уммат ҳеч нарса демади. Балки у зотни қатл этиб, каллаларини олганлар эришган бу ғалабалари учун такбир ва таҳлил айтишди.

Шеър:

Эй Расул зурёди, сизга не бўлди?
Азиз бошгинангиз қонларга тўлди.
Такбир айтиб сизни қатл қилдилар,
Бу ондан такбир ҳам, таҳлил ҳам ўлди.

Аҳмад ибн Ҳанбални (раҳматуллоҳи алайх) қамаб, қамчилиб, ўлдиришгача етиб борсалар ҳам, ҳеч ким у зотнинг ёнини олмади.

Аллома Ҳарронийни асирга олиб, хачирга тескари миндириб, шаҳарда олиб юрилганида, жанозасига келган оломон бу ҳолдан ларзага келмади. Чунки уларни бу борада ўз чегаралари бор.

“...Ўзларига ҳам бирон зарар ёки фойда беришга эга бўлмайдиган ва на ўлим беришга,

на ҳаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган “илоҳлар”ни тутдилар (уларга сифиндилар)”⁴⁵⁸;

“Эй Пайғамбар! Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Аллоҳ кифоядир”⁴⁵⁹;

“Ўлмайдиган, ҳамиша Барҳаёт зотга таваккул қилинг ҳамда Унинг ҳамди билан тасбех айтинг!”⁴⁶⁰;

“Чунки улар Сиздан Аллоҳ (томони)дан бўлмиш (бирон) нарсани (азобни) қайтара олмаслар”⁴⁶¹.

Шеър:

*Аллоҳнинг арқонин ким тутса маҳкам,
У энг ишончилидир, узилмас ҳеч ҳам.*

ТЕЖАМКОРЛИК

Шеър:

*Беҳуда совурма топган молингни,
Бир кун сени азиз айласа шоят.*

*Шунда камбағаллик етиб ҳолингни
Амаки, тоғангга қилмас шикоят.*

Молни ҳар ёққа сочиш, уни исроф қилиш, ўринсиз ерга эҳсон қилиш ёки уни асло тўпламасликка чақиравчи фалсафа хато. Балки у ҳиндларнинг роҳиблари ва жоҳил сўфийлардангина олинган.

Ислом эса банда моли билан азиз бўлиши учун шарафли касб қилишга ва шарафли мол тўплашга ҳамда шарафли томонга инфоқ қилишга чақиради. Бу ҳақда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Солиҳ кишининг қўлидаги солиҳ мол нақадар яхши”, деганлар.

Албатта, қарзнинг кўплиги ёки ҳалокатга элтувчи камбағаллик кишини ғамга ботиради. Донолар айтадилар: “Сизлар фақатгина түғёнга кетказувчи бойлик ёки унутилган фақирликнигина кутмоқдасиз”.

⁴⁵⁸ Фурқон сураси 33-оят.

⁴⁵⁹ Анфол сураси 64-оят.

⁴⁶⁰ Фурқон сураси 58-оят.

⁴⁶¹ Жосия сураси 19-оят.

Шунинг учун Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб дуо қиласылар: “**Эй Аллоҳ, Сенинг номинг билан куфрдан ва камбағалликдан паноҳ тилайман**”; “**Камбағаллик куфрға яқин нарсадир**”.

Бу айттынан сүз ибн Можа ривоят қылган “**Дунёда зоҳид бўл! Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсада зоҳид бўл, одамлар сени яхши кўради**”, ҳадисига асло қарама-қарши эмас.

Бунинг маъноси будир: энг зарур, бошқаларга муҳтож қымайтидан миқдордаги нарса ва мол сизга етарлидир. Яъни, ўзингиздаги нарсага кўниб шарафли бўлинг, бошқаларнинг қўлига қараб қолманг.

Ҳадисда: “**Ким борига кўнса, Аллоҳ ўша борини етарли қиласди**”, дейилган.

Шеър:

Кўлимни чўзганим якка *Fаний Зот*,
Лекин ундан динор сўрамам ҳайҳот.

Ва яна саҳих ҳадисда: “**Меросхўрларингизни бой ҳолда қолдиришишингиз одамлардан тиланувчи ва камбағал қолдириб кетганингиздан яхшидир**”, дейилган.

Шеър:

Мен учун тиллою бойлик тўпламоқ,
Яхшиларнинг каму кўстига ямоқ.

Шеър:

“**Ма, ол**” деган сўзим бунча мулойим,
“**Йўқ**” сўзим кўнглингни пармалар доим.

Саҳих ҳадисда: “**Устдаги остдаги қўлдан яхши-роқдир**”, дейилган. Юқори қўл берувчи қўлдир. Паст қўл оловчичи ва тиланчи қўлдир.

“(Садақа) Иффатлари туфайли билмаган киши бой деб гумон қиласидиган фақирларгадир”⁴⁶²

Бунинг маъноси бундай: иффатли кишилар ўзи фақир бўлса-да билдирилмасликка ҳаракат қилишади,

⁴⁶² Бакара сураси 273-оят.

одамларга ялиниб тиланчилик қилиб юрмайди. Ризқ ва ажални Аллоҳдан деб билади. Ўзи кафилдир. Имон иззати шарафли бўлиб, ғурурли киши эса доимо боши кўтарилган ҳолатда яшайди. Садақа манашунаقا одамларга берилгани яхши.

“...Улар ўша кофиirlар олдидан куч-қудрат излайдиларми?! (Овора бўладилар!) Зеро, бор куч-қудрат Аллоҳникидир”⁴⁶³.

Шеър:

*Кўл ўтишга менда йўқдир иштиёқ,
Ундан кўра қўлни кессам яхириоқ.
Ўпсаму алқаса, бўлай унга қул,
Йўқса, ҳижолатдан ўлганим маъқул.*

АЛЛОҲДАН ЎЗГАГА БОҒЛАНМА!

Модам ҳаёт берувчи ҳам, жон оловчи ҳам, ризқ бे-ревчи ҳам Аллоҳэкан, нимага одамлардан хавфсираб, безовта бўласиз?! Кўргина ғам-андухларнинг сабаби одамларга лаганбардорлик қилиш, уларнинг розилигига интилиш, уларга яқин бўлиш, мақтовларига ҳарис, ёмонлашларидан безор бўлишда. Бу нарса имоннинг заифлигидандир.

Шеър:

*Ҳаёт аччиқ бўлса, ширин бўл доим,
Ғазаб қилсалар-да, сен бўл мулоийм.
Ният тўғри бўлса, ҳар ишинг осон,
Тупроқнинг устида тупроқдир қоим.*

ҚАЛБ ХУРСАНД БЎЛИШИ САБАЛЛАРИ

Аллома ибн ал-Қайюм қалбни шодлантирадиган бир қанча масалаларни айтиб ўтган:

1. Энг муҳимитавҳиддир. Имоннингватавҳиднинг нечоғли покизалигига қараб инсон қалби кенгайиб, ҳатто дунё ва ундаги нарсалардан-да кенг бўлиши мумкин.

⁴⁶³ Нисо сураси 139-оят

Мушрик ва даҳрийларга ҳаёт йўқ. Аллоҳ бу ҳақда шундай марҳамат қиласи: “**Ким Менинг эслатмамдан юз ўтирса, бас, албатта унинг учун танг – баҳтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтиurmиз**”⁴⁶⁴;

“Аллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини Ислом учун кенг қилиб қўяди”⁴⁶⁵;

“Ахир, Аллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигоридан бир нур – ҳидоят устида бўлган киши (куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми)?! Бас, қалблари Аллоҳни эслашдан қотиб қолган (яъни, Аллоҳни эслашни тарқ қилган) кимсаларга ҳалокат бўлгай! Улар очик залолатдадирлар!”⁴⁶⁶

Аллоҳ душманларига қалбини торайтириш, кўрқув, хавф, безовталиқ ва изтироб билан таҳдид қилди:

“Аллоҳ ҳужжат туширмаган (бут, санам каби) нарсаларни Унга шерик қилганлари учун кофирларнинг дилларига ваҳима солурмиз”⁴⁶⁷;

“Бас, қалблари Аллоҳни эслашдан қотиб қолган кимсалар ҳолига вой!”⁴⁶⁸

“Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр”⁴⁶⁹.

2. Қалбни қувонтирадиган нарсалардан яна бири фойдали илмдир. Уламолар ўzlаридағи мұхаммадий-набавий мерос туфайли энг қалби кенг, завқли, жуда баҳтиёр кишилардир.

“(Зоро,) Аллоҳ сизга **Китоб ва Ҳикматни тушируди ва билмаган нарсаларингизни билдириди**”⁴⁷⁰.

⁴⁶⁴ Тоҳза сураси 124-оят

⁴⁶⁵ Анъом сураси 125-оят

⁴⁶⁶ Зумар сураси 22-оят

⁴⁶⁷ Оли Йирон сураси 151-оят.

⁴⁶⁸ Зумар сураси 22-оят

⁴⁶⁹ Анъом сураси 125-оят.

⁴⁷⁰ Нисо сураси 113-оят

“Бас, (эй Мұхаммад,) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини билинг...”⁴⁷¹

3. Улардан яна бири солиҳ амал. Чунки яхшиликлар қалбда ёруғлик, юзда нур, ризқда кенглик ва халойик юрагида мұхаббат уйғотади.

“...Биз уларни сероб қилган бўлур эдик”⁴⁷².

4. Яна қалбни шод қиласидиган нарсалардан навбатдагиси шижаат. Шижаатли кишининг феъли кенг, довюрак, мустаҳкам иродали бўлади. Чунки у Раҳмонга яқинлаштиради. Шижаатли одам турфа ҳодисалардан ғам чекмайди, миш-мишларга аҳамият бермайди, турфа вахималар уни чўчитмайди.

Шеър:

Ўлдиromoқчи бўлиб қуравар у сиртмоқ,
Менга ҳалинчакдир бу – бир ўйинчоқ.
Шубҳа йўқки, бир кун мен ҳам ўламан,
Олдинроқ ўлади дор қурган қўрқоқ.

5. Юрак суурига сабаб бўлувчи яна бир омил бу гуноҳлардан тийилиш. Чунки гуноҳ жонсараклик, даҳшат ва зулуматдир.

Шеър:

Кўрдимки, гуноҳлар қалбни ўлдирур,
Бардавом бўлинса, хорлик келтирур.

6. Навбатдаги омил бу – сўзлаш, ейиш, ухлаш ва инсонларга аралашибдан иборат мубоҳ ишларни кўп қилишдан сақланиш.

“Улар бехуда – фойдасиз (сўз ва амаллардан) юз ўғиргувчи кишилардир”⁴⁷³.

“У бирон сўз талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозири нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)”⁴⁷⁴.

“(Хоҳлаганингизча) еб-ичаверинглар, факат исроф қилманглар”⁴⁷⁵.

⁴⁷¹ Мұхаммад сураси 19-оят.

⁴⁷² Жинг сураси 16-оят

⁴⁷³ Муъминун сураси 3-оят.

⁴⁷⁴ Коғ сураси 18-оят.

⁴⁷⁵ Аъроғ сураси 31-оят

Шеър:

Кўрдимки, гуноҳлар қалбни ўлдирур,
Бардавом бўлинса, хорлик келтирур.

ҚАЗО БИТИБ ҚЎЙИЛГАН

Бир бемор сиқилиш ва хавотир табибидан ғамташвиш ва хавф-хатар хасталиги ҳақида сўради. Шунда муслим табиб унга: “Оlam яратилиб, унинг тадбиридан фориғ бўлинган. Унда ҳар бир ҳаракат, ҳатто шивирлаш ҳам фақагина Аллоҳ таолонинг изни билангина бўлади. Шундай экан, сиқилиб, ғам чекишнинг нима кераги бор?” деб жавоб берган экан. “*Аллоҳ таоло яратиқларининг тақдирини уларни яратишдан эллик минг йил илгари ҳукм қилиб қўйган*” (*Муслим ривояти*).

Шеър:

Арзимас бир ушиқ каттадир кичикка,
Улканни ҳам кичик кўради катта.

ҲУРРИЯТ МАЗАСИ ТОТЛИДИР

Рошид ўзининг “Масор” номли асарида бундай деб ёзган: “Кимнинг уч юз олтмишта нони, бир идиш ёғи, бир минг олти юзта хурмоси бўлса, уни ҳеч ким қул қила олмайди”.

Солиҳ салафлардан бирлари айтади: “Ким қотган нон ва сувга қаноат қилса, Аллоҳдан ўзгага қул бўлмайди”.

“*Унинг (сарф қилувчининг) ҳузурида (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир*”⁴⁷⁶.

Шеър:

Билмасдан эргашдим истакларимга,
Кул қилиб, умримни этишиди барбод.
Қаноат қилсайдим кам неъматга ҳам,
Умрим файзга тўлиб яшардим озод.

Бойлик, мансаб ва амал ила бахтга етишаман деб уринаётганлар тез орада ўзлари ҳақиқий ҳасрат чекувчи эканларини ҳамда фақатгина ғам-алам ииққанларини билиб оладилар.

“Аллоҳ қиёмат куни айтади: “Хузуримизга сизларни биринчи марта қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз-ёлғиз келдингиз. Сизларга (мулк қилиб) берган (бойлик)ларни орtingизда қолдирдингиз”⁴⁷⁷.

“Ҳа, сизлар (эй кофирлар!) дунё ҳаётини (охиратдан) устун қўясиз. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва бокийроқдир”⁴⁷⁸.

СУФЁН САВРИЙНИНГ ЁСТИФИ ТУПРОҚ БЎЛГАН

Суфён Саврий ҳаж қилганларида Муздалифа водийида тупроқни ёстиқ қилиб олдилар. Шунда йўлдошлар унга: “Дунё муҳаддиси бўлатуриб шундай жойда ҳам тупроқни ёстиқ қиласизми?” дейишиди. Шунда у зот: “Менинг бу ёстиғим халифа Абу Жаъфар Мансурнинг болишидан яхшидир”, деб жавоб қилдилар.

Шеър:

*Кўлин хорлик билан чўзган кимсага
Ҳали бошқаларга етмасдан шу тоб,
Кескир шамишир билан чопиб ташланса,
Берилган бўлади муносиб жавоб.*

“Айтинг: “Бизга Аллоҳнинг ёзиб қўйганидан ўзга нарса етмайди”⁴⁷⁹.

МИШ-МИШ ТАРҶАТУВЧИ ВАХИМАЧИЛАРГА ИШОНМАНГ

Кўплар қўрқадиган ёлғон ваъда, ёмон вазият ва шароитлар аслида қуруқ ваҳималар, холос.

⁴⁷⁷ Анъом сураси 94-оят

⁴⁷⁸ Аъло сураси 16-17-оят

⁴⁷⁹ Тавба сураси 51-оят.

“Шайтон сизларни (хайр-эҳсон қилишда) камбагал бўлиб қолишдан қўрқитади ва фахш ишларга ундиади. Аллоҳ (эса) сизларга Ўзидан мағфират ва фазл (бойлик) ватъда қилади. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир”⁴⁸⁰.

Хавотир, бедорлик ва ошқозон яраси⁴⁸¹ умидсиз ва муваффақиятсизликларга таслим бўлиш натижасидир.

Шеър:

*Бизга сиздан яна жазо не ҳожат?
Хавотир шундоғам қилди бетоқат.*

ҲАҶОРАТЛАР СИЗГА АСЛО ЗАРАР БЕРМАЙДИ

“Бас, улардан юз ўгиринг”⁴⁸².

“Бас, (шундай экан, жоҳилларнинг азиятларига сабр қилинг ва уларни) чиройли юз ўгириш билан тарқ этинг!”⁴⁸³

“Бас, (эй Муҳаммад!) Улардан юз ўгиринг ва “Саломатлик бўлсин”, денг!”⁴⁸⁴.

Ҳассон айтади:

Шеър:

*Маломатчи қилса ҳаҷорат, ғавғо,
Аҳмоқ тиши қайраса, қилмасман парво.*

Америка Кўшма Штатларининг собиқ президенти Абрам Линколн шундай дейди: “Менга келган ҳаҷоратомуз хатларни асло ўқимайман. Уларга раддия ёзиш у ёқда турсин, ҳатто конвертини ҳам очмайман. Сабаби мен улар билан овора бўлсан, ҳалқимга ҳеч нарса бера олмайман”.

Демак, маънисиз сўзлар айтувчи ҳаҷоратчи, пасткаш ва маломатчиларнинг гаплари кимсага зарар

⁴⁸⁰ Бакара сураси 268-оят.

⁴⁸¹ Асаёйлик ва хавотир сабабли ошқозоннинг ишлаш тизими бутилишини тиббиёт мутахассислари тасдиқлашган.

⁴⁸² Сажда сураси 30-оят.

⁴⁸³ Хижр сураси 85-оят.

⁴⁸⁴ Зухруф сураси 89-оят.

бера олмайди. Мусулмон киши уларга эътибор ҳам бермаслиги ёки шижаат соҳиблари ундан таъсирланмасликлари керак.

Иккинчи Жаҳон уруши вақтида Америка дengиз кўшинлари қўмондони шуҳратпарат киши эди. У ўзига ҳақорат ва сўкишлар ёғдирадиган ходимлари билан биргаликда ишлаб, бундай дер эди: “Бугун менинг ҳақимда жуда катта танқидлар бор. Ёшим улғайди. Ўзимга назар солиб, бир нарсани билдим: гап-сўзлар ғалабани йўққа чиқара олмайди, кўрғон деворларини вайрон ҳам эта олмайди”.

Шеър:

*Шоирлар мендан не қилишар талаб?
Умрим кетиб борар элликка қараб.
Дилимга жо бўлди ул Масих сўзи,
“Яшангиз, – деган у, – ёвни ярлақаб”.*

Бунинг маъноси – душманларингизни кечиринг! Улар умрингиз заволи бўлган ҳиқду адоват, интиқом ва қасосдан саломат бўлсинлар.

“**Улар** (мазкур тақводорлар)...**одамларни** (хато ва камчиликларини) **кечирадиганлардир**”⁴⁸⁵.

Расууллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам асиirlарга: “*Кетаверинглар, сизлар озодлар*”, деганлар.

“...*Бу кун сизларга нисбатан айлов йўқ*”⁴⁸⁶.

“...*Аллоҳ ўтган (ов жиноятлари)ни кечирди*”⁴⁸⁷.

БОРЛИҚДАГИ ГЎЗАЛЛИКЛАРНИ ЎҚИНГ

Олийлик ва карам эгаси Аллоҳнинг махлуқотларидағи гўзалликларга боқиши ва борлиқдаги ажойиботларга ибрат ила лаззатланиш қалб қувончи сабабларидан бўлиб, у очик-равшан китобдир. Аллоҳ таоло махлуқотлари борасида бундай марҳамат қилган:

“...*У (сув) билан гўзал боғларни ўстирдик*”⁴⁸⁸;

⁴⁸⁵ Оли Имрон сураси 134-оят.

⁴⁸⁶ Юсуф сураси 92-оят.

⁴⁸⁷ Мойда сураси 95-оят.

⁴⁸⁸ Намл сураси 60-оят

“Булар Аллоҳ яратган нарсалардир. Энди, (эй мушриклар!) сизлар менга Үндан ўзгалар нималарни яратганини күрсатингиз-чи!”⁴⁸⁹;

“Айтинг: “Осмонлар ва Ердаги нарсаларга (ибрат назари билан) боқингиз!”⁴⁹⁰.

Яна бир неча саҳифадан сўнг сизни ҳикмат ва улуғликка далолат қилувчи борлиқ хабарларни баён қиласман.

“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”⁴⁹¹.

Шеър:

*Фазо китобига гар солсам назар,
Менда йўқ суратлар унда кўринар.*

Чарақлаган қуёшда, ёрқин юлдузларда, тонгда, аъзоларда, тепаликда, дараҳтда, мевада, зиёда, ҳавода, сувда өа борлиқнинг бошқа нарсаларида ўқиладиган нарсалар бор.

Шеър:

*Ҳар бир мавжудотда бир белги аён,
Аллоҳ бирлигидан беради нишон.*

Илё Абу Мозий айтади:

Шеър:

*Эй шикоят қилғучи, сенда не ун,
Гар жисмда оғриқ ила ўтса тун?*

*Гулга боқсанг, кўринур ёлғиз тикан,
Ложувард шабнамни кўрмассан ҳечам.*

*Гўзаллик қалбингдан олган бўлса жой,
Қай сорига боқсанг, кўринур чирой.*

⁴⁸⁹ Лукмон сураси 11-оят

⁴⁹⁰ Юнус сураси 101-оят

⁴⁹¹ Тоҳа сураси 50-оят.

“АХИР, УЛАР ТУЯЛАРГА ҚАРАБ, ҚАНДАЙ ЯРАТИЛГАНИГА БОҚМАЙДИЛАРМИ?!”⁴⁹²

“(Аллоҳ) барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир”⁴⁹³.

“Биз уларни фақат ҳақиқат (жиддият) билан яратгандыз”⁴⁹⁴.

“Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилимайсизми?!”⁴⁹⁵

Эйнштейн шундай дейди: “Ким борлиққа ибрат назари билан қараса, унинг Яратувчиси ноёб нарсалар илингилхушлик қилмайдиган Ҳаким Зот эканини билади”.

Ушбу сўзлари билан олим: борлиқдаги барча нарса аниқ ҳисоб-китоб, ҳикмат, тартиб ва низом билан ишлайди, унга қараган киши бу ерда ҳар ишни палапартиш қилиб кетавермайдиган олий қодир Илоҳ мавжудлигини билади, демоқчи.

Аллоҳ таоло яна бундай марҳамат қиласи: “**Қуёш ҳам, Ой ҳам (аниқ) ҳисоб билан (сайр қилур)**”⁴⁹⁶.

“На Қуёш Ойга етиши мумкин ва на тун кундан ўзувчиdir. (Қуёш, Ой ва юлдузларнинг) ҳар бири (бир) фалакда сузиб юрадилар”⁴⁹⁷.

ҲИРС ФОЙДА БЕРМАЙДИ

Жаноби Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Бирор-бир жон ўз ризқи ва умрини тўла олмагунча ўлмайди**”, дея марҳамат қилғанлар. Шундай экан, жазавага тушиш, безовталиқ ва ҳирснинг нима кераги бор?

“...Унинг даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир”⁴⁹⁸.

⁴⁹² Гошия сураси 17-оят

⁴⁹³ Сажда сураси 7-оят

⁴⁹⁴ Духон сураси 39-оят.

⁴⁹⁵ Мұтынин сураси 115-оят.

⁴⁹⁶ Ар-Рахмон сураси 5-оят

⁴⁹⁷ Есин сураси 40-оят.

⁴⁹⁸ Раъд сураси 8-оят.

“...Аллоҳнинг иши ўлчовли тақдирдир”⁴⁹⁹.

МУСИБАТЛАР ГУНОХЛАРГА КАФФОРАТДИР

Шоир Ибн Мұтаздан ушбу сўзлар нақл қилинади: “Ё Аллоҳ, Аллоҳга таваккал қилган кишининг юки нақадар енгил, Унга ишонувчининг қайтиши мунчалар тез!”

Расулуллоҳ(соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Мусулмонга етган ғам, ташвиш, қийинчилик, мاشаққат ва қасаллик, ҳатто унга кирган тикан сабабли Аллоҳ унинг хатоларини кечиради”, дедилар.

Бу башорат машаққатларга сабр этган, савоб умид қилган, Аллоҳга тавбада бўлган ва ўзини Ягона ва Вахҳоб Зот билан мулоқот қилгаётганини билган кишилар учундир.

Шеър:

Модомики бадан ила рух ҳамро(ҳ),
Сени замонингга қилар бепарво.
Асл ҳурсандчилик мудом шод қилур,
Маҳзунлик ғайб сирин ечолмас асло.

“То сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсиз ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) ҳам кетмагайсиз”⁵⁰⁰.

ФАҚАТ АЛЛОҲГА СУЯНИНГ

“Бизга Аллоҳнинг ўзи етади. У қандай ҳам яхши Вакилдир”⁵⁰¹.

Бу сўзни Иброҳим (алайхиссалом) ўтга отилгандарида айтган эдилар, олов салқинлик ва саломатлик бўлди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Уҳуд жангига айтган эдилар, Аллоҳ уларга нусрат берди.

Иброҳим халилуллоҳ манжаниққа солинган чоқларида Жаброил (алайхиссалом) келиб:

⁴⁹⁹ Ахзоб сураси 38-оят.

⁵⁰⁰ Ҳалид сураси 23-оят

⁵⁰¹ Оли Имрон сураси 173-оят

Ўқинма

“Мендан сўрайдиган бирон ҳожатингиз борми?” деб сўрадилар. Иброҳим (алайхиссалом): “Сизга ҳожатим йўқ, аммо Аллоҳга ҳожатим бор”, деб жавоб бердилар.

Одатда, денгиз одамларни чўктиради, олов эса куйдиради. Лекин “**Бизга Аллоҳнинг ўзи етади. У қандай ҳам яхши Вакилдир**”, сўзи сабабли денгизлар қурийди, оловлар сўнади.

Мусо (алайхиссалом) қарасалар, олдиларида денгиз, ортларида душман. Шунда: “**Йўқ, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени (хавфсиз) йўлга бошлар**”, дедилар. Аллоҳнинг изни ила нажот топдилар.

Сийрат китобларида зикр қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Саврғорига кирганларида Аллоҳ таолонинг амри билан у ерга қабутар уя қурди. Ўргимчак эса ғор оғзига тўр тўқиди. Мушриклар буларга қараб: “**Мұҳаммад бу ерга кирмаган**”, деб қайтиб кетдилар.

Шеър:

*Билгинки, ўргимчак бирла қабутар,
Аллоҳнинг лутфидан топишиди зафар.
Қилинган иши эмас, берилган фазл,
Ҳар жонга ҳамиша нажот етказар.*

Ҳа, албатта, бу Аллоҳнинг иноятидан бошқа нарса эмас. Агар банда эътибор бериб, барча ишга қодир, ёрдамчи, валий ва раҳмли Рабб борлигини билса, фақат Унгагина таянади.

Шавқий айтади:

Шеър:

*Иноят синч кўзин тикди сен томон,
Ғам чекма, бошингга не келса, омон.*

“...**Бас, Аллоҳ энг яхши асрарувчиидир ва У меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир**”⁵⁰².

⁵⁰² Юсуф сураси 64-оят.

САОДАТНИ ЯРАТУВЧИЛАР

Имом Термизий ривоят қилған ҳадисда айтилади: “*Ким ўз уйида хотиржам, тани саломат ҳолда тунни ўтказса ва унинг бир кунлик емиши ҳам бўлса, дунё тўлалигича уники бўлибди*”.

Маъноси: озиқ-овқати, ётадиган тинч жойи бор одам энг гўзал баҳт ва катта яхшиликлар эгасидир. Кўплар мана шундай баҳтга эгадир, лекин ўзлари билмайди ва ҳис этмайди.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ўз элчисига айтди:

“*Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим*”⁵⁰³.

Қайси неъмат Расулulloҳга (соллоллоҳу алайхи васаллам) комил бўлган эди? Озиқ-овқатми, қасрларми ёки олтин-кумуш неъматими? Ахир, Расулulloҳ (соллоллоҳу алайхи васаллам) буларнинг хеч қайсисига эга эмас эдилар-ку? У зот шиплари хурмо дарахтининг шохларидан қилинган, лойдан қурилган биргина хонада ҳаёт кечирап эдилар. Очликни билдирилас, дебикки тошни қорнларига боғлаб олар, хурмо дарахтининг барглари тўлдирилган ёстиққа суяниб ўтирап эдилар. У зот ўзларининг соутларини бир яҳудийга ўттиз соъарпа учун гаровга берганлар.

Шеър:

Сиз ёруғ оламдан кўз юмар замон,
Арна деб гаровда қолди бир анжом.
Етимликнинг потли маъноси Сизда
Уларга ғамхўр деб қолди Сиздан ном.

Шеър:

Баланд қаср ўрнига бўлса бир лой уй
Ҳам илмлар ғори – Сизга қифоя.
Ва ёки тақводан тикилган чодир,
Фазл барпо қилган мустаҳкам қоя.

“Албатта, Сиз учун охират (саодати) дунё (фароғати)дан яхшироқдир. Яқинда Раббингиз Сизга (шундай нेъматларни) ато этурки, Сиз, албатта, (ундан) рози бўлурсиз”⁵⁰⁴.

“(Эй Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик”⁵⁰⁵.

МАНСАБ КУЛФАТИ

Шеър:

Эй мансаб домидан бош тортган шаҳдим,
Наҳотки сўндиранг сабриму аҳдим?

Мансаб ҳаёт машаққатларидан биридир. Мансаб солиғи жуда қимматдир. У обрўни, соғликни, роҳатни кетказади. Унинг кундалик машаққатларидан камдан-кам киши нажот топади. Унда тер тўкиш, қон тўкилиши, сумъя, роҳат, иззат, шараф ва ҳурматга эришиш мумкин.

“Салтанатим ҳам ҳалок бўлиб мендан кетди”⁵⁰⁶.

Шеър:

Мол-дунё ортидан чопмасанг беҳол,
Ўзи бош эгади, топади завол.
Дунё сени қувса, олгин хавотир,
Чунки кейин борар манзил фанодир.

“Буюклик ва қарам Соҳиби Парвардигорингизнинг Юзи – Ўзигина боқий мангур қолур”⁵⁰⁷.

Улуғлардан бири ўғлига насиҳат қилиб, дебди: “Ўғлим, ҳеч қачон бош бўлишга интилма, чунки бош кўп оғриқ азобини чекади”.

Ҳар доим энг бошида, яъни, марказда бўлишга муҳаббат қўйманг. Чунки зарба ва ҳақоратларнинг барчаси ана ўшаларга тегади.

⁵⁰⁴ Зухо сураси 4-5-оятлар

⁵⁰⁵ Кавсар сураси 1-оят

⁵⁰⁶ Ал-Ҳаккоҳ сураси 29-оят.

⁵⁰⁷ Ар-Рахмон сураси 27-оят.

Шеър:

Хукумдор құлса-да әлгаadolat,
Кимлардир барибир құлар adovat.

НАМОЗГА КЕЛИНГЛАР

“Сабр ва намоз ўқиши билан мадад сүранглар”⁵⁰⁸.

Расулуллоҳа (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) би-рон иш машаққат туғдирса, намозга шошилиб: “Эй Билол, намоз билан бизни роҳатлантиргин”, деб айттардилар.

Яна у зот: “Кўз қувончим намозда қилинди”, де-дилар.

Агар қалбингиз торайиб, ишларингиз қийинла-шиб, макр кўпайиб кетса, намозга шошинг ва уни ўқинг. Агар юзингизда кунлар зулматлашиб, кечалар ҳар турли бўлса ва дўстлар ўзгариб қолса, намоз ўқишини ўзингизга лозим туting.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ул-кан ва муҳим ишларда қалбларини намоз билан сайқаллаб олардилар. Масалан, Бадр, Аҳзоб ва бошқа ўринларда шундай қилганлар. Ҳофиз ибн Ҳажар Мисрдаги қалъага борганида ўғрилар уни ўраб олишди. У ўрнидан туриб, намоз ўқиди. Намоз са-бабли Аллоҳ улардан халос этди.

Ибн Асокир ҳикоя қилишича, солихлардан бири-га Шом кўчаларида ўғри йўлиқиб қолди. Ўғрилар у зотни ўлдирмоқчи бўлишганида солиҳ киши икки ракат намоз ўқиб олиш учун изн сўради. Изн бе-рилгач, туриб намозни бошлаб “Ёки музтар-но-чор одам дуо-илтижо қилган вактида (дуосини) ижобат қиласиган зотми?”⁵⁰⁹ оятини уч марта қайтарган эди, осмондан бир фаришта найза билан тушиб жиноятчини ўлдирди-да, “Қийналганида дуо қилганнинг дуосини ижобат этадиган Зотнинг элчи-си менман”, деди.

508 Бакара сураси 45-оят
509 Намл сураси 62-оят.

“Ахлингизни намоз (үқиш)га буюринг ва (үзингиз ҳам) унга (намозга) бардошли бўлинг!”⁵¹⁰

“Албатта, намоз бузуқ ва ёмон ишлардан қайтади”⁵¹¹.

“Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир”⁵¹².

Яна қалбни шод қилиб, ғамни кетказадиган нарсалардан бири Расулulloхга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтишдир.

“Албатта, Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга саловот ва саломлар айтинглар!”⁵¹³

Имом Термизийдан ривоят қилинади: Убай ибн Каъб (розияллоҳу анху): “Эй Аллоҳнинг расули! Сизга қанча салавот айтайнин?” деб сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хоҳлаганингча”, дедилар. Убай: “Тўртдан биридами?” деган эди, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хоҳлаганингча, агар зиёда қилсанг яхши”, дедилар. Убай: “Учдан иккисими?” деган эди, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хоҳлаганингча, агар кўпайтирсанг яхши”, дедилар. Убай: “Барчасини сизга салавот айтишга сарфлайми?” деган эди, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, гуноҳларинг кечирилиб, ғамингни кеткашишга етади”, дедилар.

Демак, саййидимизга салавот айтиш билан ғамларимиз кетар экан. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта салавот айтади. Жума кечаси ва жума кундузи менга салавот айтишини кўпайтирглар, чунки салавотларингиз менга кўрсатилади”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Қандай

⁵¹⁰ Тоҳа сураси 132-оят.

⁵¹¹ Анқабут сураси 132-оят.

⁵¹² Нисо сураси 103-оят.

⁵¹³ Ахъоб сураси 56-оят.

қилиб салавотларимиз сизга күрсатилади, ахир, сиз чириб кетасиз-ку?” дейишган эди, Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам): “*Албатта, Аллоҳ набийлар жасадларини ерга ейшини ҳаром қилди*”, дедилар.

Расулуллохга (соллаллоху алайҳи ва саллам) иктидо қилиб, у зот олиб келган нурга эргашилса, қалб шод, қадри олий ва зикри юқори бўлади.

Олимлардан бири қуйидаги салавотни салавотларнинг энг яхшиси деган:

“*Аллоҳумма, солли ъала Мухаммадин ва ъала али Мухаммад. Кама соллайта ъала Иброҳима ва ъала али Иброҳима фил оламина иннака Ҳамидум Мажид. Аллоҳумма, барик ъала Мухаммадин ва ъала али Мухаммад. Кама барокта ъала Иброҳима ва ъала али Иброҳима, иннака Ҳамидум Мажид*”. (Маъюси: Эй Аллоҳ, Иброҳимни (алайҳиссалом) ва у зотнинг оиласларини ҳам яхшилик ва раҳматда қил. Албатта, Сен мақтovli, улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ, Иброҳимни (алайҳиссалом) ва у зотнинг оиласларини баракотли қилганингдек, Мухаммадни (алайҳиссалом) ва у зотнинг оиласларини ҳам баракотли қил. Албатта, Сен мақтovli, улуғ Зотсан.)

Шеър:

*Ишқингиз биз учун ҳар недан қиммат,
Гарчи бунинг-чун кўп кўрдик маломат.
Бундай маломатлар бизга чин шараф,
Зиён-захмат эмас, наф устига наф.*

ХАЙР-ЭҲСОН ҚАЛБ ХУРСАНДЧИЛИГИ

Одамларга хайру эҳсон, яхшиликлар қилиш ғам-ғуссани кетказиб, баҳт-саодат келтирадиган омиллардан хисобланади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Эй имон келтирганлар! На савдо-сотиқ, на ошнагайничилик ва на шафоат (қилиш) бўлмайдиган

күн (қиёмат) келишидан олдин сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан (шудунёда) әхсон қилингиз! Коғирлар эса, улар (ўзларига) жабр қилувчилардир⁵¹⁴.

“...садақа қилувчи әркаклар ва садақа қилувчи аёллар...улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мұкофотни (яғни жаннатни) тайёрлаб қўйғандир”⁵¹⁵.

Расууллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) баҳил ва сахий инсонни зарбулмасал қилиб айтдилар: “Баҳил ва сахий иккаласи эгнига жубба кийган кишиларга ўхшашиди. Сахий молини яхшиликка сарфлаган сари жуббаси ва темир совути кенгайиб, ичида ўзи йўқдек бўлиб қолади. Баҳил эса зиқналик қилган сари совути қисилиб, руҳи чиққудек бўлади”.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “Молларини Аллоҳ ризолигини истаб, самимий сарф қиладиган кишилар адирдаги боқقا ўхшайди: унга жала қуйгач, ҳосилини икки баробар етиширади. Агар унга жала ёғмаган бўлса, томчилаб ёқсан ёмғир ҳам (ўзига яраша ундиради). Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчиидир”⁵¹⁶.

“(Баҳиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг”⁵¹⁷.

Қалб бойлиги қўл бойлигининг бир кўринишидир. Баҳил зиқна ва ёмон хулқли хисобланади. Чунки улар Аллоҳ таолонинг фазлига баҳиллик қилишади. Агар одамларга берадиган нарсаси аслида баҳт эканини билганида бундай яхши ишларга шошилган бўлар эди. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “Агар сизлар Аллоҳга “қарзи ҳасана” берсангиз (мухтоҷларга әхсон қилсангиз), У сизларга бир неча баробар қилиб қайтаради ва (гуноҳларингизни) кечади. Аллоҳ миннатдор (оз олиб, кўп берувчи) ва ҳалимдир”⁵¹⁸.

⁵¹⁴ Бакара сураси 254-оят

⁵¹⁵ Ахъзоб сураси 35-оят.

⁵¹⁶ Бакара сураси 265-оят.

⁵¹⁷ Исрө сураси 29-оят

⁵¹⁸ Тагобун сураси 17-оят

“Ким ўз нафси баҳиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар (охиратда) нажот топувчидирлар”⁵¹⁹.

“...ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эхсон қиласындардир”⁵²⁰.

Шеър:

Аллоҳ берган молдан инфоқ қилса ким,
Ориятли, сахий отли бўлади.

Мол мисли сувдир – турса айнийди,
Оқиб турса муздек, томли бўлади.

Хотам айтади:

Шеър:

Олдимда туради хуаштаъм бир емак,
Қорин ҳам қулдирап – очликдан дарак.
Есам, мени хасис дея эсларлар,
Уни ўзгаларга илинмоқ керак.

Бу сахий киши аҳли аёлига меҳмон учун таом тайёрлашни ва уни кутишни буюради. Чунки бундай киши меҳмон билан қалби ёришади.

Шеър:

Таом ҳозирлашда мўлроқ қилингиз!
Мен овқат емайман бир ўзим ёлғиз.
Сўнгра аёлига яна бундай дейди.

Шеър:

Ҳеч сахий қазоси етмасдан ўлмас,
Ҳеч баҳил ажалдан узоқ яшолмас.

АЧЧИҚЛАНМАНГ

Аллоҳ таоло айтади: “Агар Сизни шайтон вас-
васага тутмоқчи бўлса, у ҳолда Аллоҳдан паноҳ
сўранг! Зоро, У Эшитувчи ва Билувчи (зот)дир”⁵²¹.

Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳо-
баларидан бирига насиҳат қилиб: “Газабланма,
газабланма, газабланма”, дедилар.

⁵¹⁹ Ҳашр сураси 9-оят.

⁵²⁰ Бакара сураси 3-оят.

⁵²¹ Фүссилаг сураси 36-оят.

Бир киши Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида ғазабланган пайтида шайтондан паноҳ сўрашни буюрдилар.

“Яна мен Сендан, эй Раббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ сўрайман”⁵²².

“Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшандада улар (ҳақни) кўрувчиidlар”⁵²³.

Ғам ташвиш, хафагарчиликларни келтириб чиқарадиган нарсалардан бири қизиққонлик ва аччиқланишдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу касаллик даволаридан бир нечасини айтиб ўтганлар. Куйида баъзиларини келтирамиз.

1. Фазабни ташлашга одатланиш. Аллоҳ таоло айтади: “Улар (тақводорлар) фаровонлик ва танглиқ кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) кечирганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади”⁵²⁴.

“Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир”⁵²⁵.

2. Таҳорат қилиш. Чунки ғазаб оловдан бир парча. Оловни эса сув ўчиради. Ҳадисларда айтилади: “Поклик имоннинг ярми”; “Таҳорат мўминнинг қуроли”.

3. Ғазабланган инсон тик турган бўлса ўтириб олиши, ўтирган бўлса ёнбошлаб олиши.

4. Ғазабланган пайтда гапирмасдан жим туриш.

5. Ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) кечирадиганларга бериладиган савобларни эслаш.

⁵²² Муъминун сураси 98-оят.

⁵²³ Аъроф сураси 201-оят.

⁵²⁴ Оли Йимрон сураси 134-оят.

⁵²⁵ Шўро сураси 37-оят.

ТОНГГИ ЗИКРЛАР

Ҳар тонгда давомли такрорланадиган зикрларни айтиб ўтамиз. Чунки бу зикрлар сизга саодат келтиради, инсу жин ёмонлигидан сақтайди ва кун бўйи сизга қўргон бўлади.

Расуллурроҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тонгда айтиладиган бир неча зикр қилинган.

1. Кечга кирдик, мулк ҳам Аллоҳники бўлиб кечга кирди, ҳамд Аллоҳницидир, Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ, мулк ва ҳамд Уницидир, У Зот ҳар бир нарсага қодирдир. Эй Раббим! Сендан бу кечанинг ва бундан кейинги кечаларнинг яхшиликларни сўрайман. Бу кеча ва бундан кейинги кечаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Эй Раббим! Дангасалиқдан ва ёмон қариликдан паноҳ сўрайман. Эй Раббим! Дўзах азобидан ҳамда қабр азобидан паноҳ сўрайман.

2. Эй кўринмас ва кўринадиганни билгувчи, еру осмони яратган, ҳар бир нарсани Рабби ва подшоҳи бўлган Зот, Сендан бошқа илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман. Нафсимнинг ва шайтоннинг ёмонлигидан, ширкидан ҳамда ўзимга ёхуд бирон бир мусулмонга ёмонлик қилиб қўйишдан Ўзингдан паноҳ сўрайман.

3. Еру осмонда бирон нарса Унинг исми билан зарар бемайдиган, эшитувчи ва билувчи Зот Аллоҳ номи билан (уч маротаба).

4. Эй Аллоҳ! Сенга гувоҳлик бериб, аршинги ни кўтариб турувчилар, фаришталаринг ва барча маҳлукотларингга Сендан бошқа илоҳ йўқлигига, шеригинг йўқлигига, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Сенинг қулинг ва элчинг эканига гувоҳлик бераман (тўрт маротаба).

5. Эй Аллоҳ! Билиб туриб Сенга ширк келтиришдан паноҳ сўрайман. Билмаган нарсаларимдан истиғфор айтаман (уч маротаба).

6. Ислом фитратида, ихлос калимасида, набийимиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) динида, мусулмон бўлиб мушрик бўлмаган отамиз Иброҳим (алайҳиссалом) миллатида тонг оттиридан (уч маротаба)

7. Аллоҳ покдир. Махлуқотлар ададича, нағснинг розилигича, аршининг оғирлигича, калималар ададича ҳамду санолар бўлсин (уч маротаба).

8. Аллоҳ таолони Рabb деб, Исломни дин деб ва Мұхаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар деб рози бўлдим (уч маротаба).

9. Аллоҳнинг мукаммал калималари билан яратган нарсасининг ёмонлигидан паноҳ сўрайман (уч маротаба).

10. Эй Аллоҳ! Сенинг паноҳингда тонг оттиридан, Сенинг паноҳингда кечга кирдик. Сен бизни тирилтирасан, Сен бизни ўлдирасан. Ўлгандан сўнг сен тирилтирасан.

11. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқ, мулк ва ҳамд Аллоҳники, У Зот ҳамма нарсага қодирдир (юз маротаба).

Ибну Қайюм айтади: “Ориф кишилар Аллоҳ инсонни ўз ҳолига ташлаб қўйиши ҳамда у билан Ўзи орасини узиши баҳтсизлик экани, аксинча, Аллоҳ инсонни ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги тавфиқ экани ҳақида бир фикрдалар”.

Банда тавфиқ ва баҳтсизлик орасида бўлади. Балки бир вақтнинг ўзида бунисидан ҳам, унисидан ҳам насибадор бўлар. Аллоҳ таолонинг тавфиқи ила берган нарсасига рози бўлиб шукр қиласиди. Сўнгра баҳтсизлиги сабабидан У Зотга осий бўлади, хилоф ишларни қиласиди. Шу тариқа банда тавфиқ ва баҳтсизлик орасида умр кечиради.

Банда юқорида айтилганларни тушуниб етса, ҳар бир нағасда, ҳар бир лаҳзада, кўз очиб юмгунчча

бўлса-да тавфиққа муҳтоҗлигини сезади. Албатта, унинг имони Аллоҳ таолонинг қўлидадир.

ҚУРЬОН МУБОРАК КИТОБ

Аллоҳнинг Китобини диққат-эътибор ва тафаккур билан ўқиши ҳам бир баҳтдир ва қалб шодлигининг сабабларидандир. Аллоҳ таоло Китобини юракларга ҳидоят, нур ва шифо деб сифатлаган ҳамда унга раҳмат деб таъриф берган:

“Эй одамлар! Сизларга Раббингииздан ваъз (насиҳат), кўнгиллардаги нарса (ширк ва бошқа иллатлар)га шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди”⁵²⁶;

“Ахир, улар Қуръон (оятлари) ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида “кулфлари” бордир?! ”⁵²⁷;

“Қуръон (оятларининг маънолари) ҳақида (чукуррок) фикр юритмайдиларми?! Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг ҳузуридан (келган) бўлса эди, унда кўпгина қарама-қарши гапларни топган бўлур эдилар”⁵²⁸;

“(Эй Мұхаммад! Ушбу Қуръон) оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун Биз Сизга нозил қилган муборак Китобдир”⁵²⁹.

Баъзи аҳли илмлар айтдилар: “Қуръони каримнинг тиловати унга амал қилиш, ҳукм қилиш ва ундан ҳукм чиқаришда муборак (баракотли)дир”.

Улуғлардан бири айтди: “Ўзимда Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган бир ғамни ҳис қилдим. Шунда Қуръонни олиб ўқий бошладим. Аллоҳ таоло мендан ғамни кетказиб, унинг ўрнига ҳурсандлик ва шодликни берди”.

⁵²⁶ Юнус сураси 57-оят

⁵²⁷ Мұхаммад сураси 24-оят.

⁵²⁸ Нисо сураси 82-оят

⁵²⁹ Сод сураси 29-оят

“Албатта, бу Қуръон әнгтүғри йўлга ҳидоят эта-ди ва эзгу ишларни қиладиган мұмайларга кат-та мукофот борлиги ҳақида башорат беради”⁵³⁰.

“...у билан Аллоҳ ризосини топишга интил-ганларни (У) тинчлик ва саломатлик йўлларига йўллаб, Ўз изни билан уларни зулматлардан нур-га чиқаради ва тўғри йўлга ҳидоят қилади”⁵³¹.

“(Эй Мұхаммад!) Шундай қилиб, амримиз билан Сизга Рұхни (Куръонни) ваҳий қилдик”⁵³².

ШУҲРАТПАРАСТ БЎЛМАНГ, УНИНГ ФАМ-ГУССА ВА АЛАМДАН ИБОРАТ БАДАЛИ БОР

Шухрат, манманлик ва инсонлар ризосига ҳирс қўйиш қалб хотиржамлигини бузиб, унинг беғубор-лигини булғайдиганва пароканда қиладиган ишлар-дандир.

“Биз ўша (сизларга маълум) охират диёрини ер юзида зулм ва бузғунчилик қилишни истамай-диган кишилар учун яратурмиз”⁵³³.

Шеър:

Агар ким нафсини кўмиб ташласа,
Роҳат ила уни қиласи ихё.
Дараҳт новдасини силкитар шамол,
Лекин танасини буқолмас асло.

Кимда риё бўлса Аллоҳ уни ошкор қилиб қўяди. Ким кишилар эшитиши учун амал қилса, Аллоҳ уни ёмонотлиқ қиласи.

“(Улар) намозга турсалар ҳам дангасалик билан одамлар кўрсинга турадилар”⁵³⁴.

“Ўз қилмишлари билан мағрурланадиган, қилмаган (яхши) ишлари учун мақталишни сева-диганлар азобдан халос бўладилар деб, ҳисоб-ламанг, асло! Уларга (охиратда) аламли азоб (бордир)”⁵³⁵.

⁵³⁰ Истро сураси 9-оят

⁵³¹ Мойла сураси 16-оят

⁵³² Шўро сураси 52-оят

⁵³³ Қасас сураси 83-оят.

⁵³⁴ Нисо сураси 142-оят

⁵³⁵ Оли Имрон сураси 188-оят

“Ўз юртларидан кибр ва риёкорлик билан чиққан ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар каби бўлманглар!”⁵³⁶

Шеър:

Риё либоси билан ҳаргиз тўсилмас бадан,

Қават-қават кийсанг ҳам, барибир

ялонғочсан.

ГЎЗАЛ ҲАЁТ

Саодатга эришиш сабабларининг энг каттаси Аллоҳ таслога имон келтиришdir. Бу эса исбот талаб қилмайдиган энг буюк ҳақиқатdir. Аммо Аллоҳга ишонмайдиган, бундай хазинага эга бўлмаган ким-саларга саодатга элтувчи ҳар қанча сабаблар, турли маълумотлар ва фойдали маслаҳатлар тақдим этилса, уларга бунинг ҳеч қандай фойдаси тегмайди. Ундай кимсалар унинг фойдасини излаб овора ҳам бўлмасинлар!

Саодатнинг асл моҳияти Аллоҳни Рабб, Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар, Исломни дин деб имон келтиришdir.

“Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт баҳш этамиш ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солих) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз”⁵³⁷.

Демак, инсон Аллоҳ ваъда қилган мукофотга эришиши учун икки шарт бор: Аллоҳга имон ва солих амал. “Албатта, имон келтириб, эзгу (иш)ларни қилган зотлар учун Раҳмон (уларнинг қалбида Ўзига нисбатан) дўстликни пайдо қиласди”⁵³⁸.

Бунда ҳам икки фойда бўлиб, улар дунё ва охиратдаги гўзал, саодатли ҳаёт ҳамда Аллоҳ сұханаҳу ва таолонинг ҳузуридаги улкан ажрdir. “Уларга дунё

⁵³⁶ Анфол сураси 47-оят.

⁵³⁷ Нахл сураси 97-оят.

⁵³⁸ Марям сураси 96-оят.

ҳаётида ҳам, охиратда ҳам башорат (хушхабар) бордир”⁵³⁹.

БАЛО СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗГА

Мусибатлардан жазавага тушманг! Бало-офатларга эътибор берманг! Ҳадиси шарифда: “Агар Аллоҳ бирор қавмни яхши кўрса, уларни балолаб қўяди. Ким рози бўлса, унга ҳам розилик бўлади. Ким бундан ғазабланса, унга ҳам ғазаб бўлади”, дейилган.

ИТОАТ ВА ТАСЛИМ

Тақдирнинг яхши ёки ёмонлигига рози бўлиш имон тақозоларидандир. “Сизларни бироз хавфхатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй Мухаммад)!”⁵⁴⁰.

Тақдир доимо биз хоҳлаганимиздек бўлавермайди. Ақлимиз камчиликли бўлгани учун қазо ва қадардаги ихтиёр нима эканини билмаймиз. Биз Аллоҳдан талаб қилиш эмас, балки Унга бандалик ва итоат этиш мақомидамиз.

Бандалар имонлари қувватига қараб мусибат ёки неъмат билан синаладилар. Инсонлар ичida энг қаттиқ синалувчилар пайғамбарлардир. “Бас, (эй Мухаммад!) Сиз ҳам матонатли пайғамбарлар сабр қилгәнларидек сабр қилинг”⁵⁴¹.

Аллоҳ кимни сўйса, уни мусибатлаб қўяди.

“Биз улардан олдинги (имонли) кишиларни синаган эдик-ку!”⁵⁴².

АМИРЛИҚДАН ДУРАДГОРЛИККА...

Халифанинг ўғли амир Али ибн Маъмун улкан қасрда мол-дунёга кўмилиб яшар эди. Кунларнинг

⁵³⁹ Юнус сураси 64-оят

⁵⁴⁰ Бакара сураси 155-оят

⁵⁴¹ Ахкоф сураси 35-оят.

⁵⁴² Анкабут сураси 3-оят

бирида у сарой айвонидан атрофни кузатаётиб, кун бўйи тер тўкиб ишлаётган бир ишчига кўзи тушди. Ҳалиги ишчи чошгоҳ вақти кирса, таҳорат олиб Дажла соҳилида икки ракат намоз ўқир, қош қорайгач, уйига қайтар эди. Бир куни амир ўша кишини чақириб, уни саволга тутди. Ҳалиги одам хотини, икки нафар синглиси ва онаси борлигини, уларни боқиши учун тер тўкиб меҳнат қилишини ва унинг бозорда меҳнат қилиб топадиган озгина пулидан бошқа даромади йўқлигини айтди. У йигит ҳар куни рўза тутгар ва кун ботгач, топган нарсаси билан ифттор қиласар эди. Амир ундан: “Бирор нарсадан шикоятинг борми?” деб сўради. У йигит эса: “Оламларнинг Раббига ҳамд бўлсин, ҳеч нарсадан шикоятим йўқ”, деб жавоб қилди.

Бу сұхбатдан сўнг Али ибн Маъмун қасрини ҳам, амирликни ҳам ташлаб, боши оқсан тарафга кетди. Бир неча йилдан сўнг ўлик ҳолида топилди. У киши Хуросон томонларда дурадгорлик қилиб, бу ишидан қасрда топа олмаган саодатни топган эди.

“Хидоят топган зотларга эса (Аллоҳ) уларга янада ҳидоятни кўпайтиради ва тақво ато этади”⁵⁴³.

Шеър:

*Олий қасрлар кўп бўлса ҳам буюк,
Менга осойишта бир кулба суюк.*

Дўстлар билан заҳар ҳам тотли бўлади. Бунинг маъноси: бағрикенглик, муҳаббат ва имон бўлса, тор жойга ҳам кўпчилик сиғади.

ҚЎПОЛ КИМСАЛАР БИЛАН ҲАМСУҲБАТ БЎЛИШ ҒАМ-АЛАМ ВА ОМАДСИЗЛИК САБАБЛАРИДАНДИР

Имом Аҳмад айтади: “Қўпол кишилар бидъатчидирлар”.

⁵⁴³ Мухаммад сураси 17-оят

Айтишларича, қўпоплар аҳмоқлардир. Яна айтишларича, улар дағал табиатли, дидсиз ва совуққон бўлишади. “...Улар гўё (деворга) суяб кўйилган (чирик) ёғочларга ўхшайдилар”⁵⁴⁴; “Бу қавм кишилариганимабўлдики, гапнианглайолмайдилар...”⁵⁴⁵

Бундай кимсалар борасида И мом Шофиъий бундай дейди: “Бир қўпол одам мен билан бирга ўтирди. Шунда менга ер у ўтирган томонга эгилиб кетгандек туюлди”.

Аъмаш агар шундай кишиларни кўрса, “Эй Раббимиз! Бизлардан (бу) азобни аритгин! Албатта, бизлар имон келтирувчи дирмиз”⁵⁴⁶, дер эдилар.

Шеър:

Узуну қисқага йўқ унда меъёр,
Хачирми, чумчуқми – бермас эътибор.

Аллома Харроний: “Сусткаш кимсанинг суҳбати безгак касалидир”, дер эди.

“Оятларимизга (нисбатан менсимасликка) киришиб кетаётганларни кўрсангиз, то бошқа гапга кўчмагунларича улардан юз ўтиринг!”⁵⁴⁷

“...улар билан бирга ўтирманглар!”⁵⁴⁸

Ёмон суҳбатдош темирчи босқони кабидир. Фазилатлардан холи, майдакаш, нафсининг истак ва хоҳишлирига муқкасидан кетган кимсалар энг сусткаш кишилардир. “...улар билан бирга ўтирманглар!” деб (оят) туширган эди. Албатта, сизлар унда (бирга ўтирганда) улар билан (гуноҳда) тенгсизлар”⁵⁴⁹.

Шеър:

Эй сен сусткаш кимса, ўз ҳолингни бил!
Сиртда инсонсан-у, тарозуда фил.

⁵⁴⁴ Мунофикун сураси 4-оят.

⁵⁴⁵ Нисо сураси 78-оят.

⁵⁴⁶ Духон сураси 12-оят

⁵⁴⁷ Аньом сураси 68-оят.

⁵⁴⁸ Нисо сураси 140-оят

⁵⁴⁹ Нисо сураси 140-оят

Ибн Қайюм айтади: “Агар бир лоқайд, сусткаш кимсага йўлиқиб қолсангиз, унга тил билан саломлашинг-у, руҳингиз ундан узоқлашсин. У билан то Аллоҳ орангизни ажратгунича қулоғингиз кар ва кўзингиз кўрдек мулоқот қилинг”.

“Шунингдек, қалбини Биз Бизни эсламайдиган қилиб қўйган, ҳавои нафсиға эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг”⁵⁵⁰.

МУСИБАТЗАДАЛАРГА ХУШХАБАР

Ҳадиси қудсийда: “Дунё аҳлларидан кимнинг яхши кўрган нарсасини олсан ва у бундан савоб умид қиласа, ўrniga унга жаннатни бераман”, дейилади.

Шеър:

Умрингизда кўпдир ўrnагу ибрат,
Бугун ўзингизсиз тирик насиҳат.

Яна бир саҳих ҳадисда: “Кимнинг икки суюклиси-ни (яъни, икки кўзини) балолаб қўйсам, иккисининг ўrnига жаннатни бераман”, дейилган.

“...Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур”⁵⁵¹.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Агар Аллоҳ таоло мўмин банданинг фарзандининг жонини олса, фаришталарга: “Мўмин қулимининг фарзандини олдиларингми?” дейди. Фаришталар: “Ҳа”, дейшишади. Аллоҳ: “Бандамнинг қалб мевасини олдиларингми?” деса, фаришталар: “Ҳа”, дейшишади. Аллоҳ таоло: “Бандам ниша деяпти?” деб сўраса, фаришталар: “Сенга ҳамд ва истиржоз айтяпти”, деб жавоб қилишишади. Аллоҳ фаришталарга: “Бандамга жаннатдан бир уй қуринглар ва уни “Ҳамд уйи” деб номланглар”, дейди».

⁵⁵⁰ Каҳф сураси 28-оят

⁵⁵¹ Ҳаж сураси 46-оят

Ҳадисда келишича, қиёмат куни кишилар мусибатзадаларга берилган савобларни ва охиратда улар эришган яхшиликларни кўриб: “Биз қайчилар билан қийиб ташлансан керак”, деб ўйладилар. “...Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари хисобсиз берилади”⁵⁵².

“(Аллоҳ йўлида турли мashaққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай”⁵⁵³.

“...Эй Рabbимиз! Бизга сабр (ва тоқат ёмғири) ни ёғдир...”⁵⁵⁴

“(Эй Мұхаммад!) Сабр қилинг! Сабр қилишингиз эса фақат Аллоҳ (ёрдами) биланги на мумкиндир”⁵⁵⁵.

“Бас, (эй Мұхаммад) сабр қилинг! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир”⁵⁵⁶.

Ином Термизий ривоят қилган саҳих ҳадисда: “Албатта, катта балоларга катта мукофотлар берилади. Агар Аллоҳ бирор қавмни яхши кўрса, уларни балолаб қўяди. Ким рози бўлса, унга ҳам (Аллоҳнинг) розилиги бўлади. Ким бундан ғазабланса, унга ҳам ғазаб бўлади”, дейилган.

Мусибатларда бир неча масала бор: сабр, қадар ва ажр. Банда шуни яхши билмоғи лозимки олинган нарса аслида ато қилинган, тортиб олинган нарса аслида ҳадя қилингандир.

“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингизга буюради”⁵⁵⁷.

Шеър:

Мол-дунёю фарзанд эрур омонат,
У ўз эгасига қайтажак албат.

⁵⁵² Зумар сураси 10-оят.

⁵⁵³ Раъд сураси 24-оят.

⁵⁵⁴ Бакара сураси 250-оят.

⁵⁵⁵ Нахл сураси 127-оят.

⁵⁵⁶ Рум сураси 60-оят.

⁵⁵⁷ Нисо сураси 58-оят.

ТАВХИД МАНЗАРАЛАРИ

Одамлардан азият етгандаги бир қанча ишларда тавхид күринишлари бор:

Улардан бириңчиси кечирим күринишидир. Ке-чиримлилик сизга бирордан азият етган чоқларыда қалбингизнинг саломатлиги, унинг мусаффолиги ва поклиги белгисидир. Шубҳасиз, яхшиликни севиш буюк бир даражадир. Ўзгаларга яхшилик қилиш ва манфаат етказиш эса инсон учун энг улуғ ва олий даражага экани аниқ ва равон. Булар барি ғазабни жиловлашда жуда асқотади. Ғазабни жиловлаш дегани, бириңчидан, сизга азият берган кишига азият етказишдан тийилиш, иккинчидан, уни кечиришдир. Бу ишингиз азият берган кимсага бағрикенглик қилиш, хатосини кечириш ва унга эҳсондир. Унга эҳсон қилиш деганда унинг ёмонлиги эвазига яхшилик ила жавоб қайтариш тушунилади.

“Улар... ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) кечирадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”⁵⁵⁸.

“Бас, ким кечириб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир”⁵⁵⁹.

Ҳадиси шарифда: “Аллоҳ таоло мендан узилган кишига силаи раҳм қилишига, менга зулм қилган кишини кечиришимга ва мени маҳрум қилган кишига улашишимга буюрди”, дейилган.

Иккинчиси – қазо ва қадар. Бунинг моҳияти Аллоҳнинг қазо ва қадарисиз ҳеч ким сизга азият беришга қодир эмаслигини англаб, хис қилмоғингиздир. Заар берувчи кишилар сабаблардан бири, холос. Ишларнинг тадбирчиси ва қазо қилувчиси Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Шундай экан, Мавлоингизга бўйсуниб, итоат этинг!

 Оли Имрон сураси 134-оят.

 Шўро сураси 40-оят.

Учинчиси – каффорат кўриниши. Унинг моҳияти бу азиятлар сизнинг гуноҳ ва хатоларингизга каффорат ҳамда даражангизнинг улуғлашувига сабабдир.

Кўпгина мусулмонлар амал қиласидиган ҳикматлардан бири бу адсоват пилигини узишдир: “...Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адсоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур”⁵⁶⁰.

Саҳих ҳадисда: “Мусулмон мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган кишиидир. Мўмин одамларнинг қонлари ва моллари ундан омонда бўлган инсондир”, дейилади.

Яъни, адсоват ўчогини йўқотиш ҳамда хусумат оловини сўндириш учун сизга азият берган кишига очиқ чехра билан ва мулойим муомалада бўлинг.

“Бандаларимга айтинг, (ширк ахлига) гўзал (сўзлардан) сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур”⁵⁶¹.

Шеър:

Ҳамиша ҳаммага бўлгин мулойим,
Яхши хулқ бир китоб бўлғуси доим.
Ҳар варақ хислатга тўла бир калом,
Унга очиқ юз-ла қўйгин яхши ном.

Азият берганга азият беришингиз хусусида тавҳид кўринишлари:

Инсон нуқсонли эканини билиш манзараси:

Бунинг моҳияти сизга берилаётган бу азиятлар сиздан содир бўлган гуноҳ ва маъсиятлар сабабли эканини билишдир.

“Сизларга (Уҳуд жангига) бир мусибат етган бўлса – сизлар (уларга Бадр жангига) унинг икки баробарига teng мусибат етказгансиз. Бу (муси-

560 Фуссилаг сураси 34-оят.
561 Исроп сураси 53-оят

бат) қаёқдан келди?” дейсизми?! “У ўзингиздан”, деб айтинг!”⁵⁶²

“(Эй инсонлар!) Сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир”⁵⁶³.

Бу ўринда яна бир улуғ кўриниш бор. У сизни золим эмас, балки мазлум қилгани учун Аллоҳ таолога ҳамд ва шукур айтмоғингиздир.

Баъзи салафлар: “Эй Аллоҳ, мени золим эмас, мазлумлардан қилгин”, дер эдилар.

Одамнинг (алайҳиссалом) икки ўғлидан яхшиси бундай деган эди: “Агар мени ўлдириш учун қўлингни мен томонга чўзсанг, мен сени ўлдириш учун сен томонга қўлимни чўзмайман. Ахир, мен оламлар рабби Аллоҳдан қўрқаман”, деди”⁵⁶⁴.

Яна бир ажойиб, ўта латиф бир кўриниш бор, у раҳмат манзарасидир. Раҳмат манзарасининг мазмун-моҳияти сизга азият берган кишига раҳм-шафқат кўрсатишдан иборат. Зеро, золим кимса раҳм-шафқатга лойиқдир. Унинг инсонларга доимо озор берган ва мусулмонга кўрсатган азияти сабабли Аллоҳ таолога қарши чиққан шахс раҳм кўрсатилишга лойиқдир. “Биродаринг золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам унга ёрдам бер”, деган иборанинг маъноси шу бўлса, ажаб эмас.

Мистоҳ (розияллоҳу анҳу) қариндошлари Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) доим яхшиликлар кўриб юрар эди. Лекин бир куни у зотнинг ўzlари ва қизлари шаънига бўлмағур сўзлар айтиб у зотга озор берди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) Мистоҳга энди яхшилик қилмасликка қасам ичдилар. Аллоҳтаоло: “Сизлардан фазилат ва кенг молмулк эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни кечирсинлар!

⁵⁶² Оли Имрон сураси 165-оят.

⁵⁶³ Шўро сураси 30-оят.

⁵⁶⁴ Мойла сураси 28-оят

Аллоҳ сизларни кечиришини истамайсизларми?! Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”⁵⁶⁵, оятини туширди. Сүнгра Абу Бакр (розияллоху анхұ): “Ха, Аллоҳ кечиришини яхши күраман”, дедилар ва Мистоҳни (розияллоху анхұ) кечириб, таъминотига ёрдам қилишда давом этдилар.

Уяйна ибн Ҳисн Умарга (розияллоху анхұ): “Эй Умар, бизларга түқин-сочинлик ҳам қилмадингиз, ўртамизда адолат билан хукм ҳам қилмадингиз”, деди. Бу нарса Умарни (розияллоху анхұ) хафа қилди. Шунда Ҳарр ибн Қайс (розияллоху анхұ): «Эй мұмінлар амири, Аллоҳ “Кечиримни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жохиллардан эса юз ўғириңг!”⁵⁶⁶ деган-ку», дедилар. Ҳарр ибн Қайс (розияллоху анхұ) айтадилар: “Аллохға қасам, Умар бу оятдан четга чиқмади, у Аллоҳнинг китобини яхши билар эди”.

Юсуф (алайхиссалом) ақа-укаларига: “Бу күн сизларга нисбатан айблов йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир”⁵⁶⁷, дедилар.

Расуллорох (соллаллоху алайхи ва саллам) ўзларига озор берган, шаҳарларидан ҳайдаган ва уларга қарши урушган бир қанча Макка коғирларидан иборат жамоатга фатҳ куни: “Кетаверинглар! Сизлар озодсизлар”, дедилар.

Ҳадиси шарифда: “Ҳаммани енгадиган паҳлавон эмас, ғазаби келганида ўзини тута олган киши кучлидир”, дейилган.

Ибн Муборак бундай шеър битганлар:

Шеър:

Ҳар ким агар топса бир меҳрибон дўст,
Уни қувонч билан тилга олади.
Гар дўстдан ахтарса беҳуда кам-кўст,
Бир ўзи шумашайб дўстсиз қолади.

Нур сураси 20-оят
Аъроф сураси 199-оят.
Юсуф сураси 92-оят

“...Бас, ким кечириб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир”⁵⁶⁸.

Баъзилар Инжилда: “Хато қилган кишини етти маротаба кечиринг”, деган сўзлар борлигини айтади.

Бунинг маъноси – динингиз ва обрўйингиз саломат, қалбингиз хотиржам бўлсин десангиз сизга азият берган кишини етти маротаба кечиринг. Қасос ҳисси асабларингиз, қонингиз, уйқунгиз, роҳатингизни бузиб, обрўйингизга путур етказади. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ҳиндулар: “Нафсини жиловлаб, ундан ғолиб келган киши бир шаҳарни ишғол қилган кишидан шижоатлидир”, дейишади.

“...Зеро, нафс ёмонликка ундовчиидир. Фақат Раббим раҳм қилганлар бундан мустаснодир”⁵⁶⁹.

Юнус (алайҳиссалом) дуоларида тавҳид ва Аллоҳ таолони барча айбу нуқсонлардан пок деб билишнинг юксак камолоти, ўз гуноҳ ва зулмини эътироф этиш, қийинчилик, ғам-ғуссаларнинг энг яхши давоси, ҳожатларни амалга оширишда Аллоҳга мукаммал боғланиш каби яхшиликлар бор.

Аллоҳ битта ва У ҳар қандай айбу нуқсонлардан мутлоқ холи деб билишда Аллоҳни барча комил сифатлар билан сифатлаш ҳамда ҳар қанақа айб-нуқсон ва ўхшашликни Унга нисбат бермасликни ўз ичига олади.

Зулмни эътироф қилиш банданинг шариат, савоб ва азобга бўлган имонидан далолатdir. Шу билан бирга, бу эътироф унинг синиқлиги, барча ишда Аллоҳга қайтиши, хатоларини кечиришини сўраши, бандалигини ва Раббига муҳтожлигини тан олганини билдиради.

⁵⁶⁸ Шўро сураси 40-оят.

⁵⁶⁹ Юсуф сураси 53-оят.

Бандани Раббига боғлайдиган тўрт иш нарса бор: тавҳид, Аллоҳни айбдан пок деб билиш, бандалик ва эътироф.

“...(Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй Мұхаммад)! Уларга мусибат етганида: “Албатта, биз Аллоҳ учунмиз ва, албатта, биз Унинг хузурига қайтамиз, дейдилар. Айнан ўшаларга Парвардигорларидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар ҳидоят топувчилардир”⁵⁷⁰.

ЗОҲИРИНГИЗ ВА БОТИНИНГИЗГА ДИҚҚАТҚИЛИНГ

Нафс мусаффолиги кийим поклиги билан бўлади. Донишманлар: “Кимнинг кийими ифлос бўлса, унинг табиати лойқаланади”, дейишган. Бу аниқ ҳақиқатдир.

Кўплар кийимларининг кирлиги ёхуд яроқсизлиги, иш столининг тартибсизлиги, олдида турли қоғозларнинг аралашиб ётиши, вақт ва кун тартибининг ўлда-жўлдалиги каби майда-чуйда ишлар сабабли чарчоқ ва ғамгинликка йўлиқадилар. Ҳолбуки, бу борлиқ нозик низом асосида яратилган. Бу диннинг ҳақиқатини англаган киши бандалар ҳаётнинг оз ёки кўпини, катта ёки кичигини тартибга солиш учун юборилганини билади.

“Китобда (Лавҳул Махфузда) бирон нарсани (ёзмасдан) қолдирмаганмиз”⁵⁷¹.

Ином Термизий ривоят қилган ҳадисда: “Аллоҳ покизадир ва покликни севади”, дейилади.

Ином Муслимнинг ривоятида эса: “Аллоҳ таоло гўзал ва гўзалликни севади”, дейилган.

Ҳасан ҳадисда: “Гўзал бўлинглар. Ҳатто одамлар кўзида холдек бўлинглар”, дейилади.

⁵⁷⁰ Бакара сураси 155 – 157-оятлар

⁵⁷¹ Альъум сураси 38-оят

Шеър:

*Мустаҳкам түқилган шаклар кийиб,
Гүё тuya кетишар юриб.*

Гүзәллик боши ювенишга эътиборли бўлишдан бошланади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “*Мусулмон киши ҳар етти куннинг бирда ювениши вожибdir. Унда боши ва жисмини ювади*”.

Бу энг камидир. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) қаби баъзи солихлар ҳар куни бир маротаба гусл қилишган.

“...*Мана шу чўмиладиган ва ичимлик совук сувдир*”⁵⁷².

Бундан ташқари мўйловни қисқартириш, тирноқларни ва бадандаги ортиқча тукларни олиш, мисвок туғиши, хушбўй нарсалар сепиш, тишларни тозалаш, кийимни озода сақлаш ва ташқи кўринишга эътибор қаратиш қаби суннат амаллар ҳам бор. Бу ишлар киши қалбини кенг ва хотиржам қилиб қўяди. Булар қаторига оқ рангли кийим кийиш ҳам киради. “*Оқ кийим кийинглар ва ўликларингизни у билан кафанланглар*”.

Шеър:

*Оёқ кийимлари зарбоф камардан,
Хушнуд кўришарлар раҳёнлар билан.*

Имом Бухорий “*Оқ кийим кийиш*” бобида қуйидаги ҳадисни келтирадилар: “*Албатта, фариштапар оқ кийим ва оқ саллаларда тушишиади*”.

Киши амал қилиши лозим ишлардан яна бири кичик бир дафтарчага кун давомида қилиниши лозим ишларни ёзиб, вақтини тартиблаб олишидир. Унда Қуръон ўқиши, ибодат, бошқа китоблар ўқиши ва дам олиш учун вақт ажратилиши лозим.

“*Ҳар бир вақт учун (муносиб) битик (хукм) бордир*”⁵⁷³.

⁵⁷² Сол сураси 42-оят

⁵⁷³ Раъд сураси 38-оят

“Ҳар бир нарсанинг ҳазинаси Бизнинг даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни маълум ўлчов билан (сизларга) туширамиз”⁵⁷⁴.

Конгресс кутубхонасида бир лавҳа бўлиб, унга: “Бу борлиқ низом асосида яратилган. Бу аниқ. Са-мовий динларнинг барчасида тартиб, низом ва мувофиқликка чақириув бор”, деган ёзув битилган. Ҳақиқатан Аллоҳ таоло бу борлиқни шунчаки ўйинга яратмагани ва у бекорчи нарса ҳам эмас, балки қазо, қадар, тартиб ва ҳисоб-китоб билан яратганини қайта-қайта таъкидлайди.

“Куёш ҳам, Ой ҳам (аниқ) ҳисоб билан (сайр қилур)”⁵⁷⁵;

“На Куёш Ойга етиши мумкин ва на тун кундан ўзувчиdir. (Куёш, Ой ва юлдузларнинг) ҳар бири (бир) фалакда сузib юрадилар. Биз Ойни ҳам, токи у эски хурмо бутогидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз”⁵⁷⁶;

“Биз кеча ва кундузни (қудратимизни кўрсатиб турадиган) икки белги қилиб қўйдик. Кечанинг белгисини ўчирдик. Кундуз аломатини эса, Раббингиздан фазл (ризқ) исташларингиз учун ҳамда йиллар саноғини ва ҳисобини билишингиз учун ёруғлик қилиб қўйдик. Барча нарсани ба-тафсил баён қилиб қўйгандирмиз”⁵⁷⁷;

“...Эй Раббимиз! Бу (коинот)ни бехуда яратмагансан”⁵⁷⁸;

“Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг орасида-ги нарсаларни (шунчаки) ўйнаб (бехуда) яратга-нимиз йўқ. Бордию ўйин-кулги қилишни (хотин ва фарзанд орттиришни) истаб (шундай) қилувчи бўлганимизда ҳам уни ўз ҳузуримиздан (яъни, фаришталардан ёки жаннат ҳурларидан) қилган бўлур эдик”⁵⁷⁹.

⁵⁷⁴ Ҳижр сураси 21-оят.

⁵⁷⁵ Ар-Рахмон сураси 5-оят.

⁵⁷⁶ Ёснин сураси 39 – 40-оятлар.

⁵⁷⁷ Исрө сураси 12-оят.

⁵⁷⁸ Оли Имрон сураси 191-оят.

⁵⁷⁹ Анбиё сураси 16 – 17-оятлар

“АЙТИНГ: “ИШЛАНГИЗ!”⁵⁸⁰

“Айтинг: “Ишлангиз!..”⁵⁸¹.

Юнон ҳакимлари күркүв, хавотир каби нафсий касалликларга чалинган кишини даволаш учун уни дала ва боғларда ишлашга мажбурлашар эди. Тез орада у касал яна тинч ва хотиржам бўлиб қолар эди.

“...Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юраверингиз”⁵⁸².

Кўл меҳнати билан шуғулланадиган кишилар энг баҳтиёр, саодатли ва хотиржам кишилардир. Ўшанақа ишчиларга бир бокинг: ҳаракат ва ғайратлари сабабли тана қуввати ва руҳ хотиржамлигига эришганлар.

Эй Аллоҳ, ожизлик ва дангасаликдан қутқаришингни тилаб, паноҳ сўраймиз.

АЛЛОҲГА ИЛТИЖО

АЛЛОҲ. Бу исм энг буюқ, энг улуғвор исмдир. Атоқли исмларнинг энг аниқ ва равшанидир. Унинг латиф маънолари бор. “Аллоҳ” сўзи қалблар сиғинадиган, севадиган, таскин топадиган, рози бўладиган ва суянадиган Зот учун аталган исмдир. Кўнгил ҳеч У Зотдан бошқасидан таскин топмайди, роҳатланмайди, хотиржам бўлмайди. Бу неъматларга фақат Унинг исми билан эришилади. Шу сабабли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Фотимага (розияллоҳу анҳо) машаққатдан қутилиш дуосини ўргатдилар: “Аллоҳ, Аллоҳ, Раббим. Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмайман”.

“...Аллоҳ деб айтинг! Сўнгра уларни ўз ҳолларига қўйиб беринг - ўйнаб (адашиб) юраверсинлар”⁵⁸³.

“Бандалари устидан У ғолибдир”⁵⁸⁴.

⁵⁸⁰ Тавба сураси 105-оят.

⁵⁸¹ Тавба сураси 105-оят.

⁵⁸² Мулк сураси 15-оят.

⁵⁸³ Аньом сураси 91-оят.

⁵⁸⁴ Аньом сураси 18-оят.

“Аллоҳ бандаларига меҳрибондир”⁵⁸⁵.

“Улар Аллоҳни ҳаққоний (равишда) қадрламадилар (танимадилар). Бутун Ер қиёмат кунинг бир тутамидир. Осмонлар эса, Унинг “кўли”га йигилувчидир. У улар келтираётган ширкларидан пок ва юксакдир!”⁵⁸⁶

“У кунда Биз осмонни худди хат ёзилган саҳифани ўраган каби ўраб қўюрмиз”⁵⁸⁷.

“Албатта, Аллоҳ осмонлар ва Ерни завол тошиларидан сақлаб туради”⁵⁸⁸.

АЛЛОҲГА ТАВАККАЛ ҚИЛИШ

Бандани саодатга етаклайдиган энг катта нарса Раббисига суюниш, таваккал қилиш ва Унинг ҳимояси или чегараланишdir.

“...Унга тенг бирор зотни билурмисиз?”⁵⁸⁹

“Менинг эгам Китоб туширган Аллоҳдир. У солиҳ кишиларни дўст тутади”⁵⁹⁰.

“Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар”⁵⁹¹.

ҲАММА БИРДАЙ ТАЪКИДЛАГАН УЧ НАРСА

Ўтган муҳаддислар, адиллар, мураббийлар, Фарбу Шарқ олим-мутафаккирларининг китоблари, даврий нашрларнинг изтироб, хавотир ва қўрқув ҳақида чоп этилган асар ва мақолаларини ўқисангиз, муаллифларнинг барчаси оғият, тинчлик ва хотиржамлик истаган киши қуидаги уч ишни амалга ошириши лозимлигини айтишганларини кўрасиз:

1. Имоннинг асосий масаласи бўлган Аллоҳ таолоға боғланиш, бўйсуниш ва Унгагина суюниш. “...Бас, Унга ибодат қилинг ва ибодатига тоқатли бўлинг!”⁵⁹²

⁵⁸⁵ Шўро сураси 19-оят.

⁵⁸⁶ Зўмар сураси 67-оят.

⁵⁸⁷ Анбиё сураси 104-оят.

⁵⁸⁸ Фотир сураси 41-оят.

⁵⁸⁹ Марям сураси 65-оят.

⁵⁹⁰ Аъроф сураси 196-оят.

⁵⁹¹ Юнус сураси 62-оят.

⁵⁹² Марям сураси 65-оят.

2. Ўтмишнинг барча қайғу-ғамлари, ёлғон-яшиқлари, қийинчилик ва аламларини унудиши, янги кунни янги ҳаёт ила бошлиш.

3. Ҳали маълум бўлмаган келажак ҳақида ўй сурини, у билан машғул бўлиш, ва турли қўрқинч-ваҳималарни ташлаб, бугунги кун билан яшаш.

Али (розияллоҳу анху) айтадилар: “Узун хаёлдан сақланинглар! Зеро, у унугтиради”.

“У (Фиръавн) ва унинг лашкарлари ер юзида ноҳақ қибрландилар ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар деб гумон қилдилар”⁵⁹³.

Миш-миш ва уйдирмаларга ишониб қолманг. Аллоҳ! Ўз душманлари ҳақида бундай дейди: “...Улар ҳар бир қичқириқ (овоз)ни устиларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиласидилар”⁵⁹⁴.

Юз бермайдиган воқеъа ва ҳодисаларни бир неча йиллардан бери кутиб яшайдиган кишилар бор. Улар ўша бўлмагур хаёллари билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам қўрқитадилар. Ё Аллоҳ! Уларнинг турмушлари накадар оғир! Улар худди Хитой қамоғида азобланаётганга ўхшайдилар. Хитойликлар бир тутқинни азобламоқчи бўлишса, уни бошига бир дақиқада бир томчи сув тушадиган жўмрак остига ўтириғизиб қўйишишар экан. Шўрлик тутқин ҳар бир томчини кутиб яшайди ва натижада эс-хушини, ақлинни йўқотади. Аллоҳтаоло жаҳаннам аҳли таърифида бундай марҳамат қилиган: “Коғир кимсаларга шундай жаҳаннам ўти бордирки, на уларга ҳукм қилиниб ўла оладилар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилади”⁵⁹⁵.

“... у жойда у на ўла олади ва на яшай олади”⁵⁹⁶.

“Азобни тутсингилар деб терилари куйиб битиши билан ўрнига бошқа (янги) териларни алмаштириб турамиз”⁵⁹⁷.

⁵⁹³ Касас сураси 39-оят

⁵⁹⁴ Муноғинун сураси 4-оят

⁵⁹⁵ Фетир сураси 36-оят.

⁵⁹⁶ Төха сураси 74-оят

⁵⁹⁷ Нисо сураси 56-оят

ЗОЛИМЛАРНИ АЛЛОҲГА ТОПШИРИНГ

Банда учун бу дунёда инсоф ва адолатли бўлиш етарлидир. Чунки у бошчилар ва охиргилар бир ерга тўпланадиган қиёмат кунида қайта тирилади. У ерда заррача зулм йўқ. Чунки ҳакам Аллоҳнинг Ўзи, гувоҳлар эса фаришталардир.

“Биз қиёмат куни учун адолатли тарозилар қўямиз, бас, бирор жонга заррача зулм қилинмайди. Агар хантал (ўсимлиги) уруғидек (яхши ёки ёмон амали) бўлса ҳам, ўшани келтирамиз! Биз ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчиридирмиз”⁵⁹⁸.

КИСРО ВА КАМПИР

Форс донишмандларидан бири Бузургмеҳр айтишича, бир кампирнинг катакда товуқлари бор эди. У катак подшоҳ Кисро саройининг ёнгинасида жойлашган эди. Бир куни кампир бошқа қишлоқقا сафар қилди. Сафардан олдин: “Эй Раббим! Бу товуқларимни Сенга омонат қолдиряпман”, дедида, йўлга отланди. У кетгач, кисро сарой ва боғини кенгайтириш мақсадида катакни бузиб товуқларни сўйдириб юборди. Кампир қайтиб, бу ҳолатни кўрди-да, осмонга қараб: “Эй Раббим, мен-ку йўқ эдим, Сен қаерда эдинг?” деб нола қилди. Аллоҳ унга раҳм қилиб, кампирнинг ўчини олиб берди. Озгина вақт ўтар-ўтмас Кисронинг ўғли отасига пичоқ билан ҳамла қилиб, тўшагида ўлдириди.

“Аллоҳ Ўз бандасига (Муҳаммадга, уни асрашда) етарли эмасми?! (Эй Муҳаммад!) Улар Сизни (Аллоҳдан) ўзга нарсалар билан қўрқитадилар. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун (бирор) ҳидоят қилувчи бўлмас”⁵⁹⁹.

“Агар мени ўлдириш учун қўлингни мен томонга чўзсанг, мен сени ўлдириш учун Сен

⁵⁹⁸ Анбиё сураси 47-оят
⁵⁹⁹ Зумар сураси 36-оят

томонга қўлимни чўзмайман. Ахир, мен олам-лар рабби Аллоҳдан қўрқаман”⁶⁰⁰.

Сизга зулм қилишлари мумкин, лекин сиз асло зулм қиладиганлардан бўлманг. Чунки мусулмон кишида имон ва дин бўлиб, у иккиси ўч олиш, гина, ёмон кўришдан кўра олийроқдир.

НУҚСОНЛАР ОРТИДА ЯШИРИЛГАН КОМИЛ СИФАТЛАР ҲАМ БОР

“Уни (бўхтонни) сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшидир”⁶⁰¹.

Иқтидорли кишилар ниҳоятда машаққатли ва моддий тангшароитларда ҳам илм-маърифат йўлида давом этаверишади. Чунки улар бу нарсаларни оддий табиий тўсиқлар деб қабул қилишади. Уларни баҳона қилиб олдиларига қўйган олий мақсадлардан чекинишмайди. Кўп олимлар эса бой бўлишган. Ато, Сайд ибн Жубайр, Қатода, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Ҳанифа шулар жумласидандир.

Закий, шариат илмларида денгиз каби бўлган кўп уламоларга эса кўзи ожизлик мусибати етган. Ибн Аббос, Қатода, Ибн Умми Мактум, Аъмаш, Язид ибн Хорун шулар жумласидандир.

Закий, араб тили билимдони, кўп ихтиrolар эгаси бўлган уламоларнинг ҳаётларини ўқиганингизда эса, улар жисмоний камчиликли бўлганини билиб оласиз. Баъзилари кўр, баъзиси кар ёки чўлоқ, бошқаси шол бўлган. Шунга қарамай, улар ўзларининг ихтирова кашфиётлари билан тарихда чуқур из қолдириб кетдилар.

“У сизларга ўз раҳматидан икки баробар ато этади ва сизларга (қиёматда ёритувчи) нур пайдо қиласди ҳамда сизларни магфират қиласди”⁶⁰².

600 Мунафика сураси 28-оят.

601 Нуғ сураси 11-оят.

602 Ҳадид сураси 28-оят.

Олий маълумотли бўлиш, дипломни қўлга киритиш ҳаётда асосий ғоя эмас. Бунинг учун ғам чекиша сиқилишга заррача ҳожат йўқ. Балки сиз университет ўқимагандирсиз, магистр ёки фан доктори эмасдирсиз. Ҳаётда ҳамма нарса буларгагина боғлиқ эмас. Сизда дипломсиз ҳам ҳаётда ёрқин из қолдириш ва инсониятга кўплаб яхшиликлар қилиш имкони бор. Тарихда донғи чиқсан машхур кишилар бор, уларнинг олий маълумот ҳақидаги дипломлари бўлмаган. Улар бу мақомга туғма иқтидорлари, кучли интилишлари, илмда сабитқадам, қатъиятлари туфайли ҳамда бу йўлда қийинчилик ва мashaқатларга бардош бериб етишдилар.

Қолверса қанчадан-қанча докторлик ишлари бор, инсониятга умуман фойдасиз ҳолда архивларда ётибди.

“Сиз улардан бирортасини сезяпсизми ёки овозларини эшитяпсизми?”⁶⁰⁵

Қаноат буюк хазинадир. Саҳиҳ ҳадисда келади: “*Аллоҳнинг тақсимотига рози бўл, инсонларнинг энг бойи бўласан*”.

Оиласизга, хонадонингизга, минадиган уловингизга, фарзандларингизга, мансабингизга рози бўлинг, саодат ва хотиржамлика эришасиз.

Саҳиҳ ҳадисда: “*Ҳақиқий бойлик нафснинг тўқлиги дидир*”, деб келган.

Нафс хотиржамлиги ва роҳатига нарса кўплиги ёки мансаб-мартаба, бойлик билан эмас, балки Аллоҳнинг қисматига розилик билан эришилади.

Саҳиҳ ҳадисда айтилишича: “*Одамларга муҳтож бўлмаган, тақводор ва Ўзидан қўрқувчи бандасини Аллоҳ таоло яхши кўради*”

Бир киши бир воқеани сўзлаб берган эди: “Ёмғирли кунлардан бирида дўстим билан мошинада бирга сафарга чиқдик. Йўлда хурсанд, ҳамд айтиб, шукр қилиб, Раббини зикр қилиб кетаётган бир

кишини кўрдим. Дўстим уни танир экан. Айтишича, унинг оиласи, ўндан ортиқ фарзанди бўлиб, улар билан эскигина бир кулбада истиқомат қилишар экан. Ойлик топиши жуда кам. Лекин у ўз оиласи билан баҳтиёр ҳаёт кечирарди. Чунки улар Аллоҳнинг қисматига рози эдилар”.

Ажаб, айримлар бор, ўзлари жуда катта молдунё, мансаб, обрў-этиборга эга бўлишса-да, қийин, машаққатли, зерикарли ҳаёт кечиради. Шундан ху-лоса килсак, ҳақиқий саодат мол-дунёда эмас экан.

Замонамиз олимларидан бири бундай ёзади: “Жуда бой тижоратчи одамни билардим. У ниҳоятда машхур, милярдлаб пули, ўнлаб қаср ва вилласи бор. Лекин ўзи жуда ёмон хулқли, жаҳли тез ва очкўз киши эди. Охир-оқибат у оиласидан ажралиб, ёлғиз ўзи хор бўлиб ўлиб кетди”.

“Сўнграу(борига қаноатқилмай) янакўпайтириб беришими тами қилади. Йўқ! Чунки у оятларимизга (имон келтириш ўрнига) қаршилик қилувчи эди”⁶¹⁴.

Қадимги араблар нафснинг роҳатини саҳроларга ёлғиз чиқиб кетиб, ёлғиз яшашда деб билишарди.

Шеър:

Бир бўри мен учун берди бошпана,
Унга улфат бўлдим, ошно, ҳамхона.
Ногоҳ эшиитдиму одам сасини
Уядан чиқдиму тез қочдим яна.

Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу) ҳам Робза деган жойга чиқиб кетдилар.

Суфён Саврий айтадилар: “Шундай бир халқнинг ичидаги яшасам-у, у ерликларнинг бирортаси мени танимаса”.

Саҳиҳ ҳадисда келади: “Мўмин учун энг яхши мол сувли жойлар ва тоғларнинг чўққиларида ўтлайдиган ювош қўйлардир. (Бу билан) у динини фитналардан олиб қочади”.

⁶¹⁴ Мұддассир сураси 15-16-оятлар

Фитналар содир бўлганида мўмин учун энг яхши йўл унга аралашмаслик. Ибн Умар, Усома ибн Зайд, Муҳаммад ибн Маслама Усмон (розияллоҳу анҳу) қатл қилинганларида фитналардан қочиб Мадинани тарк этишган эдилар.

Одамга фақирилик, мусибат, тангликлар асосан Аллоҳ азза ва жалладан узоқлашгани сабабли келишига шахсан гувоҳ бўлдим.

Замонамиз олимларидан бири айтади: “Бир кишини билардим. Унинг ризқи кенг, бой, Рабби ғамташвишлардан омон сақлаган эди. У эса Аллоҳга итоат қилишдан бош тортди, намозларга эътиборсиз бўлиб, катта гуноҳларни қилишга берилиб кетди. Аллоҳ унинг баданидан соғлиғини, ризқидан кенгликни олиб қўйиб, уни фақирилик ва ғам-ташвишга мубтало қилди. Бу ҳам етмаганидек, ташвиш устига ташвиш, бало устига бало ёғила бошлади”.

“Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар...”⁶⁰⁵

“Бу (жазоларнинг сабаби) Аллоҳнинг бир қавмга инъом этган неъматини, то улар ўзларидаги нарсани (муносабатни ёмон ҳолатга) ўзгартиргунларича ўзгартирувчи бўлмаганидандир”⁶⁰⁶.

(Эй инсонлар!) Сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир. Яна У кўп (гуноҳлар)ни кечириб туради. (Акс ҳолда мусибат бундан ҳам кўп бўлур эди)⁶⁰⁷.

“Албатта, агар улар (тўғри) йўлда устувор турганларида, албатта, Биз уларни сероб қилган бўлур эдик”⁶⁰⁸.

Уламолар ва шариат пешволарининг одатларидан келиб чиқиб хуоса қилсак, ғам-ташвишларни

⁶⁰⁵ Тоҳа сураси 124-оят

⁶⁰⁶ Аиғоф сураси 53-оят.

⁶⁰⁷ Шўро сураси 30-оят

⁶⁰⁸ Жин сураси 16-оят

кетказувчи ажойиб ва сеҳрли бир сифатлар бор, улар: Холиққа құллик қилиш, ризққа рози бўлиш, қазога таслим бўлиш, дунёда зоҳид бўлиш, орзуни камайтириш.

Америкалик машхур психология олим Вилям Жемснинг бир гапи одамни ҳайратда қолдиради: “Албатта, биз қўлимизда йўқ нарсага етишиш фикрида юрамиз, қўлимиздаги нарсага шукр қилишни билмаймиз. Ҳаётимизда бизга мавҳум бўлган зулмат сари интиламиш-у, ёрқин саодат тарафга сира юзланмаймиз. Кам-кўстимизга ўзимизни баҳтсиз хис қиласиз-да, қўлимиздаги бор нарсалардан баҳтиёр бўлолмаймиз”.

“Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) кўпайтираман”⁶⁰⁹.

Тўймайдиган нафсдан Аллоҳдан паноҳ тиланг. Ҳадисда келади: “Ким охират ғами билан тонг оттирса, Аллоҳ уни раҳмати билан ўраб олади. Унинг қалбига бойлик бериб қўяди. Агарчи у дунёдан қочса ҳам унга дунё бериб қўяди. Ким дунё ғами билан тонг оттирса, Аллоҳ уни дунёдан айради. Кўз олдида унга фақирлик беради, унга ёзилганидан ортиқ дунё бермайди”.

“Қасамки, агар Сиз улардан: “Осмонлар ва Ерни яратган, Қуёш ва Ойни (ўз тоатига) бўйинсундирган зот ким?” деб сўрасангиз, албатта, улар: “Аллоҳ”, дерлар. Бас, (шундай экан,) қаёққа бурилиб кетмоқдалар?! ”⁶¹⁰

ЎЗГАЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўрис олими Сахаров моддаларастлар ва даҳрийларга қарши фикр билдиргани учун Сибирга сургун қилинган. У: “Албатта оламни бошқариб, уни назорат қилиб турувчи, буюк қудратли куч бор”

⁶⁰⁹ Нброҳим сураси 7-оят

⁶¹⁰ Анкабут сураси 61-оят

дер эди. Моддапарастлар эса ҳеч қандай куч оламни бошқармайды, олам моддадангина иборат дейишарди. Аммо инсон нафсида тавҳидга йўналтирувчи фитрат бўлади.

“...Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!)...”⁶¹¹

Даҳрийларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам насиба йўқ. Чунки улар фитратларига қарши чиқишиди, иродаларидан узилишиди, Аллоҳ ер юзида жорий қилган қонунини тан олишмади.

Замонамиз олимларидан бири айтади: “Совет Иттифоқи тарқалиб кетишидан икки йил олдин Вашингтондаги “Исломий фикр” институти устозларидан бири билан учрашдим. У бир нечта оятларни менга ўқиб берди:

“Биринчи марта унга имон келтирмаганларидек, қалблари ва кўзларини тескари қилиб қўямиз ва ўз тутғёнларида гангиб юрган ҳолларида уларни тарк этамиз”⁶¹².

“Шунда Аллоҳ уларнинг (макр билан қурган) биноларини пойдеворлари билан қўпориб ташлади. Бас, том ўзларининг устига қулади ва уларга ўзлари сезмаган (кутмаган) томондан азоб келди”⁶¹³.

“Бас, улар (шукрдан) юз ўтиргач, Биз улар устига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва сийрак бутазор “боғлар”га айлантириб қўйдик”⁶¹⁴.

“Биз (уларнинг) ҳар бирини ўз гуноҳи билан тутдик”⁶¹⁵.

“Бас, у (азоб) уларга ўзлари сезмаган ҳолларида тўсатдан келади”⁶¹⁶.

⁶¹¹ Рум сураси 30-оят

⁶¹² Аньом сураси 110-оят

⁶¹³ Наҳї сураси 26-оят.

⁶¹⁴ Сабаъ сураси 16-оят.

⁶¹⁵ Анкабут сураси 40-оят.

⁶¹⁶ Шуаро сураси 202-оят.

ИМОН НАЖОТ ЙҮЛИ

“Аллоҳ илм асрида тажалли этади” ва “Табобат имоннинг меҳроби” номли китобларда бир ҳақиқат ёзилган: “Фам ташвишлардан қутулишда бандага энг катта ёрдам берадиган нарса Аллоҳга имон келтириш ва ишларини Унга топширишдир”.

“Мен ўз ишимни Аллоҳга топшираман”⁶¹⁷.

“(Инсонга) бирон мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина (етур). Ким Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўгри йўлга ҳидоят қиласи. Аллоҳ ҳар нарсани билувчиидир”⁶¹⁸.

Мусибатлар Аллоҳнинг қазоси ва тақдири деб билган кишининг қалбини Унинг Ўзи рози бўлиш ва таслим бўлишга буриб қўяди. “...ҳамда уларнинг юкларини ва устиларидағи кишан (қийинчилик) ларини олиб ташлайди”⁶¹⁹.

Шеър:

Қачон етар бўлса Ҳақдан мусибат,
Бу ҳеч мусибатмас, раҳматдир, раҳмат.

Алексей Карел ва Дейл Карнеги сингари ғарблик кўзга кўринган ёзувчилар моддиятга шўнғиб кетган Ғарб дунёсини Аллоҳга имон келтириш қутқара олишини эътироф этган. Масалан, Ғарбда ўзини-ўзи ўлдириш кўпайганига энг катта сабаб деб Аллоҳдан юз ўгириш ва ширк келтиришни кўрсатган.

Аллоҳ таоло айтади: “...Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб кунини унугтиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир”⁶²⁰; “Ким Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўё осмондан қулаган ва уни қушлар (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки уни (қаттиқ) шамол йироқ жойга учириб кетган (жонсиз нарса) кабидир”⁶²¹.

⁶¹⁷ Ғоифир сураси 44-оят.

⁶¹⁸ Тагобун сураси 11-оят.

⁶¹⁹ Аъроф сураси 157-оят.

⁶²⁰ Сод сураси 26-оят.

⁶²¹ Ҳаж сураси 22-оят.

Қазмон Үхудда қаттиқ жанг қилди. Күрганлар “Унга жаннат муборак бўлсин!”, дейишиди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У дўзах аҳлидан”, дедилар. Сўнгра у яраланди. Оғриғи кучайди ва сабр қила олмай ўзига-ўзи қилич санчиб ўлди...

“Улар қилган саъй (ҳаракат)лари дунё ҳаётидандаёқ йўқ бўлиб кетган-у, ўзларини ишни чиройли қилаётган ҳисобладилар”⁶²².

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қуидаги ояти шу маънодадир. “Ким Менинг эслатмамдан юз ўтиrsa, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (баҳтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар”⁶²³.

Мусулмон киши қай даражага етса ҳам, Аллоҳнинг эслатмалиридан юз ўгирамайди. Таҳорат қилиб, хушуъ-хузуъ билан икки ракат намоз ўқиш ғамташвиш ва хафагарчиликни кетказишга кафил бўлади. Аллоҳ таоло айтади: “...Кеча (нинг боши ва охирги) вақтларида ҳамда кундуз (боши ва охирги) тарафларида ҳам тасбех айтинг (намоз ўқинг), шояд розиликка эришсангиз”⁶²⁴.

Қуръон одамлардан уларнинг залолатга кетиш сабабларини сўрайди: “Бас, нега улар имон келтирмайдилар?! ”⁶²⁵.

Аллоҳнинг бирлигига барча далиллар аниқ бўлиб турса нима учун имон келтирмайдилар? “То уларга унинг (Қуръоннинг) ҳақ экани аниқ маълум бўлгунича, албатта, Биз уларга атрофдаги ва ўз вужудларидағи аломатларимизни кўрсатажакмиз”⁶²⁶. Ҳали бир кун улар Мұхаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўғрисўз эканларини, Аллоҳ ҳақиқий ибодатга лойик Зот эканини биладилар.

⁶²² Каҳф сураси 104-оят.

⁶²³ Тоҳа сураси 124-оят.

⁶²⁴ Тоҳа сураси 130-оят.

⁶²⁵ Инишикок сураси 20-оят.

⁶²⁶ Фуссилат сураси 53-оят

“Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам тутқични ушлабди”⁶²⁷.

МЕТИН ИРОДА

Бир талаба ўқиш учун Лондонга борди. Тил ўрганишга осон деб бир ғайридин инглиз оиласида яшай бошлади. У йигит диндор бўлгани учун эрта тонгда туарар, совуқ сувда таҳорат қилар, жойнамозини солиб намоз ўқир эди. Уй эгаси кампир бу ҳолнинг ҳар кун такрорланишини кўрди. Орадан бир неча кун ўтиб, йигитдан бу ишининг сабабини сўради. Йигит унга: “Буни менга диним буюрган”, деди. Кампир йигитга: “Шу ишингни эрта тонгда эмас, уйқуга тўйиб олганингдан сўнг қилсанг бўлмайдими?” деди. Йигит унга: “Агар намозимни ўз вақтидан кечиктирсам Раббим мендан қабул қилмайди”, дея жавоб қилди. Шунда кампир бош чайқаб: “Темирни букувчи иродада-я!” деган экан.

“Кишилар бор, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни баркамол адо этишдан ва закот беришдан чалғита олади”⁶²⁸.

Бу имон иродаси, ишонч қуввати ва тавҳид кучидир. Бу ирода Мусо (алайхиссалом) ва Фиръавн ўртасидаги кураш чоғида Аллоҳ Фиръавн сеҳргарлари кўнглига соглан иродадир. “...Бас, қиласиган ҳукмингни қилавер! Сен фақат шу дунёдагина ҳукм қилурсан”⁶²⁹. Бу чексиз қаршилик бўлиб, ўша лаҳзада бу рисолатни адо қилиш, золим ва шафқатсиз бир худосизга кучли ва тўғрисўзларни айтиш уларнинг зиммасига юкланган эди.

Ҳабиб ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) Мусайла-манинг олдига кириб уни тавҳидга чақирдилар.

⁶²⁷ Лўкмон сураси 22-оят.

⁶²⁸ Нур сураси 37-оят.

⁶²⁹ Тоҳа сураси 72-оят.

Ёлғончи Мусайлама у зотни қилич билан бўлакларга бўлиб ташлади. Ҳабиб ибн Зайд жонлари таналаридан чиқадиган пайтда ҳам қичқирмадилар, титрамадилар, ҳатто инграмадилар.

“...Шахидлар учун (охиратда) мукофотлари ва (йўлларини ёритувчи) нурлари бўлур”⁶³⁰.

Хубайб ибн Адийни (розияллоҳу анҳу) дор остига олиб келганларида ушбу байтни айтган эди:

Шеър:

*Мусулмон ҳолимда берар бўлсам жон,
Бу чин саодатдир, шодлик бегумон.*

АЛЛОҲ БЕРГАН ФИТРАТ

Зулмат зиёда бўлса, момақалдироқ ўкирса ва шамол қаттиқ эсса, фитрат уйғонади.

“...Қаттиқ шамол ҳамда ҳар томондан тўлқин келганида, улар қуршовда қолганларини билиб: “Агар шундан бизни халос қилсанг, албатта, шукр қилувчилардан бўламиз!” деб ихлос билан Аллоҳга илтижо қиласидилар”⁶³¹.

Аммо бир фарқли томони – мусулмон киши қийинчилигу роҳатда ҳам, тўқчилигу йўқчилиқда ҳам Раббига дуо қиласиди.

“Бас, агар у (Аллоҳга доимо) тасбех айтувчилардан бўлмаганида, албатта, у (балиқ) қорнида, то (одамлар) қайта тириладиган кунларигача (қиёматгача) қолиб кетган бўлур эди”⁶³².

Кўплар бирон ҳожатлари бўлганидагина Аллоҳ таолога зорланиб дуо қиласиди. Ҳожати битгач эса Ундан юз буриб узоқлашади. Ҳолбуки, Аллоҳ ёш болалар билан ўйнагандай ўйин қилинадиган, гўдаклар алдангани каби алданадиган Зот эмас. “Дарҳақиқат, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни “алдаб қўювчи”⁶³³.

⁶³⁰ Ҳадид сураси 19-оят

⁶³¹ Юнус сураси 22-оят

⁶³² Соффат сураси 143 – 144-оятлар

⁶³³ Нисо сураси 142-оят

Фақат иши тушганида Аллоҳ таолога илтижо қилувчилар одамларни йўлдан адаштирган бадбахт Фиръавнинг издошлари дидир. Зоро, у ҳам чўкаётганидагина Аллоҳга дуо қилган. Лекин унда вақт ўтган эди. Унга жавоб тариқасида: “Эндими?! Ахир, сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузғунчилардан эдинг-ку!”⁶³⁴ дейилди.

РИЗҚИНГИЗ КЕЧИКИШИДАН ҒАМ ЧЕКМАНГ, АЛБАТТА У БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТДА КЕЛАДИР

Ризқини шошилтираётган, замонни тезлатишга уринаётган, истакларининг рёёби кечикишидан ғам чекаётган кимсалар намозда имомдан олдинга ўтиб кетиб бўлмаслигини билса ҳам ундан олдин рукуъ ва сажда қилаётган кишига ўхшайди. Ишлар ва ризқлар махлукотлар яратилишидан эллик минг йил олдин тақдир қилинган ва ўз ниҳоясига етган.

“Аллоҳнинг амри (қиёмат) келди. Бас, сизлар (эй мушриклар!) Уни қистамай қўя қолингиз!”⁶³⁵

“Агар Сизга бирон яхшилик (етказиш)ни истаса, Унинг фазлини қайтарувчи (куч) ҳам йўқдир”⁶³⁶.

ҲАЁТИНГИЗДАГИ БЕБАҲО ДАМЛАР

Шайх Али Тантовийнинг эсадаликларида у кишига қаттиқ таъсир қилиб, ҳаёт тарзларини ўзgartиришга сабаб бўлган воқеъалар бор:

1. У киши бир куни чўмилаётиб, чўкиб кетишига оз қолди. Хушидан кетди. Ўламан деб ўйлади. Шу ҳолда рухи кўтарилиб кетар экан, Раббига юзланди. Агар уни яна ҳаётга қайтарса, имонини мустаҳкамлаб, солих амалларга бел боғлашни истар эди. Шу тариқа унинг имони мукаммал даражага етди.

⁶³⁴ Юнус сураси 91-оят

⁶³⁵ Нажл сураси 1-оят.

⁶³⁶ Юнус сураси 107-оят

2. Шайх Тантовий бир карвонда Суриядан Каъбага йўл олди. Табук саҳросига етганида йўлдан адашиб, уч кун шу ерда қолиб кетишди. Егулик ва сувлари та-мом бўлиб, кўзларига ўлим кўрина бошлади. Шунда у киши ўрнидан туриб, ажойиб ва қайноқ тавҳидий бир видолашув нутқини сўзлади. Ўзи ҳам йиғлади, бошқаларни ҳам йиғлатди. Одамларда имонни жўш урдирди. Энди бу ерда Аллоҳ азза ва жалладан ўзга ёрдамчи ҳам, кутқарувчи ҳам йўқлигини англатди.

“Осмонлар ва Ердаги (барча) жонзот (ҳожатларини) Ундан сўрар. Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир”⁶³⁷.

Абу Бакрнинг (розияллоҳу анҳу) бармоқлари Аллоҳ йўлида жароҳатланди. Шунда у зот:

Шеър:

Лоларанг бўлган кичик бармоқ ўзинг,
Ҳақ йўлида асли ҳеч не қилмадинг.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чаёндан сақлаш учун гор тешигига қўлларини тиқдилар. Чаён у кишини бармоқларини чақди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у бармоқса Куръон ўқиган эдилар, Аллоҳнинг изни ила тузалди.

Бир киши Антарага: “Шижаотингиз сири нимада? Бир ўзингиз бир неча кишини мағлуб қила оласиз!” деди. Шунда Антара: “Бармоғингни оғзимга тиқ ва ўзинг ҳам менинг бармоғимни тишла!” деди. Улар бир-бирларининг бармоғини қаттиқ тишлишади. Шунда халиги киши оғриққа чидай олмай додлаб юборди. Антара у кишининг бармоғини чиқарди ва: “Баҳодирларни шундай енгаман”, деди. Яъни, сабр-бардош билан енгаман.

Мўмин кишини суюнтирадиган ишлардан бири меҳрибон Аллоҳнинг лутфи, раҳмати ва афви унга яқин эканидир. Киши ўз имони микдори қадар Аллоҳнинг ҳимоясини ҳис қиласди. Коинот,

хайвонот, қушлару судралувчилар, хуллас бутун борлиқ Рazzоқ, Яратувчи бир Рabb борлигини хис қиласылар. “...Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбех айтади. Лекин сизлар уларнинг тасбехларини англамайсизлар”⁶³⁸.

Шеър:

*Бори маҳлуқот учун ҳожатбарор,
Сенга ҳамд айтар мудом ҳар неки бор.
Зоти покинг ҳаққи, Сендан ўзгага
Лойиқ эрмас ҳамд ила тасбех бирор.*

Хайдалган ерга уруғ сочадиган кишилар “Эй осмонлару ернинг яратувчиси, Сенинг қуруқ ерингга қуруқ дон сочдик!” дейишади. Бу Яратувчи сифатли Аллоҳ тавҳидининг ўзига хос хусусияти ва инсонларнинг Унга юзланишидир.

“Сизлар экаётган зироатларингиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми?! Уни сизлар ундирурмисиз ёки Биз ундирувчимизми?!”⁶³⁹

Алломалардан бири минбарга чиқиб, чўнтағидан кўфий хатда гўзал ёзув ила табиий ҳолда “Аллоҳ” сўзи битилган хурмо баргини олди ва инсонларга қарата:

Шеър:

*Эй ҳалойиқ, бу вараққа сол назар,
Ким уни ранг бирла зийнат-ла безар?
Ким ривож берди уни ўстиргали,
Ким қшур бу ишини Аллоҳдан дигар!?*

Шунда одамлар йиғлашди.

У осмонлару ернинг яратувчиси бўлган Аллоҳдир! Унинг оят-аломатлари бутун борлиқда акс этиб, оламлар Раббининг бирлиги, айб-нуқсонлардан пок экани, улухиятию рубубиятини сўзлаб туради.

“Эй, Раббимиз! Бу (коинот)ни беҳуда яратмагансан”⁶⁴⁰.

⁶³⁸ Истро сураси 44-оят.

⁶³⁹ Вокса сураси 63 – 64-оятлар.

⁶⁴⁰ Оли Имрон сураси 191-оят.

Суур ва шодлик асосларидан яна бири меҳрибон, кечиримли, тавба қилувчининг тавбасини қабул этадиган Раббнинг борлигини ҳис қилишдир. Осмонлару ерда кенг бўлган Аллоҳнинг раҳмати ила шодланинг. Зоро, Аллоҳ жалла зикруҳу: “...(Аммо) раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир”⁶⁴¹, дея марҳамат қилган. Аллоҳ азза ва жалланинг лутфи нақадар буюк.

Саҳих ҳадисда келишича: «Бир куни бир аъробий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга намоз ўқиди. Ташаҳхудни бошлаганида: “Эй Аллоҳ, менга ва Мұхаммадға (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) раҳм қил, бошқаларга раҳм қилма”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бепоён (нарса)га түсқинлик қилдинг”, дедилар». Яъни, “Кенг нарсани зое қилдинг”. Чунки, Аллоҳ таолонинг раҳмати барча нарсадан кенгдир. “...У мўминларга меҳрибондир”⁶⁴². Ҳадисда: “Аллоҳ бандаларига мана бу (она)нинг фарзандига меҳрибонлигидан кўра ҳам меҳрибонроқдир”, дейилган.

Саҳих ҳадис: «Бир киши Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, ундан қочиши учун ўзини ёқиб юборди. Аллоҳ таоло уни қайта тирилтириб: “Эй бандам, бу ишингга сени нима мажбур этди?” деб сўради. У киши: “Эй Раббим, сендан қўрқдим, гуноҳларимдан хавфим бор”, деди. Бас, Аллоҳ уни жаннатга киргизди».

“Аммо, ким Парвардигорининг (хузурида) туриши (ва ҳисобот бериши)дан қўрққан ва нафси ни ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина (унга) макон бўлади”⁶⁴³.

Аллоҳни бир деб билгани ҳолда гуноҳ ишлар қилувчи кишини Аллоҳ ҳисоб-китоб қилса, унинг яхши амали йўқ экан. Аммо ҳаётида тижоратчи

⁶⁴¹ Аъроф сураси 156-оят

⁶⁴² Аҳзоб сураси. 43-оят

⁶⁴³ Нозиот сураси 40 – 41-оятлар

бўлиб, бир муҳтожнинг қарзини кечиб юборган экан. Аллоҳ “Карам (кечиш)га биз ҳақлироқмиз”, дебди ва (фаришталарга) “Унга (гуноҳларини) ўчирворинглар”, дея буюрибди ҳамда у бандасини жаннатга киргизибди.

“У жазо куни (қиёматда) менинг хатоларимни мағфират этишини умид қиласман”⁶⁴⁴.

“...Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманглар!”⁶⁴⁵

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар билан намоз ўқидилар. Сўнг бир киши ўрнидан туриб: “Мен ҳад уриладиган иш қилиб қўйдим. Уни амалга оширинглар!” деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Биз билан намоз ўқидингми?” деб сўрадилар. Ҳалиги киши “Ха”, деб жавоб қилди. У зот: “Кетавер, сенинг гуноҳинг кечирилди”, дедилар».

“Кимда-ким бирон ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини кўради”⁶⁴⁶.

Бу ўринда яширин бир лутф бор. Бу лутф бандани ўнгу сўлидан, олдию ортидан, устию остидан ўраб туради. Бу яширин лутф эгаси оламлар Парвардигори ягона Аллоҳdir. У Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғорда саломат сақлади. Гордаги “Асҳобул каҳф”га раҳм кўрсатди. Фор оғзини улкан тош беркитиб қўйганида уч кишини у ердан кутқарди. Иброҳимга (алайҳиссалом) оловдан, Мусоға (алайҳиссалом) чўкишдан, Нуҳга (алайҳиссалом) тўфондан, Юсуфга (алайҳиссалом) қудуқдан, Айюбга (алайҳиссалом) касалликдан нажот берди.

⁶⁴⁴ Шуаро сураси 82-оят.

⁶⁴⁵ Зумар сураси 53-оят.

⁶⁴⁶ Нисо сураси 110-оят

Умму Саламадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «*Мусулмонга бирон мусибат етган чоқда Аллоҳ буюрган* “Биз Аллоҳниkimiz ва унга қайтувчимиз”, “Аллоҳ, бу мусибатимда менга ажр бергин ва ўрнига ундан яхисини ўринбосар қил”, деса, Аллоҳ у бандага ундан яхисини беради», деганларини эшитдим дейдилар.

Шеър:

Офатлар бир нафас сенга ҳамроҳдир,
Лек Аллоҳ ҳолингдан мудом огоҳдир.
Бу ишга ўқинма, келгани кетар,
Сабр ила бандага оғият етар.
Мусибат кўпларнинг бошидан ўтди,
Унга сабр этганлар муродга етди.

Шеър:

Баъзан қамраб олар юрагимни ғам,
Дунё ўзи шундай – доим бири кам.
Қаро тун ортидан ёруғ тонг келур,
Шунинг-чун беҳуда ғам чекмам ҳечам.

ЧИРОЙЛИ АМАЛ САОДАТ ЙЎЛИДИР

Хотам Тоий девонининг бошида ажиб бир сўзнинг гувоҳи бўлдим. Хотам айтади: “Агар ёмонликни тарк этиш сизга етарли бўлса, бас, уни ташланг!”

Яъни, агар кишига ёмонликлардан сукут қилиш ва четланиш имкони бўлса, шу унга етади.

“...Бас, Сиз улардан юз ўтириңг”⁶⁴⁷.

Одамларга яхшиликни рано кўриш илоҳий тухфа ва Алим Зотнинг муборак совғасидир.

Иbn Аббос (розияллоҳу анҳу) Аллоҳнинг неъматлари ҳақида бундай дейдилар: “Агар осмондан ёмғир ёғса, Аллоҳга ҳамдлар айтаман. Ҳолбуки менинг на қўйим ва на туям бор. Бир адолатли қози

ҳақида эшитсам, унинг ҳаққига дуо қиласман. Аслида, менинг унга бирор ҳожатим йўқ. Аллоҳнинг оятларидан мен билғаниларимни бошқалар ҳам билишини хоҳлайманд.

Бу нарса кишиларга яхшилик исташ, улар орасида турли фазилатлар тарқатиш, қалбларининг саломатигини хоҳлаш ва одамларга энг яхши насиҳатлардир.

Шоир айтади:

Шеър:

*Булут қоплади ю бутун осмонни,
Асло нам қилмади бирон маконни.
Кўшнимга ёғмаса, менга татимас,
Тенг баҳам кўрайлик бори имконни.*

Бунинг маъноси шуки, ёмғирлар барчага баробар ёғмаса, фақат менга алоҳида ёғишини истамайман.

“(Улар) ўзлари баҳиллик қилиши билан бирга (бошқа) одамларни (ҳам) баҳилликка буюрадиган ва Аллоҳнинг йўз фазли билан берган (неъмат) ларини яширадиган (кимса)лардир”⁶⁴⁸.

Шеър:

*Олдимда туради хуштаъм бир емак,
Корин ҳам қулдирап – очликдан дарак.
Есам мени хасис дея эсларлар,
Уни ўзгаларга илинмоқ керак.*

ОГОХ БЎЛИНГ ВА ФИКРЛАНГ

Маърифатли бўлиш, илмий ва маданий салоҳиятнинг юксаклиги, кенг фикр, узоқни кўра билиш, ўткир фаҳм, масалаларнинг асл моҳиятини англай олиш, мақсадларини идрок қилиш ва барча нарсанинг ҳақиқатини тушуна билиш қалб хотиржамлиги сирларидандир.

“...Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгин на кўрқарлар...”⁶⁴⁹.

“Балки (улар Куръон) илмини эгалламай ва таъвили (тафсири) келмай туриб, (Куръонни) ёлғонга йўйгандирлар”⁶⁵⁰.

Олим кишилар (бидадиганлар)нинг қалби ва дунёқараши кенг бўлади, ўзи хотиржам, гояси ва тушунчалари соф бўлади.

Гарб мутафаккирларидан бири бундай деган эди: “Иш столим ғаладонида катта бир дафтар бор. Унда ҳаётим бўйи қилган аҳмоқликларим битилган. Улардан кутулиш учун ҳар бир хато ва тойилишларими ни барча майда-чуйдасигача ёзиб, ўша дафтарга ийққанман”.

Солиҳи салафлар ҳам ўзларини жуда нозик ҳисоб-китоб қилишарди, нафсларини қаттиқ тафтиш этиб туришарди.

“...Яна маломатчи нафс билан қасамёд эта-манки, (қиёмат куни қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинасиз)!”⁶⁵¹

Ҳасан Басрий айтадилар: “Мўмин киши бир одам шеригини ҳисоб-китоб қилганидан кўра ўзини қаттиқроқ ҳисоб-китоб қиласди”.

Робиъ ибн Хусайм бу жумадан кейинги жумага-ча сўзлаган сўзларини ёзиб бораарди. Агар уларда яхшилик топса Аллоҳга шукр қилас, айбу нуқсон топса истиғфօр айтар эди.

Салафлардан бири айтади: “Қирқ йилдан бери бир гуноҳимдан Аллоҳга тавба қиласман. Кечиргин деганимни зинҳор сусайтирмадим”.

“Ва берадиган нарсаларини, албатта, Парвар-дигорларига қайтувчи эканларидан диллари тит-раган ҳолда берадилар...”⁶⁵²

⁶⁴⁹ Фотир сураси 28-оят

⁶⁵⁰ Юнус сураси 39-оят.

⁶⁵¹ Қиёмат сураси 2-оят.

⁶⁵² Муъминун сураси 60-оят

ЎЗИНГИЗНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНГ

Ўзингизни ҳисоб-китоб қилиш учун бир эсдалик ён дафтарча тутинг. Унга ёмон одатларингизни ва уларни тузатиш учун қилаётган ҳаракатларингизни ёзиб боринг.

Умар (розияллоху анху) бундай дейдилар: “Ҳисоб-китоб қилинишингиздан олдин ўзингизни ҳисоб-китоб қилинг. (Амалларингиз) ўлчанишидан олдин ўзингиз ўлчанг. Улуғ ҳодисага зийнатланиб боринг”.

Бугунги ҳаётимиизда учта хато доим такрорладади:

1. Вақтни зое совуриш.
2. Фойдасиз сўзларни сўзлаш. Фойдасиз нарсаларни тарқ этиши киши исломининг гўзаллигидандир.
3. Майда-чуйда ғам-алам ва дардларга катта эътибор қаратиш. Ҳолбуки, саодат ва хотиржамликни хаёлпараст ва ҳамда васвасачиларнинг вахималари каби арзимас шу майда-чуйдалар деб битиради.

Шеър:

*Ассалому алайкум, кўхна вайрона,
Бир пайтлар турадинг ўқтам, мардона.
Сувратингга ҳавас билан боқсанлар,
Билмасди мутлақо – ичинг ғамхона.
Неъмат берилганлар яшарлар шодон,
Ғариб кулбада ҳам масрур, шоҳона.*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Аббосга (розияллоху анху) дунё ва охират саодатини жамлаган дуони ўргатган эдилар. У Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана бу сўзлари эди: “**Эй Аллоҳ, сендан афв ва оғият сўрайман**”.

Бу дуо барча яхшиликни жамловчи, ёмонликларни тўсувчи ва ҳаммасининг ўрнини босувчи дуодир. Унда дунёю охират яхшилиги бор.

“Бас, Аллоҳ уларга ҳам бу дунёниг савобини (ғалаба ва ўлжани), ҳам охиратниг чиройли савобини (мағфират ва жаннатни) берди”⁶⁵³.

“...Ким Менинг хидоятимга эргашса, йўлдан озмайди ва баҳтсиз бўлмайди”⁶⁵⁴.

ҲУШЁР БЎЛИНГ

Аллоҳга таваккал қилган ҳолда сабабларни ўринлатиш ва эҳтиёткор бўлиш ҳам банда садатга эришувининг сирлариданdir. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзи ғазотларда як-кама-якка жангга чиққанлар. У зот Аллоҳга таваккал қилувчиларниг энг улуғи, бошлиғи бўлсалар-да, устларида совутлари бор эди.

Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир киши: “Эй Расулulloҳ, у (туям)ни боғлайми ёки таваккал қиласми?” деб сўраганида, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Уни боғлаб, сўнг тавакkal қил*”, деб жавоб бердилар.

Сабабларни ушлаш ва Аллоҳ таолога таваккал қилиш тавҳид асосидир. Аллоҳ таолога таваккал қилиб сабабларни тарқ этиш шариатни, Аллоҳ таолога таваккални тарқ қилиб сабабларни ушлаш эса тавҳидни ҳақорат этишдир.

Бир киши оғилга эшакниг орқа томонидан кирган экан, ҳайвон уни майиб қилибди ва ҳалиги киши жон таслим қилган экан.

Мисрлик ёзувчи Тоҳа Ҳусайн ҳайдовисига: “Секинроқ юр, манзилимизга эртароқ етайлик”, дер экан.

Бу гап “Кўпинча шошқалоқлик кечикишга сабаб бўлади” деган ҳикматниг маъносидир.

Шеър:

*Баъзан секин-аста ишинг битади,
Шошилсанг бор имкон қўлдан кетади.*

⁶⁵³ Оли Имрон сураси 148-оят.
⁶⁵⁴ Тоҳа сураси 123-оят.

Эҳтиёткорлик қадарга қарама-қарши эмас, балки унинг мағзидир.

“...(Қолганлари эса): «Қанча (ухлаб) турганингизни Раббингиз билур. Энди бирортангизни шу пулингиз билан шаҳарга жўнатингиз, у энг покроқ таомларни қараб, сизларга ундан озуқа олиб келсин. У лутф билан эҳтиёткорона юрсин ва сизларни ҳеч кимга сездириб қўймасин”⁶⁵⁵.

“...Сизлар учун иссиқ (ва совук)дан асрайдиган кийимлар ва сизларни (турли) хавфдан сақлайдиган совутлар яратди”⁶⁵⁶.

ОДАМЛАРДАН ФОЙДА ОЛИНГ

Одамлардан фойда ола билиш, уларнинг меҳрумұхаббатига сазовор бўлиш ҳам баҳту саодат қалитлариданdir. Иброҳим (алайхиссалом): “Яна мен учун (менинг ҳақимда) кейингилар ўртасида яхши гаплар пайдо этгин!”⁶⁵⁷ деган эдилар. Муфассирлар оятдаги “лисана сидқин” лафзини “гўзал мақтоз” деб тафсир қилишган. Аллоҳ таоло Мусо (алайхиссалом) ҳақларида: “...(Эй Мусо! Барчага суюкли бўлишинг) ва Менинг кўз ўнгимда (химоямда) ўсишинг учун сенга йўз томонимдан мұхаббат (жозиба) ташладим”⁶⁵⁸, дейди. Баъзилар оят тафсирида: “Сени кўрган ҳар бир киши сени яхши кўради”, дейишган.

Саҳих ҳадисда: “Сизлар Аллоҳнинг ер юзидағи шоҳидларисиз”, дейилган. Халқнинг тили Ҳаққнинг қаламидири.

“Жаброил (алайхиссалом) осмон аҳлига “Аллоҳ фалончини яхши кўрди. Уни сизлар ҳам яхши кўринглар”, дея нидо қиласди. Ер аҳлида ҳам у мақбул қилинади”, дейилади саҳих ҳадисда.

⁶⁵⁵ Кахф сураси 19-оят.

⁶⁵⁶ Наҳл сураси 81-оят.

⁶⁵⁷ Шуаро сураси 84-оят.

⁶⁵⁸ Төха сураси 39-оят.

Кенг феъл бўлиш, юмшоқ сўз ва очиқ юз муҳаббатга сабаб бўлувчи асосий воситалардандир. Одамларнинг кўнглини сизга мойил қилишдаги энг кучли омил мулойимлик экани сабабли ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Мулойимлик қайси нарсада бўлса, уни фақатгина безайди. Қайси нарсадан у олинса, у нарса булғанади*”, деб марҳамат қилганлар.

Донишмандлар: “Ким мулойимлиқдан баҳрасиз бўлса, барча яхшиликдан баҳрасиз қолибди”, дейишади.

Бир ҳикматда: “Яхши гапга илон инидан чиқади”, дейилади.

Ғарбликлар: “Асалини егину, уясини бузма”, дейишади.

Саҳих ҳадисда бундай дейилади: “*Мўмин киши асаларига ўхшайди. Покиза нарса еб, покиза нарса қолдиради. Агар бир шохга қўнса, уни синдирмайди*”.

Доктор Оиз Қарний

ҚАЙДЛАР УЧУН

Доктор Оиз Қарний

ҚАЙДЛАР УЧУН

00 00

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
“Эй Аллоҳ!”	4
Бахтли бўлинг!	6
Фикр юритинг ва шукр қилинг.....	9
Ўтган иш ўтди	10
Ҳақиқий кун бугунингиздир.....	11
Вақти келмаган эртани қўйинг!.....	14
Таъна-танқидларни қандай қаршилайсиз?.....	15
Ҳеч кимдан раҳмат кутманг.....	17
Яхшилик қилиш билан қалбингизга сурур баҳш этинг	18
Бекорчиликдан қутулинг	20
Тақлидчи бўлманг.....	21
Қазо ва қадар	22
“Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”	23
Нордон лимондан ширин ичимлик тайёрланг.....	24
“Ёки ноилож одам дуо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиласиган зот (яхши)ми?!”	26
Уйингиз сиғдирсин.....	27
Эваз Аллоҳдандир	28
Имон ҳаёт демакдир.....	30
Асалини олинг, уясини бузманг.....	31
“Огоҳ бўлингиз, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур”	32
“Ёки (Улар) Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қилишадими?”	34
Хаётга ўз ҳолича боқинг.....	35

Мусибат аҳлидан ибратланинг	36
Намоздан ёрдам олинг.....	38
“...Бизга Аллоҳнинг Ўзи етади. У вакилликка ўта лойиқдир!”	39
“Айтинг: “Ерда сайр қилингиз!”	40
Чиройли сабр	41
Ер куррасини устингизга юклаб олманг	42
Арзимас нарсалар сизни синдириласин	43
Аллоҳ берганига рози бўлинг, одамларнинг бойи бўласиз.....	45
Ўзингизга кенглиги еру осмончалик бўлган жаннатни эслатинг.....	46
“Шунингдиек, сизларни (мусулмонларни) “Ўрта уммат” қилиб қўйдик”	48
Шариат ўкиниб юришга буюрмайди	50
Табассум қилинг	56
Биродарингизни очиқ юз билан қарши олсангиз-чи!..	58
Аlam неъмати	65
Билиш неъмати.....	67
Сурур фани	69
Хиссиётларни жиловлаш.....	74
Саҳобаларнинг баҳти.....	76
Ҳаёт экансиз, зерикишни унутинг!	79
Безовталанаверманг!.....	81
Ғам чекманг! Раббингиз гуноҳларни кечиргувчи ва тавбаларни қабул этгувчидир.....	85
Ўқинманг! Қазо ва қадар битилгани бўлади	88
Ўқинманг! Яхши кунларни кутиб яшанг!.....	90
Ўқинманг ва истиғфорни кўпайтиринг! Шубҳасиз, Раббингиз ўта мағфиратли ва кечиримли зотдир.....	93

Үқинма

Үқинманг! Аллоҳ доимо эсингизда, тилингизда бўлсин!	94
Ғамгин бўлманг ва Аллоҳнинг раҳматидан умидсизланманг	96
Ғамгин бўлманг! Сизга озор берган, ёмонлик қилганларни кечиринг	96
Қўлингиздан кетган нарсага ғам чекманг, чунки қўлингизда ҳали неъматлар кўп	97
Ғамгин бўлманг! Чунки бу дунё ғам чекишингизга арзийдиган ўринда эмас	98
Қайғурманг ва ғамни ташланг!.....	99
Кўрнамаклар ишига парво қилманг. Зеро сиз савоб умидида ҳаракат қилгансиз	100
Дашном ва маломатларга эътибор берманг	101
Қўлингиз калта эканидан ғам чекманг, чунки факирликда саломатлик бордир.....	102
Келажак учун ғам чекманг	103
Ҳасадчи ва ҳақсиз кимсаларнинг танқидларидан ранжиманг	103
Қайғурманг! Аллоҳ сиз учун ихтиёр қилган нарсани сиз ҳам ихтиёр қилинг!	107
Қайғурманг! Одамларнинг ишларини тафтиш қилманг!	108
Үқинманг! Сизни ўқинтираётган нарсаларнинг қийматини билинг!	109
Одамларга яхшилик қилинг!	110
Қулогингизга ёқимсиз сўз чалинса, хафа бўлманг... ..	113
Мусибатга сабр қилиш, машаққатни кўтариш нажот ва саодат йўлидир	115
Одамлар сизга қилган муомаласидан қайғурманг, уларнинг холик билан бирга бўлган муомаласига қаранг	116

Ризқингиз танглигидан қайғурманг	117
Мусибатларни енгиллаштирувчи омиллар.....	117
Қандай бўлсангиз шундай яшанг	118
Бало-офатларга ғам чекманг	120
Ғамгин бўлманг! Қуидаги қоидалар сизни саодатга элтади	121
Имконият бўлатуриб қайғуга не ҳожат?	123
Сизга азият, озорлар берган, сўкиб ҳақоратлаган, хорлаган ва зулм қилган бўлсалар ҳам, ўқинманг!	124
Ўқинманг, одамларга яхшилик қилинг-да, мақтовини охиратдан кутинг.....	124
Ўқинманг: бошингизга мусибат ва машаққатлар тушса, йўлингизга тўсиқлар тушса, сабр қилинг!	124
Ўқинманг! Чунки сизни севадиган, сиз билан меҳроқибат, бирдамлик иларини боғлаган ёр-дўстларингиз бор.....	125
Гарчи сиздан юз ўғирсалар ҳам, сизга қовоқ солиб, юзларини буриштириб қарасалар ҳам, баҳиллик қилсалар ҳам, ўқинманг!	125
Энг яхши суҳбатдош китобдир	127
Ўқинманг! Чунки сиз олқишига лойиқ ишлар қилиб қўйгансиз	129
Ўқинманг! Ҳали олдингизда раббингиз ҳузурида тўпланиш, қиёмат куни, абадий бўлган иккинчи ҳаёт бордир	131
Турли халқлар тажрибаларидан мисоллар	132
Ўзингизни кеча, бугун ва эртангиз хусусида тергаб туринг	133
Ўқинманг! Агар бирор ҳодиса кўнглингизни оғритса, ўзингизга савол беринг	133
Ғам-қайғу одамни кучсизлантиради.....	135
Насиҳатларни чиройли қабул қилинг	137

Ўқинма

Иккиланманг, шартта ишга киришинг, бекорчиликдан қочинг.....	138
Мўминсиз, ўқинманг!.....	143
Арзимас нарсаларга қайғурманг, дунёниг ўзи арзимас матоҳ.....	144
Очиқ душманликдан қўрқсангиз ҳам ўқинманг.....	145
Оlam шундай яратилган.....	147
Ёмонларнинг кўплигидан эмас, яхшиларнинг озлигидан ажабланинг.....	147
Сизга бир бўлак ноn, бир ҳовуч сув ва танангизни беркитиб турадиган битта кийим етади.....	147
Кийинчилик ва мусибатлар гоҳида неъмат ва мукофот бўлади	148
Сиз кимгадир ўхшамаганингиз учун ўқинманг. Сиз бошқоча яратилгансиз	149
Баъзи заарлар аслида фойдалидир	152
Имон энг катта даводир	154
Ўқинманг, ҳаёт сиз тасаввур қилгандан бошқача	154
Яшаш учун бирон нарсангиз бўлса, ҳеч ўқинманг!..	155
Борига қаноат қилиш ғамни кетказади	157
Бир аъзоингиздан айрилган бўлсангиз ҳам, бошқа аъзоларингиз саломат-ку.....	158
Кунлар ўткинчидир	160
Сизда Аллоҳнинг кенг ерларида сафар қилиш имконияти бор.....	161
Ҳаётингизнинг охирги дамларини кечираётган бўлсангиз ҳам ўқинманг!	163
Ўлим онлари устингизга тўсатдан келганида ҳам ўқинманг!	164
Ишларнинг оқибатини билмасдан туриб келиш эҳтимоли бўлган мусибатлар учун ғам чекманг.....	165

Үқинманг, чунки дунё ўқинишга арзимайды.....	168
Үқинманг, чунки сиз Аллохга имон келтиргансиз ...	168
Үқинманг! Сизга етган мاشаққатлар сизни олийлик-дан тұса олмайди	170
Исломни англаган экансиз, ўқинманг,.....	172
Үқинманг, вақти-соати келмасидан бурун асло ўлмайсиз.....	176
“Әй буюклик ва қарам соҳиби!” деб айтинг.....	178
Ҳасадсилардан чўчиманг	183
Одамларнинг гўзал хулқлиси бўлинг	184
Ғам чекманг, сизга уйқусизликдан қутулиш йўлини ўргатамиз	185
Гуноҳлар оқибати	185
Ризқ истанг, бироқ кўзи оч бўлманг	187
“Бизларни тўғри йўлга бошлагин” Ҳидоят сири	188
Покиза ҳаётни истаганлар қуидаги ўн чечакни ўзлари учун узиб олсинлар.....	190
Ўқинманг, бошингизга тушган иш билан муроса қилинг, унга кўникинг.....	194
Ўқинманг, сизни қайғуга солган нарса тез орада барҳам топар.....	199
Тушкунликка тушманг, чунки тушкунлик баҳтсизлик йўлидир	201
Тушкунлик тойилиш эшигидир.....	202
Истиғфор қулфлар қалитидир	209
Одамлар зарарингизга, фойдангизга эмас	211
Тежамкорлик.....	212
Аллоҳдан ўзгага боғланма!	214
Қалб хурсанд бўлиши сабаблари	214
Қазо битиб қўйилган	217

Ўқинма

Хуррият мазаси тотлидир	217
Суфён Саврийнинг ёстиғи тупроқ бўлган	218
Миш-миш тарқатувчи вахимачиларга ишонманг ...	218
Ҳақоратлар сизга асло зарап бермайди	219
Борликдаги гўзалликларни ўқинг	220
“Ахир, улар туяларга қараб, қандай яратилганига боқмайдиларми?!”.....	222
Ҳирс фойда бермайди	222
Мусибатлар гуноҳларга каффоратdir.....	223
Фақат Аллоҳга суюнинг.....	223
Саодатни яратувчилар	225
Мансаб кулфати	226
Намозга келинглар	227
Хайр-эҳсон қалб хурсандчилиги	229
Аччиқланманг	231
Тонгги зикрлар.....	233
Қуръон муборак китоб.....	235
Шуҳратпаст бўлманг, унинг ғам-ғусса ва аламдан иборат бадали бор	236
Гўзал ҳаёт	237
Бало сизнинг манфаатингизга	238
Итоат ва таслим	238
Амирлиқдан дурадгорликка.....	238
Қўпол кимсалар билан ҳамсуҳбат бўлиш ғам-алам ва омадсизлик сабаблариданdir	239
Мусибатзадаларга хушхабар.....	241
Тавхид манзаралари	243
Зоҳирингиз ва ботинингизга дикқат қилинг.....	248
“Айтинг: “Ишлангиз!”	251

Доктор Оиз Қарний

Аллоҳга илтижо	251
Аллоҳга таваккал қилиш	252
Ҳамма бирдай таъкидлаган уч нарса	252
Золимларни Аллоҳга топширинг.....	254
Кисро ва кампир	254
Нуқсонлар ортида яширилган комил сифатлар ҳам бор.....	255
Ўзгалар эътирофи	259
Имон нажот йўли	261
Метин ирода.....	263
Аллоҳ берган фитрат	264
Ризқингиз кечикишидан ғам чекманг, албатта у белги-ланган вақтда келадир	265
Ҳаётингиздаги бебаҳо дамлар	265
Чиройли амал саодат йўлидир.....	270
Огоҳ бўлинг ва фикрланг.....	271
Ўзингизни ҳисоб-китоб қилинг.....	273
Хушёр бўлинг	274
Одамлардан фойда олинг.....	275
Қайдлар учун.....	277
Қайдлар учун.....	278
Қайдлар учун.....	279
Мундарижа	280

9400e

ДОКТОР ОИЗ ҚАРНИЙ

ЎКИНМА

БИРИНЧИ КИТОБ

ТАРЖИМОНЛАР:

*АБДУЛҲОДИЙ ГИЁС
ФАРҲОД АБДУЛҲАЛИМ ЎГЛИ
ЗИЁВУДДИН АБДУЛҚАЙЮМ ЎГЛИ*

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

МУБАШШИР АҲМАД

МУҲАРРИРЛАР:

*НУРУЛЛОХ МУҲАММАД РАУФХОН
ГУЛОМИДДИН ОЗОД
БОБОМОУРОД ЭРАЛИЕВ*

САҲИФАЛОВЧИЛАР:

*САИДАКБАРХОН ЮНУСХОН ЎГЛИ
ФАЙЗУЛЛО АБДУАЗИМ ЎГЛИ*

Нашриётнинг гувоҳнома рақами AI № 224 2012 й. 16 ноябрь.

Босмахонага 2015 йил 6 январда берилди.

Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Шартли б.т. 9.0. Нашр т. 9.0.

Адади 8000 нусха. Буюртма № 62

Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz